

**ЎЗБЕКИСТОН
ГЕОГРАФИЯ
ЖАМИЯТИ
АХБОРОТИ**

37 - жилд

**КИЧИК БИЗНЕС ВА
КИЧИК ҲУДУДЛАР ГЕОГРАФИЯСИ**

Тошкент-2011

Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 37-жилд.
Илмий мақолалар тўплами. Тошкент, 2011 йил. 182-бет .

Республика География жамиятининг 37-жилди кичик бизнес ва кичик ҳудудлар географияси билан боғлиқ масалаларга бағишланган. Унинг асосий ғоялари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”, деб эълон қилганлиги ҳамда сўнгги йилларда география фанида йирик масшабли тадқиқотларнинг муҳим аҳамият касб этаётганлигидан келиб чиқади.

Тўплам мақолаларидан географ талабалар, илмий тадқиқотчи-изланувчилар, шунингдек, география фани муаммолари билан қизиқувчи барча мутахассислар фойдаланиши мумкин.

Бош муҳаррир: А.Солиев

Тахрир ҳайъати: Ш.А.Азимов, Ш.С.Зокиров, Т.М.Мирзалиев,
А.Н.Ниғматов, А.А.Қаюмов, П.Н.Ғуломов,
Ф.Х.Ҳикматов, А.Э.Эгамбердиев (масъул котиб)

Эслатма! Ахборотномада берилган мақолалар мазмуни ва рақамли маълумотлар учун бевосита муаллифнинг ўзи масъулдир.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИХАТЛАРИ

Солиев А.С.

Одатда, жамият тараққиёт даражаси маълум босқичга етгандан сўнг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш экстенсив ҳолатдан кўпроқ интенсив йўналишга ўтади, такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, авваллари эътибор қаратилмаган кичик омилларнинг аҳамияти ошади. Ҳатто, географик тадқиқотларда ҳам тобора йирик масштабда кичик ҳудудларни ўрганиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Бевосита иқтисодиётда эса кичик корхоналарнинг афзалликлари айниқса катта. Бундай турдаги корхоналар бозор муносабатларига ўтиш даврида ўзгарувчан талаб конъюктурасига ва инновацион ўзгаришларга тез мослашаолади, ишлаб чиқаришнинг технологик ва ташкилий жиҳатлари ҳам унча мураккаб эмас, улар катта инвестиция талаб қилмайди. Бинобарин, ривожланган мамлакатлар миллий иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етакчи ўринларда туради. Айнан шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбари И.А. Каримов ўзининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 – йиллигига бағишланган нутқида 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилди. Ушбу соҳанинг яқин истиқболда ривожланиши, унинг асосий йўналишлари тўғрисида Президент Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида алоҳида эътибор қаратилади.

Республика президентининг нутқларида 2010 йилнинг дастлабки яқунларига кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши мамлакат ялпи ички маҳсулотига 52,5 фоизни ташкил этганлиги қайд этилган¹. Шу ўринда

эслатиб ўтамиз: 2009 йилда бу кўрсаткич 50,1 %, 2008 йилда 48,2 %, 2000 йилда эса атиги 31,0 фоизга тенг бўлган. Демак, сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг (КБ ва ХТ) салмоғи йилига ўртача 2,0 – 2,5 фоиздан ориб борган. Бундай динамика, албатта, ижобий ҳисобланади.

КБ ва ХТнинг ривожланиши мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашнинг асосий омили ва устувор йўналишидир. Мазкур соҳани изчил ташкил этиш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, турли хил имтиёзлар бериш пировард натижада янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлиги, унинг даромади ва яшаш шароитини яхшилашга, ҳар қандай жамият барқарор ривожланиши учун зарур бўлган мулкдорлар синфининг ўрта қатламини шакллантиришга замин ҳозирлайди.

Мавжуд маълумотларга қараганда, биргина 2010 йилда КБ ва фермерлик соҳасида 600 мингдан зиёд ёки жами яратилган янги иш ўринларининг 65 фоизи ташкил этилган. Унда иқтисодий фаол аҳолининг 3/5 қисмига яқини банд; аҳоли барча даромадларининг 47 фоизи ҳам тадбиркорлик фаолияти ҳисобидан тўлдирилмоқда.

Республикаимиз раҳбари қайд қилганидек, мамлакатимиз халқи азалдан тадбиркорлик билан машғул бўлиб келган; бу ерда турли хил ҳунармандчилик, косибчилик, тижорат ишларини юритиш анъанавий тус олган, оилавий тадбиркорлик ҳам ривожланган. Ҳозирги кунда ҳам Самарқанд нони, Қўқон ва Қарши патирлари, Жиззах сомсаси, Қашқадарё ва Сурхондарё “тандири”, Ғиждувон таомлари, Бухоронинг заргарлик ва зардўзлик санъати, Марғилон ва Чуст дўпписи, Шахрисабз ва Чуст пичоқчилиги, Риштон ва Касби кулолчилиги кабилар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ўзбек халқининг меҳнаткашлиги унинг тадбиркорлигидан дарак беради. Мамлакатимизда ишчи кучи

¹ “Халқ сўзи” газетасининг 8 декабр 2010 йил ва 22 феврал 2011 йил сонлари.

кўп, хом ашё ресурслари бисёр, миллий менталитет ҳам мазкур соҳани ривожлантиришга ёрдам беради. Хуллас, айтиш мумкинки, юртимизда кичик бизнес ва унинг асосий тури ҳисобланган тадбиркорлик (турли меҳнат шакллари билан қўшимча даромад олиш мақсадида машғул бўлиш, шуғулланиш, иқтисодий фаолият юритиш) учун барча шарт-шароитлар қулай.

Шу билан бирга, КБ ва ХТ ни ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантиришнинг географик жиҳатлари ҳам бор. Улар қуйидаги омиллар таъсирида намоён бўлади:

- жойнинг географик ўрни, табиий шароити ва ресурслари;
- аҳоли ва меҳнат ресурслари;
- аҳолининг ёш-жинс ва миллий таркиби;
- аҳоли миграцияси;
- иқтисодиётнинг тармоқлар таркиби ва ихтисослашуви;
- инновация ва урбанизация, шаҳарлар, уларнинг катта-кичиклиги ва ҳ.к.

Маълумки, қулай иқтисодий географик ўринга эга бўлган, турли табиий-хўжалик ландшафтлар қиррасида ўрнашган жойлар, хусусан порт ва пойтахт шаҳарлар, темир йўл станциялари кабиларда янгиликлар тез қабул қилинади ва бу марказлардан атрофларга улар диффузион шаклда тарқалади, тадбиркорликнинг, айниқса хусусий секторнинг ривожланиши учун қулай шароитлар мавжуд бўлади.

Тадбиркорлик йўқ ёки оз нарсани бор қилиш, кўпайтириш, арзон, харидоргир ва рақобатбардош товар ва хизматларни яратиш асосида қўшимча фойда олиш ёки, бошқача қилиб айтганда, “икки карра икки тўрт эмас, беш” бўлишига эришиш мақсадида амалга оширилади. Бу, албатта, таваккалчилик ва ташкилотчилик, ташаббус ва тажриба, “тангилик”, удабуронлик ва хушмуомалаликни талаб қилади. Табиийки, улар бевосита инсонга тааллуқли бўлиб, бундай хусусият ва қобилият барчада ҳам мавжуд эмас. Қолаверса, кўпинча бирор нарса (ер, сув, хом ашё ва б.) етишмаган жойларнинг халқи камчиликларни қоплаш ниятида янги-янги соҳалар, ишлаб чиқариш шакллари ривожлантиришга интилади. Масалан, тоғ ҳудудларида обикор

деҳқончилик учун ер оз, чўлларда эса бунинг учун сув йўқ. Демак, бу жойларнинг халқлари бошқа соҳалар билан ҳам машғул бўлишга, мавжуд ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, тадбиркор бўлишга мажбурдирлар. Аҳоли сонига кўра ер майдони катта, табиий ресурсларга бой ҳудудларда серҳаражат, кўп исрофли ва чиқиндиси мўл иқтисодиёт экстенсив равишда ривожланади, бундай географик вазиятнинг аксида эса тежамкорлик ва тадбиркорлик муҳим аҳамият касб этади.

Ўз-ўзидан аёнки, тадбиркор, яъни қайси бир меҳнат шакли билан шуғулланувчи, энг аввало, инсон, аҳолидир. Шу боис, КБ ва ХТ да аҳоли ва ишчи кучи, аҳолининг демографик ва этник таркиби, анъаналари, меҳнат кўникма ва малакалари катта мазмунга эга. Маълумки, турли миллат вакилларида бетакрор ишбилармонлик, корчаллонлик қобилияти, иштиёқи мавжуд. Бу борада аҳоли миграцияси ҳам ўзига хос “катализатор” вазифасини бажаради. Сабаби, миграциянинг танлаб олиш, саралаш, яъни селективлик хусусияти бор, унда аҳолининг тадбиркорликка мойил, ақл ва идрокли, янгиликларга интилувчи, малакали қисми фаол қатнашади; ҳар қандай мигрант кўчиб келган жойида йўқ ёки суст ташкил этилган соҳаларни ривожлантиради, тарқатади, хўжалик таркибини турлантиради. Чунончи, юртимизда корейс, крим татарлари ва бошқа миллат вакиллари ўзлари билан бирга биз учун камёб ва ноёб соҳаларни “олиб келишган”, тадбиркорликни ривожлантиришган. Бундай ижтимоий-демографик ва этник омилар, айниқса хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда кўпроқ учрайди.

КБ ва ХТ нинг географик жиҳатлари, шунингдек, ҳудудлар хўжалигининг ихтисослашуви, тармоқлар таркибига ҳам боғлиқ. Чунки, саноат ишлаб чиқариши, деҳқончилик ва чорвачилик, савдо ҳамда маиший хизмат, сервис соҳаларида тадбиркорлик кўлами турлича. Саноатда, жумладан, кўпроқ кичик корхоналар ташкил этилса, қишлоқ хўжалиги ва

ижтимоий соҳаларда хусусий сектор етакчилик қилади.

Одатда, шаҳар жойларда инновация ва кичик бизнес учун инфратузилма ривожланган бўлади, уларнинг инвестиция муҳити ҳам анча қулай. Бироқ, турли хил йирикликдаги шаҳарларда бундай имкониятлар бир хил даражада эмас. Шу нуқтаи назардан кичик шаҳарларда, энг аввало, янги ташкил этилган агрошаҳарларда (уларнинг сони республикада 1000 га яқин) КБ ва ХТ ни ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Сабаби, кўпинча кичик шаҳарларда йирик корхоналарни қуриш шароитлари бирмунча чекланган, бинобарин, уларни ҳаракатга келтирувчи, фаоллаштирувчи асосий омил ҳам айнан шу соҳани жадаллаштириш ҳисобланади. Қолаверса, кичик шаҳарлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, уларнинг “катта муаммоларини” изчил ҳал этиш атрофдаги қишлоқ жойлар учун ҳам муҳимдир. Шу жиҳатдан кичик бизнес ва хусусий секторнинг ҳудудий ташкил этилиши ва ривожланишида урбанизация ҳам асосий омиллар сирасига киради.

Бевосита кичик корхоналар саноатда кўпроқ, уларнинг ҳиссасига жами кичик бизнес маҳсулотининг тахминан 2/3 қисми тўғри келади. Айни пайтда қишлоқ хўжалигида бу соҳада яратилган маҳсулотнинг 100%, пуллик хизматларнинг 93,2 %, чакана савдо ҳажмининг 76,4 %, қурилишнинг 68,5 %, автомобилларда юк ташишнинг 86,0 ва йўловчи ташишнинг 97,6 фоизи хусусий сектор зиммасига тушади. Шу билан бирга, ташқи иқтисодий алоқаларда кичик корхоналар фаолроқ: жами КБ ва ХТ экспортининг 94,7 ва импортининг 82,3 фоизини бевосита кичик корхоналар таъминлайди. Кичик корхоналар КБ ва ХТ субъектларининг тахминан 10-15 фоизини ташкил қилади. Умуман, бу соҳаларнинг ялпи улуши эса юк ташишда 73,4, йўловчи ташишда 84,7, экспортда 14,6 ва импортда 42,5 фоизга тенг (2009 й.). Шу ўринда қайд этиш жоизки, импорт кўрсаткичларининг юқорилиги келажакда ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ва экспортнинг ошиб боришига шароит яратади.

Республикада КБ ва ХТ ривожланишида ҳудудий тафовутлар яққол кўзга ташланади. Масалан, ҳар минг киши аҳолига нисбатан ҳисоблаганда, кичик бизнес субъектларининг сони Қорақалпоғистон Республикаси ва Наманган вилоятида 11,3 киши, Андижон ва Тошкент вилоятларида 13,6, Фарғонада 14,0, Навоий вилояти ва Тошкент шаҳрида 15,1 киши ва ҳ.к. Энг юқори кўрсаткичлар Бухоро (17,5), Сирдарё (21,2) ва Қашқадарё (29,2 киши) вилоятларида кузатилади.

Келтирилган жадвал маълумотларига кўра, 2009 йилда КБ ва ХТ нинг республика ялпи ички маҳсулотидagi улуши ўртача 50,1 фоизга тенг бўлган ҳолда, бу кўрсаткич Сирдарёда 75,5, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида ҳам 70,0 фоиздан юқорироқ. Аммо, кўрилатган миқдор Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, Андижон ва, айниқса, Навоий вилоятларида анча паст.

Ҳудудий фарқлар саноат ишлаб чиқаришида янада кучлироқ намоён бўлади: республика бўйича ўртача 16,9 %, Тошкент шаҳри, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида бундан 2 марта зиёд; Наманган, Самарқанд, Хоразм вилоятларида ҳам кичик бизнеснинг салмоғи каттароқ. Аммо, у Фарғона, Андижон ва Навоий вилоятларида сезиларли даражада оз, масалан, Навоийда бор-йўғи 2,7 %. Кўриниб турибдики, бундай географик хусусиятлар минтақалар саноатининг тармоқлар таркибига, ишлаб чиқаришнинг мужассамлашув даражасига ҳам боғлиқ. Қизиғи шундаки, аксарият ҳолларда умумий саноат салоҳияти заифроқ ҳудудларда таҳлил этилаётган кўрсаткич нисбатан юқори. Демак, кўпроқ қишлоқ хўжалиги ва унинг маҳсулотларини қайта ишловчи саноат тармоқларида, агроиндустриал мажмуа шаклланган минтақалар иқтисодиётида КБ ва ХТ муҳимроқ мавқега эга. Бевосита агроиқтисодиёт тизимида эса ҳудудий тафовутлар йўқ даражада, чунки барча вилоятларда фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил этилган. Айни вақтда қурилишда мамлакат бўйича КБ ва ХТ нинг ҳиссаси ўртача 41,6 %; энг паст кўрсаткич Тошкент шаҳрида (40,3 %), энг юқорилари эса Жиззах (89,1 %) ҳамда

Жадвал

Ўзбекистон Республикаси минтақалар иқтисодиётида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ўрни
(2009 й., жамига нисбатан фоизда)

Худудлар	ЯИМ	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Қурилиш	Чакана савдо	Пуллик хизмат	Экспорт	Импорт	Иқтисодиётда банд бўлган аҳоли
Ўзбекистон Республикаси	50.1	16.9	97.9	41.6	46.5	48.7	14.6	42.5	74.2
Қорақалпоғистон Республикаси	59.3	18.0	95.6	65.9	43.2	49.6	8.4	79.3	70.4
<i>вилоятлар:</i>									
Андижон	51.2	7.7	99.4	92.4	47.3	61.0	4.2	4.7	76.0
Бухоро	61.4	14.5	98.2	46.4	38.2	68.9	6.5	40.4	76.3
Жиззах	74.4	37.4	99.9	89.1	49.7	48.0	28.7	74.6	77.7
Навобий	31.2	2.7	95.4	50.2	53.7	59.5	6.5	3.5	56.1
Наманган	72.4	29.4	98.9	77.8	46.3	60.0	58.5	46.7	77.3
Самарқанд	71.2	29.8	97.6	76.9	58.0	67.9	66.7	53.1	82.5
Сирдарё	75.5	31.4	98.9	79.4	56.7	59.6	2.1	69.4	79.1
Сурхондарё	70.0	16.7	99.2	74.3	36.6	61.6	1.5	19.1	74.2
Тошкент	51.8	16.2	94.0	62.1	41.4	55.7	21.0	51.0	74.0
Фарғона	55.6	8.8	99.5	74.2	46.1	64.4	20.4	27.0	78.1
Хоразм	68.2	26.4	99.3	72.5	47.3	66.9	7.0	34.2	77.4
Қашқадарё	55.3	24.0	99.8	61.2	39.9	79.4	15.1	41.0	73.7
Тошкент шаҳри	46.7	34.6	-	40.3	49.3	30.2	19.6	50.8	57.1

Жадвал ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Андижон (92,4 %) вилоятларида қайд этилади.

Ўзбекистон Республикаси бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг инвестициядаги ҳиссаси 23,7 % бўлиб, у ҳам минтақалар доирасида бир хил эмас. Масалан, Бухорода бу кўрсаткич 7,2 %, Тошкент вилояти ва Қорақалпоғистонда 17,5 фоиздан кўпроқ (2009 й.).

Ижтимоий соҳаларда “географийлик” коэффицент кўпроқ пуллик хизматлар ҳажмида кўзга ташланади. Чунончи, бу борадаги кўрсаткич Тошкент шаҳрида 30,2, Қашқадарё вилоятида эса 79,4 % ёки ҳудудий фарқ 2,6 баробарга тенг.

Минтақалар экспортида энг паст кичик бизнеснинг салмоғи Сирдарё вилоятида – атиги 2,1 %; Андижон, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларида ҳам у ўртача даражадан 2,0-2,5 марта пастроқ. Фақат Наманган ва Самарқанд вилоятларида кичик тадбиркорликнинг ташқи иқтисодий алоқалардаги иштироки фаолроқ.

Кўрилатган 2009 йилда республика импортининг 42,5 фоизи КБ га тўғри келган ҳолда, у хусусан Қорақалпоғистонда юқори бўлган – 79,3 %. Шунингдек, Сирдарё ва

Жиззах вилоятларида ҳам бу кўрсаткич анча юқори. Бироқ, Андижонда у 4,7 %, Навоий вилоятида 3,5 фоизга тенг, холос (жадвалга қаранг).

Таҳлиллар кўрсатишича, КБ ва ХТ ҳозирги кунда умумий иқтисодиёт салоҳияти нисбатан паст, хўжалиги асосан агросаноат йўналишига ихтисослашган ҳудудларда кўпроқ ташкил этилган. Айни чоғда республикамиз миллий иқтисодиётида салмоқли ўринларни эгаллаган минтақаларда, аксинча, уларнинг улуши камроқ. Бу, ўз навбатида, мазкур ҳудудларда оғир саноат ҳамда стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқларнинг ривожланганлиги ва уларда кичик бизнес соҳасини ташкил этишдаги хусусиятлари билан ҳам боғлиқ. Бинобарин, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишда, унинг ҳудудий тузилмасини такомиллаштиришда қулай бизнес ва тадбиркорлик муҳитини шакллантиришнинг географик жиҳатларига ҳам эътибор қаратмоқ илмий ва амалий аҳамиятга эга.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются географические аспекты развития малого бизнеса и частного предпринимательства, на основе имеющихся статистических данных анализируются некоторые региональные показатели этой сферы экономики.

Тавсия этувчи:

доцент Азимов Ш.А.

КИЧИК ХУДУДЛАР ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯСИНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Зокиров Ш.С., Ибраимова Р.А.

Яқин йилларгача географик адабиётларда “кичик ҳудудлар табиий географияси” (шунингдек, “иқтисодий географияси” ҳам) атамаси ва тушунчаси қўлланилмаганди. Фанимизнинг мавжуд тасниф схемаларида ҳам табиий географиянинг шундай қисмлари ажратилиши мумкинлиги қайд этилмаганди.

Кўпчилик табиий географлар одатда, табиий географиянинг икки йирик

қисминигина, яъни умумий табиий география билан регионал табиий география мавжудлигини эътироф этиб келишганди. Бу ҳолда умумий табиий географиянинг тадқиқот объекти деб Ернинг географик қобиғи, регионал табиий географиянинг объекти деб эса, турли таксономик қийматга эга бўлган табиий географик комплекслар деб тан олинганди.

Табиий географиянинг объекти ва унинг асосий хусусиятларидан бўлмиш

унинг бир бутунлиги ва бир вақтнинг ўзида табақаланганлигидан келиб чиққан ҳолда фаннинг умумий ва регионал қисмларга бўлиниши ҳақидаги тасаввурлар, асосан Л.С. Берг, С.В.Калесник, А.Г.Исаченколарнинг ғоялари асосида шаклланди. Масалан, А.Г.Исаченко бир вақтлар: “географик қобикни бир бутун ҳолда ўрганиш умумий ер билимининг (яъни умумий табиий географиянинг), географик қобикнинг структуравий қисмлари (яъни табиий географик комплекслари) бўйича ўрганиш эса ландшафтшуносликнинг вазифасига киради” – деб ёзганди (1965, 7 б.). бу ҳолда “ландшафт” атамасини “табиий географик комплекс” атамасининг синоними деб, ландшафтшуносликни эса регионал табиий географиянинг ўзгинаси деб қабул қилишга тўғри келарди. Ушбу муаллиф шу китобининг кейинги саҳифасида, яна: “шундай қилиб, ландшафтшуносликнинг предмети бўлиб, табиий географик комплексларни – уларнинг тузилишини, ривожланишини ва жойлашишини ўрганиш ҳисобланади. Бошқачароқ қилиб айтганда, ландшафтшунослик табиий географиянинг географик қобикнинг ҳудудий табақаланишини ўрганиш билан шуғулланадиган қисмидир” – деб таъкидлаб қўйганди ҳам (8 б.). Ушбу жумлалар мазмунидан кўриниб турибдики, регионал табиий географиянинг илмий асосларидан ҳисобланган табиий географик районлаштириш ҳам ландшафтшуносликка қўшиб юборилган. Қолаверса, табиий географик район ҳам, ландшафт ҳам, иккови бир нарсанинг, яъни маълум бир таксономик қийматдаги табиий географик комплекснинг ўзи бўлиб қолмоқда. Бир объектни икки хил ном билан, фаннинг икки қисмини бир ном билан айтилиши ўқувчида тушунмовчилик уйғотади. Бундай ҳолатдан чиқиб кетиш учун ландшафт ва ландшафтшунослик ҳақидаги бошқа бир тушунчани қабул қилиш мантиқан тўғрироқ кўринади.

Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб шакллана бошлаган бу тушунчага (Н.А.Солнцев 1948, 1949) кўра, ландшафт деганда, аввалгидек, ҳар қандай табиий географик комплексни эмас, балки маълум бир таксономик қийматга эга

бўлганинигина тушуниш лозим бўлади. Бунинг натижасида ландшафтшуносликнинг изланиш доираси бироз чекланиб қоладиган бўлди. Бинобарин, ландшафтшунослик фақат ландшафт бирлиги ва унинг морфологик қисмларинигина ўрганиладиган фан сифатида қарала бошланди (масалан, “Ландшафтоведение” тўплами, 1963).

Шу орада, табиий географияда яна бир тушунча, яъни географик тизим тушунчаси (В.Б.Сочава, 1963) юзага келди ва у асосида географик тизимлар ҳақидаги таълимот (В.Б.Сочава, 1978) шаклланди. Унга кўра, барча табиий географик комплекслар, Ернинг географик қобигидан тортиб, то фацияга қадар, географик тизимлар деб қарала бошланди.

Географик тизимлар концепциясига амал қилинган ҳолда уларнинг кўламларини ҳам белгилаб олиш масаласи юзага келди. Ҳозирча географик тизимларнинг учта: планетар, регионал ва топологик кўламлари мавжудлиги эътироф этиб келинмоқда (В.Б.Сочава, 1974; Я.Демек, 1977; А.А.Крауклис, 1979; В.А.Николаев, 1979; А.Г.Исаченко, 1991). Географик тизимларнинг бундай кўламлари бир-биридан нафақат ўлчамлари, балки барча табиий географик хусусиятлари билан ҳам фарқланади. Шу сабабли ҳам В.Б.Сочава (1974) географик тизимлар ҳақидаги таълимотни учта мустақил қисмга, яъни планетар, регионал ҳамда топологик геотизимларни ўрганиладиган қисмларга бўлишни тавсия этганди. Қолаверса, бу қисмлар қамраб оладиган масалалар, шундоқ ҳам умумий табиий география, регионал табиий география ва топологияларнинг ўрганиш доирасида эди.

В.Б.Сочаванинг табиий географиянинг қисмлари масаласига бу тарзда ёндашувида мантиқий асос бор эди. Чунки, географик тизимларнинг юқорида тилга олинган кўламлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бирини иккинчиси ёки учинчиси билан алмаштириб бўлмайди. Уларнинг ҳар бири фақат ўзига хос қонуниятлар билан тавсифланади. Уларни тадқиқ қилишда ҳам турлича методлардан фойдаланишга, турлича қоидаларга амал қилишга, турлича

ёндашишга тўғри келади. Қолаверса, уларда кечадиган табиий географик жараёнларнинг кучи ва кўламлари ҳам, аҳамияти ҳам турлича бўлади. Шунингдек, географик тизимларнинг шаклланиши ва ривожланишининг асосида ётган модда ва энергия алмашилиш жараёни ҳам бу уч кўламда уч хил кечади.

Шу сабабли ҳам биз, юқорида айтилган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олиб, табиий географиянинг объекти ва предметиға хос бўлган хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фанимизни уч қисмга: умумий табиий география ёки умумий ер билими, регионал табиий география ёки катта ҳудудлар табиий географияси ҳамда ландшафтшунослик ёки кичик ҳудудлар табиий географияси кабиларга бўлиниши мумкинлигини айтиб ўтгандик (Ш.С.Зокиров, 1999, 27-30 б.). Шу тариқа кичик ҳудудлар табиий географияси жумласи географик адабиётга кириб қолди.

“Кичик ҳудудлар” атамаси кейинчалик, иқтисодий географларимиз томонидан ҳам қўллана бошланди. Жумладан, таникли иқтисодий географ Т.Маллабоев (2005) кичик ҳудудларни умумгеографик жиҳатдан тадқиқ этиш ва ўрганиш масаласини кўтариб чиқди. Ушбу муаллиф фикрича, бундай тадқиқотлар вилоятлар, туманлар, шаҳар ва қишлоқлар ҳамда маҳаллалар доирасида олиб борилиши лозим. Иқтисодий географик жиҳатдан, баъзи муҳим статистик маълумотлар тўплаш нуқтаи назаридан қараганда бу тўғридир. Аммо, биз “кичик ҳудудлар табиий географияси” жумласидан фойдаланганда ландшафт ва унинг морфологик қисмлари бўлмиш урочише ва фацияларни ўрганишни кўзда тутгандик. Бу ҳолда асосий тадқиқот объекти бўлиб катта ҳудудлардагига нисбатан кичикроқ ва оддийроқ структурага эга бўлган табиий географик комплекслар ҳисобланади.

Кичик ҳудудлар табиий географияси тадқиқ қилиши лозим бўлган бирликлар табиий географик районлаштириш бирликларидан фарқли ўлароқ, харитага тушириш ва таснифлаш бирликлари ҳисобланади. Уларни таснифлаш жараёнида ландшафтлар ёки урочишеларнинг бир-биридан фарқлайдиган

белгиларига эмас, балки ўхшашлик белгилари ва хусусиятларига кўпроқ эътибор қаратилади. Таснифлаш зарурияти, одатда ўрганилаётган объект ниҳоятда кўп бўлган ҳолларда туғилади. Шу сабабли махсус адабиётда ахён-ахёнда учраб қоладиган “барча табиий географик комплекслар (масалан, район, округ, провинция ва ҳ.к.)ни ҳам таснифлаш мумкин” деган фикрдан йироқмиз.

Кичик ҳудудларни, яъни ландшафт ва унинг структуравий қисмларини тадқиқ қилиш ва баъзи муҳим қонуниятларини аниқлаш бевосита далада изланишлар олиб бориш натижасида тўпланадиган маълумотлар таҳлилига асосланади.

Кичик ҳудудлар табиий географиясини ўрганишда яна бир, ниҳоятда муҳим шартни унутмаслик лозим. У ҳам бўлса ҳар бир муайян ландшафтнинг Ер ландшафт қобиғининг ажралмас бир қисми эканлигидир. Бундай ҳолат, ўз-ўзидан табиий географиянинг юқорида санаб ўтилган учала қисми ҳам ўзаро боғлиқ ва алоқадор, улар ўртасидан ўтказиладиган чегара эса шартли деган хулосага олиб келади. Демокчимизки, кичик ҳудудларни табиий географик тадқиқ қилиш орқали катта (район, округ, провинция каби) ҳудудларнинг ҳам ички тузилиши ҳақида батафсилроқ тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин бўлади. Катта ҳудудларнинг табиий ресурсларидан тўғри ва илмий асосланган ҳолда фойдаланиш масалаларини ҳал этишда ҳамда табиатини муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқишда кичик ҳудудлар табиий географияси берадиган маълумотлар катта аҳамиятга эга бўлади.

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, Орол денгизи ўрнида ҳсил бўлган қуруқликни табиий географик тадқиқ қилиш округ доирасида олиб бориладиган регионал кўламдаги тадқиқотларга киради деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу табиий географик округ ён-атрофидаги Устюрт, Қуйи Сирдарё, Қизилқум, Қуйи Амударё каби табиий географик округлардан барча табиий географик жиҳатлари бўйича фарқ қилади. Унинг ички тузилиши, айрим қисмлари ўртасидаги ўзаро тафовутлари бу ердаги

табiiй географик районларни аниқлаш ва таққослаш орқали, кейингиларнинг тузилиши ва асосий хусусиятларини аниқлаш эса кичик ҳудудларни, яъни ландшафтларини тадқиқ қилиш орқали эришилади. Бунда биз ҳар бир муайян ландшафтни кўп компонентли ва кўп омиллар иштирокида шаклланаётган динамик геотизим деб ҳисоблаймиз. Унинг ички тузилиши, вертикал ва горизонтал, тўғри ва тескари алоқадорликлари, бир вақтлар, таниқли табiiй географ В.С.Преображенский (1966) тасаввур қилган моно- ва политизимли чизма моделларда яхши акс эттирилган.

Биз ландшафт деганда, маълум бир таксономик қийматга эга бўлган, яъни табiiй географик райондан кичик бўлган, шу билан бир вақтда урочише каби морфологик бирликдан катта бўлган геотизимни тушунамиз. Бу ердаги шундай геотизимлар учун Орол табiiй географик округи шаклланиш ва ривожланиш муҳити ҳисобланади. Қуйида, ушбу мақоламиз ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, Орол табiiй географик округи таркибидаги Қизилқумёни табiiй географик районининг ландшафт тузилиши ҳақида қисқача сўз юритмоқчи эдик.

Аслида бу ҳудуд кўпгина тадқиқотчиларни кизиқтирган. Жумладан, Муравин 1741 йилда денгизинг шарқий қирғоқларини биринчи бўлиб харитага олган. 1848-1849 йилларга келиб, А.И.Бутаков ва К.Е.Поспелов ҳам Орол денгизи қирғоқларини ўрганиб, харитасини тузганлар. Уни Муравиннинг тадқиқотлари билан солиштириб, юз йилдан ортиқ вақт давомида денгиз қирғоқ чизиғи қисқарган деган хулосага келишган. Муравиннинг тадқиқотида кўлтиқ бўлган жой, юз йилдан кейин қуриб, кичик шўр кўлга айланган. Орол денгизи сатҳининг тебранишини Л.С.Берг иқлимий шароитнинг ўзгаришидан кўради ва кўпгина иқлимий маълумотларни таҳлил қилиш асосида денгиз юзаси тебраниш характериға эга эканлигини исботлайди.

Қизилқумёни райони структурасининг ҳосил бўлишида 4 та ландшафт иштирок этади. Бу ерда, яъни Л.С.Берг томонидан алоҳида ажратилган орол типидеги бухтали

қирғоқлар туриға мансуб бўлган Оқпетки архипелаги ҳудудида, черкез, жузғун, қора саксовул ўсган қумли чўл тупроқли ва қумли қия текисликлар ландшафти ажратилди. Ушбу ландшафтларнинг келиб чиқиши бир бутундир, яъни Оролнинг бу қисми илгари континентал шароитда эол рельефлик ҳудуднинг сув босиши натижасида ҳосил бўлганлигидир. Бу сув босиш жараёни денгиз сув сатҳининг кўтарилиши натижасими? ёки шу ҳудудга оид тектоник чўкиш оқибатида рўй берганми? каби саволлар ҳануз жавобини топмаган. Аммо, кейинги 400-500 йил давомида континентал шароитда шаклланиб келган ушбу ҳудуднинг сув остида қолиши ва ўзига хос манзара касб этганлиги, кейинчалик денгиз суви қуриши натижасида ўзига хос ландшафтлар шаклланишиға олиб келган.

Олдинги Оқпетки архипелаги геоморфологик ва гидрокимёвий шароитининг хилма-хиллиги билан ҳам районнинг бошқа ҳудудларидан ажралиб туради. Бу ҳудудда рельеф нотекис бўлиб, уни 3 гуруҳға бўлиш мумкин: 1) охириги денгиз пасайишида қуруқликка айланган олдинги ороллар ўрнидаги эол рельеф шакллари; 2) олдинги қирғоқ рельеф шакллари; 3) қуриган денгиз туби рельеф шакллари.

Олдинги ороллар ўрнидаги эол рельеф шаклларида эол ботиклари мураккаблаштирган грядалар сақланган бўлиб, уларнинг баландлиги 10-15 м. Грядалар ёнбағрларида қадимги ва янги денгиз террасалари излари яхши кўзга ташланади (мутлақ баландлиги 57-58 ва 55 м).

Олдинги қирғоқ рельеф шакллариға 60 – йиллардаги янги денгиз террасаси киради (53 м). Қиялиги кам бўлган қумли террасада қора саксовул ўсган кичик эол шакллари пайдо бўлган.

Қуриган денгиз туби рельеф шакллари эол жараёнлариға берилувчан, яхши сараланган, шўрланмаган қумлардан тузилган. Бу ердаларда баландлиги 5-6 м келадиган бархан занжирлари шаклланган.

Қизилқумёни табiiй географик райони структурасини ҳосил қиладиган ландшафтлар бошқа район ландшафтларидан ҳосил бўлиш ёши, вақти ҳамда

ички структураси жиҳатидан ажралиб туради. Бу ерда ҳосил бўлган ландшафтларнинг барчаси қадимги денгиз текисликлар тоифасига тааллуқли бўлиб, улар шаклланиб улгургандир. Шу каби бир қанча ўзига хос белгилар бу ландшафтларни бир районга бирлаштиришга имкон беради.

“Кичик ҳудудлар”, яъни ландшафтларни ва уларнинг морфологик қисмларини

таҳлил қилиш орқали ҳудуднинг аниқ ривожланиш тарихини аниқлаш осонлашади, келажакда ривожланиш йўналишлари прогнози бериледи, маҳаллий табиий ресурслардан мақсадга мувофиқ равишда тўла фойдаланиш илмий асосланади.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена некоторым теоретическим вопросам физической географии малых территорий на примере ландшафтов Прикизилкумского физико-географического района Арала.

Тавсия этувчи:

доцент Ғуломов П.Н.

КИЧИК ҲУДУДЛАРНИ ОҚИЛОНА ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ГЕОГРАФИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Назаров И.Қ., Мирзаева И.Э.

Мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётининг ҳамма жабҳаларида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ислохотлар энг аввало инсонга, унинг яшаши, меҳнат қилиши ва ҳар томонлама камол топишига қаратилган. Шундай экан, инсоннинг кундалик ҳаёти билан чамбарчас боғланган географик муҳит ва ландшафтлар доимо мусаффо, хушманзара ва мазмунли, ўсиб бораётган ижтимоий талабларга жавоб бера оладиган, инсон руҳига мадад, дилига қувонч, яшашга, меҳнат қилишга, она юртни севишга ундайдиган ҳамда миллийликни ифода этиб турадиган маскан бўлмоғи лозим. Ўзбекистон Ўрта Осиё давлатлари орасида суғорма деҳқончилик ривожланган мамлакат сифатида ажралиб туради. Суғориладиган ерлар мамлакатнинг “олтин захираси” ҳисобланади. “Ери бойнинг – эли бой” деган ҳикматга “Ери гўзал юртнинг эли гўзал” деган ибора илова қилинса ўринли бўлади.

Суғориладиган ерлар чўл зонасида воҳалар ёки антропоген ландшафтлар, аниқроғи маданий ландшафтлар деб тилга олинади. Шу боис чўл зонасида жойлашган ҳудудларни икки қисмга ажратиш ўринли. Биринчиси, **чўл-воҳалар**, яъни суғори-

ладиган ерлар. Иккинчиси эса, **чўл-яйловлардир**. Чўл-воҳаларда жойлашган ерлар инсонлар томонидан тўлиғича бошқарилади. Ундаги ерлар текисланади, шудгор қилинади, маданий экинлар экилади, озиклантирилади, суғорилади, шўрлиги ювилади. Бир сўз билан айтганда, инсон назорати ва бошқарувида бўлади. Ниҳоят чўл-яйлов ерларига нисбатан 100 мартагача юқори даромад олинади. Чўл-яйлов ландшафтларидан ҳам фойдаланилади, лекин улар инсон томонидан тўлиғича бошқарилмайди.

Кейинги йилларда чўл ландшафтларидан турли мақсадларда фойдаланиш жадаллашмоқда. Айниқса, хусусий мулкчилик асосида фермерлик тизими тобора такомиллашмоқда. Қайд қилиш жоизки, келгусида антропоген юкнинг табиатга таъсир кучи жойларда тобора ортиб боради. Шу боис, география фанида антропоген ландшафтшунослик йўналиши ривожланмоғи лозим. Таниқли олим Ф.Н. Мильков антропоген ландшафтшунослик табиий ва иқтисодий география қиррасидаги йўналиш эканлигини ва антропоген ландшафтлар яқин келажакда Ер юзи ландшафтлари орасида етакчи ўрин тутишини эътроф қилади (Мильков, 1973,

14 б.). Ландшафтшунос Я.Демек маданий ландшафт ер юзасининг бир қисми бўлиб, у аралаш (гибрид-табиий ва ижтимоий-иктисодий) суперсистемадан иборат эканлигини асослайди (Жекулин, 1989, 176 б.).

Қайд қилиш жоизки, антропоген ландшафтлар қайси зонада яратилган бўлса, улар айнан шу зонага хос сифатларга эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда инсонларнинг хўжалик фаолияти зонал хусусиятлари билан фарқланади. Таниқли иқтисодий географ Ю.Г. Саушкин 1946 йилдаёқ маданий ландшафтларни ўрганиш учун географиянинг алоҳида тармоғи бўлиши керак деган фикрни билдирган эди (Зокиров, 1998, 8 б.).

Бу ўринда антропоген ландшафтларнинг илмий-назарий асослари, аниқроғи маданий ландшафтлар назариясини яратиш зарурати давр талабидир. Бу ҳақда таниқли геокимёгар олим А.И. Перельман 1987 йилдаёқ табиий ландшафтларни янги – маданий ландшафтларга айлантириш назариясини яратиш учун махсус фан зарур, деб ёзган эди (89 бет). А.Г.Исаченко “ландшафт-шуносликнинг пировард мақсади – маданий ландшафтлар лойиҳасининг илмий асосларини ишлаб чиқишдир” деб қайд қилади (1991, 319 б.). У, ўз навбатида, маданий ландшафт яратишнинг бир неча ўзига хос тамойилларини тавсия қилади. Бизлар ҳам узоқ йиллар давомида олиб борилган кузатишлар ва изланишлар ҳамда қатор олимлар фикрларига таянган ҳолда чўл зонасида маданий ландшафтларни яратишда қуйидаги асосий тамойилларга амал қилишни лозим деб биламиз:

1. Яратилган маданий ландшафтлар, қайси соҳага (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, савдо, тиббиёт, маданият) тегишли бўлмасин, улар иқтисодий жиҳатдан тежамли, фойдали бўлиши лозим;

2. Маданий ландшафтлар инсон саломатлиги ва ўсимлик, ҳайвонот дунёси учун қулай, соғлом муҳитга эга бўлмоғи лозим;

3. Яратилган ландшафтлар эстетик жиҳатдан юксак дид, мазмунга ва сифатга эга бўлмоғи лозим. Бу ўринда ландшафтлар дизайни диққат марказида бўлмоғи даркор;

4. Яратилган ландшафтлар айни жой табиати қонуниятларига мос ва ўзига хос бўлмоғи лозим. Бошқача қилиб айтганда, табиат ва жамият уйғунлиги таъминланиши, академик В.Б. Сочава (1978) тили билан айтганда инсоннинг табиат билан ижодий ҳамкорлиги таъминланмоғи лозим. Таниқли эколог Р.Риклефс (1979) “агар биз табиат билан қайсидир даражада муроасага эришмоқчи бўлсак, бунда кўп ҳолларда унинг шартини қабул қилишга тўғри келади”, деган эди.

5. Миллийлик тамойили. Яратиладиган маданий ландшафтлар айни жойда яшайдиган халқ ва миллатнинг маданият-маънавияти, яъни айни миллатнинг менталитетини акс эттириб турмоғи лозим. Масалан, Бухорода яратилган маданий ландшафтлардан Ибн Сино, Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд сиймолари ҳамда тарихий-меъморий обидалар, урф-одатлар билан оғлиқ қадриятлар (балх тути, жийда, ўрик, чини гужум ўстириш ёки мовий гумбазли бинолар қуриш ўз аксини топмоғи керак.

6. Мақсадли яратилган антропоген ландшафтлар (истироҳат боғлари, маданият марказлари, мактаб, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юрти, касалхона қабилар) ташқи қиёфаси, мазмун-моҳиятига кўра кўзда тутилган мақсадларни ифода этадиган даражада такшил қилинмоғи лозим.

7. Яратилаётган маданий ландшафтлар ҳудудида мавжуд бўлган биологик хилма-хиллик, табиий ёдгорликлар, археологик-тарихий обидалар, зиёратгоҳ жойлар сақланиб қолинмоғи лозим.

8. Замонавийлик тамойили. Маълумки, табиат, ижтимоий ҳаёт, инсон тафаккури доимо ҳаракатда, ривожланишда. Бу ўринда замон билан ҳамқадамлик зарур. Инсоният қўлга киритган ютуқлардан баҳраманд бўлиш, улар билан уйғун ҳолда иш тутиш лозим бўлади. Янгилаиб бориш диалектик қонун талабидир.

Юқорида қайд қилинган географик тамойиллар асосида ташкил қилинган маданий ландшафтлар мукамал илмий географик асосга эга бўлади ва ижтимоий ҳаёт учун самарали натижалар беради.

Адабиётлар:

1. Жекулин В.С. Введение в географию. – Ленинград: Издательство ЛГУ, 1989. -272 стр.
2. Зокиров Ш.С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик. –Тошкент: “Университет”, 1998. - 68 бет.
3. Исаченко А.Г. Ландшафтоведение и физико-географическое районирование. – Москва: «Высшая школа», 1991. -366 стр.
4. Мильков Ф.Н. Человек и ландшафты. –Москва: Издательство ЛГУ, 1989. 272 стр.
5. Перельман А.И. Изучая геохимию (О методологии науки). –Москва: «Наука», 1987. – 152 стр.

РЕЗЮМЕ

В статье, применительно к пустынной зоне Узбекистана, предлагается некоторые географические принципы превращения естественных ландшафтов в культурные.

Тавсия этувчи:

доцент Зокиров Ш.С.

ОСОБЕННОСТИ ЗАСОЛЕНИЯ ПОЧВ ПУСТЫННЫХ ЛАНДШАФТОВ ЮГО-ЗАПАДА КЫЗЫЛКУМА

Сабитова Н.И., Рузикулова О.Ш.

1. Введение. Исследуемая территория расположена на Юго-западе Кызылкума в нижней части р.Заравшан и представлен ландшафтами на пустынных песчаных почвах и солончаках, на серо-бурых и такырных почвах с характерными для них растительными группировками сочетающимися с ландшафтами на культурно-поливных почвах оазисов. Культурные ландшафты дельтовых равнин с орошаемыми луговыми аллювиальными почвами типичны для Бухарской и Каракульской дельт р.Заравшан.

Для оазисов Юго-запада Кызылкума характерны активные процессы соле-накопления, обусловленные климатом, недостатком влаги и бессточностью. Процесс геохимического движения и накопления солей –важнейшая особенность почвообразования в пустыне Кызылкум. Образование засоленных почв и минерализованных грунтовых вод на исследуемой территории результат современных и древних процессов, которые развёртываются на фоне сложных геохимических циклов миграции легкорастворимых солей. Эти циклы охватывают горные сооружения (Заравшан, Туркестан, Нурата и др.) и окаймляемые ими низменности и дельту р.Заравшан. В течении миллионов лет поддерживается геохимический поток соляных растворов из горных областей в

нижерасположенные районы. Данный процесс связан с механической и химической денудацией, стока наземных и подземных вод с постоянным их концентрированием под влиянием господства испарения.

В настоящее время, процесс солепроявления в почвах ландшафтов дельты р.Заравшан резко отличается от бывших ранее природных, первично засоленных почв, и связано это прежде всего с развитием орошения земель. Строительство оросительных каналов, коллекторно-дренажных сетей и других объектов мелиорации способствовало техническому преобразованию и нарушению естественной взаимосвязи компонентов ландшафтов оазисов. Орошаемые культурно-поливные почвы оазисов с установившимся солевым балансом, под влиянием хозяйственной деятельности человека, потеряли способность, к саморегулированию приобретённую в процессе эволюции. Это вызвало ряд неблагоприятных процессов в орошаемых ландшафтах дельты р.Заравшан, таких как уплотнение почв, накопление легкорастворимых солей, гипса и карбонатов, подъём уровня минерализованных грунтовых вод, вторичное засоление и др. (Н.И.Сабитова,

А.У.Ахмедов, Г.Т.Парпиев, О.Ш. Рузикулова, 2004).

Полученные новые материалы за последние годы, в результате изучения закономерностей варьирования солевых показателей почв, интенсивности и направленности процесса засоления и рассоления, позволили более глубоко понять процессы формирования и географии распространения засоленных почв в оазисах дельты р.Заравшан. Результаты исследований легли в основу рекомендации по регулированию неблагоприятных процессов и явлений, связанных с вторичным засолением почв.

2. Материалы и методы. Для оценки засоления орошаемых почв пустынных ландшафтов Юго-запада Кызылкума использованы методы «ключевых площадок», почвенно-гидрогеологический, почвенно-геохимический, лабораторно-аналитический, дешифрирование аэрофотоснимков и картографический. Во

всех опорных разрезах велись описания морфологического строения почвенного профиля, экспертно-визуальные наблюдения за техническим состоянием инженерно-мелиоративных систем.

Для изучения процесса миграции и аккумуляции солей, и выявления их пространственного распространения, проводились натурные исследования методом “солевой съемки” в масштабе 1:10000 с учётом рельефа местности, давности орошения, мелиоративного состояния и типа сельскохозяйственного использования земель. Определён количественное содержание и качественный (химический) состав солей, степень и тип засоления в поверхностных и грунтовых водах, а также образцах почвогрунтов. Вычислены запасы воднорастворимых и токсичных солей по генетическим горизонтам почв по слоям 0-1 м., 1-2 м. и 0-2 м.




Рис 1. Карта пластики рельефа нижней части реки Заравшан

Для выявления пространственного солепроявления использован новый картографический метод – пластика рельефа (Метод пластики рельефа, Степанов, 2006) основанный на анализе топографических карт, и материалов дистанционных съёмок (рис.1).

Как видно из рисунка карта высокоинформативна, за счёт показа выпуклостей и вогнутостей рельефа, а значит автономных и подчинённых ландшафтов.

Выпуклые элементы рельефа – русловые образования дельты; вогнутые элементы рельефа межпластовые понижения. Мелиоративные условия в понижениях будет иметь иной характер процесса солепроявления. Понижения естественные накопители соли.

Карта пластики рельефа явилось базовой основой, с выделенными выпуклыми и вогнутыми формами, а также с общим изображением потоковых

структур, для установления закономерностей проявлений дифференциации солепроявления в пространстве.

Результаты и обсуждение. Процессы современного соленакопления в почвах, в условиях экстрояридного климата определяется динамикой изменения уровня и химического состава грунтовых вод. На культурно-поливных почвах нижней части дельты р.Заравшан грунтовые воды за последние 20 лет поднялись на 1,0-1,5 м.

В настоящее время грунтовые воды близко залегают к дневной поверхности. Минерализация подземных вод –3,0-3,5 г/л.

Химизм засоления грунтовых вод в преобладающем большинстве случаев хлоридно-сульфатный и сульфатный, магниевно-натриевый, магниевно-кальциевый и кальциевно-магниевый. В качественном составе солей преобладают сульфаты натрия (Na_2SO_4) и магния (MgSO_4), довольно высокая доля сульфата кальция (CaSO_4), меньше бикарбоната кальция [$\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$]. Из хлористых солей основное место принадлежит хлористому магнию (MgCl_2). Высокая общая щелочность (HCO_3) водных вытяжек составляющая 8-12 мг-экв на 100 г. почвы, вызывает при определенных благоприятных условиях свойства солонцеватости, т.е. связываясь с ионами натрия могут образовывать соду (Na_2CO_3 , NaHCO_3) или токсичную соль $\text{Mg}(\text{HCO}_3)_2$, вызывая при этом солонцеватость почвы. Высокое содержание поглощенного магния, составляющее до 59-67% от суммы (мг-экв.) поглощенных катионов, приводит к слитизации и ухудшению водно-физических свойств почв.

Выявлены некоторые закономерности солевого состава грунтовых вод в зависимости от степени минерализации. Содержание хлора, натрия и магния растёт параллельно росту минерализации (плотного остатка). Начиная с самых низких концентраций солей в грунтовых водах и вплоть до предельно высоких, кривое накопления Na возрастает в прямой зависимости от Cl. Отсюда следует, что накопление Na и Cl протекает в основном в форме NaCl.

Приток солей с оросительными водами- одна из главных причин засоления почв ландшафтов низовьев р.Заравшан при орошении. Выявлено, что минерализация оросительной воды внутриводоемных оросительных систем колеблется от 0,87 до 1,25 г/л. С каждым кубометром поливной воды в почву поступает от 0,78 до 1,25 кг солей, из них 0,11-0,18 кг хлора и 0,38–0,63 кг сульфатов. По химическому составу солей оросительные воды в основном хлоридно-сульфатные, редко сульфатные, в катионной части - магниевно-натриевые, кальциевно-натриевые.

Коллекторно-дренажные воды минерализованы в средней и сильной степени с содержанием солей по плотному остатку 1,830-5,810 г/л, в том числе хлора 0,23-0,47 и сульфатов-0,68-3,53 г/л. Тип минерализации хлоридно-сульфатный и сульфатно-хлоридный.

Для выявления пространственных закономерностей солепроявления в почвах ландшафтов в нижней части р.Заравшан составлена почвенно-мелиоративная карта на основе тщательного анализа рельефа (методом вторых производных изолиний топографических карт) исследуемой территории.

Карта позволяет установить различия водно-солевого режима почв на конусах выноса и межконусных депрессиях; выявить наиболее неблагоприятные в мелиоративном отношении состояния почв в контактных депрессиях; показать соседние геохимические активные участки, которые могут влиять на массив и, наоборот на какие территории и через какие потоки может оказать воздействие данный массив при его орошении.

Известно, пятнистое засоление наносит значительный вред сельскому хозяйству, вызывая пестроту посевов и выпадения культурных растений, ухудшая качество и количество снимаемого урожая до 30-40%, местами и больше. Для предупреждения и борьбы с этим типом вторичного засоления, полагаем, наиболее эффективно при проведении мелиоративных работ (строительство коллекторно-дренажной сети), учёт форм рельефа. Коллекторно-дренажную сеть

целесообразно проводить по понижениям форм рельефа.

Выводы. Засоление почв ландшафтов дельты р. Заравшан хлоридно-сульфатное и сульфатно-хлоридное. Огромное количество солей в верхнем метровом (до 350-460 т/га), особенно в корнеобитаемом слое (170-210 т/га) почвы вызывает необходимость ежегодных избыточных затрат воды на промывку и промывной режим орошения. Они нуждаются в усиленных рассолительно-мелиоративных мероприятиях. Нужно проводить качественную промывку почв с большими, местами грузными нормами (до 12-15 тыс.

м³ и более). Достичь этого можно на основе хорошо работающего глубокого дренажа.

Гипсированные, очень сильно-засоленные почвы (солончаки) с запасами легкорастворимых солей более 300 т/га с высокой минерализацией грунтовых вод требуют коренных сложных мелиораций и относятся к категории трудно-мелиорируемых. Использование таких почв под посевы хлопчатника не реально, поэтому целесообразно сократить их площади и переориентировать под возделывание зерновых, кормовых, овощных культур, многолетних трав, сады и виноградники.

Литература:

1. Метод пластики рельефа в тематическом картографировании //Сб. научных трудов. Пущино, 1987.
2. Сабитова Н.И., Ахмедов А.У., Парпиев Г.Т., Рузикулова О.Ш. Геометрическая особенность морфологического строения и водно-солевой режим средней и нижней части долины р. Зарафшан // Новые технологии повышения плодородия почв. ГосНИИПА. -Ташкент, 2004, стр. 85-88.
3. Степанов И.Н. Теория пластики рельефа и новые тематические карты. -М.: Наука, 2006. 230 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада рельеф пластикаси методини қўллаш орқали Зарафшон дарёси қўйи оқимидаги чўл ландшафтлари тупроқларининг шўрланганлик ҳолати тасвирланган.

Рекомендует:

доцент Закиров Ш.С.

ТЎҚАЙ ЛАНДШАФТЛАРИ

Зайнутдинов А., Бобожонов Ф.

Ер шарида ландшафт комплекслари горизонтал ва баландлик зоналарига бўлинади. Ландшафт комплексларининг бундай бўлиниш қонуниятига интрозонал комплекслар бўйсинмайди. Унинг ҳосил бўлишидаги асосий омил дарё ва сойлардаги доимий ва вақтинча оқар сувлардир. Тоғ жинсларининг сувни ўтказувчанлик хусусияти маълум масофага сувни сизилиб тарқалишига сабаб бўлади. Сувнинг йил давомидаги миқдори атрофидаги ер ости сувларининг тоғ-жинслари орасидаги сатҳини белгилаб бериши билан бирга, турли ландшафт комплексларини ҳосил қилади. Тоғ жинслари орасига сизиган ер ости сувларининг юзаси дарёдан то унинг тарқалган жойигача барча ландшафт

компонетларини келиб чиқишини, табиий шароитини, унда бўладиган ички ва ташқи жараёнларини белгилаб беради. Бу ўзаро таъсир натижасида ҳосил бўлган ландшафтларнинг интразонал кўринишни Ўрта Осиёда (Марказий Осиёда) тўқай ландшафтлари дейилади. Тошкент атрофи районида тўқай ландшафтларининг келиб чиқиши қуйдагиларга боғлиқ:

1. Сирдарё, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари, уларнинг ирмоқлари сув режимига.

2. Неотектоник ҳаракатлар ҳосил қилган рельеф шакллари ва уларнинг қиялигига.

3. Ҳудуднинг табиий географик шароитига.

4. Тўқай ландшафтларига таъсир килувчи қонун ва қонуниятларига, ҳамда дарё суви билан боғлиқ жараёнларга.

Тўқай ландшафтларини ҳозирги кўринишига қараб 4 та бир-биридан фаркланувчи ҳудудларга ажратса бўлади. 1) Тоғ. 2. Адир. 3. Текислик. 4 Антропоген омил таъсирида ҳосил бўлган тўқайлар.

Тоғ тўқай ландшафтлари 26 млн йил ичида қадимий герцин тоғ ҳосил бўлиш босқичида бурмаланган, мезозой эраси ва палеоген даврида денудация натижасида парчаланиб текис ҳолга келган. Устини Тетис денгизи босган ва неотектоник ҳаракатлар натижасида блок ҳолда (горст кўринишида) ёшариб кўтарилган. Палеозой даврининг бу ётқиқиқларини литологик таркиби, кўтарилиш тезлигига қараб тез ва тик кўтарилган ёнбағирларни сув эрозияси 260-300 метргача кучли парчалаган, секин кўтарилган қадимги пенеплен кўринишини сақлаган ҳолда дара (каньон) кўринишида 200-800 метргача тик тушган блокни (горстни) турли чеккасида ҳар хил кўринишдаги водийлар ҳосил бўлади. Сув палеозой тоғ жинсларини емириб водий ичидаги тор ўзанни ҳосил қилади. Ўзан атрофидаги тўқай ландшафтлари тектоник ҳаракат кучига, литологик таркибига, сувнинг ҳажми, тезлиги ва қиялигига, водийнинг табиий шароити хусусиятига боғлиқ ҳолда тўлиқ ювилган, баъзан дарё ёқасида узок масофага чўзилган ҳолда сув атрофини эгалагайди. Тоғлардаги тўқай ландшафти компонентларини (айниқса тоғ жинслари, тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонат дунёси) хилма-хиллигида баландликка қараб иқлимнинг ўзгариши, сувдан узок яқинлигига боғлиқ бўлишидан ташқари ҳар бир водийнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тартибига боғлиқдир. Бунда тўртламчи даврдаги муз босишлари водийнинг юқори қисмида ўзан атрофига кучли таъсир қилган. Шунинг учун водийларда тўқай ландшафти дарё ёқасида кенг тарқалгандир. Тўқай ландшафти тагидаги (тоғли қисмида) тоғ жинслар харсангтош, тош, шағал, кум ва гиллардан иборат бўлса, водий бўйлаб унинг таркиби тез-тез ўзгаради.

Тоғ водийси ўрта қисмида катта-катта харсанг тошлар бироз камаяди, адир

ландшафти ҳудудида харсангтошлар учрамайди.

Адирлар тоғ олдидаги ва тоғ ичидаги тектоник ботикда жойлашган. Адир рельефи бу ботикда 250 дан 1800 метргача бўлган мутлоқ баландликни эгаллайди. Адирларда сувнинг эрозион иши яққол кўриниб туради. Уларни тоғдан бошланадиган доимий оқар дарёлар ва ёзда қуриб қоладиган сойлар кесиб ўтади. Адирлар тектоник чўкмада бўлгани учун тоғ этагидаги регионал ёриқлар тоғдан ажратиб туради. Адирлар тоғ олдида Сирдарёга қараб нишабдир. Адир минтақасидаги тўқай ландшафти иккига бўлинади: 1. Баланд адир орасидаги тўқайлар. 2. Чўкма ичидаги тўқайлар.

Баланд адир ичидаги тўқай ландшафти тоғ олдида ва ботиклар ичида бўлгани учун тоғ билан бирга кўтарилгандир. Тоғдан оқиб келаётган дарёлар ва ёзда сув камаядиган сойлар адирни чуқур каньон (дара) кўринишида ўйган бўлиб, тўқай ландшафти шу ўйилган водийда шаклланган. Дарё ўзани нишаби анча катта, оқим тезлиги сувни ҳажмига қараб анча кучли чуқурлатиш ва ёнлама эрозия ривожланган. Адирлардаги тўқай ландшафти аниқ кўринган қайир ва юқори қайирда, баъзи ерларда эса сув ўртасидаги ороларда намоеён бўлган. Юқори адирлардаги баъзи сойларда сел натижасида тўқай ландшафти 0,5-3 км кенгликда тош-шағал қоплами билан қопланган (масалан, Паркентсойда, Паркентдан юқорида). Юқори адирлардаги сойларда шаклланган тўқайлар асосан бута ва ўт ўсимликлари билан қопланган бўлиб, тўқайга хос буталардан тол, терак, юлғун, баъзи ерларда тоғолча, зирк, ёнғоқ, жийда, облепиха, қайин учрайди.

Водийнинг тик ёнбағирли жойларида делювиал ва коллювил ётқиқиқлар тўқайгача етиб келади. Новалисойнинг юқори қисмида бир неча ўн км, да водийни коллювиал ётқиқиқлар билан тўлиқ қоплаган, натижада ўзан ҳам қайир ҳам кўринмайди.

Пастки қайирларда тупроқлар қавати тўлиқ ювилган ҳолда бўлади. Юқори қайирда уни бир неча йиллар сув босмаганлиги учун 2 см дан 1-2 метргача

чанг заррачалардан ҳоли бўлган кумоқ тоғ жинси устида тупроқ ҳосил бўлиш жараёни кетиб, аллювиал - эол ўтлоқ тупроқлари ҳосил бўлади. Бу тупроқларнинг ҳосил бўлишида калин ўт ва бута-дарахт ўсимликлари иштирок этади. Тоғли ҳудуд тўқайларида дарахтлардан ёнғоқ, олма, буталардан тол, терак, тоғолча, итбурун, камхастак, зирк, учқат, наъматак учрайди, баъзи жойларда қиёқ ва қамиш ўсади. Ўт ўсимликларидан ажрик, агротис, томирдори, мия, сачратқи, қирқбўғин, шувоқ ва бошқалар тавсифли. Ҳар бир сойдаги ўсимликларнинг ўзига хос келиб чиқиш тарихи бор.

Баъзи сойларда, жумладан, Оқсоқотасой ва Оқсарсойда 1600-2000 м мутлоқ баландликларда иқлимий шароитга мос ҳолда (бу ҳудудда Европадагига ўхшаш иқлимий шароит мавжуд) қайин қалин бутазорларни ташкил қилади. Бинобарин, “Чотқол” номи ҳам қалин қайинзорлар маъносини билдиради.

Новалисойда қизил ва қора смородина сув ёқалаб ўсиб ётади. Кўп сойларда маймунжон ва наъматак учрайди. Майдонтол ва Ойгаинг дарё водийлари тагида бу ердаги ўсимликлари қалинлигидан “қоронғи тўқай” номини олган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены вопросы формирования тугайных ландшафтов, в основном, на примере Приташкентского района.

Тавсия этувчи:

доцент Зокиров Ш.С.

ОБ ИЗМЕНЕНИЯХ ГОРИЗОНТОВ ПОДЗЕМНЫХ ВОД И ИХ МИНЕРАЛИЗАЦИИ ВОКРУГ АЙДАРО-АРНАСАЙСКОЙ ОЗЕРНОЙ СИСТЕМЫ

Верещагина Н.Г., Видинеева Е.М., Рахматова Н.И.

Котловина Айдаро-Арнасайской системы озер (ААСО) находится в прогибе Туранской платформы, а заполнена эта котловина в результате хозяйственной деятельности ирригационно-сбросовыми водами, и сейчас представляет собой самое крупное равнинное озеро в Узбекистане.

До катастрофически многоводного 1969 г. существовала система Восточно-Арнасайских озер и соленое озеро Тузкане. В 1969 г. при пропуске по Сырдарье расходов половодья свыше 1500 м³/с в Айдаро-Арнасайскую котловину было сброшено свыше 20 км³ воды. В результате заполнилась и котловина Айдар и образовалось единое озеро Айдаро-Арнасайское с объемом воды, равным в 1970 г. 18,7 км³. Затем в эту систему озер сбросов из Сырдарьи (через Шардаринское водохранилище) в период с 1973г. по 1992 г. не было, но в оз.Тузкане поступало ежегодно свыше 3 км³ коллекторной воды [1]. В результате в 1979 г. система ААСО снова распалась на 3 водоема, просуществовавших до 1992 г. В 1993 г.

Кыргызстан начал интенсивно срабатывать Токтогульское водохранилище много-летнего регулирования на главной составляющей р.Сырдарьи - реке Нарын. В результате в 1993- 1994 гг. в Арнасай было сброшено 11,94 км³ и образовался снова единый водоем с объемом воды 18,6 км³. Однако по морфологическим особенностям и по процессам водообмена его принято делить на оз.Тузкане, Западный и Восточный Айдар и Верхне-Арнасайское водохранилище. Последнее построено на месте бывших Восточно-Арнасайских озер для целей орошения земель в Джизакском вилояте и введено в режим нормальной эксплуатации в 2005 г.

ААСО расположен в Сырдарьинском артезианском бассейне в водоносных комплексах неоген-четвертичных отложений. На юге территории эти комплексы питаются за счет регионального подземного стока с Туркестано-Нуратинских гор, фильтрации из саев, зарождающихся в горах, а на

большей части Голодной степи - за счет фильтрации из оросительных каналов и коллекторов. Подземные воды верхнего гидрогеологического этажа как грунтовые, так и напорные, по предгорьям Туркестано-Нуратинских гор в основном пресные с минерализацией до 1 г/дм³. Но здесь по периферии конусов выноса саев и речек и в межконусных понижениях встречаются и солоноватые воды с минерализацией от 1 до 10 г/дм³ [2].

В Голодной степи в верхнем гидрогеологическом этаже к востоку и юго-востоку от озера Тузкане и к югу от Верхне-Арнасайского водохранилища воды солоноватые и соленые, а к северу от озера Айдар на значительной части территории Восточных Кызылкумов в верхнем этаже в плиоцен-нижнечетвертичных отложениях воды пресные или слабо солоноватые с минерализацией до 3 г/дм³. В давно существующих озерах илистые донные отложения кольматируют ложе озера, и водообмен с подземными водами окружающей территории близок к нулю [3]. На ирригационно-сбросовых озерах при резких колебаниях уровней воды в них при повышении уровней значительные объемы воды теряются на подпитку грунтовых вод при фильтрации, а при падении уровней отмечается приток грунтовых вод в водоем [4].

По данным ГГП «Узбекгидрогеология» об уровнях грунтовых вод нами предпринята попытка выявить влияние ААСО на запасы подземных вод вокруг этой системы озер в период 1990-2007 гг. Характеризуют изменения таких запасов уровни грунтовых вод. Большая часть скважин, в которых измеряются уровни, располагаются вокруг Верхне-Арнасайского водохранилища и озера Тузкане, и лишь две находятся на севере от оз. Айдар у кишла. Дангара. На рисунке, а) четко прослеживается рост уровней воды в скважинах вместе с ростом уровней воды в ААСО, причем в некоторых скважинах на юго-востоке от оз. Тузкане вода стоит с 2001 г. почти у поверхности. О том, что запасы подземных вод тесно связаны с запасами воды в озерах, говорит также тот

факт, что уровни их падают после резких спадов сбросов воды в ААСО: так произошло в 4-х скважинах из шести после уменьшения сбросов в 1996-1997 гг. Следует отметить, что падение запасов подземных вод происходит на один-два года позже уменьшения сбросов из Шардаринского водохранилища. Падение уровней грунтовых вод - косвенный показатель того, что в эти годы идет разгрузка подземных водоносных горизонтов в ААСО. Сдвигка во времени объясняется очень малыми уклонами подземных водоносных горизонтов: от 0,005-0,007 в предгорьях до 0,0002-0,0003 на равнинах и вследствие этого - небольшими скоростями разгрузки водоносных горизонтов в ААСО [2].


По данным ГГП «Узбекгидрогеология» наибольшая минерализация - более 5 г/дм³ - измерялась к югу от Верхне-Арнасайского водохранилища и к востоку от оз. Тузкане. От 3 до 5 мг/дм³ меняется минерализация воды на междуречье - сброс Клы - Центральный голодностепский коллектор (правая и левая его ветки). Такая же минерализация у подземных вод вдоль русла сброса Клы. От 1 до 5 г/дм³ минерализованы грунтовые воды в скважинах, расположенных вдоль русел ЦГК и коллектора Акбулак.

На всей территории, южнее и юго-западнее оз. Тузкане и южнее оз. Айдар, минерализация вод от 1 до 3 г/дм³; самые пресные подземные воды залегают вдоль Нуратинских гор. К северу от оз. Айдар сухой остаток солей в пробах подземных вод больше 15 г/дм³, самая низкая минерализация - до 1 г/дм³ - характерна для всех предгорий Нуратинских гор, то есть южнее Восточного Айдара и озера Тузкане. Исходя из того, что вода с минерализацией менее 1 г/дм³ считается пригодной для питья, и уровни подземных вод здесь залегают на глубине 1,5-3,5 м от поверхности, их легко и рационально можно использовать для питья.

Наиболее высокая минерализация подземных вод характерна для территории, расположенной юго-восточнее Верхне-Арнасайского водохранилища, - от 10 до


30 г/дм³, но этот район мало населен и потребителей этих вод для питья здесь

практически нет. Судя по тому, что в этом районе уровни грунтовых вод мало




Условные обозначения:

- ◆— 130 - к юго-востоку от оз. Тузкане
- ▲— 142 - к северу от оз. Айдар (Дангара)
- x— 11 - у юго-западу от оз.Тузкане
- *— 74 - к югу от Верхне Арнасайского вдхр.
- 72 - к югу от Верхне Арнасайского вдхр., к северу от п. Дуслик
- +— 6 - к юго-западу от оз. Тузкане
- ◆— Уровень воды в ААСО



- ◆— Сброс в Арнасай
- Нгр
- Минерализация, г.



- ◆— Сброс в Арнасай
- Нгр
- минерализация гр.

Рисунок – Динамика уровней грунтовых вод (Н_{гр}, м), уровней (Н_{ААСО}, м) и сбросов воды в ААСО (W, км³) и минерализации грунтовых вод (С_{гр}, г/дм³).
 менялись (всего на 2 м) в периоды гидравлическая связь подземных водных интенсивных сбросов воды в ААСО, горизонтов с водами Верхне-Арнасайского

водохранилища в этом районе совсем слабая. Анализ изменений минерализации подземных вод показал довольно тесную связь ее со сбросами воды в Айдаро-Арнасайскую систему озер: при увеличении сбросов минерализация падает, а при спаде их - минерализация растет (рисунок, б и в).

К западу от оз.Тузкане и к югу от Восточного Айдара наблюдается наименьшая минерализация грунтовых вод - от 1,3 до 4 г/дм³, то же можно сказать о минерализации грунтовых вод на южном берегу Верхне-Арнасайского водохранилища. К востоку от Тузкане в районе г.Дустлик минерализация грунтовых вод очень высокая и может достигать 20-30 г/дм³. В районах с низкой минерализацией грунтовые воды по составу гидрокарбонатно-кальциевые (в предгорьях

Нуратау) или гидрокар- бонатно-магниевого (в предгорьях Мальгузар). В остальных районах вокруг ААСО подземные воды сульфатно-натриевые (по классификации О.А.Алекина). В ААСО вода имеет такой же состав [1].

Итак, между водоносными подземными горизонтами и водами Айдаро-Арнасайской системы озер существует не только активный водообмен, но и значительные по объему сбросы более пресных Сырдарьинских вод в ААСО приводят к заметному понижению минерализации грунтовых вод. Это позволяет более интенсивно использовать их для питья и, следовательно, улучшает экологическую обстановку вокруг ААСО.

Литература:

1. Видинеева Е.М., Верещагина Н.Г., Горелкин Н.Е., Рахматова Н.И. История Айдаро-Арнасайской системы озер и ее гидрохимических исследований // Экологический вестник. -2009,№2.-С.8-10.
2. Волков В.П., Пинхасов Б.И. Геология и гидрогеология верхнего кайнозоя Голодной степи и Восточных Кызылкумов.- Ташкент: Фан.- 1985. -119с.
3. Богословский Б.Б. Озероведение.- Изд.МГУ.- 1960. - 335с.
4. Никитин А.М. Озера Средней Азии.- Л.: Гидрометеоиздат. - 1987.-106с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Айдар-Арнасой кўллари тизими атрофидаги ер ости сувлари қатламлари тебранишининг кўл тизимидаги сув сатҳи билан гидравлик алоқадорлиги аниқланган. Шунингдек, ер ости сувларининг минераллашуви ва унинг ўзгариши ҳам тасвирланган..

Рекомендует:

доцент Закиров Ш.С.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЛАНДШАФТЛАРИГА АНТРОПОГЕН ТАЪСИР ВА УЛАРНИНГ ЎЗГАРГАНЛИГИ

Шарипов Ш.М.

Маълумки, одамларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятининг ландшафтлар таркиби ва махсус фаолиятига кўрсатаётган таъсири антропоген таъсир дейилади.

Ландшафтларнинг ресурс, экологик ва барқарорлик имкониятларига эга эканлигини ҳисобга олсак, уларга антропоген таъсир турли мақсадда бўлиши мумкин: а) унинг ресурс имкониятини ошириш, масалан, ерларни шудгорлаш, суғориш, минерал ўғитлар солиш, турли

мелиоратив тадбирлар ва ҳ.к.; б) экологик имкониятини ошириш, масалан, табиий инфекция ўчоқларини йўқ қилиш, ботқоқларни қуриштириш, аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш, манзарали дарахтлар экиш ва б.; в) барқарорлик имкониятини ошириш, чунончи, эрозия, дефляция, суффозия, карст, сурилма, кўчки, шўрланиш каби табиий географик жараёнларнинг олдини олиш ва ҳ.к.

Ландшафт компонентларининг, шунингдек, ёнма-ён ландшафтларнинг

узвий боғлиқлиги компонентлардан бирига бўладиган бирор мақсадда қилинган таъсир кўпинча бошқа компонентларга атайлаб қилинмаган таъсирнинг содир бўлишига олиб келади (сув омборларини қуриш – атрофдаги ерларни сув босишига, ер ости сувларининг олинishi – ер юзасининг чўкишига ва б.). Аслида, хўжалик фаолиятининг деярли барча тури (ишлаб чиқариш, рекреацион, табиатни муҳофазалаш, илмий-текшириш) амалда доимий ёки вақти-вақти билан ландшафтларга таъсир этади. Ландшафтларга антропоген таъсир аҳоли сони ва эҳтиёжининг ортиши ҳамда техниканинг ривожланишига мос ҳолда жадал суръатда ортиб бормоқда.

Ландшафтларга таъсир унинг компонентлари ёки бутун ландшафтнинг ҳолати ва таркибида турли ўзгаришларни келтириб чиқаради. Ландшафтлардаги ўзгариш, ўз навбатида, аҳолининг соғлиги ва хўжалик фаолиятида ижобий ёки салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Ландшафтларга антропоген таъсирни таснифлашда адабиётларда унинг турли жиҳатларига асосланганлигини кўриш мумкин:

1. Хўжалик *фаолияти соҳалари* бўйича – қишлоқ хўжалиги, саноат, рекреация, қурилиш, энергетика, транспорт ва ҳ.к.;
2. Таъсир этиш *шакллари* бўйича – майдонли, чизикли, нуқтали;
3. *Модда ва энергия алмашинуви*га кўра – олиш, киритиш;
4. Таъсирнинг *давомийлиги ва тартиботи* бўйича – доимий, вақти-вақти билан, мавсумий;
5. Таъсир *оқибатларига* кўра – ижобий, салбий;
6. Таъсирни *амалга оширилиши дастури* бўйича – мақсадли, мақсадсиз;
7. Таъсир этиш *жараёни* бўйича – бевосита, билвосита ва ҳ.к.

Биз инсонларнинг ландшафтларга кўрсатаётган таъсирини қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, рекреация каби *хўжалик фаолияти соҳалари* бўйича кўриб чиқишни маъқул топдик. Чунки, ушбу таснифланиш бўйича Тошкент вилоятида аҳолининг ландшафтларга барча таъсир турларини, бунинг оқибатида ландшафтлар ва

уларнинг компонентларида сон ва сифат жиҳатидан бўлаётган ўзгаришларни, юзага келаётган геоэкологик вазиятларни қамраб олиш мумкин, деб ўйлаймиз. Ландшафтлар ва ундаги компонентларнинг қай даражада ўзгариши антропоген таъсирнинг миқёси ва турларининг миқдори билан белгиланади. Хўжалик фаолияти соҳалари ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, табиий ресурслардан фойдаланиш турларини, уларга мос келувчи турли геоэкологик муаммолар ва геоэкологик вазиятларни келтириб чиқаради ҳамда уларни ифодаловчи кўрсаткичларга эга бўлади.

Адабиётларда билдирилган фикрлар ва тўпланган материаллар асосида А.А.Рафиков (2000, 94-б) методикасига кўшимча киритиб “Тошкент вилояти геотизимларининг ўзгарганлик даражаси” ва А.Г.Исаченко (2003, 128-б) бўйича “Тошкент вилояти ландшафтларининг ўзгарганлик индекси” жадваллари ишлаб чиқилди ва ушбу маълумотлар асосида “*Тошкент вилояти ландшафтларининг антропоген ўзгарганлик картаси*” тузилди.

А.Г.Исаченко (2003, 128-б) таклиф этган геотизимларнинг ўзгарганлик индексини ҳисоблаш услубида ҳар бир антропоген элементга оғирлик коэффиценти берилиб, шу антропоген элементни ландшафтнинг умумий майдонидаги % ҳисобидаги улушига кўпайтириш билан ландшафтнинг ўзгарганлик индекси топилди. Мисол учун 22-1 ландшафтни келтирамыз:

$$1) 24.398 \times 1 = 24.398;$$

$$2) 1.043 \times 1 = 1.043;$$

$$3) 1.187 \times 0.9 = 1.068;$$

$$4) 73.372 \times 0.7 = 51.360$$

$$\text{Ўзгарганлик индекси: } 24.398 + 1.043 + 1.068 + 51.360 = 77.869$$

Бу ерда: 24.398 – турар жой, саноат корхоналари ва турли бинолар, 1.043 – қаттиқ қопламали автомобил ва темир йўллар, 1.187 – ирригация ва мелиорация тармоқлари, 73.372 – суғориладиган ерлар кабиларнинг ландшафтнинг умумий майдонидан % ҳисобидаги улуши.

Карта таҳлили шуни кўрсатадики, ландшафтларнинг ўзгарганлик индекси Хумсан комплекси (III) террасасидаги 22 ва 24-ландшафтларда энг юкори

кўрсаткичга эга бўлиб, ўртача қиймати мос ҳолда 74.04 ва 74.16 га тенг. Бу кўрсаткичнинг мазкур ландшафтларда юқори бўлишига сабаб, аҳоли пунктларининг кўплиги, қишлоқларнинг нисбатан йириклиги, вилоятдаги шаҳар ва шаҳарчаларнинг ярми (16 та шаҳардан – 8 таси, 18 та шаҳарчадан – 9 таси) шу ландшафтларда эканлиги, аҳоли зичлигининг катталиги (ўртача қиймати - 615.887 киши/км² ва 386.482 киши/км²) ва шунга мос ҳолда ландшафтларнинг антропоген элементлар билан бандлик даражасининг юқорилиги ҳамда ландшафтлардан асосан йилда 2-3 марта ҳосил олинadиган суғорма деҳқончиликда фойдаланилиши кабилардир.

Тошкент (IV,V) ва Сирдарё (I,II) комплекси террасаларидаги ландшафтларда бу кўрсаткич бир-бирига яқин. Масалан, IV террасадаги 18 ва 19-ландшафт хилларида ўртача қиймати 71.36 ва 73.10 га тенг бўлса, қайир усти II террасасидаги 27 ва 28-

ландшафт хилларида эса ўртача 73.03 ва 71.67 га баробар.

Тошкент ва Ангрэн, Олмалик, Чирчик, Бекобод, Янгийўл шаҳарларининг ҳудудини алоҳида шаҳар ландшафтлари сифатида ажратганимиз сабабли, ландшафтларнинг ўзгарганлик индексини ҳисоблашда ушбу шаҳарларнинг майдони ҳисобга олинмади. Агар уларни ҳам қўшиб ҳисобланилса “индекс” миқдори юқори бўлган ландшафтлар сони бир қанча бўлиши табиий.

Умуман олганда, мазкур кўрсаткич аҳолининг зичлигига корреляцион боғлиқлиги, ўз навбатида, бу ҳар икки кўрсаткич ландшафтларнинг баландлик минтақаланиши қонуниятига мос ҳолда қайир усти III террасасидан ҳар икки томонга, яъни юқорига – тоғларнинг сувайирғичига томон ҳамда пастга – дарё ва сойларнинг ўзанларига томон камайиб бориши аниқланди.

Адабиётлар:

1. Исаченко А.Г. Введение в экологическую географию. –СПб.: Изд-во С-Петербур. Ун-та, 2003.- 192 с.
2. Рафиқов А., Азимов Ш. Амалий география.-Т.: Ўқитувчи, 2000.-240 б.

РЕЗЮМЕ

В статье даны основные результаты изучения антропогенного воздействия на ландшафты Ташкентского вилоята. При этом в качестве показателя использованы «индекс измененности» и «степень измененности», рекомендованные А.Г.Исаченко и А.А.Рафиковым.

Тавсия этувчи:

доцент Зокиров Ш.С.

ТАБИЙ ГЕОКИМЁВИЙ ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА ЖОЙЛАШИШ ОМИЛЛАРИ

Исроилов А.

Табиий геокимёвий ландшафтлар шаклланиши ва жойлашининг асосий омиллари – иқлим, геологик тузилиш ва рельеф ҳисобланади.

Иқлим атомларнинг биологик айланма ҳаракатига таъсир этади. Иқлим қанчалик илиқ ва нам бўлса, органик моддалар шунча кўп тўпланади ва тез минераллашади, ландшафтлар номувозанати ва ўз-ўзини ташкил этиши шунча

юқори бўлади. Иқлим геокимёвий ландшафтлар турлари, бўлими, оиласи ва қисман синфлари жойлашини белгилайди. Кўпгина табиий географлар ландшафт, тупроқ ва ўсимлик турлари орасида миқдорий боғлиқлик ўрнатишга уринишган: бир томондан бундай боғланиш ёғин миқдори, ҳарорат, қуруқликнинг радиация индекси ва иқлимнинг бошқа хоссалари ўртасида,

бошқа томондан эса тупроқ ва ўсимлик турлари ўртасида бўлган. Лекин таклиф этилган формулаларнинг бирортаси ҳам иқлим кўрсаткичлари асосида тупроқ ва ўсимлик орасида чегарани аниқлашга имкон бермади. Чунки ландшафтлар аниқ чегараси рельеф ва геология билан аниқланади ва иқлим кўрсаткичларига мос тушмайди.

Ландшафтларнинг ўз-ўзини ташкил этиши, яхшилаши ва макроиқлимнинг ўзгариши, ландшафтларнинг ички қисмини қайта қуриши мумкин, бунда макроиқлим уларнинг систематик ўрнига таъсир этмайди. Бу, авваламбор, ўрмон ландшафтларига хос. Бу ерда бошқача микроиқлим ҳосил бўлади. Шунинг учун макроиқлимий шароитнинг ҳар қандай ўзгариши ҳам ландшафт тури, оиласи ва синфининг автоматик ўзгаришига олиб келавермайди. Ландшафт синфлари нисбатан мустақил бўлиб, ташқи шароит ўзгаришига “қаршилиқ” кўрсата олади ва ўз таркибини сақлаб қолади. Ландшафтларнинг нисбий мустақиллиги туфайли қатор ҳолларда иқлим ва ландшафт чегараси мос келмайди.

Денгиз ва океанлар, йирик сув ҳавзаларининг яқинлиги миграциянинг ўзига хос хусусиятига таъсир этади. Денгиз ва океанлар “денгиз” (талассофил) элементлари манбаи бўлиб, улар денгиз сувидан атмосферага ўтади ва қуруқликка ёғин бўлиб тушади. Соҳил ландшафтлари, айниқса денгиз шамоллари рўпарасидаги соҳиллар Cl, Na, J ва бошқа элементларга нисбатан бой. Океан таъсири баъзи жойларда юзлаб ва минглаб км га сезилади.

Геологик тузилишнинг ландшафтлар шаклланишига таъсирини ўрганганда, элементларнинг тоғ жинсларида яппи миқдори билан бирга уларни бирикиш шакллари ҳам ҳисобга олинади. Энг осон миграция қилувчи ва ландшафтга энг кўп таъсир кўрсатувчи компонентлар муҳимдир. Буларга органик бирикмалар, эрувчан тузлар, алмашинувчи катионлар, баъзи минерал коллоидлар киради.

Миграциянинг муҳим омили тектоникадир, яъни биринчи навбатда рельефнинг ёриқлиги, қатламларнинг нишаблик даражаси ва ер ёриқларидир. Ер

ёриқлари зонаси ландшафтлари геокимёси айниқса кўп эътибор қозонган. Бундай ландшафтлар айниқса кўшни ҳудудлардан кескин фарқланади. Уларни ўрганиш рудали конларни геокимёвий излаш усулини ишлаб чиқишда, экологик масалаларни ечишда жуда муҳимдир. Масалан, Ленинград области ҳудудида В.А.Рудник(1998) ва Е.К. Мельников(1993) ер ёриқлари “геопатоген зона” сифатида аҳоли касалланишига сабабчи эканлигини (Ер юзасига радиоактив ва бошқа токсик элементлар миграцияси туфайли) кўрсатишган.

Ландшафтларнинг геокимёсининг ўзига хос хусусиятлари сабабларини таҳлил қилганда, дарё ювиб кетган ҳудудларни ҳисобга олиш керак, чунки ётқизиклар аккумуляцияси ювилган ҳудуд билан боғлиқ. Масалан, Россиянинг Европа қисми шимоли-ғарбида тўртламчи давр ётқизиклари кўпроқ Болтиқ қалқони нордон жинсларининг ҳосиласидир. Шунинг учун мореналар, флювогляциал ётқизиклар, ер юзаси устида ётган қоплама қумоқлар ва ётқизикларнинг бош генетик турлари бир қатор умумий геокимёвий хусусиятларга эга: Са ва Mg га камбағал, Mn миқдори кам ва ҳ.к. Россия Европа қисми шимоли-шарқида музлик ётқизиклари Тиман, Новая Земля ва Уралнинг палеозой чўкинди ётқизиклари ва метаморфик жинслари ҳосиласидир. Ётқизикларнинг тўплашниш ҳудудида муз ётқизикларининг кимёвий таркиби уларга тўғри келган ландшафтларнинг геокимёвий хусусиятларида ҳам ўз аксини топади. Бундай таҳлил тупроқлар ҳосилдорлигининг хилма-хиллиги сабабларини аниқлашда ва бошқа кўпгина амалий масалаларни ечишда фойдалидир. Масалан, тоғ жинслари олиб кетиш областида К ва Р кўп бўлса, тупроқ унумдорлиги ортади, биологик айланма ҳаракат фаоллашади.

Вулкан отилганда ландшафтлар тутун, лава, газ, термал сувларга бойийди. Янги вулканик лава ва тутунлардан “андасол”лар— ҳосилдор корамтир тупроқлар ҳосил бўлади. Улар аморф минерал моддаларга бой. Шу сабабли фаол вулкан региониде аҳоли зич, қадимги

маданият ва интенсив деҳқончилик қайд этилган (Япония, Индонезия ва б.).

Агар ландшафт ҳосил бўлишида литологик бир хил тоғ жинслари комплекси иштирок этса, монолит ландшафт дейилади. Монолит ландшафтларга гранитлар, лёсслар, оҳактошлар ва ҳоказолар устидаги ландшафтга айтилади. Гетеролит ландшафтлар деб, ҳар хил тоғ жинслари устида ҳосил бўлган ландшафтларга айтилади. Бундай фарқ тоғ жинслари ва ландшафт қисмларига таъсир қилади. Масалан, сульфид конига бой гранитлар, морена устини қоплаб олган оҳактошлар, қумлар устини қоплаб олган кумоклардаги ландшафтлар шулар жумласидандир. Кўплаб геокимёвий ландшафтлар ҳар хил тоғ жинсларида шаклланган. Шунинг учун, ландшафт хилларини ажратишда биргина тоғ жинслари турлари эмас, балки геологик формациялар асос қилиб олинади. Геологик формациялар— бу маълум структурали фациал зонада ҳосил бўлган комплекс тоғ жинсларидир. Масалан, флиш ва қизил рангли жинслар— кумтош, алевролит, мергел ва бошқа қатламлар кетма—кетлигидан тузилган. Демак, ландшафтлар биргина кумтош ёки алевролитда ривожланмай, балки бир бутун флиш ёки қизил рангли тоғ жинслари устида ривожланади.

Формацияларни геокимёвий таҳлил қилганда, асосий эътибор оксидланиш—тикланиш ва ишқор—кислота ҳосил бўлиш шароитларига қаратилади. Масалан, В.С. Ерофеев ва Ю.Г. Цеховский (1983) куруқлик ётқизиклари ассоциациясини сидерофил (гумид) ва кальцифил(арид) ларга бўлади Формацияларни геокимёвий ўрганиш, элементларни параген ва ман этилган ассоциациясини ажратишни, шунингдек, геокимёвий тўсиқ синфлари ва улар билан боғлиқ элементлар тўпланишини ўз ичига олади. Чўкинди формациялар геокимёси кўп омилларга боғлиқ. Буларга чўкинди ҳосил бўлиш шароити, тоғ жинсларини ювилиш худуди хусусиятлари, ер ости сувларига боғлиқ эпигенетик ўзгаришлар ва бошқалар қиради. Агар мезорельфнинг биргина элементи (ясси сувайриғич, ёнбағир ва х.)

шароитида тоғ жинслари фарқидан элементар ландшафтлар хилма хиллиги келиб чиқса, бундай ландшафтлар литологик комплекс деб аталади.

Рельеф элементар ландшафтлар жойлашишига, механик ва кимёвий денудация нисбатига, сув алмашилиши жараёнларига, ландшафтларнинг гетеролитик даражасига таъсир кўрсатади. Иқлим ва ландшафтларни вертикал минтақаланиши жойнинг денгиз сатхидан баландлигига боғлиқ: Баландлик ошган сари, эркин кислород миқдори камайиб боради. Кислород танқислиги, авваламбор, инсонлар ва ҳайвонларга ўз таъсирини кўрсатади (тоғ касаллиги). Баландлик ортиши билан космик нурланиш ва атмосфера радиоактивлигининг ортиши ҳам геокимёвий аҳамиятга эга.

Баланд тоғ тизмалари ландшафтга камёб талассофил элементлар етиб келишига тўсқинлик қилади. Бу, айниқса, йод учун тасдиқланган, унинг миқдори кўпгина тоғли районларда озайган бўлиб, эндемик бўқоқ ривожланишига олиб келади. Элементар ландшафтлар жойлашишига мезо ва микрорельеф катта таъсир қилади.

Биргина мезорельеф ичида элементар ландшафт комплекслилиги шамол иши билан (дефляцион комплекс), оқар сувлар иши билан(эрозион комплекс) боғлиқ бўлиши мумкин. Комплексликнинг барча хили ахборот хоссаларга қиради. Баланд тоғларда бир ёнбағирда баъзи жойларда нивал, тоғ—ўрмон, ўрмон ва дашт элементар ландшафтларини учратиш мумкин. Буларнинг барчаси геокимёвий ландшафтнинг бир турига қиради, чунки уларни оқим — сув миграцияси боғлаб туради. Текисликда геокимёвий ландшафтларнинг бир турига ҳар хил элементар ландшафтлар турлари кириши мумкин(каштан тупроқларда куруқ дашт—шўрхок, нинабаргли тайга подзол тупроқларда— юкори ботқоқлик ва бошқаларда). Бироқ, тоғларда элементар ландшафтлар ҳар хил турлари бир ёнбағирга хос бўлиши мумкин. Текисликда бундай хол кам учрайди. Демак, тоғли район рельеф геокимёвий ландшафт тузилишини жуда мураккаблаштиради.

Унинг маълум бўлиш майдонини ва хилма хиллик даражасини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, табиий ландшафтларнинг геохимёвий

хусусиятлари ва жойлашиш омиллари хилма-хил бўлиб, уларни ўрганиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Ерофеев В.С., Цеховский Ю.Г. Парагенетические ассоциации континентальных отложений. -М.: Наука, 1983.
2. Мельников Е. К. и др. Геопатогенные зоны — миф или реальность? -Санкт-Петербург, 1993.
3. Рудник В. А. Геоактивные зоны земной коры и их воздействие на нашу среду обитания //Жизнь и безопасность. N4, 1998, с. 236.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена изучению факторов формирования и размещения природно-геохимических ландшафтов.

Тавсия этувчи:

доцент Зокиров Ш.С.

ТЕПЛОВАЯ НАГРУЗКА НА ОРГАНИЗМ КАРАКУЛЬСКИХ ОВЕЦ В ЗАСУШЛИВЫХ УСЛОВИЯХ ПУСТЫНИ

Ишниязова Ф.А.

Каракульские овцы в Узбекистане выпасаются на пастбищах круглый год, постоянно подвергаясь влиянию внешних погодных условий. Тепловое состояние организма животного обеспечивает нормальный ход биохимических реакций и физиологических процессов. Нормальная жизнедеятельность каракульских овец, может осуществляться только в оптимальных условиях. При неблагоприятных условиях происходит нарушение

теплообмена организма со средой, при котором включаются механизмы терморегуляции, обеспечивающие постоянство температуры тела. При значительных отклонениях тепловых воздействий от нормального уровня наступает переохлаждение или перегревание организма [1].

В летний период года создаются неблагоприятные погодные условия для каракульских овец из-за влияния высоких тепловых нагрузок на организм. Этот

Таблица 1

Тепловая нагрузка (P_T) на организм каракульских овец в июле

Срок	Тепловая нагрузка (P_T , Вт)	
	Средняя	Максимальная
05	5,4	23,3
08	49,9	61,1
11	53,6	88,0
14	59,9	93,5
17	52,2	91,0
20	37,6	54,0

Срок	P_T пси=45ср.	σ	max	Cv	min	As
23	45,2	7,27	58,2	0,16	30,9	-0,16
2	33,5	8,90	52,7	0,27	12,7	-0,45
5	23,3	9,23	38,7	0,40	1,5	-0,08
8	61,1	4,70	69,3	0,08	45,2	-0,95
11	88,0	4,17	98,8	0,05	74,8	-0,42
14	93,5	4,88	104,8	0,05	82,8	0,06
17	91,0	7,59	110,0	0,08	78,3	0,67
20	54,0	5,50	66,9	0,10	42,6	0,17

период оценивается как второй, после зимней кормовой депрессии, неблагоприятный период для каракульских овец [3].

Интенсивная солнечная радиация и высокая температура воздуха угнетающе действуют на организм и отрицательно сказываются на жизнедеятельности и продуктивности каракульских овец. У них отмечается возрастание температуры тела и поверхности кожи, усиление теплопродукции и газообмена, увеличивается частота дыхания. Величина тепловой нагрузки P_T в июле в среднем многолетнем достигает наибольших значений (60 Вт) сразу после полудня в 14-часовой срок. В наиболее жаркие дни максимальная величина P_T возрастает до 100 Вт, что почти

в два раза больше средних климатических значений.

Тепловая нагрузка на организм каракульских овец в середине жаркого дня в среднем достигает 94 Вт/м². Она зависит от положения овцы по отношению к лучам Солнца.

При азимуте 0° нагрузки достигает 89 Вт, а при боковом падении лучей – 98 Вт, то есть на 9 Вт больше. В утренние часы разница между значениями тепловой нагрузки при различном положении овцы еще больше, она достигает почти 20 Вт.

В жаркие дни тепловая нагрузка, рассчитанная при отсутствии полипное, превышает 140 Вт, то есть учащенное дыхание снижает в наиболее жаркие дни тепловую нагрузку в среднем более чем на 50 Вт (табл.).

Таблица 2

Суточный ход тепловой нагрузки на организм каракульских овец (P_T , Вт/м²) при различном азимуте овцы по отношению к Солнцу

Сроки	Азимут, °				
	0	30	45	60	90
23	45,2	45,2	45,2	45,2	45,2
2	33,5	33,5	33,5	33,5	33,5
5	23,3	23,3	23,3	23,3	23,3
8	48,9	56,4	61,1	65,0	68,4
11	81,6	85,6	88,0	90,1	92,1
14	89,0	91,9	93,5	94,9	96,2
17	79,9	86,7	91,0	94,7	97,9
20	53,4	53,8	54,0	54,2	54,3




Рис. 1. Суточный ход тепловой нагрузки




Рис. 2. Многолетний ход тепловой нагрузки макс. 14 часовой срок

Наиболее низкие значения тепловой нагрузки (P_T) в июле в среднем многолетнем отмечаются перед восходом Солнца и составляют 5-9 Вт. В жаркие дни даже ночью нагрузка составляет 20-40 Вт.

Но это в два-четыре раза ниже, чем в дневное время. Именно поэтому в каракулеводстве Узбекистана в летнее время практикуется ночной выпас овец.

В настоящее время нельзя рассчитать тепловые нагрузки на организм каракульских овец при затенении, так как нет сведений о зависимости частоты дыхания от температуры при этих условиях.

Однако, учитывая, что величина радиационного баланса в послеполуденные часы при затенении на 2 Вт ниже, а теплообмен поверхности тела с окружающей средой на 15 Вт ниже, то и

Таблица 3

Статистические характеристики тепловой нагрузки на организм каракульской овцы (P_T , Вт/м²) при отсутствии полипное

Сроки	Pr 20			
	ср	max	σ	As
23	45,2	58,2	7,27	-0,17
2	33,4	52,7	8,89	-0,44
5	23,6	38,7	9,47	-0,10
8	73,8	95,0	9,72	0,13
11	126,7	147,6	9,05	-0,02
14	142,6	161,6	7,15	0,52
17	131,2	151,0	7,54	0,73
20	74,2	89,0	7,49	-0,52




Рис. 3. Многолетний ход тепловой нагрузки за различные сроки 1-8 часовой срок, 2-11ч.с., 3-14ч.с., 4-17ч.с.

тепловая нагрузка снижается на такую же величину. Физиологи [1,2,3] отмечают, что нахождение каракульских овец под навесом

в дневное время летом значительно улучшает их состояние и повышает продуктивность.

Литература:

1. Алексеева Г.И. Содержание каракульской овцы, – Ташкент: Изд. АНУз. 1953. – 59 с.
2. Бабушкин Л.Н. Климатография Средней Азии. Учебное пособие. Ташкент. 1981 г.
3. Бабушкин О.Л., Мухтаров Т.М., Васильева И.Г. Расчет составляющих теплового баланса каракульской овцы, Труды САНИГМИ, 1996 г. выпуск 152 (233). С. 155-159.
4. Бабушкин О.Л., Мухтаров Т. Оценка неблагоприятных жарких условий погоды для каракульских овец в Узбекистане. Труды САНИГМИ, 1996 г. – Вып. 152 (233).– С. 155-159.

РЕЗЮМЕ

Мақолада чўлларнинг қургоччил шароитида қорақўл қўйлари организмига иссиқлик таъсири ва уни ўрганиш масалалари кўрилган.

Рекомендуёт:

доцент Закиров Ш.С.

**КИЧИК ҲУДУДЛАР ТУПРОҚ ҚОПЛАМИ СТРУКТУРАСИНИ ЎРГАНИШДА
РЕЛЬЕФ ПЛАСТИКАСИ КАРТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Тажиев Қ.Қ.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Сейсмология институти География бўлими ходимлари суғориладиган ҳудудларда табиат компонентларининг бир-бирига боғлиқлигини ўрганиш ва уларни картада тасвирлашда ҳавзавий усул – “рельеф пластикаси”ни қўллаш бўйича илмий тадқиқот ишини олиб бормоқдалар. Бундан асосий мақсад суғориладиган ҳудудларда, шу жумладан Қўнғирот коллектор-зовур ҳавзасининг чегарасини аниқ кўрсатиб, тупроқ қоплами структурасининг рельеф структураси билан ўзаро бирикувини очиб беришдан иборат. М.А.Глазовская (1969) тупроқ қоплами структураси тупроқларнинг рельеф элементлари билан бирикувидир деб таъкидлайди. Демак, тупроқ қоплами структурасининг картасида тупроқ турларининг рельеф структураси элементлари билан боғлиқлиги тасвирланади. Ундан ташқари Т.В.Звонкованинг барча тематик ва ландшафт карталари асосида рельеф ётиши керак деган ғояси ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Биз бу ғояни тупроқ картографиясида қўлладик. Чунки, тупроқ қоплами структураси рельеф структурасининг элементларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам, ҳозирги кунда Қўнғирот коллектор-зовур ҳавзасининг тупроқ қоплами структурасини ўрганишда рельеф пластикаси карталаридан фойдаланиш амалиётда катта самара беради.

Рельеф пластикаси усулининг назарий асоси В.Р. Волобуев томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ундан сўнг И.Н. Степанов ва унинг шогирдлари томонидан ривожлантирилди. Ҳозирги кунда бу усул мутахассислар томонидан тупроқ географиясида ва картографиясида тизимли усул деб тан олинди.

Биз ўрганаётган Қўнғирот коллектор-зовур ҳавзаси тизими Амударёнинг ҳозирги дельтаси чап қирғоғида жойлашган бўлиб, ҳавзага Қиятжарган, Улдарё, Раушан кичик дельталари ва Амударё ўзан бўйи баландликлари киради. Қиятжарган кичик дельтаси Қўнғирот коллектор-зовур ҳавзасининг энг ғарбий қисмида жойлашган. Қиятжарган кичик дельтаси геологик тузилиши жиҳатидан энг олдин вужудга келган бўлиб, Сарикамиш дельтасининг қуйи қисми ўрнига тўғри келади. Кичик дельтанинг бошланғич қисми Хўжайли тумани худудига, ўрта қисми қўшни Туркменистон Республикаси худудига, қуйи қисми Қўнғирот тумани худудига тўғри келади. Қиятжарган кичик дельтасининг бошланғич ва қуйи қисмларигина Ўзбекистон Республикаси худудига киради. Улдарё кичик дельтаси Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли тумани худудидан бошланиб, то Судочье кўлигача давом этади. Улдарё кичик дельтаси Қўнғирот коллектор-зовур ҳавзасининг катта майдонини эгаллайди. Қўнғирот коллектор-зовур ҳавзасининг шимоли-шарқида Раушан кичик дельтаси жойлашган. Амударё қирғоғи бўйлаб Амударё қирғоқбўйи баландликлари учрайди. Қўнғирот коллектор-зовур ҳавзасининг Қиятжарган кичик дельтаси асосан жанубдан шимолга йўналган бўлса, Улдарё ва Раушан кичик дельталари жануби-шарқдан шимоли-ғарбга томон йўналган.

Амударё ҳозирги дельтаси рельеф пластикаси картаси асосида биринчи зовур ҳавзалари картаси А.К. Ўразбоев томонидан тузилган. У КС-1, КС-3, КС-4, КС зовур ҳавзалари карталарини тузиб,

Устюрт ва Аспантай зовурларининг ҳавзаларини ажратган. Картада зовурларнинг “элементар” ҳавзалари майдони, ички тузилиши (паст ва баландликларнинг жойлашиш тартиби ҳавзанинг ички тузилишини ҳосил қилади) ва ҳавзанинг табиий чегараси яққол кўрсатилган. Картада дельтада жойлашган йирик ўзан олди баландликлари “элементар” зовур ҳавзаларининг чегараси вазифасини бажариши яққол номоён бўлган. Бизнинг Кўнғирот коллектор-зовур ҳавзасида ҳам бундай баландликлар чегара вазифасини бажаради. Уларнинг ҳосил бўлиши дельталар тараққиёти билан боғлиқ. Бундай баландликлардан кўпинча каналлар ўтказилган бўлиб, “элементар” зовур ҳавзаларини чегаралари кўрсатилган ҳолда ажратиш ёки уларни карталарда тасвирлаш фанимиз ва кундалик ҳаётимиз учун ҳам аҳамиятлидир. Суғориладиган ҳудудлардаги ер ости сувларининг чуқурлиги мазкур ҳавзанинг ички структураси билан боғлиқ бўлса, унинг минераллашув даражаси ва кимёвий таркиби ушбу ҳавзада жойлашган тупроқ (унинг тури, шўрланиш даражаси ва кимёвий таркиби), қолаверса, ер усти сувларининг минераллашув ва ифлосланиш даражаси, ўсимликлар қоплами, чўкиндиларнинг механик ва кимёвий таркиби билан боғланган.

Кўнғирот коллектор-зовур ҳавзаси зовурларининг бошланғич қисмида жойлашган тупроқ, ер ости сувлари (чуқурлиги, минераллашув даражаси) зовур ҳавзасининг қуйи қисмида жойлашган тупроқ ва ер ости сувларидан жуда катта фарқ қилади. Мисол учун: Улдарё кичик дельтаси суғориладиган жойлардаги ер ости сувларининг чуқурлиги мазкур ҳавзанинг ички структураси билан боғлиқ бўлса, унинг минераллашув даражаси ва кимёвий таркиби ушбу ҳавзада жойлашган тупроқ (унинг тури, шўрланиш даражаси ва кимёвий таркиби), қолаверса, ер усти сувларининг минераллашув ва ифлосланиш даражаси, ўсимликлар қоплами, чўкиндиларнинг механик ва кимёвий таркиби билан боғланган. Бу ўз навбатида тупроқ, ер усти сувлари ва қишлоқ хўжалик экинларининг (табиий ҳолларда эса ўсимликларнинг географик тарқалиши) ер ости сувларига

таъсирини ўрганишга олиб келади.

Улдарё зовур ҳавзасининг бошланғич қисмида суғориладиган ўтлоқ тупроқлар билан бирга ўтлоқ-тақирли тўқай, ўтлоқ-тақирли, ўтлоқ - чўл тупроқлар жойлашган. Улар асосан шўрланмаган ёки кам шўрланган. Тузларнинг кимёвий таркиби гидрокарбонат - хлор-сульфатли - натрий-кальцийлидир. Бу жойларда ер ости сувларининг чуқурлиги 7-10 м, баъзи ерларда ундан ҳам ортиқ. Зовур ҳавзасининг қуйи қисми ўзлаштирилмаган бўлиб, бу ерларда ўтлоқ тупроқлар билан бир қаторда шўрхоқларнинг ҳар хил турлари тарқалган. Тупроқлар асосан кучли ва ўта кучли шўрланган. Таркибидаги тузлар кимёвий жиҳатдан асосан хлор-сульфатли - кальций-магний-натрийли, баъзи ҳолларда эса сульфат-хлорли – кальций-магний-натрийлидир. Ер ости сувларининг чуқурлиги асосан 3-5 метр, зовур ўзани ўтадиган марказий қисмда 2-3 метр, минераллашув даражаси баъзан 25 г/л гача боради.

Мисол тариқасида келтирилган далиллардан кўриниб турибдики, зовурларнинг бошланғич қисмида жойлашган тупроқ, ер ости сувлари (чуқурлиги, минераллашув даражаси) зовур ҳавзасининг қуйи қисмида жойлашган тупроқ ва ер ости сувларидан, жуда катта фарқ қилади. Бу қонуниятни шундай изоҳлаш мумкин: табиатдаги ҳар бир ўзгариш аввало ана шу жойнинг географик ўрнига боғлиқ бўлиб, маълум бир ҳавза давомида аста-секинлик билан ўзгариб боради.

Демак, суғориладиган ҳудудларда жойлашган зовур ҳавзаларининг табиий чегарасини ва унинг ички тузилишини, яъни барча паст ва баландликларини ҳар томонлама кўрсатиб берадиган “рельеф пластикаси” картаси тузилиши керак. Хўжаликлар эса мумкин қадар йирик масштабда ана шундай карталарга эга бўлиши керак. Бу карталар табиатдаги ҳар бир жараёни аниқ кўрсатиб ва тушунтириб бериш учун асос бўла олади.

Зовур ҳавзасида жойлашган хўжаликлардаги тупроқларнинг мелиоратив ҳолати зовурларнинг узунлиги, тури

ва уларни куришда ўша ерни рельефи ҳисобга олинишига боғлиқ. “Рельеф пластикаси” картаси барча паст ва баландликларни кўрсатганлиги сабабли, мелиораторларимиз учун канал ва зовурлар куришда асос бўлиб хизмат қилмоғи лозим.

Зовур ҳавзасида жойлашган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини

яхшилаш бир хўжалик ёки туманнинг эмас, балки ана шу ҳавзада жойлашган барча туман ва хўжаликларнинг иши бўлмоғи керак. Шундагина муайян ҳавзада жойлашган тупроқларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олинади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается вопрос использования карт пластики рельефа при изучении структуры почвенного покрова на примере Кунградского коллекторно-дренажного бассейна.

Тавсия этувчи:

доцент Зокиров Ш.С.

КИЧИК ХУДУДЛАРДАГИ ТОПОНИМИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Миракмалов М.Т.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда географик номларни чуқур, илмий асосда ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, 2004 йили Ўзбекистон Республикасида топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика комиссиясининг иш бошлаши, ушбу комиссия ҳудудий бўлинмаларининг фаолият юритишлари, шунингдек, географик номлар ҳақидаги Қонун лойиҳасининг тайёрланиши мазкур масаланинг долзарб эканлигидан далолат беради.

Географик номларни ўрганишда муайян кичик бир ҳудуддаги номларни, уларнинг маъноси, келиб чиқиши, талаффузи масалаларини маҳаллий аҳоли иштирокида, шу ҳудудга оид манбалар асосида ўрганиш яхши самара беради. Кичик ҳудудлардан тўпланган маълумотлар ишончли, мукамал бўлади. Бундай ҳудудларда географик жой номларини йиғишда картотека усулидан кенгрок фойдаланиш керак. Шунингдек, топонимик анкета тарзида кўп саволларга жавоб топса бўлади. Бунда асосан жой номининг қандай маъно англатишини, расмий ҳужжатларда, хариталарда ва оммавий ахборот воситаларида қандай аталиши, эски номининг бор-йўқлиги, шу жойдаги аҳоли, унинг миллий таркиби, қандай уруғлар

яшагани ёки яшаб келаётгани, улар қаердан кўчиб келгани, аҳоли шу номни қандай талаффуз қилиши, аҳоли пунктининг қачон пайдо бўлганлиги, маҳаллий кекса кишилардан номнинг халқона талқинини, шевада қандай аталиши, жойнинг табиий географик хусусиятлари, шу жойда кўп тарқалган ўсимликлар, ҳайвонлар ва фойдали қазилмалар, шу ҳудудда содир бўлган муҳим тарихий воқеалар, аҳолининг касб-хунари, маданий ҳаёти, урф-одатлари, шу жой яқинида йирик объектлар мавжудлиги, бу жойда қандай машҳур кишилар яшаганлиги, жой тўғрисида афсоналар, ривоятларнинг мавжудлиги, жой халқона талқинининг илмий адабиётларда, топонимик луғатларда берилиши билан таққослаб кўриш масалаларига алоҳида эътибор бериш керак.

Жой номларининг картотекаси тузилгандан сўнг уларнинг турлари бўйича изоҳланиши мақсадга мувофиқ. Бинобарин, кичик ҳудудлар – қишлоқлар, шаҳарчалар, маҳаллалар, кўчалар, майдонлар ва бошқа объектларнинг номларини қуйидаги турларга бўлиш лозим: гидронимлар, ойконимлар, оронимлар, агроонимлар, спелеонимлар, дримонимлар (юнонча “дримос” -ўрмон), урбаноним (шаҳар ичидаги объектларнинг

номлари), годонимлар (кўча номлари), агроним (юнонча “агора” - майдон), дромонимлар (йўлларнинг номлари), тарихий обидаларнинг номлари, парагагонимлар (ташкилот ва корхона номлари).

Кичик ҳудудларнинг номларини йиғиш ва ўрганишда жой номларини йиғиш сўроқлигидан фойдаланиш зарур [4]. Номларни тўплаш ва ўрганишда топонимиканинг тадқиқот методларидан кенг фойдаланилади. Бу методлар қуйидагилар:

1. Этимологик метод. Бу метод ёрдамида географик номнинг қандай маъно англатиши, номга асос бўлган сўз ёки топотермин аниқланади, яъни этимологик таҳлил қилинади. Этимология илмий ва халқона турларга бўлинади. Халқона этимология географик номнинг маҳаллий халқ талаффузида айтилиши, номнинг халқона талқин этилиши бўлганлиги учун унда турли афсоналар, ривоятлар, хикоялар, ўхшатишлар, орзу-истаклар бўлиши мумкин. Шунинг учун халқона этимологияни қадимги кўлёзма манбалар, маҳаллий зиёлилар ва кексалар, ҳудудга оид чоп этилган илмий адабиётлар билан солиштириш мақсадга мувофиқ.

Илмий этимология эса шу ҳудудга оид илмий манбалар, тадқиқот ишлари, топонимик асарлар ва изоҳли луғатларга асосланади.

2. Тарихий метод. Ушбу метод ёрдамида ўрганилаётган ҳудуд жой номлари қадимда қандай аталганлиги, тарихий даврлар мобайнида қандай ўзгаришларга учраганлиги, бошқа қандай тарихий номлар бўлганлиги, номнинг келиб чиқишига қандай тарихий воқеалар сабаб бўлганлиги аниқланади.

3. Ареал методи. Мазкур метод орқали муайян ҳудудда бир хил воқелик, ҳодисанинг тарқалиши акс эттирилади. Шу боис, бир хил тип гуруҳига оид жой номлари, бир хил топоформант ёки муайян гуруҳ топонимик терминлар ёрдамида ясалган жой номлари бирор ареални ҳосил қилади.

4. Статистик метод. Ушбу метод ёрдамида маълум бир ҳудудда географик номларнинг миқдорини, қўлланилиш даражасини, такрорланишини кўрсатиш

мумкин. Муайян бир ҳудудда географик номларнинг бирор турлари миқдорини билиш катта аҳамиятга эга. Бунда номларнинг такрорланиш даражаси ва унинг миқдорий фаоллигини билиб олиш имконияти туғилади.

5. Такқослаш усули. Мазкур метод ёрдамида жой номлари бир-бирига такқосланиб ўрганилади.

6. Картографик метод. Ҳар қандай географик объектларнинг номлари аввало харитада акс этади. Шунинг учун топонимикада ушбу методдан кенг фойдаланилади. Маълумки, харита-шуносликда бир қанча методлар бўлиб, топонимикада уларнинг кўпчилиги қўлланилади.

Жумладан, ойконимларнинг катта-кичиклиги белгилар (геометрик ва ҳарфли белгилар) усули, бир хил турдаги, бир хил тилга тегишли ёки бир хил топонимик терминлар ёрдамида пайдо бўлган топонимлар ареаллар усули, муайян топонимик ҳодисаларнинг такрорланиши бирор жойга тегишли диаграммалар усули, кенг ҳудудлардаги топонимик ҳодисалар сифатли ва миқдорли ранг усуллари, географик номларнинг муайян ҳудудлар бўйича тарқалиши нуқталар усули, муайян турдаги номларнинг бирор ҳудуд (масалан, Ўзбекистон вилоятлари ёки туманлари) бўйича тарқалишини картодиаграмма ва картограмма усули, географик номларнинг кўчиш ҳодисасини ҳаракатдаги чизиқлар усули ёрдамида кўрсатилиши мумкин.

Кичик ҳудудлардаги топонимик тадқиқотларда бу каби усуллари бирга қўллаш яхши самара беради.

7. Тасвирий метод. Ушбу метод ёрдамида ўрганилаётган ҳудуддаги географик номларнинг ҳозирги ҳолати, хусусиятлари топонимнинг пайдо бўлиши ва тузилиши жиҳатидан ўрганилади.

Юқоридаги методлар жой номларини кўпроқ географик нуқтаи назардан тадқиқ қилишда ишлатилади. Тарихий ёки тилшунослик нуқтаи назардан тадқиқотлар олиб борганда бошқа методлардан ҳам фойдаланилади [3].

Умуман олганда, кичик ҳудудлардаги географик номларни ўрганишда юқоридаги методларнинг бир

нечасини кўллаб тадқиқ этиш кўпроқ ва имконини беради.
мукамалроқ маълумотлар тўплаш

Адабиётлар:

1. Ҳасанов Х. Географик номлар сири. –Т.: Ўзбекистон, 1985. 120-б.
2. G'ulomov P.N., Mirakmalov M.T. Toponimika va geografik terminshunoslik. -Т.: «Universitet», 2005.
3. Эназаров Т.Ж. Номшунослик масаллари.-Т.: 2010. 112-б.
4. Назаров К., Эназаров Т. Жой номларини йиғиш сўроқлиги.–Т.: Университет, 1995. 33-б.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются особенности изучения и основные методы исследования топонимов малых территорий.

Тавсия этувчи:

доцент Ғуломов П.Н.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЖОЙ НОМЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА МАҲАЛЛИЙ ГЕОГРАФИК ТЕРМИНЛАР РОЛИ

Урынбаева Ф.Б.

Қорақалпоғистон топонимларининг вужудга келишида топонимлар шаклланишининг умумий қонуниятлари ўз ифодасини топган. Шунингдек, Қорақалпоғистон жой номларининг шаклланишида фақат маҳаллий топосистемага хос бўлган қонуниятлар ҳам мавжуд. Бу қонуниятлар республиканинг географик жойлашган ўрни, аҳолининг миллий таркиби, уларнинг асрлар давомидаги тарихи ва ҳ.к. билан тўғридан – тўғри боғлиқдир.

Ер юзидаги барча топонимларнинг кўпчилик қисми даставвал турдош отлардан таркиб топган. Кейинчалик эса, географик номлар (топонимлар) мазмунан ва шаклан атоқли отларга айланиб борган. Кўпчилик топонимист олимлар фикрича, қадимги тилларда атоқли отлар бўлмаган. Масалан, Австралия, Африка ва Американинг маҳаллий халқлари – аборигенлар тилларида атоқли отлар жуда кам учраб экан. Бундай тилларда турдош отлар ёки қандайдир иборалар атоқли отлар вазифасини бажариши мумкин.

Инсоният жамияти ривожланишининг илк босқичларида ўша давр одамлари учун яшаш макони жуда чегараланган ва географик объектларни номлаш учун ҳам зарурият деярли йўқ эди: улар тоғларни, тепаларни (умуман барча рельеф объектларини) – “тоғ”, дарё, жилға, сой ва ҳ.к. ларни –“сув”, “дарё”, кўл, денгиз, океанларни эса – “денгиз” шаклида,

яъни фақат биттагина турдош от билан номлашган. Узоқ вақт давомида тилнинг ривожланиши ёки халқларнинг яшаш жойларини ўзгартириши билан географик терминларнинг (юқорида қайд этилган турдош отлар) аксарияти фойдаланишдан чиқиб қолган ва улар объектларни ифодаловчи «ном»га (топонимга) айланиб, ҳозирда ҳам сақланиб келмоқда. Бунга сабаб - янги авлод ёки янгидан келиб жойлашган бошқа тилда гапирувчи аҳоли бу терминларни (турдош отлар) маъноси номаълум бўлган атоқли от (топоним) сифатида қабул қилган.

Кўпчилик йирик дарё ва тоғлар қадимда оддийгина сув, тоғ, тепа деб аталган. Бу оддий сув, тоғ, тепа каби сўзлар кейинчалик географик номга (топонимга) айланган. Масалан, «дон» сўзи қадимги скифлар тилида «дарё» маъносини билдирган, скифлар авлоди ҳисобланмиш ҳозирги осетин тилида бу сўз асл маъносида сақланиб қолган. Буни Осетиядаги дарёларнинг аксарияти номларида кўзатишимиз мумкин, улар номининг деярли барчаси «дон» элементи қўшилиши билан ясалган: Ардон, Садон ва ҳ.к.

Мазкур қонуният Қорақалпоғистон топонимиясида ҳам ўз ифодасини топган. Бу қонуният, айниқса, республиканинг баъзи гидронимик топонимлари учун хос ҳисобланади. Жумладан, арық, жармыс,

өзек, қол терминларининг аксарияти дастлаб ном сифатида қўлланилган. Кейинчалик терминга айланиб, топонимлар таркибида қўлланиладиган бўлган. Масалан, Қамысарық канали, Қарабек-жармыс, Абатжармыс, Жармысжап, Қараөзек, Қандымөзек, Есимөзек, Қаракол кўли ва бошқалар. Бу терминлар гидронимлар таркибида учраса ҳам, лекин ҳозирги жонли тилда деярли ишлатилмайди.

Аслида маҳаллий географик терминларнинг гидроним, ороним, ойконимларнинг шаклланишидаги иштироки бирдек деб бўлмайди. Масалан, Беларусь гидронимларининг фақат 10 фоизигина маҳаллий географик терминлар иштирокида ясалган. Бироқ, ойконимлар ясалишида бундай маҳаллий терминлар 55-60 фоизни ташкил этади. Фарқларнинг бу каби катта бўлишини айрим тадқиқотчилар гидронимларнинг ойконимлардан қадимироқ эканлиги билан изоҳлайди. Ҳақиқатдан ҳам қадимги топонимларнинг ўзгариб кетиши, улар таркибидаги терминнинг йўқолиши ёки ном таркибидан тушиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Маҳаллий географик терминлардан географик номлар этимологиясини аниқлашда фойдаланиш билан бирга, маъно силжиши (кўчиши) ва термин маъносининг ўзгаришга учрашини ҳам эътиборга олиш зарур. Бундай ўзгаришлар аниқ географик, тарихий ва иқтисодий шароитларга боғлиқ бўлади. Баъзан термин мазмуни унинг бирламчи мазмунидан бошқача бўлиб қолиши ҳам мумкин. Масалан, туркий тиллардаги умумий «қир» термини ҳозирги турк тилида текислик, дала, қирғиз тилида паст тоғлар, қозоқ тилида паст тоғлик, туркман тилида қаттиқ, текис, очиқ юзали платолар, ўзбек тилида юзаси баланд-паст, мутлақ баландлиги 200-500 метр бўлган ерлар маъноларини англатади. Бундай ҳолатни Қорақалпоғистондаги маҳаллий географик терминлардан «қала» термини мисолида кўриш мумкин. Бу терминни ўзбек тилидаги «қалъа» термини билан айнан бир хил деса ҳам бўлади. Лекин, ўзбек тилидаги «қалъа» - истехком, кўрғон маъноларини англатса, қорақалпоқча «қала» - шаҳар, маданий, сиёсий, саноат ва

савдо маркази, катта аҳоли пункти каби маъноларни билдириб, ҳозирги вақтда «шаҳар» маъносида ишлатилади. Лекин бу термин Қорақалпоғистон ҳозирги урбонимларининг биронтасини ҳам ҳосил бўлишида иштирок этмайди. Аммо, тарихий объектлар, қадимги кўрғон-шаҳарлар, истехкомлар номи сифатида кенг қўлланилади – Куйиққала, Жамбасқала, Топыраққала, Қойқырылғанқала ва ҳ.к. Бу мисолларнинг барчасида ҳам «қала» – кўрғон, қалъа, истехком каби маъноларда учрайди.

Географик номларнинг қандай объектга (кўл, дарё, тоғ, текислик, қишлоқ, кўча ва ҳ.к.) тегишли эканлигини кўпинча топонимлар таркибидаги терминлар орқали аниқлаш мумкин. Масалан, кел, дарья, өзек, сай, жап терминлари географик номнинг гидроним, яъни сув объекти эканлигини билдирса, таў, төбе, жар, қум каби терминлар ўзлари иштирок этаётган номнинг ороним эканлигини кўрсатади. Ўз навбатида, ойконимлар таркибидаги – кент, қала, абад, қорған, аўыл ва ҳ.к. терминлар объект турини ифодалашга хизмат қилади. Қорақалпоғистон шаҳарлари номларида ойконимик терминлар жуда озчиликни ташкил қилади. Аксинча, қишлоқ аҳоли пунктлари номларининг кўпчилиги «аўыл» термини иштирокида ҳосил бўлган. Масалан, Хўжайли тумани қишлоқлари номларининг 38 % и, Тахтакўпир тумани қишлоқлари номларининг 29 % и, Қораўзак тумани комонимларининг 15 % и тўғридан-тўғри «аўыл» термини иштирокида ясалган. Бу ҳол Қорақалпоғистон комонимлари вужудга келишининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Маҳаллий географик терминларнинг Қорақалпоғистон топонимлари таркибида учрашини кўйидаги жадвалдан кузатишимиз мумкин.

Қорақалпоғистонда топоним ҳосил қилишда гидронимик терминлар оронимик ва ойконимик терминларга нисбатан кўпроқ қатнашади. Гидронимик терминларнинг ҳар иккала турига оид терминлар ҳам сонига, ҳам топоним ҳосил қилиш салмоғига кўра бошқа типдаги терминлардан олдинда туради. Бунга

асосий сабаб республика худудида Амударёнинг катта дельтаси, анчагина тармоқлари, ороллар ва кўллар, шунингдек,

кўпдан-кўп қолдиқ ва ҳозирги ўзанлари мавжудлигидир.

Жадвал

Қорақалпоғистон жой номлари таркибида кўп учрайдиган маҳаллий географик терминлар

№	Маҳаллий географик терминлар типлари	Маҳаллий географик терминлар турлари	Маҳаллий географик терминлар	Маҳаллий географик терминлар ҳосил қилган номлар
1	Сув объектларига, сувнинг хусусиятларига ва ҳаракатига боғлиқ терминлар (гидронимик терминлар)	а) табиий географик объектларни англатувчи	Дарья, көл, саға, өзек, булақ, сай, қолтық, тумсық, дейгиш, жыққын	Амударья, Сарикөл, Жумабайсаға, Қараөзек, Жийдебулақ, Алтынсай, Ажырыққолтық, Ақтумсық
		б) инсон фаолиятига боғлиқ вужудга келган объектларни англатувчи	Жап, арна, салма, арық, жармыс, жарма, қудық, бөгет	Мауленжап, Қыпшақарна, Қумсалма, Қамысарық, Абатжармыс, Қуўанышжарма, Қосқудық, Тасбөгет
2	Ер юзаси хусусиятларига, рельеф шаклига боғлиқ терминлар (оронимик терминлар)	а) табиий географик объектларни англатувчи	Таў, төбе, жар, кум, ой	Ашшытаў, Айбосынқум, Қараўылтөбе, Қызылжар Қараой
		б) инсон фаолиятига боғлиқ вужудга келган объектларни англатувчи	Атыз, жер, көлем	Дөңатыз, Ойатыз, Улкенкөлем, Ортақодем, Арқакөлем (асосан микротопонимлар)
3	Аҳоли яшаш манзилгоҳлариг а оид терминлар (ойконимик терминлар)	инсон фаолиятига боғлиқ вужудга келган объектларни англатувчи	Қала, аўыл, абад, журт, елат, уй, там, жай	Елликқала, Аяққала, Бағаўыл, Муйтенаўыл, Қумаўыл, Халқабад, Дийханабад, Гөнежурт, Таслақ елати, Қызылуи, Тасжай, Айыртам, Бестам

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон топонимияси таркибида ўзига хос ирригацион терминлар (арна, өзек, жарма, жармыс, бөгет, жап) ёрдамида ҳосил бўлган топонимлар кўпчиликни ташкил этади.

Шунингдек, Қорақалпоғистон аҳолисининг узоқ ўтмишдан ҳозиргача уруғ – қавм тизимида риоя қилиб келаётганлиги ҳам маҳаллий географик терминларнинг топоним ҳосил қилишдаги ўрнига маълум даражада таъсир кўрсатган. Уруғ – қавм тизими одатлари ва анъаналарига кўра битта уруғ вакиллари бўлган бир гуруҳ оилалар албатта жамланишган ҳолда бир қишлоқ ҳосил қилиб яшашган ва бу қишлоқ

номи ҳам ерли аҳоли ёки кўшни уруғ вакиллари томонидан шу уруғ номига (Муйтенаўыл, Қыпшақаўыл, Айтекеаўыл) ёки шу уруғ оқсоқоли хурматига унинг номига “аўыл” термини қўшилган ҳолда (Бердияраўыл, Серикбайаўыл, Өтепберганаўыл) номланган.

Уруғлар номи фақат ойконимларга эмас, шу уруғ вакиллари бунёд этган суғориш тармоқларига ҳам берилган. Шундай йўл билан – Айтекежап, Қытайжап, Қыятжарған, Туркменсалма, Керейтжап, Қыпшақарна каби топонимлар пайдо бўлган.

Адабиётлар:

1. Жабборов И. Антик маданият ва маънавият хазинаси. -Т.: «Ўзбекистон», 1999.
2. Қарақалпақ тилиниң түсіндірме сөзлиги. -Н.: «Қарақалпақстан», I-IV томлар, 1982, 1984, 1988, 1992 жж.
3. Қораев С. Топонимика. -Т.: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти», 2006.
4. Мурзаев Э.М. Словарь народных географических терминов. -М.: «Мысль», 1984.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются некоторые закономерности в образовании местных топонимов Каракалпакской Республики.

Тавсия этувчи:

доцент Гуломов П.Н.

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ТОПОНИМИК ХАРИТАСИДА ИҚТИСОДИЙ
ТУРМУШНИ АКС ЭТТИРУВЧИ ОЙКОНИМЛАР**

Отақулов Ф.

Бугунги кунда кишилар ўзлари яшайдиган кўча, маҳалла, қишлоқ ёки шаҳарларнинг номланишига, мавжуд номларнинг маъносига, тўғри айтилиши ва ёзилишига катта қизиқиш ҳамда эътибор билан қарамокдалар. Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг жойларга ном танлаш, яъни миллий топонимик маданияти қайта тикланмоқда. Бу ҳақда Президент И.А.Каримов 2008 йилда чоп этилган “Юксак маънавият- енгилмас куч” асарида шундай ёзади: “Ҳолбуки, аждодларимиз ўзлари яшайдиган маҳалла, шаҳар ва қишлоқлар, боғ-хилмонларга ном танлашга жуда катта эътибор берган. Мисол учун, Тошкентнинг ўн икки дарвозасига берилган чуқур маъноли, гўзал номларни олайлик. Самарқанд, Бешёғоч, Кўкча, Чигатой, Сағбон, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Камолон, Қўймас, Қўқон, Қашқар дарвоза деган номлар авваломбор ўзининг аниқ тарихий-жуғрофий маъноси билан ажралиб туради”[1].

Топонимлар орасида амалий аҳамияти бўйича ойконимлар алоҳида ўрин эгаллайди. Ойконимлар деганда, шаҳар, қишлоқ, овул ва бошқа аҳоли масканлари номлари тушунилади. Аҳоли масканлари ижтимоий-иқтисодий ҳамда тарихий категория бўлиб, уларнинг номланиш жиҳатлари вақт ўтиши билан ўзгариб боради. Ойконимларни ўрганишда уларни гуруҳ-гуруҳларга бўлиб, таснифлаш усули кенг тарқалган. Аҳоли масканларини асосан икки йирик гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Табиий ёки табиий-географик ойконимлар.

2. Иқтисодий- ижтимоий ойконимлар. Табиий-географик ойконимлар, ўз навбатида, сув билан боғлиқ, рельефни акс


этирувчи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси номидан олинган ойконимларга бўлинса, иқтисодий-ижтимоий ойконимлар - кишилар исмидан, уруғ-қабилалар номидан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардан олинган ойконимларга бўлинади. Мазкур ойконимларни чуқурроқ таҳлил этиш мақсадида яна кичик гуруҳларга бўлиш мумкин (1-чизма). Қуйида Фарғона вилоятидаги ойконимлар мисолида иқтисодий турмушни акс этирувчи батафсилроқ тўхталиб ўтилади.

Фарғона вилояти худудида қадимда ҳунармандчилик ривожланган тармоқлардан бири бўлган. Бу соҳа билан боғлиқ бўлган жой номлари кўпроқ маҳалла ва кўчаларга берилган.

Вилоят топонимик ҳаритасида қишлоқ ва шаҳарларида *Астарбоф, Бахмалбоф, Бўзачи, Бўйрабоф, Дегрез, Йўрмадўз, Кулолон, Кўнчилик, Парнашабоф, Пичоқчи, Пўстиндўз, Тандирчи, Усталар, Қамчинбоф* каби жой номлари қайд этилади [2].

Ўзбекистонда бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам кишиларнинг иқтисодий турмушида савдонинг аҳамияти юқори бўлган. Савдо мазкур худуднинг гуллаб яшнашига таъсир ўтказган. Шунинг учун “бозор” ибораси ойконимлар таркибида кўп тарқалган. Фарғона вилоятидаги топонимик ҳаритасида *Бозор, Бозорайпан, Галабаққоллик, Ёзбозори, Сарибозорча, Устабозор, Янгибозор* қишлоқлар номи савдога нисбат бериб кўйилган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган *Дехқонобод, Доимобод, Мехнатобод, Пахтакор, Пахтачи, Пахтақайнар, Пахтаучун,*



1-чизма. Фарғона вилояти ойконимларини таснифлаш

Пиёзчилик, Пиллакор, Ғаллакор, Бодомзор, Бехизор каби қишлоқлар мавжуд. Вилоятда қайта ишловчи маҳаллий ишлаб чиқариш корхонаси номи билан боғлиқ бўлган *Тегирмонбоши, Қўштегирмон, Тўпжувоз, Сувжувоз, Ёғжувоз, Хумдон* каби қишлоқлар бор [3].

Ҳозирги кунда вилоятда такрорий ва шахс номларини ўзгартириш жараёни давом этмоқда. Берилаётган таклифларда ҳам иқтисодий турмушни акс эттирувчи вариантлар асосий ўринни эгаллайди. Вилоят топонимик комиссиясига Ҳамза шаҳарчасини номини ўзгартиришга берилган таклифлар қуйидагича асосланди:

1. Нефтобод- а). Аҳоли масканининг шаклланишида нефт ва нефтни қайта ишлаш саноати тармоғи билан боғлиқ бўлган корхоналар етакчи ўринни эгаллайди. Шаҳарчанинг бунёд этилиши (1963 йилгача Ванновский посёлкаси) бевосита нефт қазиб олиш ва уни темир йўлда ташиш билан боғлиқ. Ҳозирда шаҳарчада нефт билан боғлиқ учта шаҳар ҳосил қилувчи йирик корхона мавжуд бўлиб, улар Нефтни қайта ишлаш заводи, Нефт цистерналарини буғлаб ювиш станцияси, Нефт маҳсулотлари таъминоти корхонасидир. б). Шаҳарча сув таъминоти бўйича ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Олтиариксой этагида жойлашган шаҳарчанинг ўртасидан Катта Фарғона канали оқиб ўтади. Бу ҳолат шаҳарчада сув

таъминотини тубдан яхшилади. Вилоятда “обод” аффикси қатнашган топонимлар кўп тарқалган. Обод сўзи тожикча об-сув, обод-сувли, сув етарли жой деган маънони билдиради. Бу сўз шаҳар, қишлоқ, умуман, аҳоли манзилгоҳларига нисбатан ишлатилади. Асосий маъноси «гуллаган» демакдир. 2. Қорабулоқ- шаҳарча атрофида қадимда ҳақиқатдан ҳам булоқлар бўлганлаги маълум. Лекин бу нефт булоқлари эмас, албатта. Конуссимон ёйилманинг этакларидан сизиб чиқадиган минерал булоқ ва кичик кўллар бўлишини эътиборга олиб, шаҳарчани шундай номлаш мумкин. Бу жойнинг табиий географик хусусиятларини ўзида акс эттирадиган ном ҳисобланади.

Таклиф этилаётган номлар топонимика фани қонуниятларига мос тушади. Объектларни номлашда топонимик қонуниятлар талабларининг бажарилиши муҳим. Фандаги **топонимик позитивлик** қонуниятига кўра, номлар ойконимларнинг табиий ёки ижтимоий-иқтисодий аломатларини, яъни реал воқеа-ҳодисаларни ўзида акс эттириши зарур. Кўпчилик географик номларнинг вужудга келишида оддий географик терминлар, сўзлар асосий рол ўйнайди, уларнинг олдида ёки орқасига бир от, сифат, сон ёки қандайдир кўшимча қўшилса, объектларнинг хусусиятларини акс эттирадиган топонимлар ҳосил бўлади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Ахмадалиев Ю. Фарғона вилояти топонимлари.- Фарғона, 2009.
3. Охунов Н., Ахмадалиев Ю. Фарғона вилояти ойконимларининг номланиш хусусиятлари. – Фарғона, 2010.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы отражения социальной жизни населения в составе ойконимов Ферганской области.

Тавсия этувчи:

доцент Миракмалов М.Т.

ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПОНЯТИЯ В СОДЕРЖАНИИ ШКОЛЬНОЙ ГЕОГРАФИИ

Тлеубергенова К.А.

Эффективность развития экономики на базе ускорения научно технического прогресса, технического перевооружения и реконструкции производства, интенсив-

ность использования созданного производственного потенциала и материально-сырьевых ресурсов поднимают на новую ступень взаимодействие человека с

природой. Оно требует от выпускников школы глубокое знание законов природы и общества, которые должны помочь им при решении проблемы рационального использования природных ресурсов в процессе их трудовой деятельности; сформированности умений, оценивать состояние отдельных компонентов природы, в результате воздействия на них человека с тем, чтобы в дальнейшем они могли управлять качеством окружающей среды.

Экологическое образование вошло в систему народного образования и является одним из важных его аспектов. Оно направлено на воспитание подрастающего поколения, в отношении к природной среде, ответственности за ее состояние, экономного использования природных ресурсов. Разумеется, такое воспитание осуществляется на базе ознакомления детей, молодежи и взрослых с элементами экологии.

Основной целью экологического просвещения является воспитание у людей сознание своей ответственности за защиту и улучшение состояние окружающей среды, выработка этики отношения к окружающей среде, с учетом экологического равновесия, разъяснение правовых норм во взаимоотношениях человека и природы.

Ведущее место в общей системе экологического образования занимает школьный курс *географии*. Один из главных задач школьной географии является формирование и развитие у учащихся научных знаний о природе, населении и его хозяйственной деятельности. Цель обучения географии заключается в определении особенностей природных условия и ресурсов, использование их человеком, который в настоящее время стал мощным фактором воздействия на природную среду, в определении многосторонней ценности природы как источника материальных и духовных сил общества, в овладении учащимися умениями и навыками в рациональном природопользовании, в воспитании норм и правил поведения в природе. В силу этого учитель географии

располагает большими возможностями для раскрытия всеобщей связи природных явления, сложности и противоречивости взаимодействия природы и общества, для разъяснения многих экологических проблем, стоящих перед человечеством.

Содержание экологического образования в рамках учебного предмета географии включает различные виды знаний: понятие, факты, законы, идеи. Они предусмотрены школьной программой и служат формированию в сознании учащихся правильной идеологической картины мира, методологических основ творческой, практической и общественно полезной деятельности по охране природы, воспитанию бережного отношения к природе.

Содержание экологического образования тесно связано с содержанием общего географического образования, что способствует более глубокому и осознанному пониманию учащимися роли географии в решении практических задач охраны и преобразования *природы*. Экологическое образование учащихся в процессе изучения географии можно рассмотреть далее на примерах раскрытия отдельных идей и понятий, наиболее полно отражающих взаимодействие природы и общества.

В содержание школьной географии включается понятие «природные условия», которое имеет самостоятельное значение. Поэтому в учебном процессе важно вначале добиться понимания и усвоения учащимися понятия «*природные условия*». Формирование знаний о природных условиях осуществляется поэтапно. Первый элемент его рассматривается при определении понятия «природа», в курсе природоведения, затем при изучении физической географии. Вторым элементом неоднократно подчеркивается как в природоведении, так и в географии, но при этом отмечается, что природные условия не участвуют непосредственно в производственной и непроизводственной деятельности человека. Неполное раскрытие этого элемента понятия приводит к тому, что учащиеся не видят разницы между понятиями «природные

условия» и «природные ресурсы», и отождествляют их. Поэтому в начале изучения природных ресурсов нашей страны нужно обобщить знания о природных условиях, свести их в единое понятие. Затем логично вводится понятие «окружающая человека природная среда» и отмечается, что отличительной особенностью природной среды является самоподдержание и саморегуляция без вмешательства человека. Третий элемент «географическая среда» нашел отражение во всех курсах географии. Оно изучается как сфера взаимодействия общества и природы. Географическая среда возникла вместе с обществом и является необходимым условием общественного развития.

В школьной программе уделено большое внимание природным ресурсам. Так, в начальном курсе физической географии на элементарном уровне определяются общие особенности природных богатств, распределения их по планете, подчеркивается значение для жизни человека. Эта система знаний готовит к восприятию вопроса о природных ресурсах на более научном уровне в последующих курсах географии.

Во время изучения физической географии Казахстана вводится определение понятия «природные ресурсы». Затем на уровне фактов последних ресурсов, необходимость бережного отношения к ним. Общие вопросы о природных ресурсах конкретизируются в изучении крупных территории страны и своей области.

В содержании экономической и социальной географии вопрос о природных ресурсах получает дальнейшее развитие и рассматривается в тесной взаимосвязи с вопросами их производственного использования. Рациональность природопользования определяется здесь не только как научное понятие, но и как экономия сырья, материалов, топлива, воды, т.е. снижение материалоемкости, энергоемкости, водоемкости производства.

В тесной связи с рациональным ведением хозяйства находится комплексность территориальной организации

производства. Для объяснения этого содержания вводятся понятия «территориально-производственный комплекс» и «агропромышленный комплекс».

Учение о природных ресурсах предусматривает и их восстановление. Этот вопрос также нашел отражение в школьной географии. Так, учащиеся знакомятся с восстановлением биологических ресурсов, рекультивацией земель и т.д.

С понятием «природные ресурсы» связано понятие «природопользование». География изучает природопользование как единый процесс, включающий не только использование природных благ, но и характер, масштабы, последствия воздействия.

Важность этого понятия заключается в том, что оно дает не констатацию сложившейся практики использования природных ресурсов, а показывает особенности учета, экономной эксплуатации, воспроизводства и перспектив развития. Важным элементом знания в этом понятии является также перспективы развития.

Понятие «природопользование» определяется при изучении ряда вопросов, причем наиболее полно такой элемент, как экономная эксплуатация природных ресурсов. С этой точки зрения ставятся вопросы о хозяйственном значении и необходимости рационального использования природных ресурсов, безотходной технологии и т.д.

В теории и практике взаимодействия природы и общества важное место занимает учение об *антропогенных факторах*. В условиях современного научно-технического прогресса происходят значительные качественные изменения состояния природы, естественных параметров окружающей среды, нарушения сбалансированной структуры обмена веществ. Все эти изменения в природе вызваны деятельностью людей. Таким образом, в отличие от естественных факторов, антропогенные факторы создаются прямо или косвенно человеком.

Элементы системы знаний об антропогенных факторах тесно

взаимосвязаны и дополняют друг друга. В начальном курсе физической географии внимание учащихся следует привлечь к следующему. Воздействие человека на природу возникло с появлением самого человека, однако первыми ощутимыми последствиями воздействия стало использование человеком огня.

В курсе географии материков и океанов, опираясь на знания по истории, учитель отмечает, что развитие человеческого общества сопровождалось появлением земледелия, скотоводства, различных ремесел, городов. В связи с этим, воздействие на природу усилилось. Далее на уровне фактов эта мысль конкретизируется по мере углубления знаний о природе и хозяйственной деятельности населения материков. В ходе изучения материала систематизируются знания об антропогенных факторах и отмечается, что воздействие человека на природу, как правило, наносит ей ущерб. Человек должен строить свои отношения так, чтобы ущерб был минимальным.

Изучая особенности производства различных отраслей народного хозяйства страны, учащиеся знакомятся с вопросами их влияния на природную среду и мерами, предупреждающими вредные последствия. Отмечая это, учитель подчеркивает, что управление влиянием человека на природу невозможно без качественных и количественных оценок их воздействия на природу.

С системой знаний об антропогенных факторах тесно связана группа понятий: «загрязнение», «охрана природы», «оценка». Каждое из них относится к числу сложных, охватывающих целый круг вопросов, к примеру, «загрязнение» относится к антропогенным факторам, оказывающим отрицательное воздействие на отдельные объекты природы и природу в целом.

В процессе изучения географии формирование знаний о загрязнении окружающей среды осуществляется в курсе физической географии с помощью ярких, доступных фактов, показывающих механические, физические и частично биологические и химические виды

антропогенного загрязнения. Затем учитель подробнее рассказывает об этих видах загрязнения, предлагает ученикам подобрать конкретные примеры, связать со своей местностью.

Положительное влияние на природу имеет *охрана природы*. Под охраной природы понимается система мероприятий, которые включают в себя:

1. Рациональное использование всех природных ресурсов.
2. Расширенное воспроизводство возобновимых ресурсов.
3. Заповедывание отдельных природных ресурсов, акваторий и территории.
4. Сохранение благоприятных для человека условий жизни.

Целостность природной среды является стержнем в теории рационального природопользования, методологической основой современных географических исследований по вопросам охраны природы.

В школьной географии эта идея конкретизируется через систему знаний о свойствах и взаимодействии геосфер Земли, о географической оболочке, биосфере, круговороте веществ и трансформации солнечной энергии, взаимосвязи компонентов природы, природно-территориальных комплексах. Освоение этих знаний дает возможность понять картину развития природы, единство процессов ее формирования, мысль о том, что любая хозяйственная деятельность человека должна быть соизмерима и согласована с законом природы.

Общие географические закономерности проявляются в каждом природно-территориальном комплексе, независимо от его ранга. Являясь частью оболочки, природный комплекс представляет собой взаимодействие компонентов природы. Целостность является одним из важнейших свойств природного комплекса. Используя конкретное содержание соответствующих вопросов физической географии Казахстана, учитель подводит учащихся к выводу о том, что воздействие на один из

компонентов комплекса приводит в той или иной степени к изменению других и всего природного комплекса. При формировании понятия «ландшафты природные и антропогенные» важно обратить внимание на то, что термин «ландшафт» состоит из немецкого слова «земля» и суффикса «шафт», означающего взаимосвязь, взаимозависимость. Раскрыв перевод термина, учащимся будет легче усвоить определение самого понятия, выявить отличительные особенности ландшафтов природных и антропогенных. Затем надо отметить, что во многих районах мира практически не осталось чисто естественных ландшафтов. Любая практическая деятельность человека вызывает различные изменения состояния компонентов, всего ландшафта в целом.

Наиболее полное обучение идеи получила в содержании курса экономической и социальной географии. На доступном уровне пониманию учеников объясняется, что природная среда, будучи необходимым, не всегда является определяющим условием для развития хозяйства. На конкретном материале учащиеся убеждаются, что природные условия и ресурсы – естественная база для ведения хозяйства. Использование их должно быть предельно рациональным, экономным и термин «ресурсосбережение» не случайно связан с ускорением социально – экономического развития страны.

Идея взаимосвязи окружающей среды и здоровья человека рассматривается также в ходе изучения вопросов о проблемах городов, урбанизации. Здесь надо подчеркнуть, что воздействие городской среды на жизнедеятельность и здоровье людей носит комплексный характер. Он определяется совокупностью факторов физической, химической, биологической природы и социальных условий. Целесообразно обратить внимание и на такие особенности городов, как большая плотность населения, шум, незначительное количество растительности и т.д. Постоянное пребывание человека в этой среде приводит к различным нарушениям сердечно-сосудистых, психических функций жителей.

Взаимосвязь окружающей среды и здоровья человека изучается при различных вопросах о туризме, привлекательной форме активного отдыха. Общения с природой накладывает на туристов определенные обязанности по отношению к окружающей природе. Учителю представляется возможность еще раз заострить внимание учащихся на правилах поведения в природе, необходимости выполнения их. Целесообразно привести конкретные природоохранные работы туристов.

В экологическом образовании важную роль играет идея нравственно-эстетического развития личности. Она направлена на формирование и развитие у учащихся нравственных чувств, сознания, норм и привычек поведения, умения понимать и оценивать прекрасное в природе. Существенной особенностью нравственных знаний при обучении географии является наличие в их составе нормативно-оценочного и правового компонентов. Формирование этой идеи в школьном курсе географии осуществляется путем выявления роли каждого компонента в природе, жизни и хозяйственной деятельности человека, важности режима экономии и бережливости в народном хозяйстве. При этом учащимся необходимо помочь в определении многоплановости ценностей того или иного объекта. Понимание многоплановости ценностей позволяет воплотить в их сознании материальное и духовное в единую систему ценностей, характерное для нашего общества. Развитию ценностных ориентаций способствует выполнение учащимися практических работ оценочного характера, к примеру, ресурсообеспеченности. Важное значение имеют работы на местности по оценке характера воздействия человека на природу; в ходе их выполнения необходимо восстановить в памяти учеников теоретические знания об исследуемом объекте, дать его качественные и количественные параметры, помочь школьникам сделать соответствующие оценочные суждения.

Литература:

1. Варвянский С.М. Общество и окружающая среда. -Алматы, 1991.
2. Корнеева А.И. Общество и окружающая среда. -М., 1995.
3. Лаптев И.Д. Экологические проблемы. -М., 2005.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада мактаб география курсида экологик тушунчаларни шакллантириш масалалари кўриб чиқилган.

Рекомендуэт:

доцент Закиров Ш.С.

ГЕОМАЖМУАЛАРНИНГ ЭКОТУРИСТИК ИМКОНИАТЛАРИ

Шомуратова Н.Т.

Экотуризм имкониятларини аниқлашда асосий баҳоланиш объекти бўлиб, худуднинг табиий потенциалини объектив акс эттирадиган геомажмуалар чиқади.

Ландшафтнинг ҳар бир компоненти инсонларнинг ҳаётига, турмуш тарзига, меҳнат фаолиятига, дам олишига бевосита ёки билвосита экологик омил сифатида таъсир кўрсатади.

Табиат инсоннинг саёҳатга чиқиши учун жойларда турли даражада қулайликлар яратган. Ҳар бир табиий комплексларда инсон организмга мавжуд табиий омиллар мажмуали равишда турлича таъсир этади. Текислик билан тоғ минтақаларида таъсир этувчи табиий омилларнинг мажмуасини бир бирига солиштириб бўлмайди. Шуларни эътиборга олиб ҳар бир табиий комплексни экотуризм нуқтаи назаридан баҳолаш амалий аҳамиятга эга. Табиий комплексларни мажмуали баҳолашдан аввал ҳар бир компонентни алоҳида баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Экотуризм ва унинг ривожланиши на фақат ўрганилаётган худуднинг ижтимоий-иқтисодий шароитига боғлиқ бўлибгина қолмасдан балки шу худуднинг табиий шароитига, унда экотуристлик объектларнинг мавжудлигига ва уларнинг географик ўрнига ҳам боғлиқдир. Чунки табиий шароит хусусиятлари худуднинг экотуристлик имкониятларини ва унинг қайси турларини ривожлантириш мумкинлигини аниқлашга имкон беради.

Геомажмуаларнинг экотуристлик имкониятларини ўрганишнинг асосий

мазмуни экотуристларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда геомажмуаларни экотуризм учун яроқлилиги, қулай ёки ноқулайлик даражасини аниқлаб беришдан, ҳамда ўрганилаётган геомажмуаларнинг экотуристлик объектларга нечоғлиқ эга эканлигини, уларнинг географик ўрнини аниқлашдан иборат.

Геомажмуаларнинг экотуристлик имкониятларини ўрганганда, баҳолаганда энг аввало икки омилга эътибор қаратиш лозим бўлади. Унинг биринчиси экотуристга – инсонга ва иккинчиси табиий муҳит ва унинг компонентларига. Бунда экотурист баҳолаш субъекти сифатида, табиий муҳит ва унинг компонентлари эса объект сифатида қаралади.

Экотуризм ўзини ривожланиши учун маълум табиий географик шароитни талаб қилади. Худуднинг табиий омиллари – рельефи, иқлими, сувлари, тупроқ ва ўсимлик қоплами, ҳайвонот дунёси ва ландшафтлари экотуризм учун геоэкологик муҳитни ҳосил қилади.

Шунинг учун худудларнинг экотуристлик имкониятларини аниқлашда юқорида келтирилган омилларни уйғунликда таҳлил қилиш талаб этилади.

Табиий комплексларни экотуризм нуқтаи-назардан баҳолаганда унинг экотуристлик аниқлаб берадиган ҳамма хусусиятларини инобатга олиш талаб

**Худуднинг экотуристлик имкониятларини аниқлашда асосий роль ўйнайдиган табиий-географик омиллар ва уларни
характерлайдиган кўрсаткичлар тавсифи**

<i>Табиий географик омиллар</i>	<i>Омилларни тавсифловчи кўрсаткичлар</i>	<i>Таъсир доираси</i>
Рельеф	а) Жойнинг денгиз сатҳидан ўртача баландлиги	Экотуристнинг иқлимий шароитга мослашишига (баландликка кўтарилган сари ҳаво босимини ўзгариши муносабати билан) баландга кўтарилишига, ҳаракатланишига, саломатлигига.
	б) Ер юзасининг (айниқса тоғли худудларда) қиймаланганлиги, ўйдим-чуқурлиги, нисбий баландлиги	Экотуристнинг ҳаракатланишига, атрофни кузатишига, ориентир олишига, қўноқ қуришига.
	в) Ёнбағирларнинг тури, қиялиги, ўсимлик ва нураш маҳсулотлари билан қопланганлиги, литологияси (булар сел ва кўчки хавфини белгилайди)	Экотуристларнинг ҳаракатланишига, ҳаётига, экотурларни ташкиллаштирилишига. Сел ва кўчкиларнинг интенсивлигига
Иқлим	Қуёш радиациясининг интенсивлиги, Қуёш нур сочиб турадиган соат миқдори, ҳаво очиқ ва булутли кунлар миқдори ҳаво ҳарорати ва унинг сутка, ой давомида тебраниши $+30, +35, +40^0$ дан юқори ва $-10, -20, -25^0$ дан паст ҳаво ҳароратларининг давомийлиги, экотурист учун иқлимий нуқтаи-назардан қулай бўлган фаслларнинг давомийлиги, ҳавонинг нисбий намлиги, ёгин-сочин тури, миқдори ва унинг интенсивлиги (20 мм/сут.кўп) қор қопламнинг қалинлиги ва кўзга таъсири, шамол режими – тезлиги (15м/с ва 20м/с кўп), йўналиши, қоронғи тушиш вақти.	Экотуристларнинг ҳаётига, саломатлигига, ҳаракатланишига, экотурларни ташкил-лаштирилишига, инсон ҳолатига, ақлий ва жисмоний ишни бажариш вақтига, жойда ориентир олишга, қўноқ қуришга.
Сувлари	а) Сув ҳавзаларининг жойлашиш схемаси, дарё, канал, қўл ва сув омборлари ўзанларининг шакли	Экотуристлик базалар ўрнини, маршрутда дам олиш пунктларини аниқлашга, ичимлик суви билан таъминланганлик даражасига
	б) Сув ҳавзалари ҳақидаги морфометрик маълумотлар, дарёларда сув оқимининг тезлиги, шаршараларнинг мавжудлиги, сувнинг ҳарорати, химик таркиби, тиниқлиги, тошқин, сел.	Сув тўсиқларидан ўтиш имкониятларининг ҳаракатланиш турига, чўмилиш имкониятларини аниқлашга, сувнинг тозаллигига, экотуристларнинг ҳаётига.
	в) Ер ости сувларининг миқдори, сатҳи, химик таркиби, тарқалиш майдони, ер юзасига чиқиши (булоқлар)	Худудни ичимлик суви билан таъминланганлик ҳолатига (даражасига).
Тупроқ	Типи, юзасининг ифлосланганлик ҳолати	Экотуристларнинг саломатлигига, ҳаракатланишига.
Ўсимлик	Ўсимликларнинг тури, ер юзасининг қопланганлик даражаси, баландлик бўйича минтақаланиши, доривор ва захарли ўсимликлар	Экотуристларни эстетик дам олишига, ҳаракатланишига, саломатлигига, ҳаётига
Ҳайвонот дунёси	Таркиби, тарқалиши, йирткич ва захарли ҳайвонларнинг мавжудлиги	Овчилик нуқтаи-назаридан баҳолашга, ҳайвонларни кузатиш имкониятига, экотуристларнинг саломатлигига, ҳаётига.

этилади. Бу хусусиятлар куйидаги омиллар асосида шаклланади. Улар литолого-геоморфологик, иқлим, сув режими, тупроқ ва ўсимлик қоплами, ҳайвонот дунёсидир.

Улар биргаликда у ёки бу табиий шароитни шакллантириб жойни экотуризм учун яроқлигини ва қайси даражада қулайлигини аниқлаш имконини беради (жадвал).

Географик мажмуаларни экотуристтик имкониятларини аниқлашда экотуризмга (эко туристга) хавф-хатар туғдирадиган, уни қийматини туширадиган объектив хавфларни ҳам инобатга олиш лозим бўлади. Булар: сейсмик хавф, қор

кўчиши ва сел келиши билан боғлиқ бўлган хавф, ёввойи ҳайвонларни ва қурт-қумурсқаларнинг хужуми билан боғлиқ хавф, хавфли метеорологик ҳодисалардир.

Геомажмуаларнинг экотуристтик имкониятларни белгиловчи омиллар экотуристтик имкониятларни юзага келтирадиган мавқега қараб иккига – кучли ва кучсизга бўлиш мумкин. Кучли омилларга рельеф, иқлим, ер усти ва ер ости сувлари кириб, улар экотуристтик имкониятларни юзага келишида етакчи ҳисобланади. Кучсиз омилларга тупроқ ва ўсимлик қопламини ҳамда ҳайвонот дунёсини киритиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются экотуристический потенциал геокомплексов Узбекистана, а также физико-географические факторы, определяющие экотуристический потенциал конкретной территории.

Тавсия этувчи:

доц. Зокиров Ш.С.

ҚУЙИМОЗОР-ТЎДАКЎЛ МАВЗЕСИ: РЕКУЛЬТИВАЦИЯ МУАММОЛАРИ

Эргашева М. К.

Маълумки, мамлакатимизни иқтисодий юксалтиришнинг асосий пойдевори табиий шароит ва ресурслар ҳисобланади. Шу сабабли табиий ресурслардан самарали фойдаланиш борасида республикамиз Президенти ва Олий Мажлис томонидан бир қатор қонун, қарор ва фармонлар қабул қилинган. Демак, табиий ресурслардан фойдаланиш, уларни кўпайтириш ҳамда муҳофаза қилиш давлат аҳамиятига молик бўлган энг долзарб вазифалардан саналади.

Рекультивация – бу фойдали, амалий тадбир бўлиб, бузилган ерлар биоресурсларини сунъий ва табиий равишда қайта тиклашдир. Рекультивация тушунчаси ландшафшуносликда, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилади. Мазкур муаммо билан К.Уолворк (1972), Л.М. Моторина ва В.А. Овчинникова (1979), Н.Ф.Реймерс (1990), Н.Б.Бекаревич (1990), А.Ниғматов (2004), Ҳ. Ваҳобовлар (2008) шуғулланишган.

Айнан, рекультивацияга мухтож ҳудудлардан бири бу Қуйимозор-Тўдакўл мавзесидир. Мазкур мавзе маъмурий

жиҳатдан салкам тўлиғича Навоий вилоятининг Қизилтепа туманига тегишли бўлиб, фақатгина жануби-ғарбий чегара қисми Бухоро вилоятининг Бухоро туманига ва Хожжаб пастқамлигидан Шохруд сув тақсимлагичигача бўлган йўлак Когон туманига қарайди.

Табиий географик жиҳатдан мавзе Зарафшон табиий географик округининг жануби-шарқий чеккасини эгаллайди.

Иқтисодий-ижтимоий нуқтаи назардан эса бу мавзе Бухоро-Навоий вилоятлари учун жуда аҳамиятли. Чунки, суғорма деҳқончилик, ичимлик сув манбалари ҳисобланган Қуйимозор (1957), Тўдакўл (1968) сув омборлари ва улар билан боғлиқ гидротехник иншоотлар шу мавзеда жойлашган (Мамарасулов, 1972). Мавзенинг юза қисми оч бўз, қисман эса сур – кўнғир тупроқлардан ташкил топган. Мазкур ҳудудда тупроқ ҳосил қилувчи жинслар асосан аллювиал незизга эга бўлиб, Зарафшон дарёси, сўнг унинг Қуйимозор тармоғи орқали ҳамда Қашқадарё водийсидан кириб келган

қадимги Сувқайтди сойларининг кум - гил, кум – чағил ётқизиклари билан тўлган. Кум – чағилли қатламларнинг қалинлиги шарққа, яъни Зиёвуддин тоғларига томон ортиб боради. Қизилтепа насос станцияси олдида кум - чағилли қатламнинг қалинлиги 20-25 метргача етади.

Қуйида Қуйимозор платосидаги чағил кони – сунъий очилманинг кесмасини келтирамиз (Назаров И. Қ., Эргашева М.К. 13 май, 2010):

0-146 см - эллювиал қатлам, сарғиш кулранг рангли, гипсли – қумоқли. 80 смдан пастга томон гипс-чағил аралашмаси ортиб боради, қуриган ўсимлик томирлари учрайди;

147-178 см - гилли цементлашган қатлам. Ялтироқ кристалли - гипсли бўлиб, метоморфозлашган, пўлатсимон белбоғни эслатади;

179-363 см - қумли-чағилли қатлам, чағилларнинг катталиги 5-7 смгача боради. Ранги эса қизғиш, сарик, қорамтир. Чағил хомашёси олинадиган қатлам.

Қуйида Қуйимозор сув омборининг жануби-шарқий соҳилида жойлашган сунъий очилманинг бўйлама кесмасини келтирамиз (Назаров И Қ., 25 май, 1997):

0-145 см - қумли-гипсли, ғовак, гипсли оқиқлар яхши ифодаланган, чағил нисбатан сийрак бўлиб, пастга томон унинг салмоғи ортиб боради. Чағилларнинг диаметри ўртача 0,5-2,0 см;

146-295 см – аксарият чағилли қатлам, зич жойлашган. Чағиллар диаметри ўртача 2,0-3,0 см. Гипсининг салмоғи сезиларли камайган;

296-330 см - чағилли, улар орасида пўлатсимон рангли белбоғ, цементлашиб қолган гилли қатлам (20-35 см қалинликда) мавжуд. Чағиллар катталиги 5-6 смга етади, ярим цементлашган;

331-450 см – зичланган яшил-сарик рангли гилли қатлам. Гилли юзалар кўпбурчакли бўлақлардан иборат. Бўлақлар орасидаги ёриқлар 0,3-0,5 см, туз-гипс бирикмалари билан тўлган.

Қуйимозор платосидаги чағил конларидан фойдаланиш натижасида чуқурлиги 5-6 метр, диаметри 55-60 метр ва ундан катта бўлган хандаклар ҳосил бўлган. Жойларда уларнинг майдони 0,5-4,0

гектаргача боради. Ачинарлиси шундаки, ҳозирги кунда бу хандакларга Когон туманидан келтирилган чиқиндилар ташланган. Мазкур майдонларни “бузилган ерлар” деб қараш жоиз. Улар фойдали қазилмаларни қазиб олиш оқибатида тупроқ - грунт қоплами ва гидрогеологик шароитнинг бузилиши ва техноген рельеф шакллариининг ҳосил бўлиши натижасида хўжалик ва эстетик аҳамиятини йўқотган ва табиатга салбий таъсир кўрсатаётган ерлардир.

Ҳозирги кунда Қуйимозор-Тўдакўл мавзеси ландшафтларидан яйлов ҳамда рекреацион – туристик зона сифатида ҳам фойдаланиб келинмоқда. Лекин ушбу зонани кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш талаб даражасида эмас. Мавзенинг инсон омили таъсирида камбағаллашуви жараёнини юмшатиш ҳамда ландшафтларнинг биомасхулдорлигини ошириш мақсадида қуйидаги амалий тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1) Антропоген юкнинг ортиб бораётганлиги туфайли ландшафтларнинг яйлов ресурслари камбағаллашган. Шу боис, худудда фитомелиорация ишларини амалга ошириш, бунинг учун шувоқ, қўнғирбош, или астрагали, қандим, черкез, қора саксовул каби фитомелиорантлардан фойдаланиш керак;

2) Қуйимозор платосида қум-чағил хомашёни қазиб олиш натижасида ҳосил бўлган бузилган ерларни ахлатхоналарга айлантиришни маън этиш ва уларда агротехник, агробиологик тадбирларни амалга ошириш ҳамда муҳофаза қилиш чораларини кучайтириш лозим;

3) Аму-Бухоро машина канали (I-II навбатлари) соҳилларида дарахтли, бутали тўқайзорлар ҳосил бўлган. Сув бўйида кенлиги 8-12 метр келадиган дарахтли тўқайларда туронғил тераги (2 тури), тол, жийда, бўйра қамиш, юлғун, оддий қамиш йўлақлари ҳосил бўлган. Булар қаровсиз, турлича физологик ҳолатда. Қиш фаслида улар баъзан куйдириб юборилади. Бундай тўқайзорларни тартибга келтириш, иложи борида бу йўлақларда ёғочбоп дарахтлар ўстириш талаб этилади;

4) Бухоро вилояти учун асосий ичимлик суви манбаи бўлган Қуйимозор

сув омборини муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадга мувофиқ;

5) Тўдакўл сув омбори атрофида жойлашган сувни тозалаш иншоотлари ва

дам олиш зоналари атрофларини фитомелиорация қилиш ва муҳофаза чораларини кучайтириш яхши натижаларни беради.

Адабиётлар:

1. Ваҳобов Х., Ҳакимов О. Бузилган ландшафтлар тушунчаси ҳақида //Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 32-жилд.-Тошкент, 2008, 8-11 б.
2. Мамарасулов С. М. Водная проблема бассейна Зарафшана и пути ее решения. –Ташкент: «Ўзбекистан», 1972. -214 с.
3. Назаров И.Қ., Аллаёров И.Ш., Раҳмонов У., Явмутов Д. Ўртақўл геотизимларининг антропоген омил таъсирида чўллашуви ва унинг оқибатлари хусусида. Географик экология ва табиатдан фойдаланиш муаммолари. -Тошкент, 1999, 22-24 б.
4. Раупов Ў., Эргашева М. К., Назаров И.Қ. Қуйимозор-Тўдакўл мавзеси ландшафтларини оқилон ташкил қилиш хусусида //Ижодкор ёшлар ва фан-техника тараққиёти. -Бухоро, 2010. 152-155 б.
5. Ниёзов Д. С., Эргашева М. К. Зарафшон дельтасидаги ташлама кўллар гидробиологияси ва балиқчилик муаммолари (Бухоро вилояти мисолида) // Чўл зонаси ландшафтлари ресурсларидан самарали фойдаланишнинг географик асослари. –Бухоро, 2010, 122-127 б.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается своеобразие нарушенных земель Куюмазар-Тудакульского массива и рекомендуется мероприятия по их рекультивации.

Тавсия этувчи:

доцент Зокиров Ш.С.

СУЛТОН-УВАЙС ТОҒИ МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИК ЖОЙЛАШИШИ ВА ХЎЖАЛИКДАГИ АҲАМИЯТИ

Искендеров А.Б.

Республикамиз йирик ёқилғи-энергетика ҳамда турли хил минерал ресурс хом ашёларига бой. Айниқса, бу ерда табиий газ, олтин, мис, ҳар хил туз захиралари кўп. Бироқ, уларнинг худудий таркиби, ўзаро жойлашуви бир хил эмас. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида тоғ-кон кимёси саноати учун имкониятлар катта ва мавжуд захиралардан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Бу минтақа келажакда нефт-газ ресурсларига бой бўлиши мумкин. Нисбатан кичик майдонни эгаллаган Султон-Увайс тоғ-худудида эса турли хил қазилма бойликлар топилган. Аммо уларнинг геологик жиҳатдан яхши ўрганилмаганлиги ёки саноат ишлаб чиқариши учун захираларининг озлиги сабабли бу худуд имкониятларидан ҳозирча кенг кўламда фойдаланилмапти [5].

Султон-Увайсда темир рудаси, талък тошлари, кварцит, гранат, амфиболитлар, мрамор ва гранит тошлари, ишлов бериладиган тошлар ва қурилиш

материалларининг конлари бор. Қурилиш материаллари саноати асосан Нукус, Хўжайли, Тахиатош шаҳарлари ва Жумуртоғ ва Қоратоғ шаҳарчаларида жойлашган. Ушбу шаҳарлардаги қурилиш корхоналари лёссли суглинклар, Табақум бархан қумлари, Жумуртоғ, Зинелбулоқ, Оқтоғ ва бошқа конлардаги қурилиш тошлари хом ашёси асосида ишлайди. Ҳозирги пайтда Қорақалпоғистон худудида жойлашган ҳар хил минерал хом ашёга бой қурилиш захиралари қурилиш саноатининг ривожланишига имкон беради.

Мавжуд хом ашёлар захираси асосан Султон-Увайс ва қисман Нукус, Хўжайли, Чимбой ва Қўнғирот шаҳарларига яқин жойлашган.

Таркибида оҳактош бўлган тайёр хом ашёлар Тумортоғ, Оқтоғ, Дарбозтоғ ва Қуянчиқ конларида йирик захиралари бўлиб, Султон-Увайс тоғида жойлашган. Бу конларнинг аниқланган ва башорат қилинган захираси 100 млн. т ни ташкил

этади. Хўжакўл 30 млн. т гил ва гипс, шунингдек, Қорақўл конида 150 млн. т гил захираси жамланган. Хом ашёдан сифатли цемент, ғишт ва керамзит олишда фойдаланиш мумкин.

Юқори қатглиқликка ва саноат аҳамиятига эга қурилиш тошларига қизиқиш кучайди. Бундай тошлар Султон-Увайс тоғида катта захирага эга (Жумуртоғ, Шайхли ва Қуянчиқ каби йирик конлар). Октоғ кумли-шағал тошнинг аралашма захирасига бой Султонбобо ва Мумиятхонсой икки дарё оралиғида конгломератнинг йирик захираси мавжуд. Тебинбулоқ темир руда конининг юзидаги очик тоғ жинслари, яъни қурилиш тошларининг захираси йирик ҳисобланади.

Сўнгги йилларда Султон-Увайсда мрамр ва гранит конлари аниқланган ва ҳозирги пайтда фойдаланилмоқда. Захираси ҳам тўлиқ ҳисобланиб чиқилмаган вақтда, шунингдек, тадқиқот-қидириш ишлари олиб борилаётган бир пайтда Зинелбулоқ, Октоғ ва Беруний конларидан мрамр ва гранит блокларини ундириш бошланган эди.

Султон-Увайс тоғида жойлашган тальк конлари Зинелбулоқ, Қизилсой ва Қазғантоғ ҳам муҳим аҳамиятга эга ва бу конлар Ўзбекистонда йирик ҳисобланади. Ушбу конлар йирик саноат ва башорат қилинган захираларга эга. Султон-Увайс тоғидаги карьерда талькни қазиб олиш ва уни қайта ишлаш тармоқларини ташкил этиш мумкин. Ундан захарли химикатлар ва пахтанинг япроғини тушириш учун дефолиантлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Тальк тошларини бойитиш орқали соф тоза тальк, шу билан бирга, ҳар хил саноат тармоқларида ўтга чидамли магнезиал кукуни хом ашёсини олишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида магматик конга Тебинбулоқ титан-магнетитли кони киради. Мазкур кон Султон-Увайс тоғининг шимолий қисмида, Тебинбулоқ номи билан аталадиган интрузив майдонда жойлашган бўлиб, эгаллаган ҳудуди тахминан 8 км² майдонни ташкил этади. Кон Нукус шаҳрининг жанубий-шарқий қисмидаги Нукус-Тўрткўл автомагистрალი бўйида жойлашган. Тебинбулоқ конидаги

руда дастлаб 1937 йилда аниқланган. 1955 йилда А.П.Агафанов Тебинбулоқни ўрганиб, ушбу конда руда микдори кам ва у саноат аҳамиятига эга эмас, деб ҳисоблаган. 1968-1970 йилларда Тебинбулоқ ҳудудида мажмуали геологик-геофизик тадқиқот ва баҳолаш ишлари олиб борилди. Бу изланишлар натижасига кўра Тебинбулоқ кони саноат аҳамиятига эга бўлган хом ашё ресурсларига бой эканлиги тасдиқланди.

Мазкур кон темир рудаси ер юзасидан ўртача 500 м чуқурликда жойлашган. Тебинбулоқ титан-магнетитли руда кони Качканар типига бўлиб, таркибида темирнинг улуши 17 фоизни ташкил этади. Конни ўзлаштиришда мажмуали фойдаланиб, унинг таркибида учрайдиган баллистрит магнит сеперациясини ва Қорақалпоғистон учун муҳим шебень материалларини ва титаномагнит (титан, ванадий, темир) олиш мумкин.

Сўнгги йиллардаги геологик қидирув ишлари натижасида Султон-Увайс тоғида рангли ва кам учрайдиган, шунингдек, қимматбаҳо металлларнинг 10 та ҳудуди аниқланди. Уларга мис, свинец, цинк, никель, целестин ва бошқа металллар киради.

Султон-Увайс тоғи атрофларида қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва кўлда ишлов бериладиган тошлар, асосан родонит, яшма, феруза, сафсар ва лиственит тошларининг конлари бор. Аммо, ушбу конларни атрофлича ўрганиш етарли даражада эмас. Бу ерда гранат тошларининг катта захираси топилиб, улардан абразивлар олишда фойдаланса бўлади. Амфиболитлар кимё, машинасозлик ва тоғ-руда саноатларида қўлланилади.

Султон-Увайс саноат тугуни қурилиш материаллари корхоналари асосида ривожлана олади. Қоратоғ шағал карьери, Зинелбулоқ ва Тебинбулоқ карьерларида мрамр ва гранит олиш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, бу ерда цемент-шифер комбинатини, қурилиш гипси ва гипс материаллари заводи, оҳактош ишлаб чиқарадиган завод, темир-бетон ишлаб чиқариш, яхлит ғишт, қоплаш

материаллари, норуда қурилиш материаллари карьерини ва минералларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкин.

Тебинбулоқ конини комплекс қайта ишлаш асосида ундирувчи ва қайта ишловчи саноат маркази вужудга келади. Ушбу марказда қурилиш материаллари ва

қора металлургия учун агломерат олиш мумкин. Келажакда Султон-Увайс тоғ-саноат тугунида геологик-тадқиқот ишларининг натижасига кўра бу ерда рангли ва кам учрайдиган металлларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этиш имкони мавжуд.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 328 б.
2. Геология и полезные ископаемые Республики Узбекистан. – Т.: Университет, 1998. -724 б.
3. Матмуратов Ж. Қарақалпақстан табиий шараяти хэм табиий ресурслари. –Нөкис, 1988. –80 б.
4. Минерально-сырьевые ресурсы Узбекистана. Часть -2. – Т.: Фан, 1977. -272 с.
5. Солиев А. Табиий ресурслардан фойдаланишнинг географик асослари //Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 35-жилд. – Т., 2010. б. 3-6.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены некоторые вопросы использования ресурсного потенциала Султан-Увайса. Обращается внимание на формирование одноименного горно-промышленного узла.

Тавсия этувчи:

доцент Азимов Ш.А.

ЎЗБЕКИСТОНДА БИЗНЕС ФАОЛИЯТИНИНГ ЭКОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

Халмирзаев А.А.

Ўзбекистон жаҳондаги экологик вазиятнинг ўзига хослиги билан ажралиб турадиган ноёб, камёб ва жаҳон жамоатчилигининг доимо диққат марказида турадиган худудлар сирасига киради. Бу хусусда республика иқтисодиётини жадал ривожлантириш мақсадлари ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти императивлари мамлакатдаги экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келмаслиги эътиборга олинishi зарур.

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат стратегияси ва тактикаси миллий даражада экологик вазиятни яхшиланишига ижобий таъсир этиши лозим. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш муҳим масала ҳисобланади. Ўз навбатида, мамлакатдаги экологик вазиятни яхшилаш, барқарор ривожланишни таъминлаш учун иқтисодиётни жадал ривожлантириш, макроиқтисодий вазиятни барқарорлаштириш, аҳолининг

даромадлари ва турмуш даражасини узлуксиз ошириш талаб этилади.

Мамлакатимиз экологик вазиятининг ёмонлашувига маъмурий буйруқбозлик иқтисодиёти давридаги куйидаги омиллар салбий таъсир кўрсатди:

- Табиий ресурслардан экстенсив фойдаланиш тамойилига асосланган макроиқтисодий сиёсат (*режали иқтисодиёт*);

- Аграр соҳани, хусусан, пахтачиликни жадал ривожлантиришга асосланган ва йўналтирилган инвестицион сиёсат;

- Иқтисодиётнинг бир ёқлама, қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилишига асосланган самарасиз тармоқ сиёсати;

- Қонунчиликнинг етарли даражада самарали эмаслиги, табиий ресурсларга бўлган мулк ҳуқуқининг ноаниқлиги;

- Экологик жиҳатдан мувозанатли, узок муддатни кўзлаган иқтисодий стратегиянинг йўқлиги ва барқарор

ривожланиш тамойилларига етарли даражада эътиборнинг берилмаслиги;

- Минтақавий ва локал даражада экологик вазиятнинг яхшиланишидан келадиган билвосита иқтисодий ва ижтимоий самарага эътиборнинг берилмаслиги;

- Иқтисодиётнинг мажруҳ ва бир ёқлама тавсифга эгалиги сабабли экологик лойиҳаларга ажратиладиган маблағларнинг етишмаслиги;

- Мамлакат экспортида табиий – ресурс “товарлар” салмоғининг ўта катталиги ва бошқалар.

Бугунги кунда мамлакатимизда экологик жиҳатдан йўналтирилган иқтисодиётнинг ривожланиши учун барча имкониятлар яратилган.

Булар сирасига қуйидагилар киреди:

- Бизнеснинг экологик жиҳатларини ўзида акс эттирувчи қонунчилик ҳужжатлари тизимининг яратилганлиги;

- Давлат томонидан самарали иқтисодий дастаклар, қулай муҳитнинг яратилиши ва экологик йўналтирилган бизнесни бевосита ҳамда билвосита механизмлар билан тартибланиб турилиши;

- Мамлакат инвестицион сиёсатининг экологик мувозанатлаштирилган устуворликларга ўзгартирилиши;

- Экологик жиҳатдан зид бўлмаган солиқ, кредит, субсидиялар тизими, савдо тарифлари ва божларини яратиш;

- Экологик йўналтирилган таркибий қайта қуришлар ва ҳ.к.

Юқоридаги механизм ва ислохотлар у ёки бу даражада бизнес фаолиятининг жадал ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Ҳозирги кунда қонунчилик ва ижроия ҳокимияти таркибларида экологик вазиятнинг нақадар муҳим аҳамиятга эга бўлиб бораётганлигини тушуниш, уларнинг замонга мослашиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Айни вақтда зудлик билан иқтисодий натижа олишга ва экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган ишлаб чиқаришни ривожлантиришда экологик экспертизанинг роли ҳам ортиб бормоқда.

Мамлакат иқтисодиётининг қай даражада ривожланиши иқтисодиёт

тармоқларининг табиий ресурсларни ишлатиш даражасига узвий боғлиқ. Режали иқтисодиёт даврида ресурс сиғими юқори бўлган тармоқларнинг жадал ривожланишига устуворлик берилган. Бундай ҳолат мамлакатни боши берк кўчага олиб кирди, мисли кўрилмаган табиий ресурсларга эга бўлган давлатда эса аҳоли учун зарур бўлган маҳсулот ва хизматларнинг тақчиллиги ҳолатлари кузатилди. Бугунги кунда асосий эътибор ресурс тежамкорлиги юқори бўлган тармоқларни ривожлантириш, маҳаллийлаштириш дастурларини амалга оширишга катта аҳамият берилмоқда.

Режали иқтисодиёт даврида табиий ресурсларни қазиб олиш, уларни ишлатишга бўлган интилиш экологик деградацияни кучайтирди. Қайта ишлаш, ишлов бериш тармоқлари ва инфратузилмаларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги табиий ресурслар ҳамда хом ашёларнинг кўплаб исроф бўлишига олиб келди.

Тадқиқотларимиз мамлакат ЯИМ бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилаётган энергия ресурсларининг жаҳондаги ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларидан 2-3 баробар катталигини кўрсатмоқда. Ўзбекистонда бундай табиий ресурс сиғими юқори ишлаб чиқаришлар мақбул эмас. Келажакда уларнинг тақчиллиги юз бериши хавфи туғилади.

Экологик вазиятнинг ёмонлашувига самарасиз, ресурс сиғими юқори бўлган иқтисодиётнинг тармоқ таркиби ҳисобланади. Мутахассисларнинг ҳисобларига қараганда, иқтисодиёт таркибини оқилona равишда технологик жиҳатдан қайта қуриш натижасида иқтисодиётнинг пировард натижаларини кўпайтириш билан биргаликда ишлатилаётган табиий ресурсларни 20-30 %га қисқартириш имкониятларини яратади.

Бироқ, амалга оширилаётган ислохотларга қарамадан иқтисодий кўрсаткичларнинг энергия сиғими юқорилиги сақланиб қолмоқда, маҳсулот бирлиги ҳисобига сарфланаётган ресурсларнинг миқдори ортиб бормоқда. Буларнинг барчаси мамлакат табиатида жиддий салбий таъсир кўрсатади,

тикланмайдиган ресурсларнинг тугашига олиб келади.

Иқтисодиётнинг табиий ресурс сизимининг юқори бўлишига асосий фондлар ва жиҳозларнинг жисмоний ва маънавий эскириши ҳам сабаб бўлмоқда. Шу сабабли Президент Ислон Каримов томонидан мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техник ва технология жиҳатдан янгилаш масалалари бугунги кунда миллий иқтисодиётни янгилашдаги асосий вазифа сифатида қўйилди.

Масалан, Японияда асосий фондларни янгилаш муддатлари 6 йилни, Европа Иттифоқи мамлакатларида 8-10 йилни ташкил этади. Шунинг учун бу мамлакатларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқиш билан бир қаторда экологик жиҳатдан йўналтирилган, барқарор ривожланиш тамойилларига асосланган иқтисодиёт ривожланган. Мамлакатимизда эса корхоналар жиҳозларининг аксарият қисмини эскириб қолганлиги иқтисодиётнинг экологик тавсифига ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Ўзбекистондаги ерларнинг шўрланганлик даражасини юқорилиги, иккиламчи шўрланиш жараёнларининг фаоллиги ва пировард натижада Орол денгизи

муаммоси ҳам жиддий равишда мамлакат иқтисодиётига таъсир кўрсатмоқда. Ўз навбатида, иқтисодиётнинг экологик йўналтирилганлик тавсифига катта эътибор берилиши ҳам молиявий ресурсларнинг у томонга “оқиб ўтиши” иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайишига олиб келади.

Бизнинг назаримизда мамлакат иқтисодиётини экологик жиҳатдан мувозанатлашганлик хусусиятларини кучайтириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш муҳим:

- Бозор муносабатларига ўтишда иқтисодиётнинг экологик йўналтирилганлик хусусиятини ривожлантириш, бу борадаги ислохотларни жадаллаштириш;

- Экологик иқтисодиётнинг иқтисодий механизмлари ва дастакларини такомиллаштириш, уларнинг махсус турлари ва шаклларини иқтисодий жараёнларга тадбиқ этиш;

- Экологик жиҳатдан зид бўлмаган солиқлар, кредитлар, субсидиялар, савдо тарифлари ва божларини ишлаб чиқиш ва иқтисодиётга тадбиқ этиш;

- Корхоналарни экологик йўналтирилган ишлаб чиқаришларини рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ва ҳоказолар.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена малоизученным проблемам, а именно экологическим аспектам бизнеса. В этом плане автор приводит некоторые свои рекомендации. Рассматриваются вопросы экологизации экономики и устойчивого развития в условиях модернизации экономики.

Тавсия этувчи:

профессор Солиев А.С.

МЕТОДИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИССЛЕДОВАНИЯ ВОСПРОИЗВОДСТВЕННОЙ СТРУКТУРЫ РЕГИОНА

Шадрин А.И.

Повышение эффективности общественного производства, в том числе хозяйствующих субъектов регионов и стран, в условиях высокого уровня обобществления в значительной мере определяется комплексностью их развития. Оно основано на пространственном и

временном сочетании элементов воспроизводственной структуры региона и страны.

Воспроизводственный комплекс региона в качестве категории региональной экономики определяется как общность хозяйственных, социальных, природных объектов и человеческого потенциала на

большой территории, соотношение, взаимодействие и пространственная конфигурация которых повышает эффективность их функционирования, а, следовательно, и региона в целом.

Главным в комплексобразовании региона является взаимосвязь материального воспроизводства, воспроизводства населения, среды обитания и природных ресурсов. При этом, воспроизводственную структуру региона целесообразно рассматривать в виде социо-эконом-природного комплекса. Территориальный социо-эконом-природный комплекс определяется как высшая форма пространственной организации производительных сил. Такая форма повышает эффективность производства и конкурентоспособность региона, муниципального образования и страны в целом, а также обеспечивает повышение человеческого потенциала, благоприятную среду обитания и рациональное природопользование.

Главным принципом методологии исследования региона в условиях быстрого усложнения и нарастания противоречивости воспроизводственных процессов, а также субъективного фактора выдвигается проблемный подход [1]. Он заключается в определении основных проблем, приоритетности и системности (комплексности) их решения, а также соответствующего инструментария исследования, а затем управленческого построения.

В качестве основных проблемных аспектов аналитических исследований воспроизводственного комплекса региона выделяются следующие:

повышение человеческого потенциала, включающее обеспечение расширенного воспроизводства населения, образовательную и профессиональную подготовку, духовное и физическое развитие человека;

расширенное воспроизводство и повышение конкурентоспособности экономики на основе государственного стимулирования, поддержки инновационного сектора и малого бизнеса, обеспечения комплексности производства и сферы услуг;

совершенствование территориальной

структуры хозяйства, обеспечивающей укрепление систем производства и расселения, гармоничное и взаимосвязанное развитие центров и периферий, сближение уровней социально-экономического развития различных районов и поселений, создание особых зон - «точек» роста экономики, улучшение экологической ситуации в проблемных городах и районах.

Основные методические положения включают исследование: функциональной структуры, специализации и комплексного развития экономики региона; средовой структуры, включая состояние окружающей среды и землепользование. Синтезирующим принципом этих методических положений выдвигаются сравнительный анализ основных показателей – индикаторов развития и критериев эффективности, сравнение исследуемого региона с передовыми – эталонными, а также прилегающими регионами.

Для обобщающих оценок уровня развития регионов обычно используется критерий -индекс развития человеческого потенциала.

Учитывая цели и задачи управления регионом, а также его структуру, можно выделить следующие два класса индикаторов: *генеральные* - для оценки воспроизводственного комплекса в целом, и *частные* – для оценки его основных структурных блоков. К генеральным индикаторам относятся основные показатели его потенциала, определяющие ранг и значение региона в экономике страны и, как правило, диверсификацию его производства и соответственно сложности управления региональным воспроизводственным комплексом. Генеральными индикаторами являются основные показатели динамики, позволяющие оценивать развитие региона за определенный период времени, соответственно и качество управления. Прежде всего важен индекс физического объема ВРП. Кроме того, генеральными индикаторами процесса воспроизводства регионального комплекса выступают рост объема инвестиций, определяющий

воспроизводство основных производственных и непроизводственных фондов, а также величину бюджета. Все более важными индикаторами воспроизводственного комплекса региона в условиях перехода к инновационной экономике становятся показатели выпуска инновационной продукции. Так, например, Россия пока катастрофически отстает в развитии инновационного сектора экономики от передовых стран.

Специфическим генеральным индикатором воспроизводственной структуры региона в России, как и в других странах, является рост доли малых предприятий в общей стоимости производства товаров и услуг, которые во многом определяют повышение уровня конкурентности в экономике. Наиболее многочисленную группу генеральных индикаторов представляют показатели воспроизводства населения – динамику его численности и продолжительности жизни, а также показатели, обеспечивающие это воспроизводство.

Индикаторы основных блоков воспроизводственной структуры регионального комплекса представлены следующими классами, отражающими главные параметры воспроизводства: повышения человеческого потенциала, экономики, функциональной структуры, природного комплекса, средовой и территориальной структуры. В частности, индикаторы функциональной структуры включают показатели стоимости продукции и услуг, основных фондов, численность занятых и объем инвестиций в отраслях хозяйства, включая коэффициенты локализации, стоимость вывоза основных видов продукции, а также показатели объемов и отраслевой структуры налоговых и других поступлений в федеральный и региональный бюджеты. Индикаторы территориальной структуры отражают административно-территориальное деление, масштабы территории и ее использование, плотность населения, густоту поселений, плотность транспортной сети, формирование систем производства и расселения, поселенческую структуру и районирование территории,

территориальные структуры экономики и природопользования.

Воспроизводство природного комплекса в наиболее общем виде характеризуют индикаторы объемов добычи и разведанных балансовых запасов полезных ископаемых, наличие и использование природных ресурсов, имеющих общемировое и государственное значение, а также состояние окружающей среды, определяемое размером территории с загрязнением воздуха, воды и почвы, превышающими ПДК, численность проживающего там населения.

Для оценки экономической эффективности воспроизводственного комплекса исследуемого региона в сравнении с другими регионами могут использоваться показатели производства ВРП на душу населения и число занятых в общественном производстве. Удельный показатель ВРП в расчете на численность занятых позволяет учесть различия регионов в возрастной структуре населения и уровнях его занятости в экономике.

Для более глубокой оценки эффективности производственного комплекса исследуемого региона в сравнении с другими регионами и странами целесообразно использовать территориальные индексы переменного состава, элиминирующие особенности отраслевой структуры производства в регионе.

В наиболее общем виде экономическую эффективность региона как воспроизводственного комплекса целесообразно оценивать соотношением ВРП ко всем текущим и единовременным затратам. Учитывая длительность воспроизводственных циклов рабочей силы и основных фондов, создания новых технологий производства и предоставления услуг, результат (ВРП) и затраты должны сравниваться за весьма длительный период времени.

При выделении и исследовании внутрорегиональных воспроизводственных комплексов целесообразно использовать *кластерный* анализ. Этот способ группировки многомерных объектов с однородными характеристиками заключа-

ется в отборе признаков (показателей). В нашем исследовании применен метод распознавания образов для изучения территориальной структуры Красноярского региона и выделения промышленных узлов - групповых систем производства и расселения.

Основные показатели изучения территориальной структуры промышленных узлов и выявление их границ

объединены в группы, отражающие: административно-территориальное деление и расселение; хозяйственную нагрузку территории; наличие производственной инфраструктуры; территориальные экономические, социальные и культурно-бытовые связи; зонирование и градостроительное использование территории; природно-ресурсный потенциал; ограничения территориального развития.

Литература:

1. Шадрин А.И. Критерии, индикаторы развития и показатели эффективности воспроизводственного комплекса региона //Региональная экономика: теория и практика. 2008, № 3 – январь. – С. 15 – 21.

РЕЗЮМЕ

В.П. Астафьев номидаги Красноярск давлат педагогика университети иқтисодий география кафедраси мудири, профессор А.И. Шадрин мақоласида минтақада ишлаб чиқариш жараёнининг баъзи бир услубий жиҳатлари кўриб чиқилган.

Рекомендует:

профессор Салиев А.С.

АГРАР СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЖАЛБ ЭТИШ АСОСИДА ҚИШЛОҚ ФАРАВОНЛИГИНИ ОШИРИШ

Абиркулов К.Н., Хошимов З.Ю., Қувондиқова Д.К.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва амалда ўзининг тўлиқ исботини топган бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойили мамлакат аграр соҳасини ривожланишида ҳам энг муҳим асос бўлмоқда.

Аграр соҳада ислохотлар давомида “Давлат ер кадастри тўғрисида”, “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа қатор қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий асослар аграр соҳада олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш учун ҳам мустаҳкам замин бўлди.

Маълумки, мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш саноати корхоналарини хом ашё билан таъминлашда қишлоқ хўжалигининг ўрни беқиёсдир. Чунки, бу тармоқда 2008 йилда республика ялпи ички маҳсулотининг 21,7

фоизи ёки 10479,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Республика қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори йил сайин ошиб бормоқда. Лекин эришилган натижалар ҳозирги давр талабига тўлиқ жавоб бера олмайди. Сабаби, Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози чуқурлашиб бораётган ҳозирги даврда аграр секторнинг самарадорлигини янада ошириш талаб этилади. Шу боис, бу соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини юксалтириш мақсадида “Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури қабул қилинган. Унинг энг муҳим йўналишлари ва молиявий манбалари нафақат 2009 йил учун, балки ўрта ва узок муддатли истиқбол учун ҳам белгиланган. Бу Давлат дастури Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инқирознинг таъсирини пасайтиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. У

мавжуд муаммоларни ҳал этилишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Собиқ Иттифоқ даврида Марказий Осиё республикаларида Амударё ва Сирдарё сувларидан ноўрин фойдаланиш натижасида Орол муаммоси вужудга келди, деҳқончилик қиладиган ерларнинг кўп қисми шўрлаб кетган эди. Шунинг учун ҳукуматимиз томонидан 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича дастури қабул қилинди. Дастурда кўрсатилган масалаларни ҳал этилишига қаратилган чора-тадбирларга сарфланиши зарур бўлган маблағ ҳамда уларнинг манбалари аниқ кўрсатилган. Барча тадбирларни амалга ошириш учун Давлат банк кредитлари, корхоналарнинг ўз маблағларидан 155 млрд. сўмдан кўпроқ маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари, Осиё Тараққиёт банки 18 млн. АҚШ долларида кўпроқ, Жаҳон банки эса 6000 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишни режалаштирган.

Дастурга биноан қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмани ривожлантириш асосида қишлоқда турмуш сифатини ошириш кўзда тутилган. Бунинг учун 500 минг кв.м майдонга тенг бўлган яқка тартибдаги уй-жойларни кредитлаштириш асосида капитал ремонт қилиш, аҳолиси 2000 дан зиёд бўлган аҳоли пунктларини ёппасига инвентаризациядан ўтказиш орқали аҳоли ва юридик шахсларнинг келажакда сув, газ, электр энергиясига эҳтиёжини аниқлаш кўзда тутилган. Бу ишларни амалга ошириш учун жами 494,2 млрд. сўм ва 23,3 млн. доллар сарфланиши кўрсатиб ўтилган.

Фермер хўжалиги ходимларига уй-жой фондиди қуришга узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратиш механизмини яратиш белгиланди. Вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида уй-жойларни қуриш, таъмир ва реконструкция қилиш ишларини бажарувчи махсус пудрат ташкилотларини ташкил қилинган. Уларни барча турдаги солиқлардан, бюджетдан ташқари фондларга тўловлардан озод қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Кейинги йилларда қишлоқ жойларида автомобил йўлларини қуриш, эскиларини таъмирлаш амалга оширилмоқда. Лекин транспорт хизматини яхшилашга янада кўпроқ эътибор берилмоғи зарур. Бунинг учун катта миқдорда маблағлар йўналтириш мўлжалланган. Энг долзарб масала қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш замон талабидир. Шунинг учун дастурда узунлиги 1826 км га тенг бўлган янги сув ўтказгич қувурлари ва сув тармоқларини қуришга 36 260 млн. сўм ва 304 аҳоли пунктларидаги сув билан таъминлаш объектларини таъмирлашга – 20 545 млн. сўм ажратиш кўзда тутилган.

Қишлоқ жойларида сув таъминотини яхшилаш бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга халқаро молия институтларининг кредитлари ва қарз маблағлари ҳисобига – жами 7,5 млн. доллар ажратилиши назарда тутилган. Яқин келажакда қишлоқ жойларида чакана савдо, овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилиш эвазияга 140 мингта янги иш ўринларини яратилади. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, қишлоқ жойларида электр энергияси билан таъминлаш анча орқада қолган. Шунинг учун қишлоқларни кафолатланган зарурий электр энергияси билан мунтазам таъминлаш мақсадида мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш талаб этилади. Бунда қуёш ва шамол энергиясидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Мавжуд электр таъминоти тармоқларини капитал таъмирлаш, қишлоқ жойларда жойлашган мавжуд 4900 км юқори қувватли электр таъминоти тизимини қайта қуриш ва таъмирлаш талаб этилади. Газ таъминоти ҳам қишлоқ жойлардаги муаммолардан бири ҳисобланади. Дастурда белгиланган 71,1 км бўлган газ тақсимлаш тармоқларини капитал таъмирлаш газ таъминотини яхшилашга хизмат қилади. Ушбу ишларни амалга ошириш учун 2009-2012 йилларда барча молиялаштириш манбалари

ҳисобидан 310,6 млрд. сўм ўзлаштирилиши мўлжалланган.

Истиқболда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич чуқурлаштириш, фермерт хўжалиklarини кўллаб-қувватлашни давом эттириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги имтиёзлар бериш аграр соҳани ривожлантиришда асосий омиллардан ҳисобланади. Бунда қишлоқ жойларида шаклланаётган янги мулккий муносабатларни, ўрта табақа – мулкдорларнинг, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишни кучайтириш зарур. Бунинг учун фермер хўжалиklarига хорижий инвестицияларни жалб этиш асосида улар етиштираётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий мини технологиялар сотиб олиш энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ер муносабатларида, экин майдонларини, боғ ва тоқзорларни оила пудратчиларига танлов асосида узоқ муддатга ижарага бериш, ерни фермер хўжалиklarига 50 йилгача ва деҳқон хўжалиklarига умрбод фойдаланишга бериш каби янги тамойиллар жорий этилди. Аграр соҳада хизмат кўрсатиш соҳалари объектларини бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида ташкил этиш бошланди.

Ислохотларни жадаллаштириш, мавжуд табиий, иқтисодий, ташкилий ва меҳнат ресурслари салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилди. Ўтиш даврининг мураккаб босқичларида қишлоқ хўжалиги олдида кўйилган вазифалар муваффақиятли амалга ошириб борилмоқда. Экин майдонлари таркиби такомиллаштирила

бошланди, пахта яккахокимлигига барҳам берилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида бозор тамойилларига мос келадиган, янги хўжалик юритишнинг янги шакли – фермер хўжалиklarининг жорий этилиши, қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий омили бўлди.

Президентимиз И.Каримовнинг 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилишлари мамлакатимиз ва унинг минтақаларида қишлоқ хўжалигининг янада барқарор ривожланиши, унинг самарадорлигини кўтаришда муҳим омил бўлади. Бунда айрим ҳудудларда экологик аҳволнинг ёмонлашуви, инвестиция маблағларининг етишмаслиги ҳамда ҳудудлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тафовутларини инобатга олиш зарур.

Республика иқтисодий районларининг иқтисодий ривожланиши ўртасидаги тафовутнинг ортишига биринчидан, иқтисодий жиҳатдан нисбатан паст ривожланган ҳудуд кўрсаткичларининг ўртача республика кўрсаткичларига нисбатан пасайиб кетиши, иккинчидан, тараққий этган ҳудуд кўрсаткичлари суръатларининг янада кескин кўтарилиши ҳам таъсир кўрсатади.

Республикамиз аграр соҳасида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишдан бош мақсад кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш асосида ҳудудларнинг табиий, иқтисодий ва меҳнат ресурслари салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини кўтариш эвазига аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ҳисобланади.

РЕЗЮМЕ

Сельское хозяйство является одной из главных отраслей национальной экономики. В статье рассматриваются некоторые проблемы улучшения условий жизни сельского населения на основе развития малого бизнеса и частного предпринимательства.

Тавсия этувчи:

профессор Солиев А.С.

**ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ – АГРАР СОҲА ТАЯНЧИДИР
(ЧУСТ ТУМАНИ МИСОЛИДА)**

Зокиров С., Камолов Б.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз аграр тармоғида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, мулкий муносабатлардаги ўзгаришлар аввало фермер ва деҳқон хўжалиklarининг жадал ривожланишида намоён бўлмоқда. Ҳозирги пайтда етиштирилган ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 99,5 фоизи айнан ушбу соҳалар ҳиссасига тўғри келиши фикримизнинг яна бир бор тасдиқлайди. Бироқ, фермер ва деҳқон хўжалиklarининг ривожланиши мамлакатимиз барча ҳудудларида бир хил даражада эмас. Хусусан, улар экин майдонлари таркиби, ихтисослашуви, ҳосилдорлиги ва бошқа кўрсаткичлар бўйича ўзаро фарқланадилар.

Ҳозирги пайтда ММТП (муқобил машина-трактор парклари) нафақат хизмат кўрсатиш муассасаси, шу билан бирга у фермер хўжалиklари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ўзига хос ташкилий тузилма сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда. Чуст туманида 17 та ММТП бўлиб, улар хизмат кўрсатадиган фермер хўжалиklари худуди собиқ ширкат хўжалиklари чегарасига тўғри келади. Тадқиқот жараёнида Чуст туманидаги мавжуд 1138 фермер хўжалиklари фаолияти мазкур 17 та ҳудуд кесимида ўрганилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, экин майдонларининг асосий қисми (83,1%) пахта-ғаллачилик йўналишидаги фермерлар тасарруфида. Асосан текислик ҳудудларда жами экин майдонлари таркибида пахта-ғалла, экинларининг салмоғи катта. Бу соҳадаги энг юқори кўрсаткичлар Чуст (99,1%), Ўзбекистон (96,3%), Каркидон (95,5%), Баймоқ (93,7%), Машғал (93,2%) ҳудудларига тегишли. Ўртача битта фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдони туман бўйича 51,2 гектарни ташкил этади. Бу соҳада ҳудудлар бўйича ўзаро фарқлар мавжуд. Хусусан, хўжалиklари энг катта ва энг кичик майдонларни эгаллаган Зарафшон (65,2 га) ва Ғовасой (31,2 га)

ҳудудлари ўртасидаги тафовут 2 мартадан ошади.

Мева ва узум етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиklarининг ер майдонлари фермерлар учун ажратилган жами экинзорларнинг 13,2 фоизини ташкил этади. Шунга қарамасдан, фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиklари орасида боғдорчилик-узумчилик йўналишидаги фермерлар салмоғи юқори (44,6%). Бу ҳолат мазкур соҳада ўртача битта фермер хўжалигига ажратилган экин майдонининг (6,6 га) нисбатан камлиги билан тавсифланади.

Туманда бу соҳадаги чуқур ихтисослашув Ғовасой ва Дамобод ҳудудларида кузатилади. Мазкур ҳудудларда фаолият кўрсатаётган фермерлар таркибида боғдорчилик-узумчилик йўналишидаги хўжалиklar салмоғи, мос равишда, 71,0 % ва 87,2 %ни, жами экин майдонларидаги улуши эса 61,9 % ва 70,0 %ни ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, ўртача битта фермер хўжалигига тўғри келадиган боғ ва токзорлар майдони бўйича фарқлар жуда катта. Бу соҳадаги энг қуйи кўрсаткич Чуст ҳудудига (0,87 га), энг юқори кўрсаткич эса Ғовасой (17,9 га) ва Дамобод (16,0 га) ҳудудларига тегишли. Варзик ҳудудида рўйхатга олинган 202 та фермернинг 120 таси боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланади. Бироқ, улардаги ўртача ер майдони 2 гектардан камроқ.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимиз экин майдонлари таркибида ем-хашак экинлари салмоғи кескин камайиб кетди. Жумладан, бундай салбий ҳолат Чуст туманида ҳам кузатилади. Ҳозирги пайтда тумандаги чорвачиликка ихтисослашган 30 та фермер хўжалиги ихтиёрида 530 гектарга яқин ер майдони бўлиб, у жами фермерларга ажратилган экинзорларнинг 2,1 фоизини ташкил этади. Чустий ҳудудидаги 2 та фермер хўжалигининг ҳар бирида 67,3 гектардан ер майдони бор.

Сабзавот-полизчилик йўналишида туман бўйича 21 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, улар 31,6 гектар майдонни эгаллайдилар. Ушбу соҳага ихтисослашган хўжаликлар сони бўйича ҳам, уларнинг эгаллаган майдони бўйича ҳам Олмос қишлоғи жами туман кўрсаткичининг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Бу мазкур ҳудуд сабзавот ва полизчиликка анча чуқур ихтисослашганидан далолат беради. Ўтказилган таҳлиллар туман ҳудудида сабзавот ва полиз экинлари етиштириш бўйича мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаётганини кўрсатади. Кўпчилик ҳудудларида мазкур соҳага ихтисослашган фермер хўжаликлари умуман ташкил этилмаган. Ваҳоланки, Чуст туманининг табиий-иқлим шароити, айниқса, картошкадан мўл ҳосил олиш имконини беради.

Маълумки, қишлоқ хўжалик экинлари ихтисослашуви уларнинг жой рельефига, табиий иқлим шароитига мос ҳолда жойлаштирилиши билан боғлиқ. Ушбу омил ҳисобга олинмаган ҳолларда ҳосилдорлик паст бўлиб, баъзан қилинган меҳнат самараси сезиларсиз даражада бўлиши мумкин. Масалан, туманнинг чекка шимолида, ўртача баландлиги денгиз сатҳидан, 1000 м баландликда жойлашган "Ғалаба" массивида ғалла (23,0 ц/га) ва пахта (14,7 ц/га) ҳосилдорлиги кўрсаткичлари жуда паст. Таққослаш учун: 2009 йилда туман бўйича бу кўрсаткичлар мос равишда 41,4 ва 23,3 5 ц/га ни ташкил этди. Хусусан, "Солижон Саримсоқов», "Элдорбек Сулаймонов" фермер хўжаликларида пахта ҳосилдорлиги бор-йўғи 5,5 ц/га ни ташкил этган. Қорақўрғон фермер хўжалигида эса ғалла ҳосилдорлиги фақатгина 8,0 ц/га га тенг бўлган. Бу муаммони ҳал этиш учун ушбу ҳудудни боғ-роғларга айлантириш лозим.

Айни пайтда, ғалла етиштириш бўйича энг юқори кўрсаткичга эришган фермер хўжаликлари жумласига Лаъл (68,3 ц/га), Собиржон Мирзалиев (63,6 ц/га), Самижон ота Бойбоев (62,2 ц/га), Турғунхон ота (61,7 ц/га), Шогофур Абдужалил (60,6 ц/га), Курбонов Нозимжон (60,0 ц/га) кабиларни киритиш мумкин. Пахта етиштириш бўйича эса Бобожон ота

Хусаинов (44,2 ц/га), Сумбула (40,7 ц/га), Рахмонжон ота Хусанов (38,8%), Махмудали (38,6 ц/га), Жаҳонгир (37,2 ц/га), Жамшид (2) (36,9 ц/га), Умурзоқбобо (36,4 ц/га), Кўктош Султони (36,1 ц/га) каби ф/х юқори натижаларга эришдилар.

Маълумки, мамлакатимизда глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш бўйича махсус ҳукумат дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастур доирасида Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 февралдаги 03-10-24 сонли йиғилиш баёнида кўзда тутилган мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, жумладан Чуст туманида ҳам аҳоли хонадонларида етиштириладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 30 фоизга кўпайтириш ва нархини 20 фоизга арзонлаштириш бўйича муайян чоратадбирлар белгиланган. Бу тадбирни амалга ошириш учун туман ҳокимининг махсус қарори асосида, аҳоли хонадонларида етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳақидаги маълумотлар (ҳар бир экин тури учун ажратилган майдон, мевали дарахтлар ва чорва моллари сони, томорқадан олинадиган даромад) қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари кесимида рўйхатга олинди.

Таҳлил жараёнида биз ушбу маълумотлардан батафсил фойдаланишга ҳаракат қилдик. Амалга оширилган ҳисоб-китоб натижалари тоғли ҳудудларда томорқа учун ажратилган ер майдонлари текислик ҳудудларга нисбатан бирмунча катта эканлигини кўрсатди. Масалан, ўртача туман бўйича бир хонадонга тўғри келадиган томорқа майдони 0,09 гектарни ташкил этгани ҳолда, Варзик қишлоғида бу кўрсаткич 0,16 га, Шўрбулоқда 0,17 га, Резаксойда 0,19 гектарга тенг.

Бизнинг фикримизча, туманда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш учун қуйидагиларга асосий эътибор қаратилиши лозим:

- озиқ-овқат ва ем-хашак экинларини кенгайтириш ҳисобига экин майдонлари таркибини мақбуллаштириш;

- тоғолди ҳудудларидаги имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига

чорвачиликнинг барқарор ривожланишини таъминлаш;

-тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида ирригация-мелиорация ишлари ҳажмини кенгайтириш;

-мева ва сабзавотларини тайёрлаш ва сақлаш бўйича инфратузилма объектларини

ривожлантириш, уларнинг экспортини сезиларли даражада кенгайтириш;

-экспортга йўналтирилган юқори сифатли қуруқ мева ва сабзавотлар ишлаб чиқариш бўйича ихтисослаштирилган агрофирмалар ташкил этиш.

РЕЗЮМЕ

В данной статье, на примере Чустского тумана Наманганского вилоята, раскрыто влияние развития фермерских и дехканских хозяйств на экономику регионов. Анализирована специализация фермерских хозяйств, изучено территориальное размещение различных видов сельскохозяйственных культур.

Тавсия этувчи:

профессор Солиев А.С.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АГРОБИЗНЕСНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Холмирзаева З.А.

Ўзбекистонда “...қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва галланинг харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётнинг аграр секториди таркибий сифат ўзгаришлар рўй бермоқда”¹.

Ижобий ўзгаришларнинг замирида аҳолининг даромадларини кўпайтириш, аграр соҳада хусусий мулк микёсларини кенгайтириш ва пировард натижада хорижий мамлакатларнинг кўп йиллик тажрибаси синовидан ўтган агробизнес шакллари жадал ривожлантириш каби жараёнлар ётади.

Агробизнеснинг ўзи нима? Агробизнес-қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бизнес. Унинг қандай ўзига хос томонлари бор? Қайси хусусиятлари билан бошқа соҳалардаги бизнестан фарқ қилади?

Агробизнеснинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

- ✓ аграр бозорга киришнинг эркинлиги;
- ✓ ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бир хиллиги;
- ✓ ишлаб чиқарувчиларнинг хаддан зиёд кўплиги;
- ✓ бозорда рақобатнинг кучлилиги ва рақобатчиларнинг кўплиги;
- ✓ бозор конъюктурасининг беқарорлиги ва таваккалчиликнинг юқорилиги;
- ✓ аграр соҳага давлат аралашувининг мавжудлиги ва бошқалар.

Агробизнесга қишлоқ хўжалиги, унинг маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолият (*фермерлар, дехқон хўжалиги вакиллари, маҳсулотларини қайта ишовчи тадбиркорлар ва маҳсулотни сотиш билан шуғулланувчи тижоратчилар*)лари киради.

Агробизнесда фермер хўжаликлари-нинг ўрни ва роли ўзига хосдир. Фермер хўжалиги товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс мақомига эга хўжалик юритиш субъекти ҳисобланади. Бу борада, ривожланган мамлакатлардаги фермер хўжаликлари тарихини ўрганиш бугунги кунда уларнинг шахсий оилавий

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Маърифат” газетаси. 2011 йил 22 январь.

фермалар, шерикчилик ва қишлоқ хўжалиги корпорациялари каби турли шакллардан иборат эканлигини кўрсатмоқда.

Хорижий мамлакатларда фермер хўжалиklarининг ҳажми маҳсулотни сотишдан келадиган даромадга қараб белгиланса, Ўзбекистонда эса уларга берилган ер майдонларининг ҳажми асосий мезон ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларда фермер хўжалиklари ўз иқтисодий фаолиятларини яхши диверсификация қила олишган. Масалан, Германияда фермерлар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш (шаҳарликларга қишлоқ хўжалиги ишларини юритишда ёрдам бериш, ўз хўжалиklари атрофларида туристларга хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги машиналарини таъмирлаш, кўчаларни супуриш, қоровулчилик қилиш ва х.к.) билан шуғулланадилар.

Бугунги кундаги асосий вазифаларимиздан бири-фермер хўжалиklари фаолиятини чуқур диверсификациялаш ҳисобланади. Бунинг учун фермер хўжалиklarининг фаолият соҳаларини кенгайтириш, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳамда хизмат турларини янгилаш ва кўпайтириш зарур бўлади. Ана шундагина аграр соҳадаги бир ёқламаликни ва хом ашёга йўналтирилганлик каби режали иқтисодиётдан мерос бўлиб қолган тажрибадан халос бўлаиш мумкин.

Агрофирмалар агробизнеснинг бир туридир, уларга:

- ❖ қишлоқ хўжалиги ва саноат ресурсларининг бирлашиши;
- ❖ аграр ва индустриал технологияларнинг уйғунлашуви;
- ❖ тармоқлараро ишлаб чиқариш алоқаларининг жадаллашуви;
- ❖ аграр, саноат ва савдо фирмаларининг хўжалиklараро коммуникациялари талабларига мослашуви кабилар хосдир.

Агробизнесга фермерлар ассоциацияси (уюшмаси) ва иттифоқлари ҳам хизмат қилади. Улар кўнгилли ва пайчилик маблағига асосланган уюшма ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжалиklarининг қай даражада ривожланганлигини таҳлил этиш учун аввало уларнинг ҳудудлар бўйича

таксимланганлигини, сонини ўрганиш лозим бўлади. Статистик маълумотлар фермер хўжалиklarининг 22% Қашқадарё вилоятида жойлашганлигини кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич Бухоро вилоятида 11%ни ва Наманган ва Фарғона вилоятларида эса 10%ни ташкил этиши тадқиқотларимиздан кўриниб турибди.

Ҳисоб-китобларга қараганда Ўзбекистондаги 53% фермер хўжалиklари юқорида номлари кўрсатилган вилоятларда жойлашган. Қолган вилоятларда фермер хўжалиklarининг салмоғи 5%лик даража атрофида. Айни вақтда 2008 йилда Республикада ўз фаолиятини тугатган фермер хўжалиklarининг 48% Андижон вилояти ҳиссасига тўғри келади. Қолган вилоятларда эса бу кўрсаткич 5-6%лик даражага ҳам етмайди.

Юқоридагилардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- Аксарият фермер хўжалиklarининг қадимий обикор ҳудудларда жадал ташкил этилиши, лекин улар ер майдонларининг бошқа ҳудудларга нисбатан кичиклиги;
- Фермер хўжалиklари ерларини оптималлаштириш жараёнларида ана шу ҳудудлардаги фермерлар сонининг бошқаларникига нисбатан тезкорлик билан камайиши;
- Ўзбекистоннинг унумдор ҳудудларида жойлашган фермер хўжалиklarининг агробизнеснинг бошқа шакллари (*агрофирмалар, агросаноат кооперацияси ва интеграцияси*)га жадал ўтиш жараёнларининг фаоллиги ва бошқалар.

Давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилона аграр сиёсат натижасида пахта ва ғалла каби муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда мева ва сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажмлари сезиларли даражада ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири ҳукуватимизнинг шу соҳаларда хусусий бизнесни ривожлантиришга жиддий эътибор бераётганлигининг ёрқин намунаси дир.

Олиб борилаётган амалий ишлар натижасида қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сут, гўшт, картошка,

сабзаёт сингари энг муҳим озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун мустаҳкам хом ашё базаси яратилмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси аҳолисини мустаҳкам равишда озиқ овқат ва бошқа истеъмол моллари билан таъминлаш даражасини янада юқори даражага кўтаришгина эмас, балки мамлакатимизни жаҳон ҳамжаамияти олдидаги обрў-эътиборини янада кўтариш, уни ривожланган мамлакатлар томонидан тан олиншига эришиш ҳисобланади.

Юқоридагиларни амалга ошириш учун эса кенг кўламдаги чора-тадбирларни бажариш билан бир қаторда қуйидагиларни ҳам амалга оширишни назарга тутиш лозим:

✓ Аграр бизнесни жаҳондаги мамлакатларнинг кўп йиллар давомида тўплаган ижобий тажрибаларидан самарали фойдаланиш билан бир қаторда миллий тарихий тажриба ва анъаналаримизни ҳам эътиборга олиш зарур;

✓ Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини моҳиятан янги босқичга кўтариш, бунинг учун замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш, аграр соҳа ишлаб чиқаришини янги технологик даражага олиб чиқиш муҳим вазифа ҳисобланади;

✓ Аграр соҳани таркибан такомиллаштириш, миллат саломатлигини барқарор суръатларда таъминлаш имкониятларини берадиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш лозим;

✓ Аграр соҳа ишлаб чиқаришини диверсификациялаш, фаолият доирасини кенгайтириш, маҳсулотларнинг турлари ҳамда ассортиментларини кўпайтириш ва х.к.

Юқоридагиларнинг амалга оширилиши аграр соҳада бозор муносабатларининг жадал ривожлантириш билан биргаликда жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини ортишига ҳам сабаб бўлади.

РЕЗЮМЕ

В статье подчеркиваются основные особенности развития агробизнеса в республике. Большое внимание уделено фермерским хозяйствам.

Тавсия этувчи:

профессор Солиев А.С.

ТЎҚИМАЧИЛИК БИЗНЕСИДА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Эгамбердиева У.Т.

Ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири-монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш масалаларини оқилона ечимларини топишдир. Бунинг учун жаҳонда олиб борилаётган ижобий тажрибаларни ўрганиш, масаланинг назарий жиҳатларини таҳлил этиш ва пировард натижада Ўзбекистон Республикаси учун керакли хулосалар чиқариб олиш ҳисобланади.

Ҳар бир мамлакат ўзининг рақобат сиёсатига эга бўлиши талаб этилади. Дунёдаги барча мамлакатлар иқтисодий тараққиёт йўлларининг ўзига хослиги билан тавсифланади. Рақобат сиёсати ҳам

шунга мос бўлиши керак. Рақобат сиёсати мустаҳкам қонун ва қонуности ҳужжатларига асосланиши, рақобатни ривожлантириш имкониятларини берувчи махсус институтларнинг бўлишини ва уни амалга оширишнинг айнан шу мамлакатда самара берадиган усулларини, механизмларини қидириб топишни талаб этади.

“Рақобатбардошлик” атамаси мунозарали тушунча ҳисобланади. Мамлакатнинг рақобатбардошлиги 10 та омил асосида аниқланади. Ҳар бир омилнинг ўз мезони бор. Мутахассисларнинг ҳисобларига қараганда 340 дан зиёд мезонлар мавжуд. Шуларнинг 280 таси БМТ, ХВФ,

ХТТБнинг статистик маълумотларига ва 60 таси эса 31 мамлакатдаги 1,6 мингдан зиёд иқтисодчиларнинг сўровларига асосан эксперт йўли билан ҳисобланади.

Республика тўқимачилик саноатининг қай даражада рақобатга бардошли эканлиги эса унинг рақобат устунлигига таъсир этувчи омилларнинг мавжуд эканлигига боғлиқ бўлади. Булар қуйидагилар:

Биринчидан, республика тўқимачилик саноатининг барча соҳаларини бирдек ривожлантириш имкониятларини берувчи хом-ашё ресурсларининг мавжудлигидир. Ўзбекистонда йилига 1,2-1,3 млн. тонна пахта толаси ишлаб чиқарилади. Мамлакатимиз 30 минг тонагача ипак хом ашёси, бундан ташқари жун, канош ва шу каби табиий хом ашё ҳамда шу билан биргаликда сунъий ва синтетик толаларнинг ишлаб чиқарилиши ҳажмлари бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Юқоридаги омиллар Ўзбекистонни турли тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришидаги халқаро рақобатбардошлигини таъминлайди.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини юқори малакали кадрларнинг мавжудлиги таъминлайди. Малакали меҳнат ресурсларига ривожланган мамлакатлардагига нисбатан кам иш ҳақининг тўланиши маҳсулот таннархининг янада паст бўлишига олиб келади. Шунингдек, аҳоли ёш таркибида ёшлар ва қизларнинг кўплиги, энгил саноат тармоқларини доимо ёш меҳнат ресурслари билан таъминлаб туриш имкониятларини яратади.

Учинчидан, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг юқори даражада ташкил этилганлигидир. Республикада янги энгил саноати корхоналари қурилмоқда, эскилари таъмирланмоқда ва модернизациялашмоқда. Ўзбекистоннинг ташқи савдо (тўқимачилик) инфратузилмаси шаклланимоқда.

Тўртинчидан, Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарининг рақобатга бардошлиги ички бозорнинг ўта юқори сифими билан ҳам узвий боғлиқ.

Режали иқтисодиёт даврида пахта толасининг ўзимизда етиштирилишига

қарамасдан жуда кўп энгил саноат товарлари бошқа республикалардан келтириларди. Эндиликда уларни ўзимизда ишлаб чиқариш ва истемол қилиш учун катта эҳтиёж мавжуд. Бу эса барча турдаги энгил саноати корхоналарни жадал ривожлантириш учун қулай имконият яратади.

Бешинчидан, Ўзбекистоннинг рақобат устунлиги доимий равишда ортиб бораётган экспорт ҳажми билан ҳам белгиланади. Масалан, 2010 йилнинг ўзидаёқ энгил саноат тармоқлари экспорт ҳажми 600 млн АҚШ долларидан ортиб кетди.

Олтинчидан, четдан келтирилаётган технологик жиҳозларга импорт божининг йўқлиги ва тармоққа жалб этилаётган хорижий инвестициялар салмоғининг юқорилиги энгил саноатда рақобатли ишлаб чиқаришларни ривожлантириш имкониятларини беради.

Еттинчидан, қулай табиий-иқлим шароитининг мавжудлиги ҳам республикада ишлаб чиқарилаётган энгил саноати тармоғи товарларининг рақобатбардошлигини орттиради.

Саккизинчидан, тўқимачилик саноатида илм ва фан ютуқларининг кенг қўлланилиши, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологиянинг кириб келиши ҳам соҳа рақобатбардошлигини орттиради.

Юқоридаги рақобат устунликларига эга бўлиш билан бирга тармоқнинг, яъни мамлакат тўқимачилик саноати рақобатбардошлигини ошириш учун яна қуйидаги жиҳатларга жиддий эътибор бериш лозим бўлади:

Биринчидан, тармоқнинг жўшқинлигини ошириш зарур. Ўзбекистонда оҳирги уч йил давомида иқтисодий ўсиш суратлари 8 %лик чегарадан ўтиб кетди. Бизнинг назаримизда, айнан энгил саноат тармоқларининг жадал ривожланиши рақобат муҳитини янада ривожлантириш имкониятларини оширади. Мамлакат иқтисодиётининг юқори суратларни келажакда ҳам таъминлайди. Бунинг учун энгил саноатни жадал ривожлантириш ва улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш керак бўлади. Миллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш салмоғини ошириш,

тўқимачилик саноати ишлаб чиқаришини жадаллаштириш ва аҳоли эҳтиёжлари учун зарур маҳсулот ва хизматларни аҳоли жон боши ҳисобига ишлаб чиқаришни орттириш керак бўлади.

Иккинчидан, энгил саноатда рақобатни ривожлантиришнинг энг муҳим жиҳатларидан бири- инновацияга асосланган тўқимачилик саноати ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишдир. Тўқимачилик саноати қанчалик замонавий бўлса, у шунчалик рақобатбардош бўлади.

Учинчидан, молия бозорининг қай даражада эканлиги ҳам рақобатбардошликнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик бизнеси субъектлари фаолиятининг жўшқинлиги, уларнинг молиявий жиҳатдан қай даражада таъминланганлиги ва молиявий ресурсларга қай даражада яқинлиги ва соҳага йўналтирилаётган хорижий инвестицияларнинг миқдори ва ялпи инвестициялардаги салмоғига узвий равишда боғлиқ бўлади.

Тўртинчидан, тўқимачилик саноатида рақобатбардошликни оширишнинг муҳим жиҳати инсон капитали, меҳнат ресурслари таркиби ва худудий хусусиятларига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ярмидан ортиғини аёллар ташкил этади. Қишлоқ истиқомат жойларида аёлларни иш билан таъминлаш имкониятлари чегараланган. Шу сабабли тўқимачилик бизнесида йирик ва майда ишлаб чиқариш ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш, шу орқали

аёлларни иш билан таъминлаш, хусусан касаначилик амалиётига жиддий эътибор бериш зарур бўлади.

Олтинчидан, корхоналар рақобатбардошлигини орттиришда давлатнинг ролини кучайтириш керак бўлади. Бунинг учун корхоналарни солиққа тортиш амалиётларини соддалаштириш, узокни кўзланган иқтисодий сиёсат юргатиш керак. Бу борада Ўзбекистонда жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ягона солиқ ставкасининг даражаси 6%га туширилгани фикримиз далили ҳисобланади.

Еттинчидан, Инфратузилманинг ҳам рақобатни ривожлантиришдаги ўрни ва роли катта. Бизнинг назаримизда мамлакатда бозор инфратузилмаси жадал ривожланиш йўлига кирди. Бу молиявий, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги инфратузилмаларга тегишли. Мазкур тизимнинг ривожланишида кичик бизнес фаолиятининг ва улар ўртасида рақобат муҳитининг юксалиши замин яратади.

Саккизинчидан, мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий вазият ҳам рақобатбардошликни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланди.

Бизнинг назаримизда, юқоридаги чора тадбирларнинг самарали амалга оширилиши мамлакатимиз тўқимачилик саноатининг рақобатбардошлигини янада орттиради. Пировард натижада аҳолининг турмуш даражаси, фаровонлиги ва сифат даражаси янада кўтарилишига олиб келади.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена актуальным вопросам текстильной промышленности республики, подчеркиваются особенности и факторы развития этой традиционной отрасли экономики страны.

Тавсия этувчи:

профессор Солиев А.С.

НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ДЕМОГРАФИЧЕСКОЙ СИТУАЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Комилова Н.К.

Здоровья и смертность - понятия сопряжённые, а каждое из них, в свою

очередь, неразрывно связано с демографическими процессами. Не имея

чёткого представления о демографических процессах, происходящих в определённом регионе, невозможно проводить медико-географические исследования последнего.

Современный этап развития независимого Узбекистана характеризует радикальные преобразования в экономике, социальной и других сферах государственного строительства и общественной жизни, целью которых является повышение благосостояния граждан, создание условий для духовного развития, обеспечение конституционных прав, в том числе на получение квалифицированного медицинского обслуживания.

В 1992 году Узбекистан наметил концепцию развития национального здравоохранения, в основу которой был положен принцип интенсивного развития отрасли. В 1996 г. был принят Закон «Об охране здоровья граждан Республики Узбекистан», в котором определены задачи государства в оздоровлении населения. Принципы охраны здоровья граждан в нем утверждены с учетом требований Конституции Республики Узбекистан.

В частности, в Республике Узбекистан ЦРТ содержат основные приоритеты именно в области качественного развития:

- Сокращение малообеспеченности и неполноценного питания;
- Повышение качества образования в начальных и средних школах;
- Сокращение детской смертности;
- Улучшение материнского здоровья;
- Борьба с ВИЧ/СПИДом, туберкулезом и малярией;
- Обеспечение экологической устойчивости и др.

В годы независимости в Узбекистане сложилась новая демографическая ситуация, многие черты которой в корне отличаются от демографической обстановки советского периода развития страны. Это прежде всего, относится к основным демографическим процессам- рождаемости, естественный прирост населения, миграция и другие.

Новые тенденции современных демографических процессов в Узбекистане

-это снижение рождаемости, детской и материнской смертности.

Естественное воспроизводство населения. По данным на 1 января 2009 года, население республики составило 28,0 млн человек. По численности населения республика занимает 3 место среди стран СНГ, после России (142 млн.чел.) и Украины (46 млн. чел). Узбекистан занимает по числу жителей 43 место в мире и 18 в Азии.

Коэффициент рождаемости в 2008 году был равен 23,7 промилле, коэффициент смертности 5,1, а естественный прирост населения 18,6. Общий уровень смертности в стране составил 509,7 человек на каждые 100 000 жителей, младенческая же смертность (число умерших в возрасте до 1 года детей на 1000 выживших при рождении)- 12,4 человека. Из данных по естественному приросту населения Республики Узбекистан видно, что в течение 1870-2008 годах сложилось своеобразная демографическая ситуация. В 1870 году рождаемость составило 49,0 человек, смертность 44,0 человека, а естественный прирост 5,0 человек на 1000 жителей (таблица.1). Естественно, что при такой ситуации темпы воспроизводства населения были очень медленными (Ата-Мирзаев О.Б. и др., 2002).

По данным первой всероссийской переписи населения 1897 года коэффициент рождаемости в Узбекистане составлял 49,8 промилле, коэффициент смертности - 44,8, естественным прирост был равен всего 5,0 промилле. Такие показатели естественного прироста населения республики сохранялись до 1917 года.

В довоенном 1940 году коэффициент рождаемости населения в Узбекистане составлял 33,8 промилле, смертности 13,2, естественный прирост, соответственно, -20,6 промилле. В послевоенные годы происходит резкое снижение смертности населения, а с 60-80 годов заметное повышение рождаемости, результатом которого был исключительно высокий естественный прирост населения Узбекистана. Своего пика он достиг в 1986

году, составив 30,8 промилле, при коэффициенте рождаемости -37,9 промилле и смертности 7,1 промилле (Ата-Мирзаев О.Б., 2009).

Как известно, за прошедшие сто с лишним лет эти показатели существенным образом изменились. Особенно отчётливо это видно на примере смертности, сократившейся за отмеченный период в 8-9 раз. Главные причины этого - положительные изменения условий жизни населения, коренное улучшение системы медицинского обслуживания.

Естественное воспроизводство населения в 2008 году, по данным статистики, несколько отличается от 2000 года. Если в 2000 году коэффициент рождаемости был равен 21,3 промилле, то к 2008 году он возрос до 23,7 промилле.

На уровень естественного прироста населения оказало влияние снижение коэффициента смертности в 2008 году до

5,1 промилле. По данным Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике, в 1998 году наивысшие показатели рождаемости по стране зафиксированы в Сурхандарьинской (27,7 промилле), Кашкадарьинской (27,1) и Джизакской (24,8) областях. Из данных таблицы 2 следует, что смертность в 2008 году несколько снизилась в сравнении с 1998 годом, когда она составляла 5,8 промилле. В 2007 году в число регионов с наивысшим уровнем рождаемости вошли Хорезмская (24,3 промилле), Наманганская (24,0) и Кашкадарьинская (23,9) области. По уровню смертности же выделяются город Ташкент и Ташкентская область, а также Республика Каракалпакстан. В 2008 году по показателю естественного прироста населения лидировали Сурхандарьинская (22,0), Кашкадарьинская (21,2) и Джизакская (21,0) области.

Таблица-1

Смертность населения Узбекистана по классам причин смерти (2008 год)

Причины смертности	На 100 тыс.чел.	Доля в общей численности умерших, процент
Болезни системы кровообращения	297,9	58,4
Болезни органов дыхания	36,7	7,2
Злокачественные новообразования	36,1	7,08
Несчастные случаи, отравления и травмы	34,7	6,8
Болезни органов пищеварения	32,2	6,31
Инфекционные и паразитарные болезни	14,7	2,88
Болезни эндокринной системы	13,7	2,68
Болезни мочеполовой системы	9,0	1,76
Болезни нервной системы и органов чувств	8,3	1,62
Другие	26,4	5,27
Всего умерших	509,7	100

Источник: Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане. 2008. Статистический сборник. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике.- Ташкент, 2008.

Сравнительный анализ рассматриваемых показателей и соответствующих параметров соседних стран показывает, что республика по уровню рождаемости уступает Таджикистану (31 чел. на 1000 жит.), Туркменистану (24 чел.) и Кыргызстану (24 чел. на 1000 жит.) вместе с тем, характеризуясь более низкой по сравнению с этими государствами смертностью. По данным статистики видно,

что в ряде стран СНГ (Россия, Украина) вследствие превышения смертности над рождаемостью наблюдается естественная смерть населения (Ежегодник ООН «World population data sheet» и данные Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике).

Смертность населения Узбекистана. Смертность населения Узбекистана, как указывалось выше, характеризуется

очень низкими показателями. Однако смертность мужчин несколько выше смертности женщин. Так, при общем коэффициенте смертности населения, равном в 2008 году 5,27 промилле, смертность мужчин составляет 5,64 промилле, а женщин- 4,90 промилле. Главная причина смертности населения Узбекистана -болезни системы кровообращения, на долю которых приходится 58,4 % всех умерших.

Следующие позиции среди причин смертности в республике по удельному весу в общем числе умерших соответственно занимают: болезни органов дыхания (7,2%), злокачественные новообразования (7,08), несчастные случаи, отравления и травмы (6,8), а также болезни органов пищеварения-(6,31%) (см.Таблицу 1).

Материнская смертность. В нашей республике в течение 1990-2008 гг.

материнская смертность снизилась в три раза, или с 73,2 до 21,3 человек на 100 000 выживших новорождённых. Из таблицы 3 видно, что в 1990 году при уровне материнской смертности в целом по стране 73,2 человека на 100 000 тысяч жителей в городе Ташкенте данный показатель составлял 153,8, а в Сурхандарьинской области 95,9 человек. К 2008 году эти показатели ощутимым образом изменились. В этом году самые высокие значения рассматриваемого показателя зафиксированы в Бухарской (38,4), Хорезмской (33,8) и Ташкентской (32,3) областях, а также в Республике Каракалпакстан (28,4). Соответствующие показатели по Джизакской и Самаркандской областям значительно ниже среднереспубликанского уровня.

Таблица-2

Материнская смертность на 100 000 выживших новорождённых

Регионы	1990	1992	1994	1996	1998	2000	2002	2008
Республика Узбекистан	73,2	51,0	38,6	20,7	28,6	33,1	32,0	21,3
Республика Каракалпак.	62,2	98,6	68,7	22,3	60,1	38,8	26,6	28,4
Области:								
Андижанская	64,2	42,3	29,6	25,0	17,7	22,2	17,3	19,3
Бухарская	61,7	47,8	32,4	18,0	33,4	49,0	37,3	38,4
Джизакская	62,8	69,2	35,3	10,5	30,2	29,4	29,7	10,9
Кашкадарьинская	68,3	51,1	40,2	26,7	30,1	39,9	37,1	15,6
Навоийская	-	52,1	40,2	21,4	76,3	91,6	51,5	27,6
Наманганская	55,3	32,4	42,2	14,6	27,0	27,0	18,4	18,3
Самаркандская	53,9	35,8	31,4	24,6	19,4	26,4	21,9	14,3
Сырдарьинская	50,8	50,6	55,2	30,5	26,4	21,0	26,4	17,5
Сурхандарьинская	95,9	67,3	46,8	27,1	32,2	24,6	20,4	17,2
Ташкентская	67,2	31,0	34,9	18,3	20,9	27,5	59,8	32,3
Ферганская	62,9	38,6	17,1	8,6	19,6	22,5	25,8	19,3
Хорезмская	59,6	44,3	30,1	14,7	16,1	24,9	32,3	33,8
г.Ташкент	153,8	94,7	48,5	27,5	38,0	63,9	59,9	21,3

Таблица составлена по данным Министерства здравоохранения Республики Узбекистан.

В Узбекистане за 1996-2008 гг. уровень смертности снизился практически во всех возрастных группах населения. Однако в некоторых возрастных категориях (70-74; 80-84 лет) этот показатель несколько возрос. Это может стать причиной снижения средней продолжительности жизни женщин в будущем. В рассматриваемый период

показатели смертности во многих возрастных категориях снизились, однако уровень смертности среди женщин детородного возраста в нашей стране значительно выше, чем в развитых странах.

По данным на 2008 год, основными причинами материнской смертности в Узбекистане являются акушерские

кровотечения, гестозы, экстрагенитальные заболевания, послеродовые осложнения.

Следует отметить, что в Узбекистане около 60 % женщин страдают от малокровия, что является одной из актуальных проблем отечественного здравоохранения.

Важная особенность репродуктивного здоровья женщин состоит в заболеваемости гинекологическими болезнями. Также достаточно часты случаи онкологических заболеваний репродуктивной системы женщин. В частности, в 2008 году на 100 000 женщин зарегистрировано 12,8 случая рака молочных желез и 3,6 случая рака матки и шейки матки. Несмотря на предпринимаемые меры, данная ситуация весьма нестабильна. Это обусловлено заболеваемостью значительной части женщин детородного возраста экстрагенитальными болезнями. Эти заболевания создают трудности в период беременности и родов. Если в 1992 году 38,4 % женщин детородного возраста

страдали физическими заболеваниями, то в 2008 году подобные недуги были зафиксированы у 72,1 % женщин. В этом же году наибольшее распространение экстрагенитальных заболеваний зарегистрировано в Республике Каракалпакстан (94,0%), Самаркандской (82,3%), Навоийской (75,0%) и Бухарской (76,3%) областях. При этом чаще всего встречаются малокровие, заболевания желчного пузыря, эндокринные и сердечно-сосудистые болезни.

Младенческая смертность. В 1991 году по показателю смертности детей в возрасте до 1 года, или младенческой смертности, выделялись Республика Каракалпакстан (51,2 промилле), Сырдарьинская (48,3) и Сурхандарьинская (41,2) области, а наиболее низкие показатели были отмечены в Бухарской, Ташкентской областях и городе Ташкенте. Но за последние 10-12 лет региональные различия в детской смертности несколько изменились.

Таблица- 3

Распределение младенческой смертности в Республике Узбекистан по различным причинам (число умерших детей в возрасте до 1 года на 10 тысяч родившихся)

Годы	Причины смертности					
	Инфекционные и паразитарные болезни	Заболевания органов дыхания	Заболевания органов пищеварения	Врожденные пороки	Ситуации, типичные для перенатального периода	Несчастные случаи и отравления
1996	28,0	128,1	0,7	12,8	53,9	8,5
1997	22,7	115,7	0,8	13,3	57,8	8,2
1998	15,8	119,8	0,8	11,8	55,9	7,5
1999	12,5	104,0	1,0	12,0	60,9	6,5
2000	11,6	88,6	0,8	14,9	62,3	5,6
2001	12,2	89,6	1,4	13,8	56,4	4,9
2002	8,6	78,5	0,5	15,8	54,9	4,3
2007	8,6	53,7	1,3	12,2	54,3	2,6

Источник: Здравоохранение Узбекистана. Статистический сборник. Т., 2008

По итогам 2008 года, младенческая смертность в республике по сравнению с 1991-1992 годами ощутимым образом снизилась (12,4 промилле), однако величина данного показателя по городу Ташкенту (18,8), Сырдарьинской (17,6) и Хорезмской (17,0) областям намного превышает среднереспубликанский уровень. В Навоийской (5,5) и Сурхандарьинской (7,7) областях, в свою очередь, положение дел в рассматриваемом отношении заметно улучшилось. Уместно заметить, что в некоторых регионах

республики проявляется рост младенческой смертности в противоположность общей для всей страны тенденции. К числу подобных территорий относятся Приаралье (Республика Каракалпакстан), Хорезмская и Ферганская области.

Следует отметить, что в прошлом дети умирали от разнообразных инфекционных заболеваний. По подсчётам специалистов, в 1914 году в Туркестане из каждой 1000 новорождённых погибли 300, а в некоторые годы-до 600-700 младенцев (Караханов М.К., 1983).

Из данных таблицы -3 видно, что среди причин детской смертности в возрасте до 1 года ведущее значение имеют заболевания органов дыхания.

Литература:

1. Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В.Л., Муртазаева Р.Х., Салиев А.С. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. -Т.: Университет, 2002.
2. Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность.- Т., 2009.
3. Буриева М.Р. Рождаемость в Узбекистане. -Т.: Фан, 1991.
4. Здоровоохранение Узбекистана. Статистический сборник.Т., 2008
5. Камилова Н.К. Особенности географического распространения болезней населения в аридных регионах (по материалам Бухарской области). Вестник ОшГУ. – Ош, 2002.
6. Камилова Н.К. Медико-географические аспекты исследования природно-территориальных систем в Узбекистане //Географическое изучение территориальных систем. III всероссийская научно-практическая конференция студентов, аспирантов и молодых учёных.- Пермь, 2009.-36-39.
7. Караханов М.К. Некапиталистический путь развития и проблемы народонаселения. – Т.,1983.
8. Прохоров Б.Б. Экология человека. Понятийно-терминологический словарь. -М., 1999.
9. Турдымамбетов И.Р. Медико-географический анализ дельты Амударьи и улучшение ее санитарно-гигиенической ситуации. Автореферат дисс. канд. геогр. наук. -Т., 2005.

РЕЗЮМЕ

Мақолада аҳоли саломатлиги ва касалликлар географияси нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикасининг демографик вазияти таҳлил қилинган..

Рекомендует:

профессор Салиев А.С.

КИЧИК ХУДУДЛАР ВА КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ (ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Қурбонов. Ш. Б.

Ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида бошқарув органлари томонидан унга қаратилган дастур, кўрсатма, йўл-йўриқлар асос бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳатлар, дастур, кўрсатма аниқроғи ички сиёсатнинг туб моҳияти ҳам бевосита минтақаларда ижтимоий-иқтисодий соҳаларни жадал ривожлантиришда катта аҳамият касб этмоқда. Республикамиз Президенти томонидан ҳар бир йилга ўзгача ном берилиши ва шу асосда мазкур йил номига мос соҳаларга эътиборни кучайтириш, ислоҳ қилиш анъанага айланган.

Жумладан, 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб номланишининг туб моҳияти ички бозорни сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини оширишда муҳим мезон бўлиб хизмат қилади. Зеро, “Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюктураси

ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради”¹.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кўриш мумкинки, йирик саноат корхоналари ёки аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларининг шаклланиши ва ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБ ва ХТ) етакчи ўрин эгаллаган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ҳудудларнинг табиий ҳамда иқтисодий географик хусусиятлари алоҳида аҳамият касб этади. Одатда, шаҳар жойларда нисбатан аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари, умумий овқатланиш,

¹ Каримов. И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари.- Т.: Ўзбекистон, 2009. -46 б.

савдо, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолият турлари етакчиликка эга бўлса, қишлоқ жойларда кўпроқ қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ (фермерчилик, унинг турли шакллари; ихтисослашувига кўра; пахта, буғдой, шоли, боғдорчилик, чорвачилик ва ҳ.к.) турлари устунлик қилади.

Таъкидлаш лозимки, қишлоқ туманларида, яъни **“кичик ҳудудларда”** мазкур фаолият турини йўлга қўйиш шаҳарларга нисбатан енгилроқ кечади (фаолият тури, ер-жой билан таъминлаш, турли солиқлардаги имтиёзлар, рақобат) ва қишлоқ жойларда муаммо саналган янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Мазкур соҳани ривожлантириш, айниқса республикаимиз марказий минтақаларидан узоқда жойлашган Хоразм вилояти қишлоқ туманлари учун ҳам муҳим ҳисобланади. Вилоятда бозор ислоҳатлари кенг кўламда амалга оширилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ҳам катта аҳамият берилмоқда. 2010 йил якунлари кўра, вилоятда 10216* та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг асосий қисми 9412 таси микрофирмалар ва 804 таси кичик корхоналардан иборат. Ўтган йил мабойнида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 71,8 фоизи (2009 йилда 67,4 %) айнан шу сектор ҳиссасига тўғри келган. Шунингдек, вилоят иқтисодиётида банд аҳолининг асосий қисми, яъни 78,2 % кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида хизмат қилади. Кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулотининг 30,0 %, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 99,8 %, қурилиш ишларининг 83,3 %, чакана савдо айланмаси ҳамда аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг 49,3, ва 64,7 % амалга оширилган.

Юқоридаги кўрсаткичлар қишлоқ туманлари даражасида таҳлил қилинса, янада аниқроқ, реал ҳолатни кўриш мумкин. Қўйидаги жадвалда қишлоқ туманларининг 2005 ва 2010 йиллар мабойнида кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик соҳасидаги кўрсаткичлар келтирилган.

Жадвал маълумотлари кўрсатишича, вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнеснинг улуши беш йил оралиғида икки мартадан кўпроқ ўсгани ҳолда баъзи туманлар Хива, Гурлан, Янгибозор, Янгиариқда бу рақамлар 3-4 баробарни ташкил этади.

Шунингдек, мамлакатимизда аграр соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, айниқса, юқори самара ва натижа берадиган фермерчилик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора тадбирлар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда КБ ва ХТ улуши йилдан йилга ортиб бормоқда. Масалан, 2005 йилда у вилоят бўйича 92,1 фоиздан 2010 йилга келиб 99,8 % ни ташкил этган. Хусусан, бу кўрсаткичлар Хонқа, Хива, Янгиариқ туманларида жадаллик билан ўсгани қайд этилади. Умуман олганда, ҳозирги вақтда вилоятнинг барча туманларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш тўлалигича КБ ва ХТ зиммасига тушади.

Худди шундай юқори кўрсаткичлар амалга оширилаётган қурилиш ишларида ҳам кўзга ташланади. Бу каби ишлар Хазорасп, Янгиариқ, Қўшқўпир туманларида барчаси, Шовот, Гурлан, Янгибозорда деярли юз фоиз мазкур соҳа томонидан амалга оширилган.

Юқорида таъкидланганидек, нисбатан ривожланган, марказий минтақалардан узоқроқда жойлашган ҳудудларда савдо-сотиқ, аҳолига хизмат кўрсатиш, транспорт хизмати сингари соҳаларни ўзида ташкил этиш, яъни комплекс ҳудудий ташкил этиш талаб қилинади. Шу ўринда чакана савдода ҳам КБ ва ХТ ҳиссасини ортиб бораётганлигини таъкидлаш мумкин.

Кейинги йилларда республикаимизда аҳолини ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилиш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш давлат сиёсати даражасида олиб борилмоқда. Вилоят ҳудудининг асосий қисмини бир текис ўзлаштирилганлиги, аҳолининг туманлар, умуман аҳоли пунктларида жойлашувида

* Фермер хўжаликлари рўйхатга олинмаган.

жуда катта фарқлар мавжуд эмаслиги бундай ишларни амалга оширишда ўзига хос ижобий аҳамият касб этади. Аҳолига

пуллик хизмат кўрсатиш ҳам КБ ва ХТ таққосланаётган йилларда ортган.

Жадвал

Хоразм вилояти иқтисодиётида кичик бизнеснинг улуши
(2005 ва 2010 йиллар, % ҳисобида)

T/p	Шаҳар ва туманлар	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Инвестиция	Қурилиш ишлари	Чакана савдо	Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	Юк ташиш	Йўловчи ташиш
	Урганч. ш	<u>15,4</u> 33,8	<u>97,3</u> 100	<u>15,8</u> 43,3	<u>40,6</u> 70,4	<u>27,9</u> 38,5	<u>54,9</u> 65,0	<u>27,9</u> 70,4	<u>72,8</u> 94,2
туманлар:									
1.	Боғот	<u>15,6</u> 29,3	<u>93,7</u> 99,9	<u>61,8</u> 60,0	<u>69,4</u> 93,1	<u>27,4</u> 45,1	<u>61,4</u> 62,6	<u>27,0</u> 65,3	<u>67,1</u> 90,5
2.	Гурлан	<u>8,0</u> 21,3	<u>90,6</u> 99,8	<u>57,8</u> 61,1	<u>77,1</u> 99,2	<u>27,5</u> 39,8	<u>61,0</u> 61,7	<u>23,3</u> 70,3	<u>73,3</u> 95,8
3.	Урганч	<u>25,2</u> 30,7	<u>92,8</u> 99,1	<u>42,1</u> 73,6	<u>45,0</u> 68,6	<u>86,8</u> 96,4	<u>65,8</u> 66,7	<u>28,0</u> 69,6	<u>69,2</u> 92,9
4.	Хазорасп	<u>11,3</u> 19,1	<u>96,5</u> 100	<u>55,8</u> 66,6	<u>75,6</u> 100	<u>54,4</u> 56,4	<u>60,1</u> 63,3	<u>25,8</u> 68,1	<u>73,3</u> 95,2
5.	Хонқа	<u>15,7</u> 20,9	<u>82,1</u> 100	<u>56,6</u> 67,9	<u>41,5</u> 78,4	<u>46,4</u> 58,9	<u>60,1</u> 65,1	<u>22,3</u> 66,3	<u>71,5</u> 90,1
6.	Хива	<u>13,7</u> 52,5	<u>88,8</u> 99,8	<u>42,6</u> 65,7	<u>20,0</u> 76,6	<u>47,7</u> 49,0	<u>70,6</u> 69,0	<u>26,5</u> 69,5	<u>73,2</u> 94,9
7.	Шовот	<u>14,2</u> 27,1	<u>91,3</u> 99,8	<u>83,0</u> 65,6	<u>92,1</u> 99,4	<u>30,0</u> 52,9	<u>64,5</u> 66,1	<u>24,4</u> 68,1	<u>73,2</u> 95,3
8.	Янгиарик	<u>5,8</u> 22,1	<u>87,9</u> 99,5	<u>69,0</u> 67,8	<u>89,4</u> 100	<u>13,0</u> 50,9	<u>64,4</u> 69,2	<u>24,6</u> 68,1	<u>67,9</u> 88,0
9.	Янгибозор	<u>6,5</u> 37,1	<u>98,2</u> 99,9	<u>43,6</u> 90,6	<u>88,6</u> 99,3	<u>42,8</u> 60,4	<u>57,8</u> 60,3	<u>21,2</u> 58,3	<u>68,1</u> 87,8
10	Кўшкўпир	<u>13,0</u> 30,1	<u>97,7</u> 99,9	<u>52,5</u> 71,1	<u>91,7</u> 100	<u>35,8</u> 62,6	<u>59,6</u> 56,7	<u>21,6</u> 65,3	<u>69,1</u> 89,8
	Вилоят бўйича	<u>13,9</u> 30,0	<u>92,1</u> 99,8	<u>40,1</u> 49,8	<u>48,0</u> 83,3	<u>35,3</u> 49,3	<u>61,0</u> 64,7	<u>25,3</u> 68,1	<u>71,5</u> 92,9

Изоҳ: қаср суръатида 2005 йил, маҳражидида - 2010 йил маълумотлари.

*Инвестиция ҳажми 2009 йил маълумотлари асосида келтирилган.

Манба: Хоразм вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

Хоразмда йўловчи ва юк ташишда ҳам мазкур фаолият тури етакчилик қилади. Юк ташиш ҳажмининг 60-70 % айнан шу сектор зиммасига тушади. Шунингдек, йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни анча катта. Мазкур соҳада унинг улуши барча туманларда 87,0 % дан юқори кўринишга эга.

Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб қувватлашга йўналтирилган инвестициялар ҳажми ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 2005 йилда вилоятга киритилган инвестиция ҳажми 40,1 % ташкил этган

ҳолда, 2010 йилга келиб у 50,0 % етди. Янгибозор (90,6 %), Урганч (73,6 %), Кўшкўпир (71,1 %) туманларида юқори кўрсаткичлар қайд этилади.

Таҳлиллар кўрсатишича, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг барча соҳаларида ортиб бормоқда. 2010 йил мабойнида кичик бизнес субъектлари томонидан 8 млн АҚШ доллари (2009 йилда 6,9 млн доллар) миқдоридида экспорт ишлари амалга оширилган, 14138 та янги иш ўринлари яратилган. Яратилаётган иш ўринларининг асосий қисми мамлакатимизда аграр соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш, айниқса,

фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш ҳисобидан вужудга келмоқда.

Вилоятда 2010 йилда 6050 га фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларга 236 минг га ер бириктирилган. Ишлайдиган ходимлар сони 96,2 минг кишини ташкил этган. Шунингдек, деҳқон хўжаликлари 251107 га, бириктирилган ер майдони 499,9 минг га тенг.

Кейинги йилларда вилоятда миллий анаънавий халқ хунармандчилигини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, қадимдан ёғоч ўймакорлиги, мисгарлик, сопол буюмлари билан бутун дунёга машҳур бўлган Хива

шаҳри ва деярли барча қишлоқ туманларида мазкур фаолиятнинг янги-янги йўналишлари иш олиб бормоқда.

Умуман олганда, Хоразмда суғорма деҳқончилик маданиятининг юксак тараққий этганлиги, халқининг азалдан тижоратчи, яъни савдо-сотикқа мойиллиги, маҳоратли усталарнинг (ёғоч, пахса) кўплаб етишиб чиққанлиги, хунармандчиликнинг юқори даражада ривожланганлиги ҳозирги кунда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожланишида асос бўлиб хизмат қилмоқда.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются некоторые вопросы развития малого предпринимательства в рамках малых территорий – сельских туманов Хорезмского вилоята.

Тавсия этувчи:

профессор Солиев А. С.

КИЧИК ХУДУДЛАРДА УРБАНИЗАЦИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ТУМАНЛАРИ МИСОЛИДА)

Қурбонов П. Р.

Урбанизация, яъни мамлакат ва минтақаларда, уларнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишида шаҳарлашув жараёнининг кучайиб бориши, турли йирикликдаги шаҳарлар ва, хусусан йирик шаҳар ва шаҳар агломерацияларининг ривожланиши, қишлоқ жойлар аҳолиси турмуш тарзи ўзгаришида ўз аксини топувчи ҳодисадир. У, энг аввало, мураккаб ижтимоий–иқтисодий жараён ҳисобланади. Чунки, урбанизациянинг нафақат шаҳарлар ривожланишига, балки уларнинг таъсирини ўз атрофларига диффузион тарзда тарқалиб бориш хусусияти мавжуд. Урбанизациянинг бундай хусусияти ёки моҳияти унинг моддий негизини ташкил этувчи шаҳарларнинг **очиқ тизим** сифатида фаолият кўрсатиши билан боғлиқ. Шу маънода шаҳарлар ҳудуднинг маркази ва бу жойда марказга интилувчи ва марказдан қочувчи (тарқалувчи) кучларнинг борлиги, уларнинг ўзаро нисбати ва мувозанати

урбанизациянинг асосий географик жиҳатларини белгилаб беради.

Мустақиллик йилларида рўй берган кўплаб ижтимоий–иқтисодий ўзгаришлар, энг аввало, урбанизациянинг асосий кўрсаткичи бўлган шаҳарлар тўри ва таркибида ўз аксини топмоқда. Чунончи, ўзига хос табиий шароит ва ресурсларга, иқтисодий ва демографик салоҳиятга эга Жанубий Ўзбекистон шаҳарлар тўри сўнгги йилларда анча мукамаллашди¹. Ҳозирги вақтга келиб, ҳар минг кв.км. га ҳисоблаганда, Сурхондарё вилоятининг шаҳарлар билан таъминланганлик даражаси ёки урбанизациянинг соф географик кўрсаткичи 6.1 га тенг бўлган ҳолда, Қашқадарё вилоятида бу кўрсаткич 4.7 га баробар (республикада 2.7). Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, Сурхондарё вилояти Қашқадарёга нисбатан

¹ 2009 йилда “Қишлоқ дастури” доирасида республиканинг 966 та, жумладан Жанубий Ўзбекистонда 226 та қишлоқ аҳоли пунктига шаҳарча мақоми берилди.

шаҳар жойлари билан яхшироқ таъминланган. Чунки, Қашқадарё вилоятининг майдони (28.57 минг кв.км.) Сурхондарёга қараганда (20.10 минг кв.км.) 1.42 марта катта.

Аммо минтақа туманларининг шаҳар жойлар билан таъминлаганлик даражасида жуда катта тафовутлар мавжуд. Чунончи, ҳар минг кв. км шаҳар манзилгоҳлари билан таъминланишда нисбатан майдони кичик ва янги шаҳарчалар кўп ташкил этилган Ангор (30.0), Олтинсой (23.3), Денов (16.3), Қарши (18.0), Касби (12.8), Музработ (14.3), Қизирик (12.5) туманлари пешқадамлик қилса, Дехқонобод (0.8), Миришкор (1.0), Сариосиё (1.3), Бойсун (1.6), Муборак (1.9), Қамаш (2.3) ва Ғузор (2.3) каби ноқулай рельеф ва иқлим шароитига эга туманларда паст.

Туманларнинг шаҳарлар билан таъминланиш даражасини паст бўлиши, унинг урбанизация жараёнларига, туман ҳудудларининг ёппасига ва барқарор ривожланишига, унда ўсиш кутб ва марказлари шаклланишида катта қийинчиликлар туғдиради. Бироқ, фақат ушбу умумий кўрсаткичлар асосида ҳудуднинг урбанизация даражасини баҳолаш тўғри ҳулосаларга келтирмайди. Чунки, бу ерда фақат шаҳар ёки шаҳарчаларнинг миқдорий кўрсаткичларини эмас, уларнинг сифат ёки **ҳудудий урбанистик таркибини** ҳам инобатга олиш талаб этилади. Сабаби, маълум бир ҳудуддаги шаҳар аҳолиси бир қанча майда шаҳарлар ёки сон жиҳатидан унча кўп бўлмаган йирик ва ўрта шаҳарларда мужассамлашган бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бу ерда ҳудудларнинг урбанистик таркибида катта ва йирик шаҳарларнинг мавжудлиги назарда тутилади. Ҳудудий урбанистик таркиб ишлаб чиқаришнинг жойлашуви ва мужассамлашувини акс эттиради. Бу борада, албатта, турли йирикликдаги шаҳар жойларнинг мавжудлиги мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда Жанубий Ўзбекистон ҳудудий урбанистик таркибининг таҳлилидан жами шаҳар манзилгоҳларининг (257 та) фақатгина иккитаси (вилоятларнинг маъмурий марказлари

Термиз ва Қарши) катта шаҳарлар синфига тегишли эканлигини кўриш мумкин. Амалда минтақа туманларининг ҳақиқий урбанизация ва иқтисодий ривожланган даражасини ўрта ҳамда “ярим ўрта” шаҳарлар синфи белгилаб бермоқда. Минтақада 50–100 минг аҳолига эга бўлган 3 та шаҳар мавжуд бўлиб, шундан Шахрисабз ва Косон Қашқадарёда ҳамда Денов Сурхондарё вилоятида жойлашган.

“Ярим ўрта” ёки аҳолиси 20–50 минг кишилик шаҳарлар 10 тани (Китоб, Қамаш, Шерабод, Бойсун, Муборак, Яккабоғ, Ғузор, Шўрчи, Жарқўрғон ва Чироқчи) ташкил қилиб, ушбу шаҳар манзилгоҳларининг, аксарияти, юқоридаги шаҳарлар синфи билан бирга қишлоқ туманларининг маъмурий маркази вазифасини бажаради.

Умуман олганда, Жанубий Ўзбекистон шаҳарларининг 242 таси ёки 94.2 фоизи кичик шаҳарлар синфига тааллуқли. Шундан 10 – 20 минг аҳолига эга шаҳар жойлар 14 та бўлиб, буларга Бешкент, Қумқўрғон, Шарғун, Янги – Нишон шаҳарлари, Ангор, Сариосиё, Эски – Яккабоғ, Сарик каби эски ҳамда Қорлуқ, Майманок, Янги–Миришкор, Узун, Помуқ, Фазли сингари янги шаҳарчалар киради. Аҳоли сони 5 – 10 минг киши бўлган шаҳарчалар сони 36 та, уларнинг 15 таси Сурхондарё ва 21 таси Қашқадарё вилоятлари ҳисобига тўғри келади (Талимаржон шаҳри ҳам шу гуруҳга тегишли). Қолган барча шаҳарчалар 5000 дан кам аҳолиси бўлган тоифани ташкил этади.

Янги ташкил этилган шаҳарчалар Жанубий минтақа урбанизация даражасига ҳам сезиларли таъсир ўтказди (22.0 фоиздан 40.5 фоизга кўтарилиб, шаҳар жойлар аҳолиси 1903.6 минг кишига етди) ва бу мазкур жараённинг “пастдан” ёки “ичкаридан” ривожланиш хусусиятини ифодалаб берди. Жумладан, шаҳарлашув даражаси Сурхондарё вилоятида 19.1 фоиздан 37.0 фоизга, Қашқадарё вилоятида 24.6 фоиздан 43.4 фоизга ошди (2010 й.) Ўз ўрнида ушбу ҳолат Жанубий Ўзбекистон қишлоқ туманлари урбанизация даражаси ҳам ўз аксини топди. Чунончи, Сурхондарё вилоятида Ангор (52.2 %), Бойсун (42.2 %),

Жадвал

Жанубий Ўзбекистон қишлоқ туманларининг урбанизация ва шаҳар жойлар билан таъминланганлик даражаси (2010 й.)

Т/р	Худудлар	Майдони (минг км ²)	Жами аҳоли (минг киши)	шу жумладан:		Урбанизация даражаси (%)	Шаҳар жойлар сони (та)	Шаҳар жойлар зичлиги (минг км ² /та)
				шаҳар	қишлоқ			
	Сурхондарё вилояти	20.1	2075.0	767.9	1307.1	37.0	122	6.1
	шундан қишлоқ туманлари:							
1	Ангор	0.4	102.7	53.6	49.1	52.2	12	30.0
2	Бандихон	0.2	45.4	2.4	43.0	5.3	1	5.0
3	Бойсун	3.7	95.3	40.2	55.1	42.2	6	1.6
4	Денов	0.8	315.8	114.9	200.9	36.4	13	16.3
5	Жарқўрғон	1.1	169.1	38.0	131.1	22.5	6	5.4
6	Музработ	0.7	112.5	43.1	69.4	38.3	10	14.3
7	Олтинсой	0.6	134.4	53.1	81.3	39.5	14	23.3
8	Сариосиё	3.9	164.6	37.0	127.6	22.5	5	1.3
9	Термиз	0.9	86.5	26.1	60.4	30.2	10	11.1
10	Узун	1.6	139.4	35.4	104.0	25.4	9	5.6
11	Шерабод	2.7	148.8	47.3	101.5	31.8	8	3.1
12	Шўрчи	0.9	165.6	62.1	103.5	37.5	11	12.2
13	Қизириқ	0.4	89.7	23.1	66.6	25.7	5	12.5
14	Қумқўрғон	2.2	175.0	61.4	113.6	35.1	12	5.5
	Қашқадарё вилояти	28.6	2616.0	1135.7	1480.3	43.4	135	4.7
	шундан қишлоқ туманлари:							
1	Дехқонобод	4.0	117.5	22.2	95.3	18.9	3	0.8
2	Касби	0.7	151.7	58.8	92.9	38.7	9	12.8
3	Китоб	1.8	214.0	82.1	131.9	38.4	14	7.8
4	Косон	1.8	225.7	114.7	111.0	50.8	15	8.3
5	Миришкор	3.1	94.0	36.0	58.0	38.3	3	1.0
6	Муборак	3.1	69.5	55.0	14.5	79.1	6	1.9
7	Нишон	2.1	110.8	66.4	44.4	59.9	11	5.2
8	Чирокчи	2.8	315.6	75.8	239.8	24.0	9	3.2
9	Шахрисабз	1.7	300.5	159.9	140.6	53.2	20	11.7
10	Яккабоғ	1.3	211.3	67.6	143.7	32.0	15	11.5
11	Қамаши	2.6	212.0	50.6	161.4	23.9	6	2.3
12	Қарши	1.0	193.4	69.1	124.3	35.7	18	18.0
13	Ғузур	2.6	161.8	39.3	122.5	24.3	6	2.3

Жадвал Сурхондарё ва Қашқадарё вилояти Статистика бошқармалари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Олтинсой (39.5 %), Музработ (38.3 %) ва Шўрчи (37.5 %) туманларининг урбанизация даражаси вилоят ўртача кўрсаткичи (37.0 %) дан катта бўлиб, бунга мазкур туманларда ташкил этилган шаҳарчалар сонининг анча кўплиги ва уларда аҳоли мужассамлашувининг юқори эканлиги асосий сабаб бўлди.

Ўз навбатида, Сариосиё, Узун, Жаркўрғон, Қизириқ каби қишлоқ туманлари шаҳар аҳолисининг улуши вилоят ўртача даражасидан анча паст. Айниқса, атиги битта шаҳарча мавжуд бўлган Бандихон тумани урбанизация даражасига (5.3 %) кўра нафақат Жанубий Ўзбекистонда, балки бутун республикада энг охириги ўринда туради.

Қашқадарё вилоятида эса Шахрисабз, Косон, Муборак, Нишон туманларининг урбанизация даражаси вилоят ўртачасидан юқори бўлган ҳолда, тоғ олди ёки адир зонасининг Дехқонобод (18.9 %), Қамаш (23.9 %), Чироқчи (24.0 %), Ғузор (24.3 %) каби туманларида бу кўрсаткич анча паст. Бунга мазкур туманлардаги янги шаҳарчалар сонининг камлиги ва уларнинг аҳолиси асосан 5000 минг кишигача бўлган собиқ қишлоқлар эканлиги сабаб бўлган.

Жанубий Ўзбекистон қишлоқ туманларининг урбанистик таркибини келажакда ривожланиб бориши минтақа шаҳар жойлари функционал типларининг мукамаллашиб боришига боғлиқ равишда кечади. Жумладан, янги ташкил этилган шаҳарчалар (агрошаҳарчалар) нинг аксарияти ҳозирги вақтда минтақадаги Қишлоқ фуқоролар йиғинлари (ҚФЙ) маркази вазифасини бажаришади. Улар ўзлари жойлашган ҚФЙга тегишли қишлоқлар аҳолисига тиббиёт (қишлоқ врачлик пунктлари), таълим (одатда, мавжуд коллежлар шу шаҳарчаларда жойлашган), бошқа маиший ва сервис хизматларини кўрсатиб боради.

Қишлоқ туманларининг энг урбанизациялашган қисми бўлган уларнинг маъмурий марказлари вазифасини бажарувчи шаҳар ва шаҳарчалар бўлиб, уларда асосан қишлоқ хўжалик хом ашёсидан оқилона фойдаланган ҳолда янги корхоналар ва цехлар ташкил этиш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш

ҳамда туман аҳолиси эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларининг асосий ва бирламчи тармоқларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Чунончи, Шахрисабз, Денов, Косон, Китоб, Яккабоғ, Қамаш, Шўрчи каби шаҳарлари фақат озиқ овқат саноати корхоналарига ихтисослашаганлиги ҳамда етарли меҳнат ресурсларининг мавжудлигидан келиб чиқиб, шаҳар саноат тармоқларини диверсификациялаш лозим. Бундай шаҳарларни фаоллаштиришда ишчи кучи кўп талаб қилувчи тармоқларни ривожлантириш ва шу орқали аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, енгил саноатни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда кўриқ ерларни ўзлаштириш натижасида вужудга келган Шеробод, Нишон, Касби, Миришкор, Ангор, Музработ, Қизириқ, Олтинсой, Бандихон туманларининг маъмурий марказлари ҳисобланган шаҳар жойларда ижтимоий инфратузилма ва саноат тармоқларининг яхши шакллланмаганлиги боис, уларда урбанизация ва иқтисодий ривожланиш даражаси анча паст. Ваҳоланки, мазкур туманлар минтақада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган асосий район саналади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, келажакда Шеробод, Янги – Нишон, Муғлон, Ангор, Халқобод шаҳар манзилгоҳларида пахтани қайта ишлаш ва тўқимачилик, ёғ – мой, ун – ёрма, қандолатчилик, Қорликда – мева консерва, салқин ичимликлар ва вино саноати ривожланади. Муғлон ва Янги– Миришкор шаҳарчаларида гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини куриш имконияти мавжуд.

Доривор гиёҳлар кўп ўсадиган Бойсун туманида фармацевтика корхонаси куриш, қадимий ва ўзига хос архитектура ёдгорликлари бўлган туман марказлари (Шахрисабз, Денов, Ғузор, Шеробод) да туризм ва туризм инфратузилмаси объектлари ташкил қилиш ва риволантириш талаб этилади.

Одатда, туман марказлари (шаҳарлар) нинг ривожланиб бориши

натijasида уларнинг шаҳар атрофида жойлашган қишлоқларни ўзига тортиш хусусияти ҳам кучайиб боради, яъни туман маркази ва унинг атрофида йирик урбанизациялашган ҳудудлар таркиб

топади. Бу ҳолат шаҳар атрофи қишлоқларида яшовчи аҳолининг иш билан банд бўлган соҳалар таркибида ва турмуш тарзида шаҳарга хос жиҳатлар ортиб боришида намоён бўлади.

РЕЗЮМЕ

Развитие урбанизации для Узбекистана имеет особо важное значение. В этой связи в данной статье рассматриваются вопросы урбанизации малых территорий – сельских административных туманов.

Тавсия этувчи:

профессор Солиев А.С.

НАВОЙ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Рахматов Ю.Б., Муродова Н.Қ.

Минтақаларда иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш, кичик бизнесни жадал ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини жадаллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш, кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусий секторнинг ривожланиши асосида бандлик даражасининг ошиши миллий иқтисодиёт тараққиётида муҳим аҳамият касб этади ва мамлакат иқтисодий сиёсатининг устувор вазибаларидан бири ҳисобланади.

Буни Навоий вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Вилоят аҳолиси, 2011 йил 1 январ ҳолатига кўра, 864,2 минг кишини ташкил этади ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12605 кишига ёки 1,5 фоизга кўпайди. Маълумки, минтақа меҳнат ресурсларининг асосий қисмини иқтисодий фаол аҳоли ташкил этади. Бу ҳолат, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича ишчи кучи таклифини қондирувчи аҳолининг маълум қисми, демакдир. Вилоят иқтисодиётида жами банд бўлганлар сонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 55,9% ни (227,9 минг киши) ташкил этади.

Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида 2010 йил давомида 31461 та иш ўринлари яратилиб, (2010 йилга белгиланган режа 31352 та) топшириқ 100,3

%га бажарилди. Бугунги кунда 13511та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган. Жумладан, 654 таси кичик корхоналарни, 12857 таси микрофирма-ларни ташкил этади. Янги ташкил этилган 989 та кичик бизнес субъектларининг 187 таси (18,8 %) саноат соҳасига, 188 таси (18,9%) қишлоқ хўжалигига, 137 таси (13,9%) савдо ва умумий оқатланиш соҳасига, 50 таси (5,1%) транспорт ва алоқага, 166 таси (16,8%) бошқа соҳаларга тўғри келди. 2010 йилда кичик бизнесни ривожлантириш ҳисобига ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг салмоғи 34,4 фоизга етказилди, шу жумладан, кичик корхоналар 4,0 фоизни, микрофирмалар 13,7, якка тадбиркорлик 16,7 фоизни ташкил этди. 2010 йилнинг январ-декабрида кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) умумий ҳажмида хусусий тадбиркорлик (фуқаролар мулки) маҳсулотининг улуши куйидагича ифодаланади:

Навоий вилояти жаҳоннинг 86 мамлакати билан ташқи савдо операцияларини амалга оширди ва 20 мамлакат билан ижобий сальдога эга бўлди. Вилоят ташқи савдо айланмаси ҳажмида кичик бизнес субъектларининг улуши 7,2 фоизни ташкил қилди. 2010 йилда 52,4 млн. АҚШ доллари миқдоридан маҳсулотлар экспорти амалга оширилиб, 2009 йилга нисбатан 164,0 фоизни, 14,1 млн. АҚШ доллари ҳажмида маҳсулотлар

импорти ташкил этилди ва ўтган йилга қараганда 113,9 фоизга тенг бўлди.

Жадвал

Кичик тадбиркорлик маҳсулоти умумий ҳажмида хусусий тадбиркорлик маҳсулотининг улуши

Иқтисодиёт тармоқлари	Хўжалик юритувчи кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд. сўм	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Саноат	118,9	45,8
қурилиш	220,0	33,4
Чакана савдо	427,8	8,4
Пуллик хизмат	121,6	30,7
Юк ташиш, млн.тн	13,8	73,0
Йўловчи ташиш, млн.киши	128,1	95,4
Экспорт, млн. АҚШ долл.	52,4	9,6
Импорт, млн. АҚШ долл.	14,1	3,8

Иқтисодиёт тизимини ислоҳ қилиш бозор талабларига мос равишда рақобат муҳитини шакллантириш, янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этишни тақоза этади. Вилоят аҳолисининг каттагина қисми меҳнатга қобилиятли, асосий қисми эса, қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Хўжалик юритишнинг бозор механизмлари қишлоқлардаги ортиқча ишчи кучининг кўпайишига, бандлик муаммосининг кескинлашувига сабаб бўлмоқда. Бунинг учун, албатта, узоқ йилга мўлжалланган минтақавий дастурларда қишлоқ жойларига мос келадиган хусусий тадбиркорлик шаклларида устуворлик бериш масалаларини ҳал этишни талаб қилади.

Қишлоқларда вужудга келган ижтимоий-иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, Навоий вилояти марказида йирик саноат корхоналари жойлашганлиги сабабли асосий эътиборни қишлоқларда кичик саноат корхоналарини ташкил этиш ва жойлаштиришга қаратиш мақсадга мувофиқ. Ислохотларнинг бундай йўналиши қуйидаги афзалликлардан иборат:

-қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишга зарур ҳаётий эҳтиёжларини, биринчи навбатда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарларига бўлган талабини қондиради;

-маҳаллий хом ашё ресурсларидан унумли фойдаланилади;

-кичик саноат корхоналарини ташкил этиш орқали хизмат кўрсатиш соҳаларини

қишлоққа олиб киришга кўшимча имконият яратилади;

-хизмат соҳаларига, фермер хўжаликлар, деҳқон хўжаликларига нисбатан саноат корхоналарида иш ҳақи нисбатан юқори бўлади;

-кичик корхоналар йирик инвестицияларни талаб этмайди, уларни қишлоқларда мавжуд фойдаланилаётган иншоот ва муассасалар асосида ташкил этиш мумкин;


-қишлоқда ҳам рақобатбардош миллий, анъанавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш имконияти яратилади.

Қишлоқда фаолият юритаётган кичик корхоналарнинг кўпчилигида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 50-60 фоизни ташкил этади, деярли барча инвестициялар шаҳарларга йўналтирилиб, қишлоқ жойларида саноат корхоналарини жойлаштиришга етарлича эътибор берилмади. Қишлоқ жойларида кичик саноат корхоналари жойлашувига таъсир этувчи муҳим омиллардан асосан ишлаб чиқариш инфратузилмасининг мавжудлик даражаси, электр энергия, сув, газ тизими, алоқа, транспорт, инфорацион технологиялар коммуникацияларидир.

Қишлоқ жойларида ҳам шаҳардаги мавжуд имкониятларнинг бўлиши тадбиркорларга қулай муҳит яратади ва кичик саноат корхоналарини ривожлантириш учун ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий механизмларнинг самарали ишлаши талаб этилади. Бунда кичик корхоналарни

рағбатлантиришда иқтисодий механизм-ларнинг аҳамияти юқоридир.

Расм 1. Навоий вилояти ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби (умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)



Қишлоқларда кичик саноат корхоналарини ташкил этиш аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга асос бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий вазият, мавжуд омил ва шарт-шароитларни баҳолашни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги таклифларни билдирамиз:

- вилоятнинг барча туман ҳокимликлари томонидан ишчи гуруҳ тузилиб, худуднинг барча қишлоқларида инвентаризация ўтказиш, яъни қишлоқлардаги мавжуд ижобий ва салбий омилларни аниқлаш асосида қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳақидаги паспортини тайёрлаш, маҳаллий аҳолининг иш билан таъминланганлик ҳолатини, маҳаллий хом ашё ресурсининг мавжудлигини, мавжуд табиий-иқтисодий шарт-шароитларни ўрганган ҳолда барча қишлоқлар ичидан ривожланиш имкониятларига эга бўлган қишлоқларни ажратиб, кичик корхона-ларни ташкил этиш йўналишларини белгилаб олиш ва шунга мувофиқ соҳани ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;

- вилоятдаги мавжуд барча кичик корхоналарни ривожланишини рағбатлантириш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кўчатириш, унинг бандлигини ошириш мақсадида йирик саноат корхоналари билан касаначилик

асосида товар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш борасида кооперацион алоқаларни франчайзинг, лизинг, лойиҳавий молиялаштириш, молия-саноат гуруҳлари ва вертикал кооперациялашган ишлаб чиқариш тузилмаларини ташкил этишда “Ҳокимият+маҳалла+тадбиркор” концепциясини амалга ошириш ёрдамида аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини бошлашга кўмаклашиш;

- вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш саноатини жадал ривожлантириш негизда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаб, истеъмолга тайёр тугалланган маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, бу орқали тез бузилувчан хом ашёни ўша жойнинг ўзида қайта ишлашни ташкил этиш учун минитехнологияларни келтиришни кенг жорий этиш, ички бозордаги талабни қондиришга ва вилоятнинг экспорт салоҳиятини оширишга эришиш;

- қишлоқларда ижтимоий сўровнома ўтказиш орқали қишлоқ аёлларининг кичик тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятлари ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишига тўсиқ бўлаётган омилларни аниқлаш ва шу асосда аёллар иштирокидаги кичик тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган махсус дастур ишлаб чиқиш, паст фоизли кредит, мос ва қулай келадиган иншоотлар билан

таъминлашда аёллар тадбиркорлигига устуворлик бериш;

- хорижий инвесторлар ҳамкорлигида тикувчилик ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқарувчи янги кўшма корхоналар ташкил этиш, пахтакор туманларда пахтани қайта ишловчи корхоналар қуриш ва уларни йирик корхоналар билан кооперациясини кенгайтириш, қишлоқларда нонвойчилик, пичоқчилик, дурадгорлик, бешик ва сандиқлар яшаш, темирчилик, кулол-чилик, гилам тўқиш, каштачилик ва наққошлик каби хунармандчиликни ривожлантиришга маҳалла фуқоролар йиғини раисларининг масъуллигини ошириш;

- вилоятдаги мавжуд эски корхоналарни янги техника ва технология негизда

модернизация қилиш, замонавий корхоналар қуриш асосида сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўли билан вилоятнинг экспорт салоҳиятини кўтариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилувчи фермерларга экспорт олди кредитлаш механизмини такомиллаштириш, мамлакатлар ўртасида транзит тўловларини мувофиқлаштириш, Россиянинг Сибир, Узоқ Шарқ, Қозоғистоннинг Шимолий ва бошқа ўлкаларида савдо уйлари сонини кўпайтириш, шаҳар, туман ҳокимликларида доимий равишда кичик тадбиркорликни ривожлантириш мониторингини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

РЕЗЮМЕ

В статье отмечается приоритетное значение малого бизнеса и частного предпринимательства в развитии региональной экономики, с учетом отраслевой структуры хозяйства Навоийского вилоята указывается на необходимость развития этой сферы в сельской местности.

Тавсия этувчи:

профессор Солиев А.С.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНИШИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Рафиев А.А.

Республика минтақаларида ялпи ҳудудий маҳсулотни шакллантириш, қишлоқ жойларида саноат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини оптимал жойлаштириш ҳамда ривожлантиришда кичик бизнеснинг ўрни катта. Ҳозирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тизимли тараккий эттириш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва экспорт фаолиятида уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қулай ҳуқуқий-иқтисодий муҳит яратилган бўлиб, бу борада 200 дан зиёд қонун ва фармон ҳужжатлари амалга жорий қилинган. Шунингдек, банк тизимини эркинлаштирилиши, банк муассасаларига ички кредит сиёсатини мустақил ишлаб чиқиш ҳуқуқининг берилганлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит ажратилишини такомиллаштиришга замин яратди. Кичик бизнес

субъектлари ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўловини эса 2005 йилдаги 13-қонундан 2010 йилда 7-қонунга туширилди. Натижада, мамлакатимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йил сайин ривожланмоқда.

Президентимиз таъкидлагандек, “2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31-қисми иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52.5-қисмига ташкил этди....Ўтган йил давомида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 1.4 баробар кўпайди ва 2 триллион 700 миллиард сўмни ташкил этди. Жумладан, микрокредитлар ҳажми 485 миллиард сўмдан ортиб, бу кўрсаткич

2009 йилга нисбатан 1.5 баробар кўпайди”¹.

Асосий дастуриламал бўлган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”да ҳам ялпи ички маҳсулотда мазкур соҳа улушини 54.0 фоизга етказиш, барча кичик бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлов ставкасини 6 фоизга тушириш ҳамда ажратиладиган кредитлар ҳажмини камида 1,3 баробар кўпайтириш кўзда тутилган. Ушбу белгиланган мақсадларга эришиш бўйича дастурий чора-тадбирларни, шу жумладан энг қулай бизнес муҳитини яратиш, инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш кўламини кенгайтириш каби чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги кунда минтақаларда юқори технологик саноат ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ялпи ҳудудий маҳсулотни ўсишини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва ҳудудий экспорт салоҳиятини ошириш бўйича инвестиция сиёсатининг энг муҳим вазифаларини амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти жуда катта. 2010 йил якунларига кўра республикада фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони 201,7 мингтадан ошди. Миллий иқтисодий сармоялашда уларнинг улуши 2009 йилдаги 23,7 фоиздан 30,8 фоизга етди. Кичик бизнес фаолиятига жалб этилган инвестициялар ҳажми ўтган йилга нисбатан 145,3 фоизга ўсди.

Бироқ, юқоридаги ижобий натижаларга қарамасдан, минтақаларда мавжуд маҳаллий имкониятлардан, шу жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш

асосида саноат ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши жуд сустр кечмоқда. Шу сабабдан минтақаларда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларининг асосий қисми қурилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида жойлашган бўлиб, уларнинг ушбу тармоқлардаги улуши деярли барча минтақаларда юқори кўрсаткични ташкил этади:

Айни пайтда ялпи ҳудудий маҳсулотни шакллантиришда ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши паст бўлган Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида аҳолининг ички талаб ва янги иш ўринларига бўлган эҳтиёжини қондиришда кичик бизнес субъектларининг сони етарли ҳисобланади.

Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм каби минтақалар иқтисодийётида кичик бизнес салмоғини юқори бўлишига қарамасдан уларда кичик бизнеснинг аҳамияти кам. Бу, ўз навбатида, қишлоқ жойларда мавжуд хом ашёни чуқур қайта ишлаш асосида инновацион саноат ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёни жуда сустр кечаётганлигидан далолат беради. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, республиканинг деярли барча минтақаларида (Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридан ташқари) кичик бизнес фаолиятига инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш кўлами юқори эмас. Масалан, Қашқадарё ва Андижон вилоятларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларнинг сони кўп бўлсада (ҳудудий жойлашувида мос равишда 19,8 ва 8,9 фоиз улушга эга), уларнинг фаолиятига жалб этилган инвестицияларнинг ҳудудий таркибидаги улуши атиги 1,9 – 2,9 фоизни ташкил этди.

Республика минтақаларида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини инновацион ғоялар асосида ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб

¹ Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

этиш жараёни жуда суғ кечмоқда. Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва саноат салоҳиятини ошириш дастурларида кичик бизнесни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича хорижий сармоядорлар иштирокидаги лойиҳаларни учратиш жуда қийин. Шу билан бирга, вилоятларда кичик бизнесни молиялаштиришда хорижий инвестицияларнинг салмоғи сезиларсиз даражада. Масалан, 2010 йилда атиги 7 та минтақада

кичик корхоналар ва микрофирмаларга хорижий инвестицияларни жалб этилишига қарамасдан, умумий ўзлаштирилган инвестицияларда уларнинг улуши жуда паст бўлди- 0.03-1.22 фоиз атрофида. Бу вазият, мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқ туманларида инновация ва замонавий технологияларга асосланган саноат ишлаб чиқаришни ривожланишига салбий таъсир этмоқда.

Жадвал

Республика минтақаларининг иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг улуши, фоизда

	ЯҲМ	Саноат маҳсулотлари	Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти	Қурилиш ишлари	Чакана савдо айланмаси	Хизмат кўрсатиш соҳаси
Ўзбекистон Республикаси	52,5	19,6	97,9	52,3	50,5	47,7
Қорақалпоғистон Республикаси	63,6	23,0	95,1	64,9	45,2	44,2
Андижон	54,7	8,8	99,5	93,9	51,0	67,5
Бухоро	64,1	17,9	98,2	53,4	48,2	65,5
Жиззах	77,3	34,8	99,7	92,6	51,8	46,8
Қашқадарё	55,0	24,8	99,9	65,8	44,3	77,9
Навоий	34,4	3,4	96,4	52,3	49,1	56,0
Наманган	76,0	33,9	99,0	85,5	50,4	63,9
Самарқанд	73,6	38,6	97,8	86,2	62,3	61,3
Сурхондарё	71,7	16,4	99,2	79,0	41,2	63,0
Сирдарё	77,4	34,2	98,6	80,6	59,7	53,8
Тошкент	54,7	17,3	94,6	61,0	43,2	62,4
Фарғона	59,5	12,5	98,2	78,9	46,8	59,4
Хоразм	71,8	30,0	99,8	83,3	49,3	64,7
Тошкент шаҳри	49,9	27,5	0,0	23,1	17,1	70,1


Жадвал Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Натижада, минтақаларнинг иқтисодий ўсишида ва ҳудудий экспорт салоҳиятини оширишда муҳим ўрин эгаловчи кичик бизнес субъектларнинг роли жуда пастлигича қолмоқда. Биргина, 2010 йилда кичик бизнес корхоналарини умумий экспортдаги улуши 14,7 фоизни ташкил этди, холос. Ушбу ҳолатлар хорижий инвесторларни ҳудуднинг мавжуд имкониятлари тўғрисида ахборот билан таъминлаш тизимини ҳамда кичик тадбиркорлар учун хорижий сармоядорларни топиб берувчи дилер фирмаларнинг йўқлиги; техник-аудит хизматининг

ривожланмаганлиги; лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда инжиниринг компанияларнинг ва уларда меҳнат қилувчи инвестиция лойиҳалари билан ишловчи юқори малакали мутахассиларнинг озлиги билан изоҳланади.

Умуман олганда, республика минтақаларида кичик бизнес ва инновацияни ривожлантиришда инвестицияларни жалб этишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Биринчи навбатда, ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида кичик бизнес фаолиятини ташкил этиш

Аҳоли жойлашуви, кичик бизнес корхоналари сони ва уларга жалб этилган инвестицияларнинг ҳудудий таркиби, фоизда



Расм Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

бўйича лойиҳаларни амалга оширишда маҳаллий ташаббускорларнинг ролини ошириш лозим. Бу ўринда минтақавий инвестиция қонунчилигини шакллантириш; маҳаллий ҳокимият органлари ваколатидан келиб чиқиб, имтиёзларни жорий этиш; шаҳар ва қишлоқ туманлари бўйича инвестиция лойиҳаларнинг ахборот базаси ва уни узатиш тизимини яратиш, лойиҳалар бўйича рекламаларни жорий этиш; инвестиция маслаҳати ва маркетинги ҳамда

инжиниринг хизматларини ривожлантириш тақозо этилади.

Шунингдек, кичик бизнес фаолиятини молиялаштиришда хорижий капитал ва тажрибалардан кенг фойдаланиш муҳим аҳамият эга. Шу нуқтаи назардан лизинг ва франчайзинг шартномаларини амалга оширишда тижорат банкларининг ролини ошириш ҳамда бу борада тегишли солиқ имтиёзларини яратиш лозим.

РЕЗЮМЕ

В статье содержатся сведения о развитии малого бизнеса и частного предпринимательства в регионах республики.

Тавсия этувчи:

профессор Солиев А.С.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Қодиров Р.Б., Атажонов М.М.

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози давом этаётган айни вақтда унинг салбий оқибатларини бартараф этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим вазифа ҳисобланади. Шу билан бирга, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётда тутган ўрни юқори бўлиб, у минтақалар иқтисодий-ижтимоий тараққиётида, аҳоли моддий фаровонлигининг ортишида катта аҳамиятга эга. Шу боис, Ўзбекистонда

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ҳамда иқтисодий асослари яратилиб, ҳукумат томонидан бир қатор қарор, фармон, қонунлар кучга киритилди, дастурий йўналишлар ишлаб чиқилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкнинг муҳофазаси ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 1994 йил 21 январдаги,

“Тадбиркорликни, кичик бизнесни ривожлантиришнинг чора-тадбирлар тўғрисида” ги 1995 йил 9 январдаги, “Хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш тўғрисида” ги 1998 йил 9 апрелдаги фармонлари минтакаларимизда иқтисодий ўсиш, барқарорлик ва тараққиётнинг муҳим омили бўлмоқда. Мазкур фармонларга мувофиқ Ўзбекистонда саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш, улгуржи ва чакана савдо, хизмат кўрсатиш ва сервис, фан ва илмий хизмат соҳаларида кичик бизнес субъектлари фаолият олиб боради [4], [5], [6].

Маълумки, ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб кўпгина иқтисодий ривожланган мамлакатларда кичик бизнес иқтисодий ўсишнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Натижада кичик бизнес иқтисодиёт тармоқлари таркибининг такомиллашиши, маҳсулот ҳажмининг кўпайиши, унинг сифатини яхшиланишига олиб келди, ялпи миллий маҳсулотдаги ҳиссаси эса 60-70 фоизга етди. Жумладан, Японияда ишлов берувчи саноатда 6,5 млн. кичик бизнес корхоналари мавжуд бўлиб, уларда банд аҳолининг 81 фоизи, яъни 40 млн. киши фаолият кўрсатади. АҚШ да хизматларнинг 60 фоизи, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 50 фоизи кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади. Уларда жами 100 млн. дан ортиқ аҳоли банд.

Республика Президенти И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда нутқ сўзлаб, 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб аташни таклиф этди ҳамда кичик бизнеснинг мамлакат иқтисодий тараққиёти, аҳоли фаровонлигини янада яхшиланишидаги аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди [2].

2010 йилда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижа-сида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши таъминланди. Хусусан, 2010 йилда унинг ўсиши 8,5 фоизни ташкил этди. Унда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши ортиб бориши кузатилиб,

саноатнинг улуши 24, хизмат кўрсатиш соҳалари улуши эса 49 фоизга тенг бўлди. Аксинча, қишлоқ хўжалиги салмоғи сезиларли даражада пасайди ва у 17,5 фоизни ташкил этди [1]. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакатлар тараққиётини биринчи навбатда индустриал тармоқлар белгилаб беради ва уларнинг салмоғи юқори бўлади. Бундан кўринадики, республика индустриал тараққиёт йўлига чиқиб ормоқда. Айниқса, жаҳон мамлакатларида чуқур иқтисодий таназзул давом этаётганлигини ҳисобга олсак унинг аҳамияти нақадар юқори эканлигини кўраимиз.

Республика Президенти таъкидлаганидек, индустриал тараққиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ортиб бормоқда. Агар иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси 2000 йилда 31 фоизга тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб 52,5 фоизни ташкил этди [1].

Кичик бизнеснинг аҳоли бандлигига ҳам таъсири катта бўлиб, ўтган йилда республикада 950 минг иш ўринлари яратилган бўлса, унинг 65 фоизи ёки 600 мингдан кўпроғи айнан ушбу тармоққа тўғри келди.

Ҳозирги жамиятни модернизация қилиш даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка эътиборнинг ортиши табиий ҳолдир. Сабаби, кичик корхоналар йирик корхоналарга нисбатан катта устунликка эга. Ишлаб чиқариш суръатлари шиддат билан ўзгариб бораётган жамиятда кичик бизнес корхоналарини унчалик катта бўлмаган маблағ орқали техника ва технология билан тез фурсатда таъминлаш ҳамда такомиллаштириш мумкин. Шунингдек, талаб асосида ёки шароит тақозо этганда ихтисосини қайта ўзгартира олиш мумкин. Ваҳоланки, бунга кўп вақт ва маблағ талаб этилмайди, ўз навбатида корхона катта ҳудудни эгалламаган ҳолда замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўя олади. Шунингдек, корхона ишчилари қисқа муддат ичида малака ошириши ёки

ихтисосини қайта ўзгартириши мумкин бўлади.

Мустақиллик йилларида Андижон вилоятининг индустрияси ўз йўналишини тубдан ўзгартириб, жадаллик билан ривожланмоқда. Мавжуд корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, мулкчиликнинг турли шаклига ўтказилди. Хусусан, аксарият йирик ва ўрта корхоналар негизда акциядорлик жамиятлари ташкил этилди.

Минтақаларда, хусусан Андижон вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Маълумотларга кўра, тадқиқ этилаётган вилоятда 40 мингга яқин кичик тадбиркорлик субъектлари фаолият олиб бормоқда. Уларнинг энг кўпи, яъни 21,3 мингга ёки 63 фоизи қишлоқ хўжалигида, 5,6 мингга ёки 16 фоизи савдо ва умумий овқатланиш соҳаларига тўғри келади. Саноатда уларнинг улуши атиги 7,5 фоизга тенг бўлди ёки 2,5 мингдан ортиқ корхоналар кичик тадбиркорликда фаолият олиб боради.

Сўнгги йилларда вилоятда жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи замонавий кўшма корхоналар бунёд этилди. Вилоятда 79 та кўшма корхона, 8447 та кичик ва хусусий корхоналар мавжуд. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Андижон вилояти республика ҳудудлари рейтингда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича 1991 йилда 11-ўринни эгаллаган бўлса, 2010 йилда 6-ўринга кўтарилган.

“GM-Ўзбекистон” ЁАЖ да 2005 йил 101,3 минг дона, 2006 йил 140,2 минг дона, 2007 йил 173,3 минг дона, 2008 йил 197,0 минг дона енгил автомобиль ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йилда 217733 та енгил автомобиль ишлаб чиқарилди. Шундан 80995 таси экспортга жўнатилди [3].

Республиканинг бошқа минтақаларига нисбатан вилоятда индустриал таркибий ўзгаришлар жадал амалга оширилмоқда. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилиши айни муддао бўлмоқда. Чунончи, кичик

бизнеснинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотигаги улуши 51,2 фоиз, шу жумладан, банд бўлган аҳолининг 81,1 фоизи, экспортда улуши 6,6 фоизни ташкил этган. Кичик бизнеснинг иқтисодийнинг асосий ишлаб чиқариш соҳаларидаги улуши саноатда 7,7 фоиз, қишлоқ хўжалигида 99,6, қурилишда 92,4, чакана савдода 47,3, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишда 61,0 фоизга тенг бўлди (01.01.2011).

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг 4,2 мингга яқини кичик корхоналарга, 30 минг яқини эса микрофирмаларга тўғри келди.

Андижон вилоятида кичик бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида 211267,6 млн. сўм ҳажмида кредитлар берилди. Уларнинг 2/3 қисми бевосита узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар ҳисобланади.

Изданишлар шуни кўрсатадики, рўйхатга олинган 35,8 минг кичик тадбиркорлик субъектларининг 95,0 фоизи бугунги кунда фаолият олиб бораётган бўлса, 5,0 фоизи ўз фаолиятини тўхтатган. Вилоят шаҳар ва туманларида энг кўп ҳаракатда бўлган кичик тадбиркорлик субъектлари вилоятнинг шимолий Пахтабод (98,5 фоиз), Избоскан (98,2 фоиз) туманларига тўғри келади. Аксинча, фаолиятини тўхтатган корхоналар Хонобод шаҳри (89,4 фоиз) ва Бўз туманида (91,7 фоиз) кузатилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари тармоқлар бўйича таҳлил қилинганда аксарият шаҳар ва туманларда уларнинг улуши қишлоқ хўжалигида жуда юқори эканлигини кўриш мумкин. Лекин, бошқа тармоқларда бу ҳолат кузатилмайди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда кичик корхоналар улуши Улуғнор (99,9 фоиз), Булоқбоши (94,3 фоиз), Пахтабод (87,8 фоиз) туманларида юқори бўлган ҳолда, Асака шаҳрида бу кўрсаткич бор-йўғи 0,7 фоиз, Хонобод шаҳрида 1,3 фоизга тенг бўлди, холос. Шунингдек, туманлар кесимида Қўрғонтепа (12,1 фоиз), Балиқчи (16,4 фоиз), Хўжабод (24,2 фоиз) туманларида кичик бизнес субъектларининг саноат маҳсулотигаги улуши кам. Бундан

кўринадики, мазкур шаҳар ва туманларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давр талабларидан ортда қолмоқда.

Тадқиқотлар натижасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Андижон вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг истиқболи қуйидагилар билан боғлиқ:

- бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳуқуқий ва иқтисодий-молиявий эркинлик яратиш;
- ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот тайёрлашга ихтисослаштириш ва унга қулай шарт-шароитлар ҳозирлаш;
- корхоналарга узоқ муддатли имтиёзли кредитлар бериш, қонун доирасидан чиқмаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришини назорат қилиб бориш;

- корхоналар экспортини қўллаб-қувватлаш, уларга ташқи бозор ҳақида энг янги иқтисодий географик маълумотлар бериб бориш;

- импорт товарлар ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича давлат саноат сиёсатини фаоллаштириш;

- корхоналарнинг маҳаллий ҳом ашёни қайта ишлаш, аҳоли бандлигига таъминлашдаги ҳиссасини рағбатлантириш;

- корхона ва муассасалар ҳамкорлигини қўллаб қувватлаш;

- корхоналар ишлаб чиқаришини маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қўллаб-қувватлаш ва бошқалар.

Адабиётлар:

1. Барча режа ва дастуримиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йил 21 январдаги 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим вазифалари бўйича Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган маърузаси). - Халқ сўзи газетаси, 22 январь 2011 йил. №16.
2. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш-тараққиётимизнинг муҳим омилидир (Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси).
3. Андижоннома газетаси, 2011 йил, № 6, (18775).
4. “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкнинг муҳофазаси ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 21 январь 1994 йил.
5. “Тадбиркорликни, кичик бизнесни ривожлантиришнинг чора-тадбирлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 9 январь 1995 йил.
6. “Хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 9 апрель, 1998 йил.
7. Андижон вилояти Статистика Бошқармаси маълумотлари. -Андижон, 2010 йил.

РЕЗЮМЕ

Развитие малого бизнеса и частного предпринимательства имеет свои региональные особенности. Эти вопросы в статье рассмотрены на примере Андижанского вилоята..

Тавсия этувчи:

профессор Солиев А.С.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ТАРМОҚЛАР ВА ҲУДУДИЙ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Абдуллаев А.Г.

Бозор иқтисодиёти шароитида республика аҳолисини озиқ-овқат Хоразм вилояти шу билан бирга маҳсулотлари билан таъминлашда

бевосита қишлоқ хўжалиги ҳамда унинг тармоқлар таркибини интенсив ривожлантириш асосида талабни кондиришни тақозо этади.

Хоразм вилояти қишлоқ туманларида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва ишлаб чиқариш тафовутлари турли хил хусусиятга эга.

Юқоридаги диаграмма тахлили шуни кўрсатадики, вилоятда озиқ-овқат маҳсулотларини 30 фоиз Хонқа, 18 фоиз Урганч, 12 фоиз, Шовот, 11фоизини Боғот туманлари етиштирган. Акс ҳолда Қўшқўпир 7 фоиз, Янгибозор 2 фоиз, Янгиариқ тумани 1 фоиз миқдорида маҳсулот етиштиришган. Аҳоли жон бошига нисбатан тармоқ маҳсулотларини етиштиришда Хонқа, Урганч ва Янгибозор туманлари юқори кўрсаткич эга. Аксинча Қўшқўпир, Янгиариқ туманларида бу кўрсаткич анча пастдир.

Вилоят бўйича ушбу тармоқ маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш мавжуд хом ашё маҳсулотларини замонавий технологиялар асосида қайта ишловчи кичик корхоналари ташкил этиш орқали меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш ҳамда туманлар ўртасидаги ҳудудий

таркибини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Вилоятда Хонқа тумани озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда ва қайта ишлашда юқори салоҳиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компаниясига қарашли Хонқа дон маҳсулотлари" АЖ 2009 йилда 29,466 тонна ун, 562 тонна макарон маҳсулотлари, 399 тонна нон булочка маҳсулотларини ишлаб чиқарган. Кархона ёнида ёрдамчи хўжалик ташкил этилган бўлиб унда қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан 1 тонна бодринг, 6 тонна помидор, 1 тонна узум, 14 тонна олма олинган. Чорвачилик маҳсулотларидан 16,5 тонна қатик, 1,3 тонна гўшт маҳсулотлари етиштирилган. Вилоятнинг Боғот, Шовот, Урганч туманларидаги дон маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарида ҳам юқоридаги каби ҳар бири 10 минг тоннадан ортиқ ун маҳсулотини ишлаб чиқарган. Ушбу туманларда ҳам кархонанинг ёрдамчи хўжаликларини ташкил этиш туфайли истемолчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятини янада ошириш мумкин.



Диаграмма: Хоразм вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Таъкидлаш жоизки ана шундай озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи кархоналарни модернизациялаш, янги тармоқларни ташкил қилиш асосида Гурлан, Янгибозор, Янгиариқ, Қўшқўпир, ва Хива туманларида ҳам шакллантириб,

вилоятнинг ғарбий ва жанубий районларида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда ҳудудлар ўртасидаги тармоқ соҳаларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

2009 йил вилоятда 401352,1 млн сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, нодавлат секторда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг улуши 94,6 фоизни ташкил қилди, шундан 208564,8 млн. сўмлик яъни жами саноат маҳсулотининг 60 фоизини истеъмол товарларига ҳиссасига тўғри келади. 2008 йилга нисбатан 106,5 фоизни ташкил этди. Жумладан, 136128,4 млн. сўмлик аҳоли жон бошига 88,9 минг сўмдан, яни умумий саноат маҳсулотининг 33,9 фоизи миқдоридаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва 52014,0 млн. сўмлик ноозиқ-овқат моллари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 102,6 ва 120,0 фоиз ишлаб чиқарилган. Республикада 2008 йили 2512,1 млрд сўмлик озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлиб, аҳоли жон бошига 91,7 минг сўмдан, умумий саноатнинг маҳсулотининг 10,7 фоизини озиқ-овқат саноати ҳиссасига тўғри келган.

Вилоятда иқтисодиёт тармоқларида барча молиялаштириш манбалари ҳисобига асосий капиталга киритилган инвестициялар 2009 йил 219278,9 млн сўмни ташкил қилган шундан озиқ-овқат саноатига 8669,4 млн сўм миқдорида бу жами инвестиция миқдорида нисбатан 3,9 фоизни ташкил этади. 2008 йили республика озиқ-овқат саноати тармоғига 210,0 млрд. сўм инвестиция киритилган бўлиб, бу жами инвестиция миқдорини 6,4 фоизига тенгдир. Озиқ-овқат маҳсулотларининг вилоят экспорт таркибидаги улуши 0,6 фоиз, импорт таркибида 6,5 фоизга тўғри келган.

Экспорт салоҳиятини оширишда саноат тармоқлари ичида озиқ-овқат саноатини ва маҳсулоти ҳажмини ошириш ҳамда импорт ўрнини қопловчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш амалий аҳамияга эгадир.

Бунинг учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи янги технологиялар билан жиҳозланган жаҳон андозаларига мос ҳолдаги қўшма корхоналарини кенг шакллантириш сохани ривожлантирувчи муҳим омиллардан саналади.

Минтақада ўсиб бораётган аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, тармоқнинг экспорт солоҳиятини ошириш, саноатнинг шу жумладан озиқ-овқат саноати тармоқларида илмталаб ва меҳнатни кўп талаб этувчи қўшма корхоналарни ташкил қилиш керак.

Хоразм вилоятида қўшма корхоналарни ривожланишини башоратлашда қуйидагиларга эътиборни қаратиш керак бўлади:

➤ биринчидан, қўшма корхоналарни тузиш, шакллантириш ва ривожлантиришда Хоразм вилоятининг иқтисодий салоҳиятига (меҳнат ресурслари салоҳиятига, табиий-ресурс салоҳиятига, қолаверса, экологик вазият мураккаблигига) асосий эътиборни қаратиш лозим бўлади;

➤ иккинчидан, вилоятда қўшма корхоналарни ривожлантиришда асосан иқтисодий ўсишнинг интенсив омилларига эътиборни қаратиш ва кучайтириш талаб этилади.

✓ ҳуқуқий базани ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этишнинг аниқ дастурларини ишлаб чиқиш керак;

✓ қўшма корхоналарни ривожлантириш ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор тармоқ ва ҳудудий шакллари ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак;

✓ илмни кўп талаб қилувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар ва уларнинг бўлимлари ривожланиши керак;

✓ Хоразм вилоятида озиқ-овқат саноати корхоналарида маркетинг стратегиясини ривожлантириш керак бўлади.

Қўшма корхоналарни жойлаштиришда қуйидаги ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тамойилларини назарда тутиш талаб этилади:

✓ меҳнатни кўп талаб қилувчи, материал ва энергияни кам талаб этувчи ишлаб чиқаришларни ривожлантириш керак;

✓ қўшма корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш талаб этилади.

Бунда: вилоят ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мос равишда тармоқлар кластерини шакллантириш, қўшма корхоналарни ривожлантириш ва хорижий

инвестицияларни жалб этишга эътиборни кучайтириш керак бўлади.

Юқоридаги таклифлар ва асосий йўналишларнинг амалга оширилиши улар фаолиятини жадаллаштиради ва Хоразм вилояти ЯИМдаги салмоғини орттиради.

Вилоят аҳолиси сонининг кўпайиши ва истеъмол омилларнинг ўсиб бориши келажакда аҳолини қишлоқ хўжалиги шу билан бирга замонвий технологиялар асосида қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тақоза этади.

Иқтисодиётни, шу жумладан озиқ-овқат саноатини ислоҳ қилиш, устувор йўналишларни такомиллаштириш, бозор ўзгаришларининг стратегияси ва тактикасини ўзгартириш – келажакда агросаноат мажмуида самарали хўжаликлараро ва тармоқлараро иқтисодий муносабатларни таъминлаши керак. Озиқ-овқат саноатини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

- худудий ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва реал товар таъминоти билан мустақамланган аҳолининг тўлов қобилиятига эга бўлган талабини босқичма босқич қайта тиклаш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларни етиштириш учун қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган саноат маҳсулотларининг нархини мутаносиблаштириш;
- тармоқлар ўртасида баланслашган товар алмашувига эришиш;
- қишлоқ хўжалигига зарур энергия ресурсларининг нархларининг ўсиш суръатларини чегаралаш ва кейинчалик тушириш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун суғурта тизимларини ривожлантириш;
- ердан фойдаланишни такомиллаштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ердан рационал фойдаланиш ва уни сақлаш, ҳайдаладиган, яйлов ва бошқа

ерларни асраш, табиий муҳитни яхшилаш, қишлоқ ва шаҳар аҳоли пунктларини ривожлантириш керак;

- озиқ-овқат ресурсларининг давлат фондларини шакллантиришнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг инфратузилмасини ривожлантиришга ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлашга асосланган самарадор механизмни ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хом ашё ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва ташиш соҳасида энергия ва ресурсларни тежовчи замонавий технологияларни амалиётга кенг жорий этиш.

Вилоят ҳозирги вақтда ўзининг қанд-шакар, ёғ-мой, вино-ароқ, маҳсулотлари билан мамлакат ички ва ташқи бозорида қатнашиб бормоқда. Минтақада дастлаб ички истеъмол бозорини таъминлаш, сўнгра унинг ортқча қисмини экспорт қилиш асосида инвестиция солаҳиятини ошириш самаралидир. Вилоятда озиқ-овқат саноати унинг тармоқларини шакллантириш ва ривожлантириш лозим, чунки худудда қулай транспорт тизими, етарли хом-ашё, меҳнат ресурслари ҳамда ўсиб бораётган истеъмолчи мавжудир.

Юқорида келтирилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш келажакда Хоразм вилояти агросаноат хом-ашёсидан кенг фойдаланиш асосида миллий иқтисодиёт тармоқлари ичида озиқ-овқат саноатини ривожлантириш имконини беради ҳамда минтақа ва мамлакатнинг ички бозорни маҳсулот билан таъминлашда, экспорт салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются совершенствование отраслевой и территориальной структуры промышленности Хорезмского вилаята, а также некоторые вопросы создания совместных предприятия.

Тавсия этувчи:

профессор Солиев А.С.

ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ НЕФТЕГАЗОВЫХ ПРОЯВЛЕНИЙ В УСТЮРТЕ

Байназаров К.К.

Развитие техники и технологий во всех областях народного хозяйства Республики Узбекистан трудно представить без топливных ресурсов, особенно – нефти и газа. Это определяется высоким тепловым коэффициентом нефти и газа по сравнению с другими топливными ресурсами. С этой точки зрения территория Каракалпакской части Устюрта наиболее привлекателен для поисковых работ, так как было установлено его перспективность в наличие нефтегазовых месторождений. Это привело к необходимости к более глубокому изучению природных условий и детальным геологическим исследованиям.

Поиск и разведка – увеличивает техногенную нагрузку на природные условия, оценка которого требует знаний физико-географических условий формирования углеводородных залежей. Еще в 1966 году (Дикенштейн, 1966), т.е. на начальном этапе нефтегазовых поисковых работ в Устюрте, было выделено две области углеводородных проявлений, отличающиеся тектоническим, геологическим и физико-географическими особенностями – Ассакеауданское и Барсакельмесское. Первая область является частью Южно Мангышлакско–Устюртской нефтегазональной области. В тектоническом отношении к этому району относится Ассакеауданский прогиб широтного направления, приуроченный к восточной части Южно Мангышлакско – Устюртской впадины. В 1963 г. в Ассакеауданском прогибе региональными и поисковыми сейсмическими работами установлен ступенчатый характер северного и, возможно, южного склонов этого прогиба. На северном склоне выявлена Западно–Шахпахтинская и Северо–Ассакеауданская структуры. В центральной части прогиба детальными сейсмическими исследованиями установлен ряд небольших малоамплитудных структур. В эти годы дана оценка промышленной нефтегазональности Западно- Шахпахтинской и других структур Ассакеауданского прогиба. Были

составлены ряд карт дающие представление о геологическом, геоморфологическом, а также данные о перспективности освоения углеводородных залежей Устюрта. На Шахпахтинской площади 1963-64 гг. были получены первые газопроявления юрских отложений в виде большого количества газа, растворенного в пластовой воде. В начале 1965 года испытанием скважин была установлена промышленная газональность площади и, таким образом, подтверждена высокая оценка ее перспектив. В районе Шахпахта на глубине 2184-2200 м было найдено газоконденсат промышленного дебита в количестве 1,5 млн м³/сут.

Северо-Устюртская нефтегазональная область изучена еще очень слабо, однако проведенные геолого-геофизические исследования и в небольшом объеме буровые работы позволили сделать некоторые выводы о геологическом строении рассматриваемой территории и перспективах ее нефтегазональности. В пределах Барсакельмесской области выделены следующие основные тектонические элементы: Северо-Устюртская впадина, Актумсукской выступ и Барсакельмесский прогиб.

Северо Устюртская впадина расположена в северной части области и имеет два прогиба. Это Косбулак (в восточной части) и Сам (в западной части).

По сейсмическим данным глубина до поверхности фундамента достигает 5 км, а мощность юрских и меловых отложений равна примерно 4 км в наиболее погруженной части Косбулакского прогиба. Таким образом, Северо-Устюртская впадина представляет собой крупную по размерам зону интенсивного прогибания в мезо-кайнозое.

Актумсукский выступ протягивается в широтном направлении на 200 км; и в его пределах выделяются Теренкудукский и Кассарминские валы. Разведочными работами на Теренкудукской структуре выявлены уплотненные породы пермо-

триаса, вскрытые на глубине 2000 м. По сейсмическим данным Кассарминский вал является более погруженным по сравнению с Теренкудукским. Барсакельмесский прогиб граничит на севере Актумсукским выступом, а на юге Центрально-

Устюртским поднятием. На восточном борту прогиба выявлено крупное поднятие Аламбек. На Аламбекской площади скважинами вскрыта значительная мощность меловых (1900 м) и юрских (1000 м) отложений.




Рис. 1. Карта схема расположения нефтегазовых участков и месторождений на Устюрте. Снимок выполнен по материалу сайта Usturt.com М 1:1 900 000

В результате разведочных работ установлено отсутствие залежей нефти и газа на Теренкудукской структуре, которая является наиболее приподнятой в пределах Актумсукского выступа. По газовому каротажу выявлены зоны повышенных значений в нижнемеловых и юрских отложениях на структуре Аламбек. В разрезе выделяются проницаемые пласты, которые перекрываются глинами. В 1963 г. на этой площади в процессе бурения были

отмечены интенсивные газопроявления из юрских отложениях.

Основной объем глубоко поискового и разведочного бурения сосредоточен на структурах северного борта Ассакеауданского прогиба и Аламбекского поднятия, по которым дана оценка их промышленной нефтегазоносности с подсчетом их запасов.

До начала независимости Республики Узбекистан было 2 эксплуатируемых месторождений газа

(Шахпахта, Куаньш). В период независимости эксплуатируемый еще 5 газовых месторождений (Акчалак, Карачалак, Урге и др.). Общая добыча газа этих месторождения составляет 4,1 % об общего объема газа в Узбекистан (Рашидов, Бегметов, Сыдыков, 1999). В настоящее

время с помощью инвестиций иностранных компаний (Лукойл, Итера – Россия, Тринити Энержи – Великобритания) на территории Каракалпакской части Устюрта выявлены и подготовлены 25 нефтегазовых ловушек (рис. 1).

Литература:

1. Дикенштейн Г.Х. Глубинное геологическое строение центральных областей Средней Азии (Восточная Туркмения и Каракалпакский АССР) //Перспективы нефтегазоносности и направление дальнейших работ. «Геология и нефтегазоносность Каракалпакской АССР, Восточной Туркмении и Западного Узбекистана». -М.: Недра, 1966, с. 5-13.
2. Рашидов А.Х., Бегметов Э.Ю., Сыдыков М.М. Геологопоисковые работы на поздней стадии разведанности в Бухаро-Хивинском регионе. Научно-технический журнал нефти и газа». -Т. «Узбекнефтегаз», 1999, с. 7-8.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Устюрт платосида нефт ва газ ресурслари тўғрисида сўз юритилади. Унда асосий эътибор ҳудуднинг географик (табиий географик, геоморфологик) жиҳатларига қаратилган.

Рекомендует:

профессор Салиев А.С.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Жанаров А.Ф.

Қорақалпоғистон Республикасида малакали кадрлар тайёрлашнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилишда ушбу тизимнинг шаклланишининг тарихий-географик жиҳатларини ўрганиш, унинг ривожланиш босқичларини тадқиқ этиш катта илмий аҳамиятга эга. Бу ҳақида илмий адабиётларда таъкидланганидек “... ҳозирги мавжуд воқеалик ўз-ўзича, бирданига вужудга келмаган. Шунинг учун бу воқеалик қачон ва қандай шароитда пайдо бўлган ва у қандай ривожланиш босқичларини босиб ўтган-буларнинг ҳаммасини ҳозирги борлиқдан келиб чиққан ҳолда аниқлаб олмасдан туриб асосий масалани ҳал этиб бўлмайди. Фақат ўтмишни таҳлил этиш орқали ҳозиргини баҳолаб бўлади, бу эса ўз навбатида келажакни, истиқболни илмий башорат этишга йўл очади” (А.С.Солиев, 1999).

Шунингдек, кўпчилик олимлар географик тадқиқотлар учун тарихий тамойилнинг муҳимлигини таъкидлаш билан бирга, у мутлақо тарихга айланиб

қолмаслиги зарурлигини ўқтирганлар. Шу боис мазкур мақолада Қорақалпоғистонда малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиш жараёнини ўрганишда Республиканинг Автоном вилоят сифатида ташкил топган йилдан мустақилликгача бўлган давр оралиғидаги воқеаликни тарихий-географик нуқтаи назаридан тадқиқ этишимиз мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, бу даврда минтақанинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида бўлиб ўтган ўзгаришлар малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланишида асосий рол ўйнади.

Қорақалпоғистон Республикаси 1925-йил 16-февралда Қозоғистон АССР таркибида Автоном вилоят сифатида ташкил топган. Кейинчалик у 1930-йили РСФСР таркибига киритилиб, 1932-йил 20-мартда Қорақалпоғистон Автоном Республикасига айлантирилган. 1936-йил 5-декабрда эса ҳудудий яқинлиги ҳисобга олиниб Ўзбекистон ССР таркибига киритилган [2.604-б].

Республика тарихида содир бўлган бу каби сиёсий жараёнларнинг ҳар бири унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида алоҳида ўрин тутди. Хусусан, Қорақалпоғистоннинг ўз автономиясига эга бўлиши ўлкада халқ таълимининг шу жумладан, малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Зеро, Марказий Осиёдаги бошқа Иттифоқдош Республикалар қатори Қорақалпоғистон Автоном вилоятида ҳам аҳоли саводхонлигини оширишга катта эътибор қаратилиб, натижада олий ва ўрта махсус таълим тизимининг шаклланишига замин яратилди. Ушбу даврда Қорақалпоғистон Республикасида малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланишига халқ таълимини ривожлантириш, минтақа иқтисодиётини кўтариш борасида олиб борилган саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий таъсирини кўрсатганлигини кўришимиз мумкин. Масалан жойларда умумтаълим мактаблари сонининг ортиб бориши уларни педагог кадрлар билан таъминлашни тақозо этди. Шу туфайли 1925-йили Тўрткўл шаҳрида илк педогогика техникуми ўз фаолиятини бошлаган бўлса, уша йили минтақа иқтисодиётини кўтаришнинг ишчи кадрлар тайёрлашга боғлиқлиги ҳисобга олиниб қишлоқ хўжалиги техникуми, бошчи кадрлар тайёрлашни кўзда тутган партия-совет мактаби ташкил этилган.

Қорақалпоғистон АССР нинг РСФСР таркибига кирган йиллари малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиш жараёни ва ривожланиши янада жадаллашди. Ушбу йилларда малакали кадрлар тайёрлаш муассасаларининг сони ортиб бориб, уларнинг географияси анча кенгайган. Жумладан, 1934-йили Тўрткўл шаҳрида дастлабки олий ўқув юрти ҳисобланган ўқитувчилар тайёрлаш институти, 1935-йили Хўжайли ва Чимбой шаҳарларида педогогика техникумлари ишга туширилган. Бундан ташқари янгидан ташкил этилаётган колхоз ва совхозларни экономист, ҳисобчи кадрлар билан таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида Тўрткўл шаҳрида финанс-режалаштириш

техникуми, тиббиёт мактабларида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган [3.18-19-б].

Қорақалпоғистонда малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг кейинги ривожланиш босқичи унинг Ўзбекистон ССР таркибига кирган даврига тўғри келади. Мазкур даврда Республикада малакали кадрлар тайёрлаш тизими сон ва сифат жиҳатидан такомиллаштирилиб борилган. Агар 1925-йили ўлкада 3 та ўрта махсус ўқув юртлари ўз фаолиятларини бошлаган бўлсалар, 1940-йилларга келиб 8 та ўрта махсус ўқув юртлари ва 1 та олий ўқув юрти халқ хўжалиги учун энг зарур бўлган кадрларни етказиб бериб турди. Бу йиллари олий ўқув юртида 200 яқин талаба, ўрта махсус ўқув муассасаларида 1,6 минг талаба таҳсил олган.

Қорақалпоғистон Республикаси халқ хўжалигида 1960-йилларнинг ўрталарига келиб иқтисодий силжишлар кузатила бошлади. Ушбу йиллари айниқса, бўш ётган ерларни ўзлаштириш ҳисобига қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга эътибор кўчайиб, янгидан туман ва савхозлар ташкил этилиб борилди. Янги туман ва савхозларнинг ташкил этилиши эса мазкур жойларга аҳолининг кўшиб ўтиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маорифий эҳтиёжларини таъминлаш юзасидан бир қатор саноат корхоналарини ишга тушириш, қурилиш объектларини бунёд этишни жадаллаштирди. Мана шундай мақсадларни кўзлаб Тахиятош ГРЭС ининг ишга туширилганлиги, аҳоли манзилгоҳларини бир-бирига туташтириш учун бунёд этилаётган автомобил ва темир йўллари, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлашга ихтисослашган озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарининг фойдаланишга топширилиши минтақанинг иқтисодий жиҳатдан бир мунча ривожланишига имконият яратди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, олиб борилаётган бу каби ишларнинг кўплаб меҳнат ресурсларини талаб этиши минтақада кўп болаликнинг фаол равишда тарғиб этилишига сабаб бўлди. Бунинг самараси улароқ 1959-йилги аҳоли ҳисоб-китобига кўра Республика аҳолиси 510

минг кишини ташкил этган бўлса, 1989-йилга келиб бу кўрсаткич 1215 минг кишига (238,2 фоиз) кўпайган. Қишлоқ

жойларида эса 1959-1989-йиллари аҳоли сони 164,9 фоизга ортган.

Жадвал

Қорақалпоғистон Автоном Республикасида малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг ривожланиши

Йиллар	Олий ўқув юртлари сони	Талабалар сони (минг киши)	Ўрта махсус ўқув юртлари сони	Талабалар сони (минг киши)
1965	1	4,6	7	3,9
1970	1	5,4	14	9,0
1975	1	4,8	19	11,9
1980	1	5,8	23	17,3
1985	1	6,1	25	20,8
1990	2	8,5	22	20,1

Жадвал “Народное Хозяйство Узбекской ССР” 1972,1975,1981,1990-ий маълумотлари асосида тузилди

Қорақалпоғистонда аҳоли сонининг мунтазам ошиб бориши ва ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг барқарорлашуви ўз навбатида малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Бу нарса малакали кадрлар тайёрлаш муассасалари ва уларда таҳсил олаётган талабалар сонининг ортиб бораётганида ўз аксини топиб борди.

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра 1990-йилга келиб олий ўқув юртлари сони 2 тага етиб, уларда таҳсил олаётган талабалар сони таҳлил қилинаётган йил бошига нисбатан 184,8 фоизга кўпайган бўлса, ўрта махсус ўқув юртлари сони 22 та етган. Шунга мос равишда уларда таҳсил олаётган талабалар сони 515,4 фоизга кўпайган.

Умуман республикада малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиши ва ривожланишида мустақилликгача бўлган давр ўзига хос ўрин тутди. Аммо шу нарсани қайд этиш жоизки, собиқ иттифок даврида Ўзбекистоннинг бошқа худудлари каби Қорақалпоғистон Республикасининг ҳам ҳамош ё етказиб берувчи базага айланиб қолганлиги унинг иқтисодиётининг бир ёқлама яъни, қишлоқ хўжалигига боғлиқ бўлиб қолишига олиб келди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга

қаратилган янги ерларнинг ҳаддан зиёд ўзлаштирилиши, сувни кўп талаб этувчи пахта ва шולי экинлари майдонларининг кескин оширилиши минтақанинг ижтимоий-иқтисодий вазиятига салбий таъсир кўрсатаётган Орол экологик муаммосини юзага келтирди. Бу жараёнлар малакали кадрлар тайёрлаш тизимига ҳам ўз акс таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Чунки, ушбу даврда малакали кадрлар тайёрлаш тизимида асосан қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрланар ва иш билан таъминланар эди. Мазкур масалалар ҳозирги бозор мунасабатлари шаклланаётган даврда республикада кўп укладли иқтисодиётни яратиш, зарур ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйишда баъзи қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Шу боис эндиликда малакали кадрлар тайёрлаш тизими зиммасига экологик инқироз шароитида ўлканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида зарур аҳамиятга эга бўлган соҳалар учун кадрларни етказиб бериш вазифаси юклатилмоқда ва ушбу тизим фаолиятини бугинги кун нуктаи назаридан тадқиқ этишга энг долзарб вазифаларнинг бири сифатида қаралмоқда.

Адабиётлар:

1. Солиев А.С., Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. -Т.: 1999.
2. Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси. -Т.: 1997, 604-б.
3. Уразбаева Р.Ж. Из истории высшего и среднего специального образования в Каракалпакстане. -Н.: “Каракалпакстан”, 1994, 18-19-б.
4. “Народное Хозяйство Узбекской ССР” 1972,1975,1981,1990-гг.

РЕЗЮМЕ

В данной статье изучены тенденции формирования и развития системы подготовки квалифицированных кадров в Республике Каракалпакстан с историко-географической точки зрения.

Тавсия этувчи:

профессор Солиев А.С.

**НЕКОТОРЫЕ АГРОГЕОГРАФИЧЕСКИЕ И РАССЕЛЕНЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ
УСТЬЕВ НЕБОЛЬШИХ ГОРНО-ПРЕДГОРНЫХ РЕК СРЕДНЕЙ АЗИИ**

Федорко В.

Конусы выноса и аккумулятивные равнины в устьях горно-предгорных рек Средней Азии занимают видное место в территориальной структуре хозяйства региона, отличаются высокой степенью концентрации производства и населения, в их пределах расположены многочисленные города, посёлки и сельские населённые пункты, большие площади сельскохозяйственных угодий, густая сеть оросительных каналов. Г.Асанов [2] отмечает, что полоса конусов выноса и предадырных покатостей (часто, в свою очередь, образованных слитыми конусами выноса небольших рек) является наиболее густозаселённой частью Наманганской области и всей Ферганской долины. То же самое в отношении Сурхан-Шерабадской впадины указывает А.Абдулкасимов [1]. Добавим также, что в Китаб-Шахрисабзской впадине наиболее густозаселёнными участками являются конусы выноса рек Аксу, Танхаздарьи, Джинныдарьи, Яккабагдарьи и иных притоков Кашкадарьи, а в Приташкентском районе особой плотностью населения и сельскохозяйственного освоения территории отличаются аккумулятивные равнины в устьевом течении Чирчика и Ахангарана.

Как известно, основу экономики предгорных устьевых областей составляет сельское хозяйство, и, прежде всего, орошаемое земледелие. При этом структура посевных площадей в предгорных устьях рек разных широтно-географических поясов Средней Азии неодинакова, что обусловлено различиями агроприродного, в первую очередь, агроклиматического, характера.

На предгорных конусах выноса в зоне типично умеренного климата (Талас-Ассинский, Нижнечуйский, Алма-Атинский оазисы) выращиваются преимущественно зерновые культуры - пшеница, ячмень, просо, а также сахарная свёкла, являющаяся в этих районах основной технической культурой. В верховьях конусов выноса из технических культур возделывают также табак. Вокруг крупных городов (Алматы, Тараз) концентрируются посевы овощных культур и картофеля, или, иными словами, сложились зоны пригородного хозяйства. Видное место в структуре посевных площадей занимают здесь кормовые культуры, главным образом, кукуруза, что, не в последнюю очередь, связано со значительным уровнем развития животноводства в полосе предгорий Северного Тянь-Шаня.

В предгорных устьевых оазисах обширной переходной умеренно-субтропического климата набор основных сельскохозяйственных культур выглядит иначе. Профилирующее значение в этих районах имеет хлопчатник - ведущая техническая культура всего Среднеазиатского региона. Наряду с хлопчатником большое место в составе посевных площадей занимают зерновые, в особенности пшеница. Следует заметить, что удельный вес зернового хозяйства в структуре растениеводства характеризуемых районов заметно вырос за последние десятилетия, что соответствует общим тенденциям изменения отраслевой организации аграрного сектора государств Средней Азии, в частности Республики Узбекистан. В низовьях относительно

многоводных рек (Чирчика, Ахангарана, Карадарьи и некоторых других) определённое хозяйственное значение имеет рисоводство, развитию которого здесь благоприятствуют, помимо прочего, условия рельефа.

Оазисы на предгорных конусах выноса рассматриваемой агроклиматической зоны являются крупными ареалами развития овощного хозяйства, садоводства и виноградарства. Более всего выделяются в этом отношении Кокандский (конус выноса Соха), Фергана-Маргиланский, Кувинский (низовья Исфайрамса), Андижанский (Андижансайский конус выноса), Наманганский (устье Наманганса), Джизакский (конус выноса Санзара) оазисы, т.е. природно-хозяйственные районы, где расположены большие города, являющиеся крупными потребителями плодоовощной продукции.

Структура растениеводства устьевых областей предгорного типично субтропического природно-хозяйственного типа (низовья Шерабада, Сурхандарьи, Тупалангдарьи, Кафирнигана, малых рек Копетдага и т.д.) в значительной мере схожа с рассмотренными выше умеренно-субтропическими территориями. Отличительные особенности местного земледелия состоят в выращивании тонковолокнистых сортов хлопчатника, широком развитии виноградарства, садоводства, субтропического плодоводства, что обусловлено значительными термическими ресурсами этой части Средней Азии. Именно перечисленные отрасли определяют специализацию растениеводства анализируемых районов.

Наряду с земледелием в оазисах предгорных устьевых областей развито многоотраслевое животноводство. Его хозяйственное значение, отраслевая организация и характер сочетания с земледелием также заметно разнятся в разрезе природно-хозяйственных типов рассматриваемых объектов.

Наибольшее экономическое значение животноводческий сектор имеет в экономике устьевых оазисов предгорий Северного Тянь-Шаня. Особо развиты здесь отгонно-пастбищное овцеводство и

козоводство, скотоводство же имеет второстепенную значимость. Это обусловлено рядом факторов. Во-первых, к характеризуемым оазисам вплотную примыкают огромные массивы пустынных и предгорно-степных пастбищ, что способствует развитию отгонно-пастбищного овцеводства. Во-вторых, немалые площади пастбищ и выгонов, пригодных для использования в соответствующей отрасли сельского хозяйства, имеются непосредственно в пределах устьевых оазисов. Наконец, не последнюю роль играют хозяйственные традиции казахов, составляющих большинство населения этих районов. В то же время, ближе к вершинам конусов выноса, где особенно интенсивно развито орошаемое земледелие, большое значение имеет стойловое животноводство, в том числе скотоводство мясо-молочного направления.

В предгорных устьевых оазисах переходной умеренно-субтропической зоны с интенсивным поливным земледелием сочетаются скотоводство, шелководство, овцеводство и птицеводство. Скотоводство и овцеводство при этом имеют в основном стойловый характер. Это связано с преимущественно растениеводческой специализацией аграрного сектора экономики этих территорий, отражающейся на структуре сельхозугодий (резкое преобладание пашни над пастбищами), богатстве кормовой базы местного животноводства (посевы кормовых культур, травопольные севообороты, отходы земледелия, комбикорма), а также образе жизни населения.

Шелководство развивается в комплексе с хлопководством, составляя одну из ключевых отраслей специализации. В низовьях наиболее многоводных рек (Чирчика, Ахангарана, Нарына, Карадарьи) определённый уровень развития присущ рыбному хозяйству. Данное направление хозяйственного использования изучаемых территорий представляется перспективным, и ему в дальнейшем следует уделять больше внимания. В целом, улучшение кормовой

базы многоотраслевого животноводства, создание условий для укрепления территориальных сочетаний последнего с орошаемым земледелием, поддержка фермерских хозяйств с животноводческой специализацией, особенно стимулирование их начинаний в агропромышленной интеграции имеют большое значение для комплексного развития сельского хозяйства и индустрии по переработке сельскохозяйственного сырья в характеризующихся районах.

В устьевых областях Сурхандарьи и Шерабада, наряду с мясо-молочным скотоводством и мясо-шёрстным овцеводством стойлового характера, шелководством и птицеводством, развивающимися в комплексе с поливным земледелием, существенное значение имеет отгонно-пастбищное овцеводство и козоводство. Это связано с наличием на окружающих данные оазисы территориях обширных угодий пастбищ и выгонов.

Помимо характерных особенностей отраслевой и пространственной организации экономики, предгорные устьевые оазисы обладают определённым своеобразием расселения населения. Общими морфологическими особенностями территориальных систем расселения предгорных устьевых областей всех зонально-географических типов являются относительно высокая плотность населения и населённых пунктов, а также тесная связь размещения населения с территориальной структурой ирригационной сети и пахотно-орошаемых земель. Эти географические черты предгорных устьевых областей обусловлены интенсивным развитием трудо- и водоёмкого орошаемого земледелия, чему, в свою очередь, благоприятствуют местные агроприродные условия, обеспечивающие высокую хозяйственно-селитебную ёмкость рассматриваемых геокомплексов. Нужно подчеркнуть, что значительная плотность населения предгорных устьев порождает высокую демографическую нагрузку на местную эколого-географическую среду и природно-ресурсный потенциал, особенно земельно-водный.

Населённые места в предгорных устьевых оазисах приурочены, как правило, к искусственным оросительным водотокам (каналам и арыкам), и рисунок их размещения, по большому счёту, повторяет геометрию водохозяйственной инфраструктуры. Так, поселения на конусах выноса располагаются в основном веерообразно. А в устьевых областях долинно-террасового типа (Чирчик, Ахангаран, Сурхандарья) география населённых пунктов определяется размещением ирригационных каналов и сельхозугодий на поверхности речных террас.

Наибольшая густота сети населённых мест присуща предгорным устьевым оазисам переходной умеренно-субтропической полосы, которые отличаются очень высокой степенью хозяйственной освоенности. Расселение, как и территориальная организация производства, в этих районах последовательно приобретает агломерационный характер. Не случайно, на предгорных конусах выноса расположены такие городские агломерации, как Фергана-Маргиланская, Андижанская, Кокандская, Наманганская, Ошская и другие. Такую развитость территориально-урбанистической структуры характеризующихся районов можно объяснить, во-первых, общей густотой размещения населённых пунктов в их пределах, во-вторых, довольно значительным уровнем промышленного развития расположенных здесь городов и, в-третьих, длительностью процессов формирования локальных систем расселения.

На этом фоне системы расселения предгорных устьевых оазисов типично умеренного и типично субтропического природно-хозяйственных типов (главным образом, Сурхандарьи, Шерабада и Кафирнигана) представляются сравнительно разреженными. Это обусловлено, в первую очередь, меньшей плотностью освоения соответствующих территорий под орошаемое земледелие. Вместе с тем, как уже указывалось выше, территориальная организация сетей населённых мест всех трёх зонально-

географических типов предгорных устьевых оазисов региона во многом идентична.

На внутреннюю структуру систем расселения предгорных устьевых оазисов заметное воздействие оказывают ландшафтно-мелиоративные условия территории, во многом определяющие масштабы и пространственную неоднородность её хозяйственно-селитебного освоения. Соответствующие характеристики устьевых конусов выноса горно-предгорных рек изменяются от вершин к периферийным участкам. Под воздействием данного фактора на сравнительно крупных по площади предгорных конусах выноса сформировались своеобразные полосы расселения, различающихся плотностью населения и сети населённых пунктов.

Подобные селитебные зоны закономерно соответствуют агрогеографической и мелиоративной дифференциации устьевых оазисов. Так, например, в Кокандском оазисе, занимающем конус выноса Соха, отчётливо выделяются верхняя, средняя и нижняя зоны расселения, из которых наибольшей густотой поселений отличается средняя, наиболее благоприятная в мелиоративно-географическом отношении и интенсивно эксплуатируемая в сельском хозяйстве.

На небольших конусах выноса анализируемые различия практически не просматриваются, и здесь системы расселения имеют однородный, сплошной характер (конусы выноса Андижансая, Алтыарыксая, Шахрихансая, Намангансая и др.). В то же время, крупнейшие поселения локальных систем расселения, особенно большие города, чаще всего располагаются в наиболее благоприятных в гидрогеологическом отношении верхних частях конусов выноса. Это можно видеть на примере Намангана, Андижана, Ферганы, Джизака, Оша, Тараза и других городов.

Исключением здесь может считаться Коканд, находящийся в средней части конуса выноса Соха. Однако данное исключение можно объяснить общей густотой сети населённых пунктов средней

полосы Кокандского оазиса, о чём уже говорилось ранее, а также благоприятным экономико-географическим положением Коканда, сыгравшим немалую роль в историческом развитии этого города Ферганской долины.

Интересно отметить, что на пространственную организацию сельского хозяйства и систем поселений предгорных устьевых оазисов Ферганской долины заметное влияние оказало проведение через них ряда магистральных каналов (Большого Ферганского, Северного Ферганского, Южного Ферганского и др.). Они существенно повысили сельскохозяйственную и демографическую ёмкость соответствующих районов и превратились в одну из линий географического каркаса местной экономики и расселения. В отдельных случаях (например, в Кокандском оазисе) эти водотоки усилили поясную дифференциацию природно-хозяйственного облика конусов выноса, увеличив густоту населённых пунктов в пределах полос расселения, тяготеющих к их трассам.

Некоторая специфика морфологической организации свойственна сетям расселения на конусах выноса притоков Кашкадарьи (Аксу, Танхаздарьи, Яккабагдарьи), расположенных в пределах Китаб-Шахрисабзской впадины. Их особенностью является тесная связь, можно даже сказать, слитность, с сетью населённых пунктов долины Кашкадарьи, к террасам которой конусы выноса вышеназванных рек непосредственно приурочены. Целостность природно-хозяйственного пространства наложила свой отпечаток и на территориальную организацию расселения. Аналогичный рисунок размещения населённых мест имеет место быть в устьевом течении Сурхандарьи и Кафирнигана, низовья которых вплотную примыкают к террасам долины Амударьи, а также на конусах выноса Тупалангдарьи, Сангардакдарьи и Ходжаипака, сопряжённых, соответственно, с террасами Сурхандарьи.

Таким образом, оазисы предгорных устьевых областей рек Средней Азии

занимают видное место в территориальной структуре хозяйства и населения стран этого региона. Обладая рядом схожих черт эколого-экономической организации, рассматриваемые природно-хозяйственные комплексы характеризуются различиями

сельскохозяйственного и расселенческого облика в разрезе широтно-географических поясов, что в корне связано с пространственной дифференциацией агроприродных, прежде всего, агроклиматических, условий региона.

Литература:

1. Абдулкасимов А. Проблемы изучения межгорно-котловинных ландшафтов Средней Азии. – Т.: Фан, 1983.
2. Асанов Г. Сельское расселение Наманганской области. – Т.: Фан, 1975.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўрта Осиё тоғ ва тоғ олди ҳудудлари дарёларининг қуйи қисми қишлоқ хўжалиги, унинг ихтисослашуви ҳамда аҳоли жойлашуви хусусиятлари кўриб чиқилган.

Рекомендует:

профессор Салиев А.С.

РЕСПУБЛИКА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Худайберганова Р.Т.

Республика миллий иқтисодий эркинлаштириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш устувор масалалардан ҳисобланади. Мамлакатда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш орқали ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этиш, инсонлар ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакат миллий иқтисодий ривожлантириш борасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг давоми сифатида 2011 йил Республика Президенти И.А. Каримов томонидан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”, деб эълон қилинди.

Ҳозирда республика миллий иқтисодий барқарор ривожлантиришда давлат иқтисодий сиёсати алоҳида аҳамиятга молик. Ўзбекистонда тадбиркорлик кўллаб-қувватланиб, мулкчиликнинг турли шакллари ташкил этилди, кўпгина корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб хусусийлаштирилди, кичик бизнес субъектларига қатор имтиёзлар яратилди. Хусусий сектор фаолиятини жадал ривожлантиришда унинг ҳуқуқий

базасини мустаҳкамлаш, солиқ юкини камайтириш бўйича амалий ишлар қилинди. Республикада “...2009 йилнинг 1 январидан саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлов ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилди, молиявий, маиший ва бошқа хизматлар кўрсатаётган микро-фирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилди”¹.

Бугунги кунда мамлакат иқтисодий барқарор ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, республика ялпи ички маҳсулот таркибида унинг улуши 2009 йилда 50,1 фоизни ташкил этди.

Кичик тадбиркорлик ижтимоий муаммолар ечимини топишда муҳим мазмун касб этади. Чунончи, янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли даромадларини ошириш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистонда “...2011 йилга мўлжаллаб қабул қилинган ва

¹ Каримов И. А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. б.47.

мамлакатимиз Парламенти томонидан маъқулланган Республика дастурида 950 мингдан ортиқ янги иш ўрнини, асосан, қишлоқ жойларда яратиш кўзда тутилган. Бу иш жойларининг 600 мингдан зиёдини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида очиб мўлжалланган”².

Республикада кичик бизнес субъектларида 8402,3 минг киши фаолият олиб бормоқда, бу жами иқтисодиётда банд аҳолининг 74,2 фоизини ташкил этади (2009 й.). Мамлакатимизда кичик тадбиркорлик кейинги йилларда жадал ривожланиб бориб, унинг миллий иқтисодиётдаги салмоғи тобора ортиб бормоқда. 2009 йил мобайнида кичик бизнес субъектлари ҳиссасига ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулотларининг 16,9 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 97,9 фоизи, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 23,7 фоизи, қурилиш ишларининг 41,6 фоизи, чакана савдо айланмасининг 46,5 фоизи, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг 48,7 фоизи тўғри келган. Кейинги йилларда кичик тадбиркорлик субъектларининг салмоғи барча тармоқ ва соҳаларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмида ўсиш кузатилади. Жумладан, қишлоқ хўжалигида унинг улуши анча юқори кўрсаткичга эга. 2000 йилда жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 66,3 фоизи кичик тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқарилган бўлса, 2009 йилда эса қарийб 97,9 фоиз маҳсулот унинг ҳиссасига тўғри келган. Бироқ, sanoat тармоғида уларнинг салмоғи бирмунча паст. Масалан, 2000 йилда унинг улуши 11,3 фоизни ташкил этган ҳолда, 2009 йилга келиб бу кўрсаткич 16,9 фоизни ташкил этди.

Юқоридаги жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ЯХМ таркибида кичик бизнес

индекси Жиззах, Сирдарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида юқори. Бу кўрсаткич Навоий вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида паст даражада.

Sanoat ишлаб чиқаришида кичик бизнес субъектларнинг ривожланиши вилоятларда турлича хусусиятга эга бўлиб, жумладан, республикада ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулотининг 37,4 фоизи Жиззах вилоятига, Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич 34,6 фоиз, Сирдарё вилоятида 31,4, Самарқанд вилоятида 29,8, Хоразм вилоятида 26,4 ва Наманган вилоятида 23,6 фоизни ташкил этган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, республиканинг асосан агросаноат районларида кичик тадбиркорлик ривожланган. Ундирувчи sanoat ривожланган вилоятларда эса унинг ҳиссаси анча суст, масалан, Навоий, Фарғона, Бухоро, Тошкент вилоятларида бу кўрсаткич пастдир.

Sanoat ишлаб чиқаришида кичик бизнес индекси Жиззах вилояти, Тошкент шаҳрида салмоқли, шу жумладан, Сирдарё, Самарқанд, Хоразм вилоятларида ҳам бу кўрсаткич юқори.

Минтақаларда ЯХМ таркибида sanoat ишлаб чиқаришнинг ҳиссаси турлича хусусиятга эга. Масалан, Навоий (46,5%), Қашқадарё (35,4%), Тошкент (27,5%), Андижон (26,7%), Фарғона (22,6%) вилоятларида ЯХМ таркибида sanoat ишлаб чиқаришининг улуши юқори.

Асосан тоғ-қон sanoati ривожланган минтақаларда ЯХМ таркибида sanoatнинг салмоғи каттароқ. Айни вақтда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш sanoati ривожланган ҳудудлар -Жиззах, Сурхондарё, Хоразм, Наманган, Қорақалпоғистон Республикасида бу кўрсаткич паст даражада. Ушбу вилоятларда энгил ва озиқ-овқат sanoat тармоқлари ривожланган. Бинобарин, таҳлиллар шуни кўрсатадики, sanoat ишлаб чиқариши суст бўлган вилоятларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нисбатан ривожланган. Шу нуқтаи назардан ушбу соҳанинг ривожланиши минтақалар sanoat ишлаб чиқаришининг тармоқлар таркибига ҳам боғлиқ. Чунончи,

² Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси. 2011 йил 22 январь.

Жадвал

Ўзбекистон минтақалари иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни (2009 й.)

Т/р	Маъмурий тизимлар	ЯХМ таркибида кичик бизнеснинг улуши	Республика = 1,00 (индекс)	Саноат маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши	Республика = 1,00 (индекс)	ЯХМ таркибида саноат ишлаб чиқаришнинг улуши	Минтақалар саноатининг ихтисослашуви
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	59,3	1,18	18,0	1,06	8,3	Озиқ – овқат ва енгил саноат
2.	<i>Вилоятлар:</i> Андижон	50,9	1,01	17,2	1,01	26,7	Машинасозлик, енгил ва озиқ – овқат саноати
3.	Бухоро	60,7	1,21	14,5	0,85	12,0	Ёқилғи ва енгил саноат
4.	Жиззах	73,8	1,47	37,4	2,21	6,5	Енгил ва озиқ – овқат саноати
5.	Навой	30,7	0,61	2,7	0,15	46,5	Рангдор металлургия, кимё, қурилиш материаллари саноати
6.	Наманган	71,0	1,41	23,6	1,39	7,1	Енгил ва озиқ – овқат саноати
7.	Самарқанд	70,7	1,41	29,8	1,76	10,7	Машинасозлик, озиқ – овқат ва енгил саноат
8.	Сирдарё	74,1	1,47	31,4	1,85	9,6	Электр энергетика, озиқ - овқат саноати
9.	Сурхондарё	68,1	1,35	16,7	0,98	6,9	Енгил ва озиқ – овқат саноати
10.	Тошкент	51,4	1,02	16,2	0,95	27,5	Қора ва рангдор металлургия, электр энергетика, қурилиш материаллари саноати, кимё, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш
11.	Фарғона	55,9	1,11	8,8	0,52	22,6	Нефт – кимё, енгил ва озиқ – овқат саноати
12.	Хоразм	67,4	1,34	26,4	1,56	7,0	Енгил ва озиқ – овқат саноати
13.	Қашқадарё	55,3	1,10	19,2	1,13	35,4	Ёқилғи, кимё ва озиқ – овқат саноати
14.	Тошкент шаҳри	46,1	0,92	34,6	2,04	13,6	Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, кимё, ёқилғи ва озиқ – овқат саноати

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Қорақалпоғистон озиқ-овқат ва енгил саноатга, Андижон вилояти машинасозлик асосан автомобилсозлик саноатига, Бухоро вилояти ёқилғи, Навоий вилояти рангдор металлургия саноатига, Сирдарё вилояти электр энергетикага, Сурхондарё вилояти енгил ва озиқ-овқат саноатига, Тошкент вилояти қора ва рангдор металлургияга, Қашқадарё вилояти ёқилғи саноатига ихтисослашган. Бундай ҳудудий тафовутлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик географиясига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган тадбирларга қарамасдан бу соҳада ечимини кутаётган бир қанча муаммолар мавжуд. Бу борада жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибаларини чуқур ўрганган ҳолда, улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятларини белгилаб олиш, ушбу соҳанинг келажақдаги ривожланишига замин яратади.

Адабиётлар:

1. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
2. Каримов И. А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
3. Ғуломов С. С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: “Шарқ”, 2002.

РЕЗЮМЕ

Малый бизнес играет важную роль в национальной и региональной экономике. В этой связи в данной статье рассматриваются некоторые вопросы развития малого бизнеса в промышленном производстве республики.

Тавсия этувчи:

профессор Солиев А. С.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Мадаминов З.Х.

Мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, аҳоли даромадларини ўсишига эришиш ва уни ижтимоий муҳофаза қилиш бугунги бозор иқтисодиётини асосий вазифаларидан бўлиб, бу йўлда бажарилаётган ишлар мамлакат истеъмол бозорини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат моллари билан тўлдиришга қаратилган. Ушбу мақсадларни амалга оширишда иқтисодиётнинг турли тармоқлари иштирок этмоқда. Шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам истеъмол моллари ишлаб чиқаришда тобора ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиясида қабул қилинган “Кичик ва

хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисидаги“ қонунда тадбиркор ва ишбилармонлар учун янада кўпроқ имтиёзлар ва қафолатлар берилди. Бу эса, ўз навбатида, шу соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркорларнинг фаоллаштиришга, мамлакат ялпи миллий маҳсулоти таркибида кичик бизнес субъектлари улушининг ортишига ва иқтисодиётни барқарорлаштириш ҳамда ривожлантиришга имконият яратди.

Бозор иқтисодиёти шароитида республикада кичик бизнес билан шуғулланувчиларга бўлган талаб ортиб бормоқда. 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили“ деб аталиши ҳам бежиз эмас. Шу йилнинг февраль ойида

Президентимиз томонидан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Қарорга кўра мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари асосида аҳоли даромадларини кўпайтириш ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили, мамлакат тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган кенг чора тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсад қилиб олинди¹.

Республикада 2009 йилда жами рўйхатга олинган 27,4 минг (фермер хўжаликларисиз) хўжалик юритувчи корхона ва ташкилотлар мавжуд бўлса, шунинг 81, 7 % ини (22,4 минг) кичик корхона ва микрофирмалар ташкил қилади. Жами шу тоифадаги корхоналарнинг 21,4 % Қашқадарё вилояти, 15 % Тошкент шаҳри, 8 % Андижон ва 7,9 % Фарғона вилоятларида жойлашган бўлса, Сирдарё (2,3 %), Навоий (2,6 %) ҳамда Жиззах (2,6 %) вилоятларида эса кичик бизнес субъектлари сони бошқа вилоятларга нисбатан кам.

2009 йил якунларига кўра мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 50,1 фоизи, саноат маҳсулотларининг 16,9 фоизи, қурилиш ишларининг 41,6 фоизи чакана савдо айланмасининг 46,5 фоизи, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг 48,7 фоизи кичик бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келади.

Фарғона вилоятида ҳам “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурининг бажарилиш бўйича кенг камровли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ушбу дастур қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қулай шароитлар ташкил қилиш учун юксалиш йўлидаги фаол

ҳаракатлантирувчи куч сифатида, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, шунингдек, даромадларни ўсишини таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида вилоят ҳокими томонидан қабул қилинган қарор бўйича бугунги кунда катта ҳажмдаги ишлар бажарилмоқда.

Фарғона вилоятида айтилган вақтда 43,4 минг кичик бизнес субъектлари (фермер хўжаликлари билан бирга) рўйхатга олинган бўлиб, шуларнинг 41,1 мингтаси (94,7 %) ўз фаолиятларини давом эттириб келмоқда. Фаолият олиб бораётган кичик бизнес субъектларининг 7,4 фоизини кичик корхоналар ташкил этса, қолган 92,6 % микрофирмалардан иборат.

2009 йилда вилоят ялпи ички маҳсулотининг 56,1, саноат маҳсулотларининг 8,9, қурилиш ишларининг 72,4, савдо айланмасининг 45,6, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг 64,4 % кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди. Кўришиб турибдики, бошқа тармоқларга нисбатан саноатда кичик бизнеснинг улуши камроқ, чунки, вилоят саноатининг асосини республикада ҳам ўз ўрнига эга бўлган оғир саноат корхоналари (Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Фарғона азот бирлашмаси, Фарғона фуран бирикмалари корхонаси, Қўқон суперфосфат заводи, Қувасой кварц акционерлик жамияти ва бошқалар) ташкил этади.

Жами кичик бизнес субъектларининг 5,4 % (2224 та) саноат тармоғида фаолият юритади. Айтиш мумкинки, сўнгги йилларда саноатда ҳам кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши ортиб бормоқда. Масалан, 2004 йилда вилоят саноат тармоғида 1529 та ана шундай корхоналар мавжуд бўлиб, улар томонидан вилоят жами маҳсулотининг 6,2 фоизини ишлаб чиқарилган. 2009 йилда эса бу кўрсаткич 8,9 % га тенг бўлган.

Вилоят қишлоқ хўжалигида айтилган вақтда 30195 та (жами кичик корхона ва микрофирмаларнинг 73,4 %) кичик бизнес субъектлари фаолият олиб бормоқда. Бу корхоналар томонидан 2009 йилда 1064 млрд

¹ Каримов.И.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили “ Давлат дастури тўғрисидаги қарор.- Тошкент, 2011 йил, 7 февраль

сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 97,9 фоизини ташкил этган. 2004 йилда эса қишлоқ хўжалигида 11565та (жами кичик корхона ва микрофирмаларнинг 63,2 %) кичик бизнес субъектлари фаолият юритган ва улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 79,7 % шу корхоналар томонидан яратилган. Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги билан ўз фаолиятини олиб борувчи кичик бизнес субъектлари корхоналарнинг умумий сони ва ишлаб чиқариш кўлами жиҳатидан ҳам бошқа тармоқлардан анча олдинда. Сабаби, бошқа тармоқлардан фаркли равишда, қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш жараёни тез ва енгил кечади. Шунингдек, қурилиш соҳасида 1220 та, савдо ва умумий оқатланишда 4458 та, транспорт ва алоқада 696 ва бошқа тармоқларда кичик корхона ва микрофирмалар фаолият юритмоқда.

Кичик бизнес субъектларининг ҳудудий таркиби бир хил эмас. Вилоятнинг йирик тўрт йирик шаҳрида (Фарғона, Қўқон, Марғилон ва Қувасой) жами шу типдаги субъектларнинг 22,6 фоизи жойлашган. Қишлоқ туманлари ичида эса Фарғона (жами вилоят кичик бизнес субъектларининг 8,4 %), Ўзбекистон (7,2 %) ва Риштон (6,7 %) туманлари кичик корхона ва микрофирмалар сони жиҳатидан бошқа туманлардан ажралиб турса, Сўх (2,1 %), Фурқат (3,4 %) ва Бувайда (3,6 %) туманларида бундай корхоналар нисбатан кам.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича кичик бизнес корхоналарининг улуши вилоят бўйича тенг тақсимланмаган. Масалан, Олтиариқ, Сўх, Фарғона, Фурқат ва Ёзёвон туманларида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг 100 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Чунки, бу туманлар саноатининг асосини енгил ва озиқ-овқат саноати ташкил этади ва бундай тармоқларни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш оғир саноат корхоналарига нисбатан енгил амалга ошади. Аксинча, саноатида оғир саноат тармоқлари етакчи рол ўйнайдиган Қувасой (кичик бизнес корхоналари ва микрофирмалар улуши 2,6 %), Фарғона (3,1

%) шаҳарлари ва Тошлоқ туманида (3,7 %) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнес субъектларининг улуши кам.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда эса бу типдаги корхоналарнинг ҳиссаси барча ҳудудларда 95 % дан юқори. Бешариқ, Сўх ва Тошлоқ туманларида кичик бизнес субъектлари томонидан қурилиш ишларининг 100 фоизи амалга оширилган ҳолда, Фарғона шаҳри (35,9 %), Қува (63,3 %) ва Ёзёвон (61,6 %) туманларида кичик бизнес корхоналари ва микрофирмаларнинг бу соҳадаги улуши нисбатан пастроқ.

Кичик бизнес корхоналари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, аҳолини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим ўрин тутади. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда етакчи бўлган енгил ва озиқ-овқат саноатида кичик бизнес корхоналарининг сони оғир саноат тармоқларида фаолият олиб бораётган шундай корхоналар сонидан анчагина кўп.

Республикада 2000 йилда ишлаб чиқарилган халқ истеъмол моллари ҳажми 1198,5 млрд сўмни ташкил этган бўлса, шунинг 22,6 % кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган. Фарғона вилоятида эса ушбу йилда ишлаб чиқарилган жами халқ истеъмол молларининг 16,5 % шундай корхоналар томонидан яратилган. Йиллар давомида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда кичик бизнес корхоналарининг улуши ортиб, 2004 йилда жами истеъмол маҳсулотларининг 34,5 %, 2006 йилда эса 32,6 % шу корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган. Бу кўрсаткич Фарғона вилоятида 21,8 % ва 23 % га тенг бўлган.

Кичик тадбиркорлик корхоналарини замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини ошириш ҳамда аҳолига етказиб бериш бугунги куннинг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Шунингдек, хориждан келтирилаётган айрим маҳсулотларни вилоятда кичик корхона ва микрофирмалар томонидан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва

шу орқали аҳолини иш билан таъминлаш мақсадга мувофиқ. Бу ишларни амалга ошириш учун минтақада барча шароит (хом ашё, ишчи кучи ва бошқалар) мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, келажакда барча муаммолар ўз ечимини топади. Вилоят аҳолисининг фаровон

турмуш тарзини яхшилаш ва мустаҳкамлаш борасида қилинаётган ишлар ўз навбатида худуд иқтисодий-ижтимоий ҳам барқарорлаштиришга олиб келади. Бу жараёнда яқин келажакда кичик бизнес субъектларининг роли ортиб, минтақа хўжалигида етакчи тармоқлардан бири сифатида шаклланади.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена развитию малого бизнеса в различных отраслях региональной экономики Ферганского вилоята.

Тавсия этувчи:

проф.Солиев А.С.

МИНТАҚАЛАР ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ

Ибраимова А.А.

Тарихан қисқа даврда, яъни 20 йиллик мустақил ривожланиш йўлидан бораётган Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишида жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилаётган қатор ютуқларга эришмоқда. Буни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимиз ҳукумати томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг ўзини оқлаганлиги ҳам тасдиқлайди. Республикамизда изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 18 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида 2011 йилни мамлакатимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилгани ўзига хос ўрин тутади.

Маълумки, тадбиркорлик ўзбек халқи учун янги соҳа эмас, балки у асрлар давомида аҳоли орасида хунармандчилик, косибчилик каби кўринишларда шаклланиб ривожланиб келган. Ҳозирги бозор ислохотлари шароитида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти айниқса катта. Сабаби, ўзгарувчан бозор талабларига кичик бизнес субъектлари тезроқ ва осонроқ мослашади, янгиликларни

ўзига қулайроқ сингдиради. Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик худудлар иқтисодий-ижтимоий ресурсларидан самарали фойдаланиш, маҳаллий ва минтақавий ижтимоий муаммоларни (хусусан, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини ошириш) ҳал этишда асосий ўрин тутади. Зеро, бугунги кунда дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатлари (АҚШ, Япония ва бошқалар)да мазкур соҳага эътиборнинг юқорилиги ҳам шундан далолат беради. Шу боис, мамлакатимизда минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожла-нишида кичик бизнес субъектлари ролини оширишга кенг имкониятлар яратилмоқда.

Ўзбекистоннинг марказдан анча узоқда жойлашган йирик Қуйи Амударё минтақасида бозор ислохотларини амалга тадбиқ этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бу минтақанинг худуди кичик, табиий ресурсларга бой бўлмаган, бандлик масаласи мураккаброқ Хоразм вилояти учун долзарбдир.

Минтақада, мавжуд статистик маълумотларга кўра, 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига 39042 та кичик бизнес субъектлари рўйхатга олинган бўлиб, шундан 25229 таси

фаолият кўрсатган. Ушбу кўрсаткичлар 2005 йилда мос равишда 37152 ва 32910 тани ташкил этган. Рўйхатга олинган жами кичик бизнес субъектларида Қорақалпоғистон Республикасининг улуши 2005 йилдаги 41,5 фоиздан 2009 йилда 21,2 фоизга қисқарган бўлса, Хоразм вилоятида, аксинча, мазкур йилларда мос ҳолда 58,8 фоиздан 78,8 фоизга ошган. Уларда ишлаётган ходимлар сони Қорақалпоғистонда 35400 кишини ташкил этса, Хоразм вилоятида бу кўрсаткич 455200 кишига тенг. Бундан кўришиб турибдики, Хоразм вилоятида аҳолини иш билан таъминлашда кичик бизнес субъектларининг роли катта. Вилоятда банд аҳолининг 77,4 фоизи ушбу соҳага тўғри келади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ролини белгилаб берувчи асосий кўрсаткичлардан бири бу уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги (ЯХМ) салмоғидир. Бу кўрсаткич 2005 йилда Қорақалпоғистонда 48,9 ва Хоразм вилоятида 54,2 фоизни, 2009 йилда эса шунга мувофиқ 59,3 ва 67,4 фоизни ташкил этган, яъни Хоразм вилоятида нисбатан юқорироқ бўлиш билан бирга ҳар иккаласида ҳам ўсиш хусусиятига эга. Буни мамлакатимизнинг бошқа минтақалари билан таққослайдиган бўлсак, мазкур кўрсаткич 2005 йилда Жиззах (64,4 %), Сирдарё (58,8 %) вилоятларида юқори, йирик саноат корхоналари минтақа ролини белгилаб берувчи Андижон (38,7 %), Қашқадарё (38,4 %), Тошкент (36,3 %) ва Навоий (20,9 %) вилоятларида паст натижаларга эга. 2009 йилга келиб эса ЯХМда кичик бизнес субъектларининг улуши кўрсатилганлардан фақат Навоий вилоятида нисбатан паст кўрсаткичлигича қолмоқда (30,7 %). Шунингдек, Тошкент шаҳрида у 2005 ва 2009 йилларда мос равишда 54,3 ва 46,1 фоизга тенг бўлган.

Саноат маҳсулотларида кичик бизнеснинг улуши Жиззах (37,4 %), Сирдарё (31,4%) вилоятларида юқори бўлса, оғир саноат устун ривожланган Навоий (2,7 %), Фарғона (8,8 %), Тошкент (16,2 %) ва Бухоро

(14,5 %) вилоятларида анча паст. Хоразм вилоятида бу кўрсаткич 26,4 фоизга тенг бўлса, Қорақалпоғистон Республикасида 18,0 фоизни ташкил қилади, Тошкент шаҳрида эса – 34,6 %.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини яратишда мамлакатимизнинг барча минтақаларида кичик бизнеснинг салмоғи жуда юқори, яъни барчасида 95,0 фоиздан ортиқ. Хусусан, бу кўрсаткич Хоразмда 99,3, Қорақалпоғистонда 95,6 фоизга тенг.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг минтақалар ташқи иқтисодий алоқаларида иштирокини ошириш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар ўз натижасини бермоқда. Жумладан, 2005 йилда Наманган вилояти экспортининг 74,1 фоизини кичик бизнес субъектлари амалга оширган ҳолда, Навоий (0,3 %), Қашқадарё (1,4 %), Андижон (2,2 %), Хоразм (2,8 %), Жиззах (3,5 %), Сирдарё (3,6 %), Бухоро (3,8 %), Тошкент (5,6 %) вилоятлари ва Тошкент (7,2 %) шаҳрида уларнинг экспортдаги иштироки жуда паст бўлган. Нисбатан ўртача кўрсаткичлар Қорақалпоғистон Республикаси (12,7 %) ва Самарқанд (23,3 %), Фарғона (14,6 %), Сурхондарё (12,0 %) вилоятларида кузатилади. 2009 йилда эса мазкур кўрсаткич Жиззах (28,7 %), Тошкент (21,0 %), Самарқанд вилоятларида сезиларли ошган.

Импорт алоқаларини ривожлантиришда кичик бизнес субъектларининг роли 2005 ва 2009 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси (мос ҳолда 71,1 ва 79,3 %), Жиззах (57,9 ва 74,6 %), Сирдарё (71,4 ва 69,4 %) вилоятларида кучли ҳолича сакланиб қолмоқда. Аксинча кўрсаткичлар Андижон (5,2 ва 4,7 %), Навоий (3,0 ва 3,5 %) вилоятларида кўзга ташланади.

Кичик бизнес субъектлари томонидан хорижий кредитларни ўзлаштириш Фарғона (13933 минг АҚШ долл.), Самарқанд (9363,1 минг АҚШ долл.), Қашқадарё (681,5 минг АҚШ долл.), Наманган (606,0 минг АҚШ долл.), Сирдарё (272,1 минг АҚШ долл.) вилоятларида кузатилади. Юқори кўрсаткичлар Навоий ва Андижон вилоятларида ҳам қайд этилади. Кичик

бизнес субъектларига ажратилган хорижий кредитларнинг асосий қисми Фарғона вилоятида Фарғона (40,5 %), Қўқон (33,4 %) ва Марғилон (25,2 %) шаҳарларига, Қашқадарё вилоятида Ғузор (63,8 %) тумани ва Қарши шаҳрига (36,2 %), Навоий вилоятида Навоий (73,9 %), Зарафшон (15,0 %) шаҳарлари ва Кармана (6,4 %) туманларига, Андижон вилоятида Андижон шаҳри (77,3 %) ва Асака туманига (8,8 %) тўғри келади.

Агар Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий туманлари мисолида кичик бизнес субъектлари фаолиятини кўрадиган бўлсак, республиканинг Тўрткўл (837 та), Беруний (697 та) ва Амударё (542 та) каби жанубий туманларида уларнинг сони юқори. Бирок Беруний туманидан (туман экспортининг 24,1 ва импортининг 76,9 % кичик бизнес субъектларига тўғри келади) ташқари қолганларининг ташқи савдо фаоллиги суст. Тўрткўл туманида уларнинг экспортдаги роли жуда сезиларсиз, импортда эса аксинча улар ҳиссаси 100 фоизга тенг (2009 й.).

Нукус шаҳрига Қорақалпоғистонда рўйхатга олинган жами кичик бизнес субъектларининг 38,0 %, жами кичик бизнес субъектлари экспортининг 44,8 ва импортининг 40,5 %, ишлаётган ходимларнинг 32,5 ва барпо этилган янги иш ўринларининг 15,1 % тўғри келади. Амударё, Қонликўл, Мўйноқ, Тахтақўпир ва Шуманай туманларидаги кичик бизнес субъектлари ташқи савдода иштирок этмаган.

Қорақалпоғистоннинг Қонликўл, Шуманай туманларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларида кичик бизнеснинг улуши 100 фоизга тенг. Қораўзак (96,0 %) ва Қонликўл (94,6 %) туманлари

саноат маҳсулотларида кичик бизнес салмоқли ўрин тутса, Мўйноқ (0,3 %), Кегайли (5,2 %) ва Эллиққалъа (6,9 %) туманларида аксинча.

Хоразм вилояти маъмурий тузилмалари бўйича кичик бизнес субъектлари сонидан кучли фарқлар йўқ, бироқ уларнинг фаолиятларида айрим тафовутлар кўзга ташланади. Хива (63,4 %) ва Урганч (50,0 %) туманларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши юқори, Хонқа (10,2 %), Янгиариқ (10,8 %) ва Гурлан (13,6 %) туманларида бу кўрсаткич вилоят ўртачасидан анча паст; қишлоқ хўжалик маҳсулотларида эса барча маъмурий бирликларнинг кичик бизнес субъектлари 99,0 фоиздан ортиқ улушга эга.

Боғот (44,1 %), Ҳазорасп (28,8 %) ва Хива (13,7 %) туманлари кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган экспортнинг асосий қисмини беради. Шу ўринда қайд этиш жоизки, вилоят маркази – Урганч шаҳрининг кичик бизнес субъектлари экспортидаги ҳиссаси атиги 4,0 фоизга тенг. Айни вақтда кичик бизнес субъектлари импортининг ярмидан кўпи (53,6 %) Урганч туманига тўғри келади. Шу билан бирга, импортда Урганч шаҳри (20,8 %) ва Боғот (15,3 %) туманлари ҳам салмоқли ўрин туттади. Вилоятнинг Гурлан ва Янгибозор туманлари кичик бизнес субъектлари 2009 йилда ташқи савдо фаолиятини амалга оширмаган.

Юқорида қисқача келтириб ўтилганлардан кўринадики, кичик бизнес минтақалар иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида ўз ўрнига эга бўлмоқда, бозор механизмларини чуқурроқ сингдириш, улар ривожланишининг ўзига хос йўналишларини белгилашда асосий ўрин тутмоқда.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются динамика и территориальная структура развития малого бизнеса и частного предпринимательства и их участие в внешнеэкономических связях Республики Узбекистан.

Тавсия этувчи:

профессор Солиев А.С.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Зокирова Н.Э.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” йили, деб эълон қилди. Бундан кўзланадиган асосий мақсад – мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш ва фаровонлигини ошириш ҳисобланади.

Мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай бизнес муҳит яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш зарур. Бунда давлатнинг бошқарув функциялари ва руҳсат берувчи нормаларини қисқартириш, бюракратик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хом ашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларига давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишни таъминлайдиган бозор воситалари механизмларини амалиётга тадбиқ этиш асосий вазифалардан саналади.

Давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини қисқартириш, тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш тартибларини соддалаштириш, солиқ ва бошқа тўловлар бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, кредитлар бериш механизмини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, замонавий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш асосида ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Жиззах вилоятида ҳам тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Вилоят кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 73,8% ни ташкил этади. Бу эса республика

кўрсаткичларидан 1,4 баробар юқори. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган асосий маҳсулотлар (дон ва пахта)нинг аксарияти (94,5-99,9%) фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

Фермер хўжаликлари вилоят аграр соҳасида мустаҳкам ўринга эга. Масалан, вилоятдаги барча экин майдонларининг 92 фоизи фермер хўжаликлари тасарруфида бўлиб, қолган қисми деҳқон хўжаликлари (6%) ва қишлоқ хўжалиги корхоналари (2%) ҳиссасига тўғри келади. Бундан кўриниб турибдики, айрим соҳада фермер хўжаликларининг роли ортиб бормоқда. Вилоятда ишлаб чиқарилаётган пахта ялпи ҳосилининг 99,8 фоизи фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда, лекин дон ялпи ҳосилидаги улуши атиги 94,5 фоизни ташкил қилади. Қолган қисмини (5%) деҳқон хўжалиги ва (1%) қишлоқ хўжалиги корхоналари таъминлайди.

Асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида полиз экинларининг 52 фоизи фермер хўжаликлари, 46 фоизи деҳқон хўжаликлари, қолган 2 фоизи қишлоқ хўжалиги корхоналарига тўғри келади. Картошка ва сабзавот экинлари ялпи ҳосилида эса бирмунча ўзига хослик кузатилади. Фермер хўжаликларида етиштирилган картошка ҳосили 26,1% ни, сабзавот экинлари 48% ни, мева ва резаворлар 46,1 % ни ташкил этади. Гўшт маҳсулотлари етиштиришда эса деҳқон хўжаликларининг ҳиссаси (98%) юқори. Фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улуши 2 фоизга тенг.

Вилоят фермер хўжаликлари деярли бир хил тақсимланган. Ғаллаорол, Бахмал ва Жиззах туманларида вилоят фермер хўжаликларининг 16; 14 ва 12 фоизи жойлашганлиги статистик маълумотлардан кўриниб турибди. Кам сонли фермер хўжаликлари Жиззах шаҳри (1%), Янгиобод (4%), Фориш ва Зарбдор туманларида (5% дан) жойлашган.

Фермер хўжаликларига ажратилган ер майдонларининг катта қисми Ғаллаорол туманига (70,8%) тўғри келади. Энг кам ер майдонлари Жиззах шаҳри фермер хўжаликларига ажратилган (1,7 минг.га).

Жиззах вилояти фермер хўжаликларида жами 62 минг киши меҳнат қилмоқда. Бу соҳада ишлаётганлар салмоғида Дўстлик (16%), Жиззах (12%), Зафаробод (9%) ва Арнасой (9%) туманларининг ҳиссаси катта. Айни вақтда Янгиобод ва Фориш туманлари (2%) улуши анча оз.

Вилоятда 2010 йилда 244 фермер хўжаликлари ўз фаолиятини тугатган. улар ичида Арнасой (21%), Дўстлик (19%) ва Мирзачўл туманлари (16%) ажралиб туради. Бу туманларда фермер хўжаликларининг қисқаришига асосий сабаб фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш жараёнлари билан узвий боғлиқдир.

Минтақа ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида фермер хўжаликларининг салмоғи 36,8 %. Лекин, бу кўрсаткич туманлар бўйича ўзига хос тавсифга эга. Масалан, фермер хўжаликлари Мирзачўл (63,8%), Дўстлик (54%), Зарбдор (52,2%) ва Пахтакор (51,9%) туманларида юқори ўринларни эгаллайди. Аксинча, Бахмал (17,8%), Янгиобод (13,9%) ва Фориш (7,1%) туманлари бу борада кам улушни ташкил қилади.

Вилоят фермер хўжаликларини ривожлантиришни янада кенг йўлга қўйиши имкониятларига эга. Бироқ, бу хусусда салбий таъсир этувчи бир қатор омиллар ҳам мавжуд, улар қуйидагилар:

- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун зарур бўлган минерал ўғитларнинг етарли даражада эмаслиги ва қимматлиги;
- Экологик мувозанатнинг бузилиши, шу билан бирга табиий офатлардан келадиган зарарларнинг тўла қопланмаётганлиги, хўжалик таваккалчилигининг юқорилиги;
- Сув танқислиги ва сув таъминоти билан боғлиқ муаммоларнинг мураккаблашиб бораётганлиги;

- Меҳнат бозорида меҳнат ресурсларидан етарли даражада самарали фойдаланилмаётганлиги, меҳнат миграцияси жараёнларининг фаоллашуви ва ҳ.к.

Фермер хўжаликларини жадал ривожлантириши ва бугунги кун талаб ҳамда эҳтиёжларига мослаштириши, муаммоларни ижобий ҳал этиши, вилоятда фермер хўжаликларини ҳудудий ташкил этиши ва ривожлантиришини янада такомиллаштириши учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириши зарур бўлади:

- Ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни тартибга солувчи бандлик хизматини шакллантириш, бу борада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига, хусусан деҳқон ва фермер хўжаликларига эътиборни кучайтириш;

- Фермер хўжаликларини ривожлантириш йўли билан, унинг хом ашёлари негизда касаначилик фаолиятини ривожлантириш, янги иш жойларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш;

- Вилоятдаги фермер хўжаликларини, кичик ҳудудларнинг табиий ва иқтисодий-ижтимоий, географик омиллари ролини ва вилоятда вужудга келган экологик вазиятни эътиборга олган ҳолда, тўғри жойлаштириш;

- Табиий ресурслар, жумладан, сувдан фойдаланишни оқилона тарзда ташкил этиш, бу борада янги, инновацион технологиялар ва тажрибаларни жорий қилиш, сув инфратузилмасини модернизация қилиш имкониятларини кидириш;

- Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, деҳқончиликда янги навлар ва чорвачиликда янги чорва наслларини яратиш масалаларига эътиборни кучайтириш;

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш, вилоятда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш салмоғини янада кўпайтириш;

- Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи соҳалар фаолиятини янада такомиллаштириш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишга катта эътибор бериш.

Фермер хўжаликларини ривожланиши ва такомиллашуви учун хизмат қиладиган юқорида келтирилган тадбирлар келажакда республикамиз иқтисодиётининг жадал

ривожланиши ва қишлоқ хўжалиги тараққиётини белгилаб беришида катта аҳамиятга эга бўлади.

РЕЗЮМЕ

В статье, в наиболее общей форме, анализируются некоторые показатели малого бизнеса в Джизакском вилояте. Речь идет, в основном, о деятельности фермерских хозяйств.

Тавсия этувчи:

доцент Азимов Ш.А.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Джуроев М., Абдуллаев И.

“Бизнесмен” (тадбиркор) сўзи биринчи мартаба Англия иқтисодиётида XVIII асрда пайдо булиб, у “Мулк эгаси” деган маънони билдиради. Адам Смит тадбиркорни мулк эгаси сифатида таърифлаб, уни фойда олиш учун қандайдир тижорат ғоясини амалга ошириш мақсадида иқтисодий таваккалчиликка борадиган кишидир,- деб таъкидлайди. “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятини кафолатлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида тадбиркорликка қуйидагича таъриф берилган: “Тадбиркорлик-мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлик асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишдир”.

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислох қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади халқимиз фаровонлигини оширишдир. Фаровонликка эришиш йўлларида бири иқтисодий ислохотларни чиқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим ўрин тутувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига баҳо берар экан, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғинга айланмоқда”, деб таъкидлаган.

Миллий иқтисодиётимиз ўсишини таъминлаш, энг зарури бугунги кундаги долзарб муаммоларимиздан бири – янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандликлик муаммосини ҳал этиш, аҳоли даромадларини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотининг 50 фоизини ташкил этмоқда. Ушбу кўрсаткич: 1998 йилда - 26 фоиз, 1999 йилда 28,5 фоиз, 2000 йилда - 30 фоиз, 2009 йилда у 48,2 фоизни ташкил этган бўлиб, 2010 йилда қабул қилинган дастурга асосан 52,5

фоизга етказиш режалаштирилган. Ҳақиқатдан ҳам бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб қувватланаётгани самарасидир. Шу боис, 2010 йилда мазкур соҳага кредит ресурслари ажратиш миқдорини 1,4 барорбар кўпайтириб микрокредитлар ҳажмини 1,3 баробар ошириш ҳукумат дастурига киритилди. Режа 100% га амалага оширилди.

Мазкур соҳа мамлакатимизнинг барча худудлари қатори Сирдарё вилоятида ҳам жадал ривожланмоқда. Жумладан, иқтисодиётда жами бандликнинг 77,8 %и кичик бизнес секторига тўғри келади. Вилоятда кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 15,5%га ўсди ва 132419,2 млн. сўмни (вилоят саноат ишлаб чиқаришнинг 34,2%) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 6,3 ёки 592968, 1 млн. сўмни (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 98,6%) ташкил қилди. Минтақа иқтисодётида асосий капиталга маблағларни унга киритилган инвестициялар ташкил қилиб, қурилиш ишларининг 80,6% кичик бизнес субъектлари хиссасига тўғри келади. Кичик бизнес субъектларининг умумий автомобил транспортидаги юк айланмаси 12,2%га ошди ва у вилоятдаги автомобил транспорти юк айланмасининг 68,5%ни, йўловчи айланмаси эса 15,7% ни, умумий йўловчи айланмасининг 68,6% ни ташкил қилди. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 32,5%ини (9,5% ўсган) кичик бизнес таъминлаган.

2010 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 82890,7 минг АҚШ доллари миқдорида ташқи савдо айланмаси, шундан 43811,9 минг АҚШ доллари ҳажмида экспорт ва 39078,8 минг АҚШ доллари миқдорида импорт амалга оширилган.

Вилоятда ушбу фаолиятни қўллаб-қувватлаш механизмлари қуйидагиларни ташкил этмоқда:

- ҳуқуқий таъминот, яъни янги конунлар, қарорлар ва фармонлар ишлаб

чиқилмоқдаки, бу тадбиркорлар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилмоқда;

- солиқ тизимининг такомиллашиши
- ушбу соҳадаги ислохотлар натижасида солиқ юки сўнги йилларда сезиларли даражада пасайшига олиб келди;

- хусусийлаштириш деярли амалга оширилиб бўлинди;

- инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳам вилоятда самарали ишлар олиб борилмоқда;

Сирдарё вилоятига жалб қилинган инвестицияларнинг катта қисмини, "Осиё тараққиёт банки" киритганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Вилоятда кичик бизнесни ривожлантириш учун қуйидагилар амалга оширилиши керак:

- солиқлар, валюта ва ташқи савдони бошқариш борасида чет эл инвестициялари учун мустаҳкам тизим ўрнатиш, чет эл капитали ёрдамида хусусийлаштириш учун керакли шароитлар яратиш, инвестицион лойиҳалар ҳақида маълумотлар тизимини ташкил этиш;

- молия -кредит муомаласи тармоғида кичик бизнес учун кредитлар олиш имкониятларини кенгайтириш, чуқур қайта ишланган маҳсулот экспорти билан шуғулланадиган тадбиркорлар учун валюта тушумини сотишнинг мажбурий нормаларини яхшилаш, банклараро ҳисоблаш тизимини ривожлантириш;

- кичик корхоналар учун асосий фондларнинг амортизациясини йўлга қўйиш;

- марказлашган ресурслар манбалари ахборот маълумотлар базасига киришни таъминлаш, тадбиркорлар ва харидорлар ижтимоий ҳимоя кафолатини таъминлаш;

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан қўллаб-қувватлашни активлаштириш, шу жумладан маҳаллий миқёсда солиқ имтиёзларни ишлаб чиқиш;

- кичик корхоналар маҳсулотларига эҳтиёж ва талаб конъюнктурасини ўрганиш мақсадида вилоят ахборот тизимини ташкил этиш;

- лизинг хизматларини ривожлантириш;

- айнан кичик бизнес субъектлари

манфаатларини тўлиқ кафолатлайдиган қонун ишлаб чиқиш ва ҳ.к..

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Асосий вазирамиз-ватанимиз таракқиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш // «Халқ сўзи», 2010 йил, 30 январь.
2. Исмоилов О.Ш. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истикболлари. – Тошкент, 2007.

РЕЗЮМЕ

В статье затрагиваются некоторые общие и региональные вопросы развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Сырдарьинском вилояте.

Тавсия этувчи:

профессор Солиев А.С.

МИРЗАЧЎЛ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ

Қаюмова М.М.

Республикамизнинг арид иқлимли минтақалари аграр секторнинг ҳозирги босқичида ерлардан тўғри фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ўстириш ва барқарор ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш долзарб масалардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳудуднинг табиий ва инсон-хўжалик шароитларини, жумладан суғориладиган ерларнинг тупроқ-мелиоратив ҳолатини ҳамда ерлардан фойдаланиш даражасини чуқур таҳлил қилишни талаб этади.

Мирзачўл ерларини узоқ йиллар суғориш ва ўзлаштириш натижасида унинг табиий ландшафтлари компонентларида тупроқ-мелиоратив ҳолатида сезиларли ўзгаришлар содир бўлган, бир қатор салбий жараёнлар шаклланган, сизот сувларининг сатҳи ер юзасига яқин кўтарилиб, минераллашганлик даражаси ўртача 5-8 г/л гача етган, шўрланиш жараёнлари фаоллашиб, турли даражадаги шўрланган тупроқлар шаклланган. Гидромелиоратив тизимлар асосий қисмининг ишдан чиққанлиги, қолган қисмининг иш унумдорлиги пастлиги туфайли, ер ости сувларининг оқими деярли таъминланмаган, тупроқ профилида туз тўпланиш ва қайта шўрланиш жараёнларига имкон яратилган.

Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги Миллий

Ҳисоботида¹ кўра 2009 йил 1 январда, Сирдарё вилоятидаги фойдаланишдаги умумий ер майдонлари 427,6 минг гектардан иборат бўлиб, шундан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 292,7, деҳқончиликда интенсив фойдаланиб келинаётган ерлар – 274,3, экин майдонлари эса 256,9 минг гектарни ташкил этган. Шўрланиш, сизот сувларнинг юқори ҳолати ва бошқа сабабларга кўра фойдаланилмайдиган суғориладиган ерлари 28,8 минг (9,8%) гектарни, мелиоратив-ноқулай ерлар 41,5 минг (14,2%) гектарни, сизот сувларининг сатҳи юқори жойлашган суғориладиган ерлар 17,5 минг (6,0%) гектарни ташкил этган ҳолда, турли даражада шўрланган суғориладиган ерлар майдони 283,0 минг (96,8%) гектар кўрсаткичлари ҳисоботда қайд этилган.

Турли даражада шўрланган суғориладиган бу тоифа ерлар вилоятнинг турли геоморфологик, гидрогеологик ва тупроқ-иқлим шароитларидаги табиий географик комплекслар доирасида тарқалган бўлиб, ўзларининг агрофизикавий, агракимёвий, биологик ва бошқа ҳоссалари, унумдорлик ва ҳосилдорлик даражаси ҳамда мелиоратив шароитларининг хилма-хиллиги

¹ Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий Ҳисобот. – Тошкент. «Ергеокадастр» давлат қўмитаси, 2009. 92 б.

билан ажралиб туради. Буларнинг барчаси ўз навбатида суғориладиган тупроқларнинг ҳолатини ва улардан фойдаланиш даражасини мунтазам кузатиб боришни ва баҳолашни тақозо этади.

Тадқиқот объектида, шўрланиш худуднинг геоморфологик тузилиши, иқлим, ер ости ва ер усти сувларининг минерал таркиби, уларнинг ер юзасига нисбатан жойланиши ҳамда инсонларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келмоқда (Қац, 1976). Мирзачўлнинг тупроқ-мелиоратив ҳолатини ўрганишга тааллуқли (Ахмедов, Абдуллаев, Парпиев, 2005; Парпиев, Ахмедов, Бобоев, 2007 ва б.қ.) таҳлил натижалари асосида ҳамда олиб борилган илмий изланишлар қуйидаги хулоса қилиш имконини берди.

Сирдарё туманида янгидан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар кенг тарқалган. Улар кучсиз шўртобланишган (12-17,6 %) тупроқлар гуруҳини ташкил этади. Янгидан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар худудида сизот сувларнинг сатҳи 94-170 см, минераллашганлик даражаси 4,5-6,5 г/л атрофида тебраниб туради. Шўрланиш химизми сульфатли, заҳарли тузлар миқдори умумий тузлар миқдорининг 60,7-68,1 % ини ташкил этгани ҳолда, тузларнинг сифат таркибида $MgSO_4$, Na_2SO_4 ва $CaSO_4$ тузлари етакчи ўринни эгаллайди. Шўрланиш даражасига кўра, тупроқлар кучсиз, асосан ўртача шўрланган бўлиб, шўрхокли, шўрхоқсимон, чуқур шўрланган гуруҳларни ташкил этади, тупроқ қатламларидаги тузлар миқдори 0,4-1,8 % атрофида тебраниб туради. Заҳарли тузлар миқдори кенг ораликда тебраниб, умумий тузлар йиғиндисининг 28-66 % кўрсаткичларида кузатилади. Тупроқ *профилининг 0-1,5 м ли қатламидаги тузлар заҳираси 235-307, ҳайдалма (0-30 см) қатламда 25,6-50,3 тоннани ташкил этади.*

Янгидан суғориладиган ўтлоқи тупроқларда сизот сувлари ер юзасига энг яқин жойлашган ва 70-103 см атрофида кузатилади, минераллашганлик даражаси

5,04-7,05 г/л ни ташкил этади. Шўрланиш типи сульфатли. Тузлар таркибида $MgSO_4$, $CaSO_4$ ва Na_2SO_4 тузлари асосий ўринни эгаллайди. Заҳарли тузлар умумий тузлар миқдорининг 64-71 % ини ташкил этади. Мазкур ўтлоқи тупроқларда кучсиз ва ўртача даражада шўрланган, тузларнинг умумий миқдори 0,46-0,54 % дан 1,10-1,59 % гача. Бу тупроқлардаги заҳарли тузлар миқдори умумий тузлар *миқдорининг 31,3-78,5% ини, тупроқларнинг устки 0-1,5 м ли қатламидаги умумий тузлар заҳираси 26-55 т/га ни ташкил этади.*

Эскидан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларда сизот сувлари сатҳи 110-140 см, минераллашганлик даражаси 4,7-7,8 г/л атрофида тебраниб ва шўрланиш химизмига кўра, асосан сульфатли. Тузларнинг сифат таркибида Na_2SO_4 , $MgSO_4$ ва $CaSO_4$ тузлари асосий ўринни эгаллайди. Заҳарли тузлар умумий тузлар йиғиндисининг 57-76 % ини ташкил этади. Тупроқ профилидаги тузларнинг ялпи миқдори куруқ қолдиқ бўйича 0,34-0,65 % атрофида тебраниб ва кучсиз шўрланган гуруҳ доирасида белгиланади. Тузларнинг сифат таркибида Na_2SO_4 ва $CaSO_4$ етакчи ўринни эгаллайди, $MgSO_4$ тузи нисбатан кам, заҳарли тузлар *умумий йиғиндисининг 44-77 % ини ташкил этади. 0-1,5 м ли қатламдаги ялпи тузлар заҳираси 88-110 т/га, шундан ҳайдалма қатламда 17-21 тонна.*

Хулоса қилиб айтганда, Мирзачўл бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларнинг мелиоратив ҳолати, худудларнинг геоморфологик-литологик тузилиши, гидрогеологик ва тупроқ-иқлим шароитлари, гидромелиоратив тизимлар ҳолати, айниқса сизот сувларнинг ер юзасига нисбатан жойлашиши, тупроқларнинг шўрланиш ва шўрсизланиш жараёнларида ўз аксини топган. Тупроқларида тўпланган умумий ва заҳарли тузлар миқдори нисбатан катта эмас. Шу муносабат билан Мирзачўлда катта майдонларни эгаллаган суғориладиган бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларнинг мелиоратив ҳолати ўртача ва ўртача паст деб белгилади.

Адабиётлар:

1. Кац Д.М. Влияние орошения на грунтовые воды. -М., Колос, 1976.
2. Ахмедов А.У., Абдуллаев С.А., Парпиев Ф.Т. Тупроқларнинг мелиоратив ҳолати // “Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг суғориладиган тупроқлари” жамоа монографияси. –Т.: ЎзРФА “Фан”, 2005. У – боб.
3. Парпиев Ф.Т., Ахмедов А.У., Бобоев М.Ф. Сирдарё вилояти суғориладиган тупроқлари ҳолатини туз захиралари бўйича баҳолаш // Ер ресурсларидан самарли фойдаланиш муаммолари: илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТАИТДИ, 2007.

РЕЗЮМЕ

В статье речь идет о мелиоративном состоянии орошаемых земель Голодной Степи.

Тавсия этувчи:

доцент Азимов Ш.А.

УРГУТ ТУМАНИ РЕКРЕАЦИЯ РЕСУРСЛАРИДАН Фойдаланиш масалалари

Бадалов Ў.Б.

Мамлакатмизда 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши муносабати билан минтақанинг иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Ушбу дастурни ҳаётга тадбиқ этишда рекреация ва туризм соҳасини ривожлантиришда улкан ишларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Туризм соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда туризм талабларига жавоб берадиган замонавий маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини шакллантириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, меҳмонхона ва дам олиш уйлари, санатория, савдо, ресторан ва бошқа объектларни қуриш муҳим аҳамият касб этади. Бундай объектларни барпо этишда худуднинг табиий ва рекреация ресурсларини баҳолаш, шунингдек, харидлар тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур.

Ҳозирги кунда Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Чақилкалон, Омонқўтон, Қоратепа тоғларини энг характерли хусусияти шундан иборатки, унинг табиий шароити, гидрологик ресурслари, иқлим ва ўсимлик дунёсини ўзига хослиги кўплаб дам олиш зоналари ва оромгоҳлар қуришга қулай шароит яратади.

Ушбу имкониятларни эътиборга олган ҳолда туманда кемпинглар, туристик базалар, меҳмонхоналар, дам олиш уйлари, хизмат кўрсатиш соҳалари, тоғ этакларида сунъий ўрмонзорлар барпо этиш, саёҳларга манзарали ўрмонлар ва табиат ландшафтларини кўрсатиш минтақада тегишли инфратузилма ва махсус карта схемалар ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Янги дастурни ҳаётга тадбиқ этишда рекреация ва туризм соҳасини ривожлантиришда имтиёзли кредитлар, биринчи навбатда, туризм мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини ишлаб чиқиш муҳим вазибалардан бирига айланди. Чақилкалон ва Омонқўтон ҳавзасидаги манзаралардан рекреация мақсадда фойдаланиш имкониятлар юқори. Инсонлар дам олиш ва маънавий-эстетик ҳордиқ чиқариш давомида турли хил касалликларни даволаш, ўзига хос табиий, кимиёвий хусусиятларга эга бўлган табиат омилларидан фойдаланади. Шу сабабли мавжуд минерал сувлардан, ландшафтнинг жозибадорлигидан фойдаланиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Минерал сувларнинг шифобахшлиги, уларнинг турли касалликларни даъволашда кераклиги бальнеологик курортлар тизимини яратишни талаб қилади.

Ургут тоғларидаги кўндаланг кесиб ўтадиган сой ёки сойликлар бўйлаб саёҳат ўтказиш қизиқарли бўлиши табиий. Қисқа муддатли саёҳат ўтказиш (пиёда-экскурсия) давомида турли хил манзаралар, ландшафтларнинг ўзгариб боришини кўриш мумкин. Рекреация мақсадларида айниқса туман худудида дам олишни самарали ташкил этишда фойдаланиладиган ерларни картага тушириб, табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш, рекреация ресурсларидан самарали фойдаланиш усулларини аниқлаш лозим. Мавжуд имкониятларни тўлалигича ўрганиш ва табиий рекреация сиғимига асосланиб, сой ва ҳавзаларнинг турли қисмларида рекреация мажмуаларини барпо этиш, худудда рекреантлар ва туристлар талабини қондирадиган барча қулайликлар яратиш, худуд иқтисодиётини кўтариш манбаи бўлган рекреация ва туристик ресурсларнинг барча йўналишларини ривожлантириш мумкин.

Рекреация ва туризм соҳаларини ривожлантиришда табиат музейлари ўзининг алоҳида диққатга торттиши, эстетик завқ бериши каби хусусиятлари билан умумий кўринишдан ажралиб туради. Туманда жойлашган табиат обидалари ичида энг қизиқарли, айтилиши мумкин, муҳим аҳамиятга эга бўлганларидан бири ғорлар ҳисобланади. Ғорларнинг инсон ҳаётида муҳимлиги шундан иборатки, улардан чиққан сувларнинг кўплиги ҳар хил касалликларни даволовчи-шифобахшлик хусусиятига эга. Шу ўринда қайд этиш лозимки, ғорлар иклими ер юзидаги бирор жой иқлимига ўхшамайди. Бунинг сабаби, ғорларда турли микроблар ниҳоятда кам бўлиб, тозаллиги жиҳатдан у ўрмон ёки тоғ ҳавосига ўхшаб кетади. Инсонлар ғорларни кўришга борганда ғор ичида ўзининг жуда яхши ҳис қиладилар (Маматкулов М., 1991).

Карст ғорлари Чақилкалон, Омонқўтон, Қоратепа тоғларида кенг тарқалган. Чақилкалон тизмасида карст рельеф шакллари, яъни ғорларнинг ҳосил бўлиши учун барча табиий географик шароитлар етрали. Олиб борилган дала

тадқиқотлари ва илмий адабиётлар таҳлили асосида тўпланган маълумотларга кўра бу тизмада жами 113 та, шундан 75 та вертикал ва 38 та горизонтал карст ғорлари мавжуд эканлиги аниқланди (Марупов В., 2009). Қоратепа тоғларида 23 та ғор аниқланган, улар турли минералларга бойлиги билан аҳамиятлидир. Жумладан, бу ерда ҳар хил минералларга, дарахт ва ҳайвон гавдаларига, гулдаста ва бошқа шунга ўхшаш кўринишларга эга (Маматкулов М., 1991). Ғорлардаги турли хил манзарали кўринишлар туристлар диққатини ўзига жалб этади. Масалан, Амир Темир ғорининг девор шипларини қоплама шакллар билан безалганлиги сайёҳлар учун ажойиб манзарани яратади. Шу боис, ғорлар ғор алпинизми билан шуғулланувчи сайёҳларни қизиқтириши шубҳасиздир.

Ғорлардаги сув ҳар хил беморларни, айниқса, тери касалликларни, буйрак, асаб, ошқозон, юрак хасталикларига дучор бўлган беморларни дарддан қутулишига ёрдам беради. Лекин бундай жойларда даволаниш масканлари ва курортлар барпо этилмаган. Маълумки, ғорларнинг яна бир хусусияти уларнинг ўзига хос совуқхона вазифасини бажаришидир. Қишин-ёзин бир хил ҳароратда бўлганлиги туфайли маҳаллий аҳоли улардан совуқхона сифатида фойдаланиб келган. Ҳозирги иқлим шароитида ғорларда гўшт, ёғ, балиқ, сутқатик, мева ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш имконияти юқори.

Камаргарон, Вағашти, Ғўс, Омонқўтон қишлоқлари устидаги баланд чўкки тизмалар, чуқур даралар, турли шаклдаги ўхшаш қоя тошлар, гидрологик ёдгорликлар, улардаги шифобахш булоқлар, гўзал шаршаралар рекреация объектларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бундай табиат манзаралари атрофида табиатга зарар етказмасдан қисқа муддатли дам олиш ва даволанишни ривожлантиришни мавсум бўйича, хусусан, баҳор, ёз, куз ойларида рекреант ва туристлар салмоғини ошириш мумкин.

Ургут шаҳридаги Юқори чинор тагидан чиқадиган булоқ ҳам ўзига хос гўзал ва

такрорланмасдир. Унинг сув ҳажми 50-60 литр/сек эга. Ушбу булоқ атрофидаги минг йиллик чинорлар сайёҳларнинг қизиқарли масканларига айланган. Келси ва Лев ғорларидаги карст булоқ сувлар, Қайнарбулоқ, Роҳатбулоқ, Музбулоқ ва Алвасти кўллари, Ғўссой, Камангарон-сойларидаги шаршараларни сайёҳлик маршрутларига киритиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса, ўз навбатида, ҳудуднинг текислик, тоғ ва тоғолди геотизимларни ўзига хос рекреация зоналар эканлигини, уларни рекреация ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги экологик ҳолатини, табиий шароитларини рекреация жиҳатидан баҳолаш муҳимлигини кўрсатади.

Ургут туманидаги табиат манзаралари, табиий-тарихий ёдгорликлар, минг йиллик чинорлар, шифобахш булоқ сувлари ва табиат манзаралари тоғ ва тоғолди оралиғида жойлашган бўлиб, сайёҳларни ҳамиша ўзига жалб қилиб келган. Ҳудуднинг табиат манзаралари кенг майдонларни эгаллаганлиги, тоғлардаги булоқ ва чашма сувларини турли минералларга бойлиги туристик базалар ва дам олиш оромгоҳлар қуришга имконият яратади. Чунончи, тоза шифобахш термик ресурсларнинг катталиги ва ажойиб ҳароратга эга бўлган иссиқ кунларнинг кўплиги рекреация-туристик

объектлари шаклланишида катта рол ўйнайди. Бироқ, рекреация салоҳиятини, энг аввало, табиий ландшафт ва табиат ёдгорликларини хилма-хиллиги белгиллайди. Бинобарин, уларнинг атрофлича ўрганиш ва табиий-рекреация сиғимига асосланиб, Чакилкалон, Омонқўтон, Қоратепа тоғларида рекреация мажмуалар барпо этилиши керак. Айни пайтда, ушбу ҳудудларда туристлар талабини қондирадиган барча қулайликлар ва хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳаларини ривожлантириш талаб этилади. Шу мақсадда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳам яхши самара беради. Бу борада эса маҳаллий Ургут аҳолиси катта анъаналарга эга.

Хулоса қилиб айтганда, туманда табиий ресурслардан рекреация мақсадида фойдаланиш имкониятлари юқори. Лекин табиий ресурсларни рекреация нуқтаи назардан баҳолашнинг аниқ мезонлари ишлаб чиқилмаган. Шу сабабдан Ургут тумани ҳудудида дам олиш ва даволанишни ривожлантириш учун рекреация ресурсларининг ҳудудий тарқалишини аниқлаш, рекреация объектлар фаолиятини ўрганиш, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда ландшафт-рекреация карталарини яратиш каби бир қатор масалалар ўз ечимини топиши керак.

Адабиётлар:

1. Мироненко Н.С., Твердохлебов И.Т. Рекреационная география. - М., 1981. - 207с.
2. Котляров Е.А. География отдыха и туризма. -М.: «Мысль». 1978. - 237 с.
3. Солиев А.С., Усмонов М.Р. Туризм географияси (Самарқанд вилояти мисолида). –Самарқанд: СамДУ, 2005. -131 б.
4. Маматкулов М. Ўрта Осиё ғорлари. –Тошкент: “Меҳнат”, 1991. -102 б.
5. Абдужабаров М.А. Карст гор Южного Узбекистана (анализ природных факторов формирования). – Тошкент: “Фан”, 1990. -112 с.

РЕЗЮМЕ

Малые территории республики, в частности, Ургутский туман Самаркандского вилоята обладает богатыми туристско-рекреационными ресурсами. В статье рассматриваются некоторые аспекты использования этих природных возможностей.

Тавсия этувчи:

профессор Солиев А.С.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ТУМАНЛАРИДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИХАТЛАРИ (АРНАСОЙ ТУМАНИ МИСОЛИДА)

Ғаннаров А. Н.

Бугунги кунда, барча мамлакатларда ҳам хусусий сектор иқтисодиётнинг таянчи ҳисобланади. Бизнинг шароитимизда кичик бизнес халқимизнинг турмуш ва хўжалик юритиш тарзига мос соҳа эканлиги алоҳида таъкидланмоқда. Республика ҳукумати бу ҳолатни тўла қўллаб-қувватлаб, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларга кенг имкониятлар яратиб бермоқда, молиявий ва ҳуқуқий рағбатлантирмоқда.

2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши аҳоли ўртасида ўз тадбиркорлиги ва тажрибаси билан халқимиз турмуш тарзини яхшилашга интилувчилар сонини янада орттиради. Зеро, халқимизнинг ўзига хосликларидан бири ўз меҳнати билан фаровон яшашга интилишидир. Бундан ташқари, республикамизнинг турли табиий ва иқтисодий-ижтимоий шароитга эга ҳудудларида кичик ҳажмдаги тадбиркорлик турлари билан шуғулланишнинг имкониятлари бир хил эмас. Айниқса, деҳқончилик ва чорвачилик, баъзи маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳалари ҳудудларнинг табиий ва ижтимоий шароитига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунга кўра, аҳолининг хусусий тадбиркорлик соҳаларида фаолият кўрсатиш имкониятларини географик нуқтаи назардан қиёсий таҳлил қилиш ва ҳулосалар чиқариш мақсадга мувофиқдир. Чунки, республика таркибидаги вилоятлар ўзаро табиий ва иқтисодий-ижтимоий географик жиҳатдан катта тафовутларга эга. Айниқса, ўзлаштирилган чўл ва қадимдан аҳоли яшаб келувчи ҳудудларга эга бўлган Жиззах вилояти туманларида иқтисодиётнинг ушбу соҳасини ривожлантириш имкониятлари турли даражада эканлиги яққол кўринади.

Маълумки, Жиззах вилояти таркибидаги туманларнинг хўжалик тизими

тоғ олди ва чўл шароитига мувофиқ шаклланган. Вилоят хўжалиги асосини қишлоқ хўжалиги ташкил қилади. Табиий шароит туманларда қишлоқ хўжалигининг муайян тармоғини ривожлантиришга имкон беради, хусусан тоғ ва тоғ олди ҳудудларида чорвачилик ва лалмикор дончилик, боғдорчилик давлат ва аҳоли хўжалик фаолиятининг асосини ташкил қилса, чўл туманларида қишлоқ хўжалиги билан бирга турли ишлаб чиқариш соҳаларини кенг ривожлантириш имкониятлари мавжуд.

Собиқ Иттифоқ даврида ушбу туманлар фақат пахтачиликка мослаштирилганлиги барчага маълум. Пахтачиликка мослаштирилган даврларда экин майдонларининг ҳосилдорлиги йиллар давомида пасайиб борган. Қишлоқ хўжалигида экин турларининг кўпайтирилиши, алмашлаб экиш, сувдан самарали фойдаланиш ҳозирги кунда чўл ҳудудлари қишлоқ хўжалиги ва аҳоли турмуш тарзини янгича изга солди. Шу билан бирга турли соҳалар ривожлантириш имкониятларига кенг йўл очилди. Хусусан, ҳар бир туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганлигини эътироф этиш мумкин. Бу борада аҳолига кредитлар ажратиш, фаолиятни кенгайтиришнинг ҳуқуқий ва молиявий асосини яратиш, тадбиркорлик турларини кўпайтириш каби тадбирларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Жиззах вилояти туманларида хусусий тадбиркорликнинг энг кўп тарқалган тури асосан фермер хўжаликлари бўлиб, бошқа соҳаларда масалан савдо, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ҳоказолар бўйича тадбиркорлик субъектлари туманлар иқтисодиётида катта ўрин тутмайди. Бироқ шундай бўлсада, аҳоли даромадларининг ўсиши ва турмуш даражасининг яхшиланишида қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳаларнинг ҳам улуши сезиларлидир. Бунда

туманларда қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳаларда даромад олиш имкониятлари мавжудлиги алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш туманлар ресурс салоҳиятига мувофиқ келиши, тоғ ва тоғ олди туманларида яққол кўзга ташланади. Тоғ ва тоғ олди ҳудудларида чорва ва чорва маҳсулотларини ишлаб чиқаришга

асосланган корхоналар, фермер хўжаликлари, яққа тартибдаги иш олиб борувчилар кўпчиликни ташкил қилади. Лекин, бундай фаолият вилоят табиатига бирмунча зарар келтиради. Шунинг учун, аҳоли хўжалик фаолиятини табиий ресурслардан тўлиқ фойдаланишдан, табиат ва табиий ресурсларни бойитувчи, муҳофаза қилувчи соҳаларга жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Жадвал

Жиззах вилояти туманлари бўйича кичик бизнеснинг ривожланиши ҳақида маълумот (2008 йил)

№	Туманлар	Кичик бизнес корхоналари сони	фермер хўжаликлари сони	Кичик бизнесни ривожлантиришга ажратилган кредитлар, млн. сўм
1	Арнасой	1024	1059	319,4
2	Бахмал	1662	1357	431,8
3	Ғаллорол	2306	1762	1119,6
4	Жиззах	2695	1941	1379,7
5	Дўстлик	1313	978	1102,3
6	Зомин	2285	1893	933,5
7	Зарбдор	1316	1106	894,6
8	Зафаробод	1391	1214	414,0
9	Мирзачўл	1041	904	758,6
10	Пахтакор	1129	877	721,7
11	Фориш	993	606	367,9
12	Янгиобод	482	350	200,9
13	Жиззах ш.	2291	86	4855,3
	Вилоят бўйича	19928	14133	13499,3

Жиззах вилоят ҳокимлиги иқтисодий бўлими маълумотлари асосида тузилди

Жадвалда келтирилган кўрсаткичларнинг катталиги туманлар табиий ресурс салоҳияти ва аҳоли сони билан боғлиқ. Чўл туманларида тадбиркорлик субъектларини шакллантиришнинг турли даражадаги имкониятлари, бу соҳада кишиларнинг қанчалик даромад қила олишлари билан белгиланади. Бинобарин, ҳар бир туманда тадбиркорлик соҳаларини ривожлантириш имкониятлари ҳудудий жиҳатдан таҳлил қилиниши муҳим ҳисобланади. Чунки, баъзи туманлар вилоят марказидан узоқда ва вилоятнинг чекка ҳудудларини ташкил қилади, бу эса туманнинг иқтисодий ривожланишида алоҳидаланиб қолишига

сабаб бўлиши мумкин. Вилоятнинг таркибидаги Мирзачўл ва Арнасой туманлари шундай вазиятда. Шу боис, бундай туманларнинг иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини таҳлил қилиш орқали келажакдаги тараққиётини белгилаб олиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Арнасой тумани Жиззах вилоятининг шимолий қисмида жойлашган, майдони 490 км², аҳоли сони 39117 киши (2010 й). Туман шимоли-шарқдан Мирзачўл тумани, шарқдан Дўстлик тумани, жануби-шарқдан Пахтакор тумани, жанубдан Зафаробод тумани, ғарбдан Фориш тумани ва Арнасой-Айдаркўл кўллари тизими билан чегарадош.

Туман аҳолиси кўп миллатли таркибга эга, ўзбеклар 71% ни ташкил қилади. Маркази Голиблар шаҳарчаси.

Туманда йирик ишлаб чиқариш корхоналари йўқ, барча турдаги саноат маҳсулотлари маҳаллий корхоналар, микрофирмалар ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятида яратилади. Қишлоқ хўжалигида пахтачилик ва ғаллачилик билан бирга полиз, сабзаёт маҳсулотларини етиштириш ривожланган. Ерёнғоқ ва кунжут етиштиришда вилоятда алоҳида ўрин тутади.

Аҳоли даромадлари асосан деҳқончилик ва чорвачилик фаолияти билан боғлиқдир.

Туманда 1266 та юридик шахслар рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 1162 таси хусусий секторни ташкил этади. Жами рўйхатдан ўтган юридик шахслардан 609 таси фаолият юритмоқда. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 2601,9 млн сўм бўлиб, аҳоли жон бошига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 66545 сўмни ташкил қилади.

Арнасой тумани меҳнат ресурсларининг тақсимооти (киши)

Жами аҳоли	39117
- шундан иш билан банд аҳоли сони	14007
- қишлоқ хўжалигида	5876
- шу жумладан фермер хўжаликларида	5763
- транспорт ва алоқада	41
- соғлиқни сақлашда	391
- бошқа ташкилотларда ишлайдиганлар	7258
- хусусий корхоналарда	235
- якка тартибда иш билан шуғулланувчи шахслар	206.

Аҳоли даромадлари турини ишсизликни бутунлай тугатишда якка кўпайтириш ва туман иқтисодий –ижтимоий тартибда иш олиб боровчилар фаолиятини даражасининг кўтариллиши, шунингдек, кенгайтириш алоҳида аҳамиятга эга.

Тумандаги якка тартибда тадбиркорлик тизими

Савдо хизмати	27 та
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси	33 та
Эҳтиёт қисмлар сотиш	2 та
Қассобчилик	7 та
Миллий таом тайёрлаб сотиш	9 та
Музқаймоқ тайёрлаб сотиш	2 та
Нон ишлаб чиқариш	1 та
Тегирмон	37 та
Маиший хизмат кўрсатиш устахонаси	6 та
Суратхоналар	2 та
Сартарош	7 та
Этикдўз	1 та
Дурадгор	2 та
Техник хизмат кўрсатиш устахонаси	6 та
Бошқа хизматлар	64 та

Арнасой туман аҳолисига турли даражада хизмат кўрсатишдан ташқари муайян маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланадиган касаначилик фаолияти аҳоли турмуш шароитининг яхшиланишини таъминлашда бош омил бўлиб қолиши кўп бора таъкидланган ва бу таъкид исботини

топмоқда. Айни вақтда туманда якка тартибда фаолият юритувчилар кўпчиликни ташкил қилмайди.

Кўриниб турибдики, тумандаги якка тартибда фаолият юритиш турлари фақат муайян аҳоли пунктлари доирасида чекланган. Бундай хизматлар турини

кўпайтириш ва фаолият доирасини кенгайтириш туман аҳолисининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида муҳим омил бўлади. Айниқса туманнинг Айдаркўл кўллари тизими билан чегарадошлиги тадбиркорлик ва хизмат кўрсатишнинг янги турларини шакллантиришда катта аҳамиятга эга.

Сув ҳавзасининг табиий ресурслар салоҳиятидан келиб чиқиб, туманда қуйидагича хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик соҳаларини ривожлантириш мумкин:

- Айдаркўл ҳавзасида дам олиш ва экологик туризм, овчилик соҳаларини ривожлантириш ва маҳаллий аҳолининг туристларга хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш;
- Балиқчилик ва балиқ маҳсулотларини тайёрлаш соҳасини шакллантириш;

- Мўйначилик соҳасини шакллантириш;
- Сув ҳавзалари билан боғлиқ паррандачилик (ўрдак, ғоз ва экзотик қўшлар)ни ривожлантириш;

Хусусий тадбиркорлик турларини иқтисодий-ижтимоий тараққиётга таъсир кўрсатадиган даражада ривожлантириш ҳудудларнинг табиий шароити ва табиий ресурсларидан оқилона ва унумли фойдаланиш билан боғлиқ. Бир сўз билан айтганда, табиий –хўжалик районларда мавжуд имкониятларни эътиборга олган ҳолда, муайян турдаги тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириш ва шу билан ушбу туманнинг иқтисодий-ижтимоий қиёфасини (имиджини) яратиш муҳим саналади.

Манбалар:

1. Вилоят ҳокими иқтисодиёт бўлими маълумотлари. 2008 й.
2. Арнасой тумани иқтисодиёт бўлими маълумотлари. 2010 й.

РЕЗЮМЕ

Развитие малого бизнеса и частного предпринимательства особое значение имеет для малых территорий, в частности, для сельских туманов. Эти вопросы анализируются на примере Арнасайского тумана Джизакского вилоята.

Тавсия этувчи:

профессор Солиев А.С.

АҲОЛИ ЎЛИМИ ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Дўсманов Ф.А.

Ҳар бир давлат ва ҳудуднинг ижтимоий-демографик ривожланиши биринчи навбатда аҳолининг табиий кўпайишига боғлиқ. Мазкур жараёнда туғилиш билан бир қаторда аҳоли ўлими ҳам муҳим омиллардан ҳисобланади. Ўлим маълум бир аҳоли ёш гуруҳларининг турли сабаб ва омиллар туфайли ҳаётдан кўз юмиш ҳодисасидир. Илмий манбаларда ушбу омилларни шартли равишда гуруҳларга ажратилади: (эндоген ва экзоген) ички ва ташқи. Ички омилларга турли касалликлар, инсон организмнинг қариши, касалланиши,

ташқи омилларга эса бахтсиз ҳодисалар, урушлар, табиий офатлар қиради.

Ўлим жараёни қатор статистик маълумотлар ва махсус кўрсаткичлар асосида ўрганилади. Ўлимни ўрганишда энг кенг қўлланиладиган кўрсаткич - ўлимнинг умумий коэффицентидир. Бу коэффицент ёрдамида минтақалар, мамлакатларда кечаётган ўлим жараёнини қиёслаш мумкин. Аммо бу коэффицент ўлим жараёнининг муайян аҳоли ёш гуруҳларидаги ижтимоий-демографик жараёнга қанчалик таъсир қилаётганлигини тўлиқ аниқлаб бера олмайди.

Маълумки, ўлим жараёни аҳолининг турли ёш - жинсий таркибида турли даражада содир бўлади ва ишлаб чиқариш кучлари шаклланишига ўзига хос таъсир кўрсатади. Ана шу боис, аҳоли ўлими аҳоли ёш гуруҳлари бўйича алоҳида ўрганилади. Ушбу гуруҳларга эркаклар, аёллар, гўдаклар, меҳнат ёшидаги, репродуктив ёш, қариялар қабили киритилади.

Демографик ривожланиш жараёнида гўдаклар ўлими муҳим ўрин тутди, шу сабабли улар алоҳида ҳисобланади. Гўдаклар ўлими бу бир ёшгача бўлган болалар ўлимидир. Гўдаклар ўлими даражаси мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, санитария-эпидемиология даражаси, аҳолига тиббий хизматлар кўрсатишнинг қай даражада эканлигига бевосита боғлиқдир.

Ўлим кўрсаткичлари инсон ёши ортиб бориши билан паралел равишда ўсиб боради, яъни инсон организми турли касалликларга чидамсиз бўлиб боради. Бунинг натижасида ўлим ҳолатлари янада кўпаяди.

Агарда аҳоли ўлими даражаси аёллар репродуктив даврида ортадиган бўлса, бу албатта туғилиш жараёнида сезилади, яъни репродуктив ёшдаги аёллар салмоғининг камайишига олиб келади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан ортиғи меҳнат қилиш ёшидаги (аёллар 16 - 54, эркаклар 16 - 59 ёш) аҳолига тўғри келади. Мазкур ёш гуруҳида кечаётган ўлим жараёни табиий равишда мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Муайян бир ҳудуд ёки минтақа аҳолиси таркибида қариялар салмоғининг кўплиги ўлим кўрсаткичларига ҳам ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Шу билан бирга аҳоли таркибида ёшлар салмоғининг кўплиги ҳам маълум бир ижтимоий – иқтисодий вазиятда ўлим кўрсаткичларининг паст бўлишига олиб келади. Ўлимни ҳар бир ёш гуруҳлари ва жинслар бўйича ўрганадиган бўлсак, ушбу жараённинг ҳудудлар демографик вазиятидаги роли яққол ифодаланади. Айнан

шунинг учун демографик жараёнларни таҳлил қилишда, хусусан ўлим жараёнини ўрганишда ўлимнинг ёш гуруҳлари коэффиценти ҳисобланади. Бунда ўлим жараёни ҳар бир ёш гуруҳи, ҳатто ҳар бир ёш бўйича ҳам ҳисобланади. Бундай ҳисоб китобларга ҳар бир ёш гуруҳи ёки ҳар бир ёш бўйича ўлганлар сони ва ушбу ёш гуруҳларида ёки шу ёшдаги аҳолининг йиллик ўртача сони керак бўлади.

Аҳоли ўлим даражасига мамлакатдаги ижтимоий иқтисодий вазият, аҳоли турмуш даражаси ва туршум тарзи ҳам бевосита ўз таъсирини ўтказди. Айнан шунинг учун ҳам иқтисодий ривожланган мамлакатларда аҳоли ўртача умр кўриш давомийлиги юқори ва ўлим кўрсаткичлар нисбатан пастроқдир (аҳолиси таркибида қариялар, яъни 60 ёшдан катта бўлган аҳоли салмоғи юқори бўлган давлатларда бу жараён бироз бошқача тусда бўлиши ҳам мумкин). Ривожланаётган давлатларда ижтимоий иқтисодий аҳвол туфайли аҳоли турмуш даражаси ва ўртача умр кўриш давомийлиги пастдир.

XX асрга қадар инсонлар ўлимига асосан урушлар, турли хил касалликлар ва эпидемиялар катта таъсир кўрсатган бўлса, фан-техниканинг ривожланиши билан бу ҳолат анча ўзгарди. Фан техника тараққиёти урушлар, эпидемиялар ва баъзи бахтсиз ходисалар туфайли юз берадиган ўлим ҳолларини кескин камайтирди. Натижада, кўплаб эндигина мустақилликка эришган ривожланаётган давлатларда фан-техника ютуқларининг медицинада жадал қўлланилди, ўлим кўрсаткичлари пасайди ва аҳоли сони жуда тезлик билан ортиб кетди. Бу эса аҳоли такрор барпо бўлишининг 1 босқичидан 2 босқичига ўтишига олиб келди. XX асрнинг охирига келиб ривожланаётган давлатларда аҳолининг табиий ўсиши кескин ортиб кетиши туфайли турли ижтимоий-иқтисодий муаммоларни мамлакатлар олдига қўндаланг қилиб қўйишига сабаб бўлди.

Ўлим ҳолларини турли касалликлар кесимида ўрганиш, маълумотларни таҳлил қилиш ҳам муҳимдир. Бундай тадқиқотлар аҳоли ўлимига қайси касалликлар кўпроқ

сабаб бўлаётганлигини кўрсатади. Бунинг натижасида ушбу касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг клиникаси, ушбу касалликларни даволаш муассасаларининг аҳолини таҳлил қилиш имконини беради ҳамда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг сифати билан боғлиқ муаммолар аниқланади.

XX асрда фан техника ривожланиши, иқтисодийнинг глобаллашуви дунё микёсида аҳоли ўртасида турли касалликлар туфайли юз берадиган ўлим ҳоллари салмоғининг бироз ўсишига олиб келди. Ушбу касалликлар орасида юрак қон томир тизими касалликлари, нафас олиш аъзолари касалликлар натижасида юз берадиган ўлим ҳолларини ошириб юборди.

Аҳоли ўлим кўрсаткичларини ошиб боришида аҳолининг ўртача умр

давомийлиги ҳам таъсир этади. Аҳоли ўртача умр давомийлиги ошиб бориши албатта яхши натижа, бу билан фуқароларнинг соғлиги, турмуш даражаси ортиб бораётганлигини кўриш мумкин. Лекин аҳоли ўртача умр кўриш давомийлигининг ортиб бориши билан паралел равишда туғилиш кўрсаткичлари тушиб кетадиган бўлса (Ғарбий Европа давлатлари каби), бу ҳолат ҳам турли муммоларни келтириб чиқариши табиий ҳол. Бундай муаммолардан энг тарқалгани бу миллатнинг қариши, яъни аҳоли таркибида қарияларнинг салмоғи ортиб кетишидир. Шу билан бирга қарияларнинг салмоғи ортиши бутун ижтимоий инфратузилмани қайтадан кўриб чиқишга, чиқарилаётган махсулот ва тайёрланаётган кадрларнинг турига ўзгартиришлар киритишни талаб қилади.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена некоторым методическим вопросам изучения смертности. Рассматриваются факторы смертности населения.

Тавсия этувчи:

профессор Солиев А.С.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ХУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Мадаминов З.Х., Ҳамроқулова Ш.Э., Аҳмедов Ғ.Й.

Аҳоли турмуш даражаси давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг энг мақбул йўли бўлиб, аҳоли фаровонлигини ошириб бориш ижтимоий ривожланишнинг асосий мақсадидир. “Турмуш даражаси” тушунчаси замонавий талқинда инсон фаолиятининг барча томонларига тааллуқли бўлган кенг қамровли тушунча ҳисобланади.

Турмуш даражаси кенг қамровли тушунча бўлиб, аҳолининг зарурий, моддий ва номоддий неъматлар ҳамда хизматлар билан таъминланганлик ҳолати ва уларни истеъмол қилишни англатади.

Республикамизда аҳолининг моддий, маънавий, ижтимоий эҳтиёжлари қондирилиш даражасини ифодалайдиган "турмуш даражаси" атамаси кенгрок

қўлланилади. Бундай тавсиф кўпроқ турмуш даражаси статистикасини характерлайди. Турмуш даражаси – кўплаб омиллар йиғиндиси таъсирида бўлган ўзгарувчан жараён бўлиб, турмуш даражаси бир томондан, мунтазам ўзгариб турадиган, турли неъматларга бўлган эҳтиёжларнинг таркиби ва даражаси билан, бошқа томондан, эҳтиёжни қондириш имконият-лари, товарлар ва хизматлар бозоридаги ҳолат, аҳоли даромадлари, меҳнаткаш-ларнинг иш ҳақи билан белгиланади. Аммо иш ҳақи миқдори ҳам, турмуш даражаси ҳам ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари самарадорлигининг кўлами, илмий-техник тараққиёт даражаси, аҳолининг маданий-

маърифий савияси ва таркиби, миллий хусусиятлар, сиёсий ҳокимиятга боғлиқ¹.

Республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимиз аҳолиси фаровонлигини яхшилаш ва турмуш даражасини оширишга қаратилган. Ўтган 19 йил давомида аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш, аҳолининг яшаш даражасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилди. Аҳолининг фаровонлигини яхшилаш кўп жиҳатдан мамлакатда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг ривожланганлик даражасига, ички истеъмол бозорининг озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик ҳолатига бевосита алоқадор ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолини нон ва нон маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут қандшакар, ўсимлик мойи, кирсовун, болаларга керакли айрим моллар, коммунал ва транспорт хизматлари учун давлат дотациялари қисман сақлаб турилди. Бу эса мамлакат аҳолисига ижтимоий жиҳатдан катта ёрдам бўлди.

Ислохотларнинг илк босқичида истеъмол молларини сотиб олиш учун бир марта, сўнгра эса кўп марта ишлатиладиган купонларни муомалага киритиш, истеъмол молларини чекланган турларини меъёрланган тарзда сотишни ташкил этиш кўзда тутилган эди. Бу тизим ўзини оқлаб бозорни мустаҳкамлади, савдо тармоқларида барча зарур озиқ-овқат маҳсулотларини ва кундалик харид молларини мунтазам равишда ишлаб чиқаришни таъминлаш, ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирмаслик имкониятларини берди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ўзбекистон моделига мувофиқ ички бозорда халқ истеъмол моллари ва хизматлар нархи бошқа ҳамдўстлик мамлакатларидаги сингари бирданига эркинлаштирилмади, босқичма-босқич амалга оширилди. Биринчи босқич 1991 йилнинг иккинчи ярмидан 1994

йил июль ойигача, яъни миллий валюта киритилгунга қадар, юмшоқ пул-кредит ва бюджет сиёсати заминида даромадни шакллаш соҳасида либерал сиёсат амалга оширилган даврни ўз ичига олади.

Иккинчи босқичда, яъни 1994-1996 йиллар мобайнида, қатъийроқ пул-кредит ва бюджет сиёсати қўлланила бошлаганди. Ислохотларнинг бу босқичида, 1995 йилдан бошлаб озиқ-овқат маҳсулотларини меъёрланган тарзда сотишдан воз кечилди ва эркин нархларга ўтилди. Натижада эса, аҳоли ижтимоий томондан муҳофиза қилинибгина қолмасдан, балки кичик ва ўрта бизнес корхоналарига истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кенгайган тарзда олиб бориш шароит яратиб берди.

Ишлаб чиқаришнинг пасайиши, амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни қайта шакллантириш, яширин ишсизликнинг ўсиши аҳоли кўлидаги реал даромадларга таъсир этди ва улар 1991-1995 йиллар мобайнида амалда икки бараварга пасайди. Айниқса, реал даромадларининг пасайиши бюджет ҳисобидан яшаётган аҳолида намоён бўлди.

Айни пайтда ишбилармонлик фаолияти турларидан олинладиган даромадлар ўсди ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан олинган фойда кўпайди. Аҳоли даромадларининг ортиши иш билан бандлик ошишига олиб келди. Шунингдек халқ истеъмол моллари чиқариш ва бу маҳсулотлар билан аҳолини таъминланиш даражаси ҳам ортди.

Республикада 2009 йилда 8809 млрд сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилган бўлиб, аҳоли жон бошига 317,2 минг сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2002 йилда 1821,2 млрд сўмни ташкил этиб аҳоли жон бошига 72,1 минг сўмдан тўғри келган. Республикада 2009 йилда 2002 йилга нисбатан 4,8 маротаба кўп халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилган (жадвал).

Аҳоли жон бошига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш Андижон вилояти ва Тошкент шаҳрида республика кўрсаткичидан бир неча баробар юқори бўлиб, қолган барча минтақаларда бу ҳолат

¹ Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р. “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси” (ўқув.кўл) – Тошкент., 2004.

мамлакат кўрсаткичидан орқада. Айниқса, Қорақалпоғистон республикаси, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида аҳоли жон

бошига ишлаб чиқарилган халқ истеъмол моллари ҳажми жуда ҳам кам бўлиб, республика даражасидан деярли 3-4 баробар

Жадвал

Ўзбекистон Республикасида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

	2002 й			2009 й			2009 йилда ХИМ ишлаб чиқаришнинг 2002 йилга нис-н ўсиши, марта
	ХИМ ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми, млрд. сўм	Аҳоли жон бошига, минг сўм	Республикага нисбатан индекс	ХИМ ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми, млрд. сўм	Аҳоли жон бошига, минг сўм	Республикага нисбатан индекс	
Ўзбекистон Республикаси	1821,1	72,1	1,000	8809,0	317,4	1,000	4,8 марта
Қорақалпоғистон Республикаси	39,9	25,8	0,358	118,3	72,9	0,229	2,9 м
вилоятлар:							
Андижон	267,4	118,1	1,638	2556,7	1012,8	3,191	9,6 м
Бухоро	160,1	109,2	1,514	495,7	309,8	0,976	3,1 м
Жиззах	41,1	40,6	0,563	132,9	120,0	0,378	3,2 м
Навоий	37,8	47,4	0,657	173,2	204,8	0,645	4,6 м
Наманган	76,7	38,4	0,532	329,5	147,2	0,464	4,3 м
Самарканд	198	71,4	0,986	884,3	286,2	0,902	4,5 м
Сурхондарё	47,4	29,1	0,404	169,3	82,4	0,259	3,6 м
Сирдарё	31,5	47,7	0,661	133,1	187,9	0,592	4,2 м
Тошкент	216,6	90,2	1,251	751,6	297,2	0,936	3,5 м
Фарғона	181,8	66,2	0,918	630,8	206,1	0,649	3,5 м
Хоразм	51,3	37,2	0,516	208,6	134,9	0,425	4,1 м
Қашқадарё	91,1	40,0	0,555	283,2	109,4	0,345	3,1 м
Ташкент ш.	365,1	170,8	2,369	1941,8	874,4	2,754	5,3 м

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

кам. Шунингдек, Шунингдек, Тошкент шаҳрида ҳам халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг энг юқори ўсиш кўрсаткичлари Андижон вилоятида кузатилган бўлиб, вилоятда 2009 йилда 2002 йилга нисбатан 9,6 марта кўп халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилган.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида ҳам халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг энг юқори ўсиш кўрсаткичлари Андижон вилоятида кузатилган бўлиб, вилоятда 2009 йилда 2002 йилга нисбатан 9,6 марта кўп халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилган.

моллари ишлаб чиқариш ўсиш даражаси республика кўрсаткичидан юқори бўлган. Қолган минтақаларда эса бу кўрсаткич республика даражасидан анчагина паст.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркибида Андижон вилояти ва Тошкент шаҳрининг улуши юқори бўлиб, бу икки минтақада 2009 йилда жами шу тармоқ маҳсулотларининг тегишли равишда 29 ва 22 %и ишлаб чиқарилган. Ваҳоланки республика аҳолисининг 9,1 ва 8,0 % и қисми шу ҳудудларга тўғри келади. Демак, ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг ҳудудий мужассамлашув

даражаси бу минтақаларда юқори кўрсаткичларга эга.

Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ушбу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш сустривожланган. Бу ҳудудларда республика аҳолисининг тегишли тарзда 5,8; 4,0 ва 2,5 % аҳолиси истиқомат қилгани ҳолда, халқ истеъмол молларининг 1,3; 1,5 ва 1,5 % и тайёрланади.

Ҳозирги кунда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш мамлакатимизнинг барча ҳудудларида шаклланган бўлсада, бу соҳани янада ривожлантириш ва шу асосда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бўлиб қолаверади.

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р. “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси” (ўқув. кўл) – Тошкент, 2004.
2. Потребление и уровень жизни населения. Межвузовский сборник научных работ по статистике III.-Таллин., 1979.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

РЕЗЮМЕ

В этой статье изучены: производства в Узбекистане народных потребительских товаров, их территориальные особенности; проблемы воздействия производства этих товаров на жизненный уровень населения.

Тавсия этувчи:

доцент Азимов Ш. А.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ РОЛИ

Мирзаева Ш.К.

Ҳозирги иқтисодий шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этишини таъминлаш, уларнинг минтақа ва жаҳон бозорига чиқиши муаммосини ҳал этиш муҳим. Бинобарин, мамлакатимизда фаолият юритаётган кичик корхоналар, микрофирмалар асосан савдосотиқ, хизмат кўрсатиш ва алоқа, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ривожланмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, республика минтақаларида айнан саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш, инновацион технологиялар жорий этиш учун катта имкониятлар мавжуд. Умуман олганда, кичик бизнесни жадал ривожлантириш, ишлаб чиқаришни

маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳаси, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғланган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ва шу асосда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш мамлакат иқтисодий сиёсатининг муҳим устувор вазифаларидан саналади. Хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, иқтисодиётнинг мазкур секторидagi иқтисодий, ташкилий, инфратузилмавий ва бошқа масалаларни атрофлича ўрганиб, ҳал қилинишини тақозо этади.

Бугунги кунда кичик ва хусусий бизнеснинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 50,1 фоизни ташкил этган бўлса (2000

йилда 31 фоиз), бундай корхоналарининг мамлакат экспортидаги улуши 14,3 фоизга етди (2010 йил). Ушбу маълумотлар таҳлилидан кўришиб турибдики, кичик бизнес мамлакат иқтисодиётида тобора етакчи соҳага айланиб бормоқда.

Республикада амалга оширилаётган бундай ислохотлар Тошкент вилоятида ҳам ўз аксини топмоқда. Маълумки, Тошкент вилояти Ўзбекистон Республикасининг кўп тармоқли хўжаликка эга бўлган, саноат салоҳияти юқори минтақаларидан ҳисобланади. Вилоят республиканинг 11,8 фоиз, Тошкент иқтисодий районининг 45,0 фоиз саноат маҳсулотини ишлаб чиқаради. Минтақа саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича мамлакатда учинчи (Қашқадарё ва Андижон вилоятидан кейин) ўринда туради;

республика йирик саноат корхоналарининг 8,1 фоизи унинг ҳиссасига мос келади. 2009 йил маълумотларига кўра, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти 4420,7 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда, ўтган йилга нисбатан ўсиш 9,6 фоиз қайд этилган. Саноат ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши эса 27.5 фоизни ташкил этади. Вилоятда кичик бизнес субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмидаги улуши 51.4 фоизни ташкил этади. Аммо, уларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси камроқ, яъни 16.2 фоиз, экспорт бўйича 12 фоиз даражасида қолмоқда. Демак, бу ерда кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишга эътибор қаратиш лозим.

Жадвал

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг улуши, фоизда (2009 йил)

Кўрсаткичлар	Ўзбекистон Республикаси	Тошкент вилояти
Саноат	16,9	16.2
Қишлоқ хўжалиги	97,9	94.3
Қурилиш	41,6	62.1
Савдо	46,5	41.4
Пуллик хизмат	48,7	53.8

Жадвал ЎзР Давлат статистика қўмитаси ва Тошкент вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғининг ошиши орқали намоён бўлади. Хусусан, мамлакатимизда мазкур соҳанинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2008 йилдаги 13,9 фоиздан 2009 йилда 16,9 фоизга, қишлоқ хўжалигида, тегишли равишда, 97,8 фоиздан 97,9 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмида 48,5 фоиздан 48,7 фоизга қадар ошди. Маълумотлар таҳлилидан кўришиб турибдики, Тошкент вилоят иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг улуши республика даражасидан унчалик фарқ қилмайди. Бунга минтақа иқтисодиётининг кўпроқ оғир саноатга ихтисослашганлиги, турли хил табиий бойликлар (қазилма конлар, рекреация ресурслари ва туризм

имкониятлари) мавжудлиги, юқори иқтисодий ва интеллектуал салоҳият, малакали ишчи кадрларнинг кўплиги ўз таъсирини кўрсатган.

Ўрганилаётган минтақа кичик бизнес субъектларининг ҳудудий таркибида шаҳарлар мутлоқ устунликка эга. Масалан, 2009 йилда мамлакат иқтисодиётига йўналтирилган барча капитал маблағларнинг 32,2 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келган бўлса, унинг 96,8 фоизи шаҳарларда ўзлаштирилган. Бундан ташқари, минтақада фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг 12 фоизи ҳудуддаги катта ва ўрта шаҳарлар ҳиссасига мос келади.

Ҳозирда вилоят шаҳарлари ва шаҳарчаларида 34822 та кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Бироқ, таҳлил этилаётган ҳудудда ташкил этилган

36703 та корхонадан 1181 таси фаолият кўрсатмаётгани ҳам муаммо бўлиб турибди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакатда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг омили сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда. Республиканинг барча вилоятлари каби Тошкент вилоятида ҳам аҳолининг катта қисми меҳнатга лаёқатлилардир. 2010 йилда вилоят доимий аҳолисининг ўртача сони 2568.8 минг киши бўлса, меҳнат ресурслари 1489.4 минг киши қайд этилган.

Вилоятда “Аҳолини иш билан таъминлаш, рақобатни қўллаб-қувватлаш ҳудудий Дастури”га асосан яратилган жами 85333 та янги иш ўринларининг 25563 таси (29.9 фоизи) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тегишлидир (2009 йил). Хусусан, жами янги иш ўринларининг деярли 20.3 фоизи турли шакллардаги уй меҳнатини йўлга қўйиш, 24.2 фоизи хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида, шунингдек, янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқаришларни қайта қуриш ва кенгайтириш, деярли 30 фоизи иш жойларини кўпайтиришнинг кўшимча чоратадбирларини амалга ошириш ҳисобига ташкил этилган. Бунинг натижасида, кичик тадбиркорликда ишлаётганларнинг жами иқтисодийдаги банд бўлганлар сонига нисбатан улуши 2009 йилда 75.6 фоизга етди.

Шу ўринда айтиш жоизки, кейинги йилларда кичик бизнесни ривожлантириш ва молиялаштиришда тижорат банкларининг роли ортиб бормоқда. 2009 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақса-дида 1 трлн. 850 млрд. сўм кредит ажратилган бўлса, унинг 462 млрд. сўми «Микрокредитбанк» ҳиссасига тўғри келди. Шу йили Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки, ХХР Ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар маблағлари ҳисобидан жами 121,8 млн. дол. кредит ресурслари жалб қилинди [1]. Чунончи, 2010 йилда Тошкент вилоятига ажратилган тижорат банклари

кредитлари 138512.0 млн. сўмни ташкил этган ҳолда, асосан кичик корхона ва микрофирмалар, фермер хўжаликлари, уй меҳнатини ташкил этиш мақсадида сарфланган.

Бундан кўринадики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида амал қилмоқда. Бироқ, ҳозирги иқтисодий шароитида вилоят ҳудудида кичик бизнесни ривожлантиришда вужудга келган муаммолар кўп. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин;

- янги иш ўринлари ташкил этишнинг асосий йўналишларидан самарали фойдаланилмаётганлиги;
- қишлоқ туман марказларига инвестиция ресурсларини талаб даражасида жалб этилмаётганлиги ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш муҳитининг такомиллашмаганлиги;
- йирик шаҳарларда кичик бизнес субъектлари ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишини таъминлайдиган чоратадбирларни етарлича амалга оширилмаётганлиги ва шу мақсадга йўналтирилган молиявий маблағларнинг озлиги;
- қишлоқ жойлар ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланиш даражасининг пастлиги ҳамда бу борада том маънодаги бозор муносабатларининг етарли даражада тараққий этмаганлиги ва х.к.

Юқорида кўрсатилган муаммоларни бартараф этиш ва кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, технологик янгилаш учун кредитлар ажратиш, замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш лозим. Шунингдек, шаҳар ва шаҳарчаларнинг мавжуд ишлаб чиқариш базалари асосида кичик корхоналар ташкил этиш, ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтирган корхоналарда маҳаллийлаштириш дастурларини мунтазам тадбиқ этиш, ишлаб чиқариш объектлари атрофида уларга

хизмат қилувчи тармоқларни шакллантириш қўйиш муҳим.
ва ўзаро кооперация алоқаларини йўлга

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 29 январь.

РЕЗЮМЕ

В данной работе основное внимание уделяется развитию малого бизнеса и частного предпринимательства в Ташкентском вилояте

Тавсия этувчи:

профессор Солиев А.С.

ИҚТИСОДИЙ МИКРОРАЙОНЛАРНИНГ ТИПОЛОГИК АСОСЛАРИ

Рахимов А.К.

Вилоят ичидаги туманлар миқёсидаги худудий жамоалар иқтисодий микро-районлар (ИМ) деб аталади. Уларнинг худуди доирасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятининг тизимли интеграллашуви, замон талабларига мос шаҳар ва қишлоқ аҳолиси нисбатининг шаклланиши учун зарурий шарт-шароитлар яратади. Иқтисодий микро-районлар, агар улар шаклланмаётган худудда нисбатан юқори тоифадаги шаҳарлар мавжуд бўлмаса, бир неча маъмурий туманлар доирасида ҳам шаклланиши мумкин. Бундай ҳолларда уларни иқтисодий-географик ўрин иқтисодий ихтисослашувдаги ўхшашликлар ва бошқа шу кабилар бирлаштиради.

Маълумки, иқтисодий ва ижтимоий географияда ҳар қандай тадқиқотнинг ўлчов бирлиги мамлакат-давлат маъмурий-худудий тузилмасига асосланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида иқтисодий районларнинг деярли барча бўлаклари мавжуд бўлиб, иқтисодий микро-районлар-иқтисодий районлар ва подрайонлардан кейинги даражадаги бўлақлардир.

Ўзбекистонда иқтисодий районларнинг ўртача майдони 55,9 минг кв.км га, маъмурий туманларнинг худуди эса ўртача 2,8 минг кв.км га тенг. Иқтисодий

микро-районлар вилоят доирасидаги район деган тушунча мавжуд. Шу билан бирга тадқиқотлар юқорида келтирилган фикрдан фарқ қилувчи ёндошув мавжудлигидан ҳам далолат беради.

Иқтисодий микро-районлар нафақат вилоят ичида, балки бир неча вилоят доирасидаги районлар ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда иқтисодий микро-районлар мамлакат худудига нисбатан анча кам. Бундай ҳолат Республика худудининг марказий ва шимоли-ғарбий қисмлари (Устюрт, Оролбўйи, Қизилқум ва бошқа шу каби худудларни аҳоли ва хўжалик нуқтаи назаридан заиф ўзлаштирилганлиги билан боғланган. «Заиф худуд районлаштирилмайди», - деб таъкидлаган эди, Н.Н.Баранский.

Иқтисодий микро-районларни типларга ажратиш ижтимоий ва иқтисодий географияда жуда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган муаммо ҳисобланади. Чунки, иқтисодий микро-районлаштириш қатор мақсадларни кўзлайди:

Биринчидан, у мамлакат худудини географик нуқтаи назардан тадқиқ этишга ундайди. Мамлакат миқёсида вилоятлар доирасидаги районларни ўрганиш географик тадқиқотларнинг зарурий босқичидир.

Иккинчидан, иқтисодий микрорайонлаштиришга оид меъёрий ҳужжатлар сиёсатни такомиллаштиришда жуда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши билан боғлиқ бўлган ташкилий масалалар қаторида мамлакат ҳудудини районлаштиришни такомиллаштириш муаммоси муҳим ўрин эгаллайди. Аввалги тузумда, Ўзбекистонни иқтисодий микрорайонлаштириш масаласига умуман эътибор берилмаганлиги туфайли бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу, муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Учинчидан, ИМ у ёки бу туман ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт йўналишларини асослашда илмий ишланма сифатида асос қилиб олиниши мумкин.

Тўртинчидан, иқтисодий микрорайонлар типологик кичик ҳудудлар миқёсида ҳудудий бошқаришни ташкил этишда қўл келади. Жаҳон тажрибаси типологияси бўйича тўпланган материаллар ушбу жараён учун учта белги: умумий хусусиятлари, иқтисодий географик ўрнига ҳамда ривожланиш динамикасига кўра амалга оширилганлигини билдиради. Мазкур гуруҳлар, ўз навбатида айрим типологик гуруҳчалардан ташкил топган. Юқорида келтирилган типологик белгилар ичида умумий сифат хусусиятлари асосий ўрин эгаллайди.

Иқтисодий микрорайонларнинг асосий типологик, яъни сифат хусусиятлари қаторига ҳудудни ўзлаштирилганлигининг даражаси ва миқёси, иқтисодий ихтисослашуви, ички транспорти тизимининг ташкил этилганлиги ҳамда аҳолининг турмуш тарзи киради. Бу белгилар ҳар хил аҳамиятга эга. Ҳудуднинг ўзлаштирилганлик миқёси ва даражасини баҳолашда жуда кўп белгилар, хусусан, доимий аҳолиси йўқ, яъни аҳоли манзилдан камида 10 км. узоқда жойлашган ҳудудлар ҳисобга олинади.

Аҳолининг турмуш даражаси ўртача, масалан дунё, минтақа, мамлакат ёки вилоят бўйича аниқланган кўрсаткичларга нисбатан аниқланади. Бунда интеграл кўрсаткич этиб аҳоли жон бошига нисбатан ҳисобланган

ялпи ички (миллий) маҳсулот ёхуд миллий даромад ҳажми қабул қилинади. Ундан ташқари саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига оид маълумотлар ҳам ҳисобга олинади.

Транспорт тармоғи ва турлари билан таъминланганлик даражаси ҳам нисбий кўрсаткич бўлиб, бунда маълум катталиқдаги майдонга тўғри келувчи темир йўл ёки автомобиль йўллариининг узунлиги, қатновнинг серҳаракатлиги ва бошқа кўрсаткичлар ҳисобга олинади. Иқтисодий микрорайонларнинг типларини аниқлашда кўпчилик олим ва тадқиқотчилар ҳудудни учта йирик гуруҳга (А, Б ва В) тақсимланиши йўлини қўллаган (Лейзерович Е.Е.).

А. гуруҳга ўзлаштирилмаган ва илк бор ўзлаштирилган ҳудудлар киритилган бўлиб, улар заҳирадаги, илк ўзлаштирилган, танланма ўзлаштирилган ҳамда экстенсив ҳолда бир меъёردа ўзлаштирилган микрорайонларга бўлинган.

Б. гуруҳга нисбатан бир меъёрдан иқтисодий жиҳатдан ўзлаштирилган ва аҳоли билан таъминланган микрорайонлар киритилган. Бу гуруҳга мансуб микрорайонлар қатори нисбатан бир меъёрдан ўзлаштирилган қишлоқ хўжалиги (чорвачилик-деҳқончилик), нисбатан бир меъёрдан ўзлаштирилган ҳамда қишлоқ хўжалиги билан бир навбатда саноат ҳам муҳим роль ўйнавчи, нисбатан бир меъёрдан ўзлаштирилган ҳамда қишлоқ хўжалигига нисбатан кичик ва ўрта шаҳарчаларда жойлашган саноати устун бўлган, хўжалик фаолияти йирик ва катта шаҳарларда тўпланган микрорайонлардан ташкил топган.

В. гуруҳни ташкил этувчи микрорайонлар нафақат ҳудуднинг бир меъёрдан ўзлаштирилганлиги билан балки, хўжалик фаолиятини катта ва йирик шаҳарларда тўпланганлиги бўйича ажралиб туради. Бундай ҳолат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятини мазкур шаҳарлар атрофида тўпланишини ҳам белгилаб беради.

Иқтисодий географиянинг тадқиқот усулларида кейинги йилларда бўлиб ўтган ижобий ўзгаришлар; яъни янги замонавий усуллар ва ёндошувларнинг (тизимли-

таркибий, моделлаштириш ва бошқалар) фанга тадбиқ этилиши районлаштириш, шу жумладан, иқтисодий микрорайонлаштириш жараёнига жуда катта таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга анъанавий (районлаштириш, энергия ишлаб чиқариш цикллари,

картографик) усулларни юкорида қайд этилган замонавий ёндошувлар билан бирга қўллаш микрорайонларнинг шаклланиши ва ривожланишини яна ҳам самаралироқ тадқиқ этишга имкон бериши мумкин.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена микрорайонированию. Основное внимание уделяется экономическим показателям района.

Тавсия этувчи:

профессор Солиев А.С.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК АСОСИДА УЗУМ ЕТИШТИРИШ ВА УНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ (СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Алланов Қ.А., Сатторов А.У.

Сурхондарё вилояти халқ хўжалигида агросаноат мажмуаси (АСМ) етакчи соҳадир. Унинг барча тармоқларини илмий ва амалий жиҳатдан ривожлантириш ва такомиллаштириш минтақа аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг эса хом-ашёга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Узумчилик вилоят АСМнинг таркибий қисми бўлиб, у кўп қават (босқич)лидир. Ушбу тармоқ асосан узум етиштириш ва уни саноат усулида қайта ишлаш жараёни ўз ичига олади.

Яқин вақтларгача Сурхондарё вилоятида АСМнинг бу тармоғини ҳар жиҳатдан ривожлантириш учун географик омиллар ва иқтисодий имкониятлар кўп бўлишига қарамасдан, у тармоқ ҳамда агросаноат интеграциясининг мустақил шакли (тармоғи) сифатида яхши ривожлантирилмаган эди.

Президентимиз томонидан 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” йили деб эълон қилиниши бу тармоқни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб берди. Эндиликда вилоятда узум етиштириш ва уни қайта ишлаш аҳоли ва давлат эҳтиёжидан келиб чиқиб, тез ривожланиб бормоқда. Етиштирилган узумни хўллагича савдо

шаҳобчалари орқали аҳоли истъмолига етказиш, унинг бир қисмини йил давомида истъмол қилишни назарда тутиб, салқинхона (холодильник)лар ва махсус омборхоналар куриш орқали сақлашга ўтиш, майиз ишлаб чиқаришнинг турли усулларини қўллаш, виноматериаллар ва турли хил ичимликлар ишлаб чиқаришни ташкил қилишни янада ривожлантириш учун вилоятда табиий ва иқтисодий омиллар мавжуд.

Узумчиликда “Узум етиштириш – уни бирламчи қайта ишлаш (яъни вино материаллари ишлаб чиқариш)” - иккиламчи қайта ишлаш (виноматериалларидан ҳар хил спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш) ёки “Узум етиштириш – майиз ишлаб чиқариш”, “Узум етиштириш ҳар хил шарбатли ичимликлар (мураббо, сок ва бошқалар) тайёрлаш” ишларини тадбиркорлар ва фермер хўжаликлари томонидан яна кенг кўламда замонавий технологияларни жорий қилиш орқали олиб бориш ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида долзарб ишлардан ҳисобланади.

Сурхондарё вилояти ер сирти тузилишининг ўзгача хусусиятлари ва экстремал иқлимий шароити узумнинг кеч, ўрта ва эрта пишар навларини районлаштиришга ниҳоятда қулай. Узум қумоқ ва тошлоқ тупроқни, нисбатан қия

бўлган ер сирти тузилиши хусусиятларини ёқтиради. Вилоятнинг эса учдан икки қисми тоғлик ва баландликлардан ташкил топганлиги сабабли бу ҳудудда узумбоп ерлар кўп. Шунингдек, Сурхондарёда мамлакатимизнинг барча минтақаларига ыараганда қуёш нури ер юзасига кўп тушади. Натижада, вилоятда етиштирила-диган ва қуёш нури кўп олган узум қандлилик даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради.

Ҳозирги вақтда мустақил давлатимиз озиқ-овқат дастурини ишлаб чиқаришда ширин-шакар мева-узумнинг хилма-хил навларини етиштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. У халқ хўжалигининг муҳим тармоғи деб қаралмоғи лозим ва узум етиштириш майиз ишлаб чиқариш, виноматериаллар тайёрлаш ҳажми йил сайин кенгайтирилмоғи даркор.

Тоғ ва тоғ ёнбағирларида узумбоп ерларда ташкил қилинган Олтинсой туманида ҳозирда асосий ерлар узумзорларга айлантилди ва қатор узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил қилинди, узум етиштиришни иқтисодиётнинг асосий ишлаб чиқариш тармоғига ўтказилди.

Олтинсой туманининг узумчиликка ихтисослашиши билан ҳамда минтақанинг шимолий, марказий қисмларида жойлашган туманларида узум етиштиришга ихтисос-лашган кўплаб фермер хўжалик-ларининг ташкил қилиниши натижасида узум

етиштириш географияси кейинги йилларда анча кенгайди, ҳажми ортади.

Жадвал маълумотларидан вилоятда сўнгги 10 йилликда узумчиликка катта эътибор берилганлигини ва оқибатда унинг ишлаб чиқариш миқёси ортганлигини кўраимиз. Айниқса, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” йили деб эълон қилинган ушбу йилда узумнинг ялпи ҳосилини истъмоличига етказиш, кўплаб бозорга чиқариш, қайта ишлаш билан боғлиқ бир қатор масалаларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоғи даркор.

Узумнинг табиий хусусияти, яъни унинг ҳар қандай навини узоққа ташиб бўлмаслик (ташиганда унинг ҳосили – доначаларининг бир-бирига урилиб шикастланиши туфайли истъмолича учун яроқсиз холга келиши) ва очиқ ҳавода узоқ сақланган вақтда эса тез ўзгариши (айниши) орқали ўз қиммати (ва, бинобарин, табиий хусусияти)ни йўқотиши узумчиликнинг ўта нозик жиҳатларидир. Шунинг учун ҳам пишган (етилган) узум тез ишлатилиши (истъмолича қилиниши) керак. Уни истъмоличага ўз вақтида етказиб бериш ёки шу жойда барпо қилинган салқинхоналарда сақлаб йил давомида истъмолича қилишни ташкил қилиш бошқа барча меваларга нисбатан анча мураккаб ва меҳнатталабдир.

Узум етиштиришга ўта қулай табиий-географик шароит бўлган Сурхондарёда унинг ҳосилини йиғиб-териб олиш жараёни ўзи билан ҳамоҳанг тарзда махсус транспорт воситаларини, етарли миқдорда ёғоч-

Жадвал

Вилоятда узум етиштиришнинг ўсиши

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	1965	1975	1985	1990	2000	2010
Узумзорлар (минг га)	3,1	4,1	14,2	14,9	15,8	16,9
Шундан: ҳосилга кирган узумзорлар	2,1	3,0	7,3	9,9	10,6	11,9
Узумнинг ялпи ҳосили (минг тонна)	14,3	32,7	77,2	86,6	69,3	87,3
Ҳосилдорлик (ц/га)	68,8	110,7	106,2	87,4	65,4	101,0

яшикчалар тайёрлашни, омбор ва салқинхоналарни қуриш ва мавжудларини таъмирлаб қўйишни тақозо қилади. Айни бир пайтнинг ўзида узум ҳосилини саноат усулида қайта ишлаш ишлари ҳам амалий жиҳатдан тахт қилиб қўйилмоғи лозим,

бунинг учун хусусий тадбиркорлар ва ихтисослашган фермер хўжаликлари қуйидаги ишларни бажаришлари керак, жумладан:

- майиз ишлаб чиқариш учун “Майиз ўчоқ”ларини тайёрлаш, майизни

иссиқ сувда босиб олиш учун ишқор тайёрлаш, майиз қуритадиган майдонларни тайёрлаш;

- янги-янги винпункт ва винозаводлар қуриш, уларни жаҳон стандартларига мос келадиган техник ва технология воситалари билан жиҳозлаш;

- саноат усулида қайта ишланган маҳсулотларни истеъмолчи (ва ташқи бозор)га чиқаришни таъминлаш ва ҳ.к.

Шунингдек, узумчиликнинг истиқболлини назарда тутиб, яна бир қатор тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз, яъни:

✓ **майиз ишлаб чиқариш.** Иссиқ иқлимли Сурхондарё вилояти узум қандлилик даражасининг юқорилиги билан алоҳида ажралиб туради. Майиз эса товар аҳамиятли маҳсулот, у турли халқлар томонидан йил давомида кенг истеъмол

қилинади. Сурхондарёнинг қуёш нуруни кўп сингдирган майизи ўта лаззатли бўлиб, у истеъмолда ҳар қандай ширинликдан қолишмайди. Шунинг учун майиз ишлаб чиқариш миқёсини узум етиштириш ҳажмига мос кўпайтириб бориш зарур. Майиз ишлаб чиқаришда Олтинсой тумани кишлоқларида яратилган асрий тажрибалардан кенг фойдаланиш зарур.

✓ **Ҳар хил ичимликлар ишлаб чиқаришга кўра узум плантацияларини кенгайтириш.** Узум плантацияларини кенгайтириш, узумни қайта ишлаш техника ва технологиясини такомиллаштириш, жаҳондаги энг сифатли спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш вилоят узумчилиги олдидаги бош масалалардан бири бўлмоғи лозим. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бу масала ўта долзарбдир.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены особенности развития малого бизнеса и частного предпринимательства в виноградарстве Сурхондарьинского вилоята. Указываются на основные направления развития этой отрасли.

Тавсия этувчи:

профессор Солиев А.С.

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Утепова Г.Б.

Қишлоқ жойларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, биринчи навбатда аҳолининг анъанавий меҳнат малакасига мос иш билан таъминланганлик даражаси ҳамда унинг ижтимоий муҳофазасига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини нафақат ривожлантириш, балки ундаги аҳолини турмуш даражасини яхшилашга эътибор қаратиш лозим. Қишлоқлар республика саноатини хом ашё билан ҳам таъминлайди ва демографик ривожланишни белгилаб беради. Аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулот-ларига бўлган талабини қондириш, юзага келган экологик вазиятни соғломлаштириш бу омилнинг долзарблигини янада оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов -“...фақат қишлоқни ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш асосидагина иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётига эришиш, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш мумкин”¹ дея таъкидлаган эди.

Мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилишини ҳисобга олсак, қишлоқ хўжалигида ҳукм сураётган ижтимоий вазиятни, иқтисодий ҳолатни ва мавжуд имкониятларни илмий жиҳатдан чуқур

¹ Каримов И.А. Бунёдкорлик-фаровон ҳаёт асоси. -Т.: “Ўзбекистон”, 1995, б.-15.

Ўрганиб, иқтисодий таҳлил қилган ҳолда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш энг муҳим вазифалардан саналади.

Маълумки, аҳоли ва у билан боғлиқ ижтимоий муаммолар нафақат республикамиз, балки бутун дунё давлатларида ҳам долзарб муаммо булиб турибди. Бу муаммоларнинг энг кўзга кўрингани ва асосийси аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш масаласидир. Айниқса, ҳозирги глобаллашув жараёни авж олган шароитда ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини белгилашда аҳолининг иш билан бандлик ва турмуш даражаси кўрсаткичларига ҳам эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган ҳамда парламент палаталари томонидан тасдиқланган 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг аҳамияти бекиёсдир. Чунки, унда вақтинча ишламаётган фуқоралар, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган ёшлар, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар натижасида бўшаб қолаётган ходимлар бандлигини таъминлаш ва бу борадаги мавжуд имкониятлар тўла ҳисобга олинган.

2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури мамлакатимиз тараққиёти учун улкан ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга ҳужжат ҳисобланади. Аввало, ушбу дастурга мувофиқ, жорий йилда мамлакатимизда жами 956,2 мингта янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда. Бунга биринчи навбатда, инвестиция, маҳаллийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тармоқ дастурларини амалга ошириш ҳамда кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига эришиш мўлжалланмоқда. Айни чоғда касаначилик, хунармандчилик ҳамда оилавий тадбиркорликни кенгайтириш, балиқчилик, асаларичилик, мева-сабзавот, шунингдек, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаш-

тирилган фермер, деҳқон хўжалиklarини ташкил қилиш ҳамда ривожлантириш орқали ҳам янги иш жойлари барпо этиш мақсад қилиб олинган. Шу ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бу борадаги имкониятлари кенг эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жаҳонда юз бераётган молиявий-иқтисодий инқироз таъсири шароитида республикамизда аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва турмуш шароитини яхшилаш борасида кенг қамровли ислохатлар олиб борилмоқда. Ушбу бутун дунё молиявий-иқтисодий инқирознинг олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш юзасидан 2009-2012 йилларга мулжалланган «Инқирозга қарши чоралар», «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурлари доирасида қабул қилинган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши иқтисодиёт ва жамият ижтимоий ҳаётини барқарор юқори суръатларда ўсишини таъминламоқда.

Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурслари шаклланиб бориши фақат қишлоқ хўжалиги учун етарлича булиб қолмасдан, балки иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ҳам ортиғи билан таъминлаб бораётгани сир эмас. Шаклланаётган қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурслари сифати ўз навбатида қишлоқ шароитида яратилган ижтимоий инфратузулманинг сифати билан чамбарчас боғлиқдир.

Қишлоқ жойларида аҳоли фаровонлигини ошириш ва ҳудудларда аҳолини иш билан таъминлашнинг самарадорлигини ошириш бош мақсадимизга айланмоқда. Ҳозирда республикамизнинг барча минтақаларида «бандлик» дастурининг мақсадли амалга оширилаётганлиги, янги иш ўринларини яратиш учун иш билан бандликка кўмаклашувчи давлат жамғармаларидан ажратилаётган маблағларнинг мунтазам оширилиб бориши, ҳудудларда микрокредит банкларининг ташкил этилиши асосида аҳоли қатламларига кредитлар бериш тизимининг кенгайиб бораётганлиги ҳамда хорижий

инвестицияларни ушбу соҳага жалб этишнинг сезиларли даражада ўсиши республикада аҳолининг иш билан бандлик даражаси ошиши ва турмуш шароитларининг янада яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш даврида қишлоқларни ривожлантиришнинг ўзига хос йўналишлари белгиланмоқда. Қишлоқлар фақат шаҳар

учун қишлоқ хўжалик хом ашёсини етиштириб берадиган ҳамда меҳнат ресурсларини тайёрлайдиган, номигагина истикболли, аслида ночор аҳволда бўлмаслиги керак. Ваҳоланки, қишлоқ жойлари, унинг аҳолиси ва қишлоқ хўжалиги бутун халқ хўжалиги мажмуининг негизи ва пойдевори, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига асосий таянч бўлмоғи лозим.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бунёдкорлик-фаровон ҳаёт асоси. -Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари” -Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
3. Курбанов К. Территорияльная организация сельского хозяйства.- Т.: “Фан”, 1988.
4. Солиев А.С., Ахмедов Э.А. ва бошқа. Минтақавий иқтисодиёт.-Т.: “Университет”, 2003.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются наиболее важные социально-экономические проблемы занятости населения сельские местности.

Тавсия этувчи:

профессор Қайумов А.А.

БУХОРО ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАСИ ОҚОВА СУВЛАРИНИ ТОЗАЛАШ БИОТЕХНОЛОГИЯСИ

Бўриев С., Ҳайитов Ё., Тўхтаева Г.

Маълумки, табиий ресурсларни, шу жумладан, сув ва сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш ҳозирги кундаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан БМТ томонидан 2003 йил “Чучук сув” йили деб эълон қилинган эди.

Сув ва сув ҳавзалари асосан корхоналардан, шаҳарлардан ҳамда қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан чиқадиган оқова сувларнинг тозаланмасдан ёки чала тозаланиб, ташланиши натижасида ифлосланади. Шаҳарларнинг катталаниши, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар майдонининг ошиб бориши натижасида сувга бўлган талаб янада ортиб боради. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган сувлардан ҳосил бўлган, ифлосланган оқова сувларнинг миқдорининг ортишига олиб келади.

Бухоро вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси маълумотларига кўра, вилоятдаги сув ҳавзаларига ҳар йилига 30 млн. м³ дан ортиқ ифлосланган сувлар ташланади. Ифлосланган сувларнинг таркибида ҳар хил органик ва минерал ҳамда захарли моддалар билан бир қаторда касаллик тарқатувчи бактериялар кўп миқдорда учрайди.

Ҳозирги вақтда Бухоро вилоятидан чиқадиган оқова сувларини тозалаш ва улардан халқ хўжалигида фойдаланишнинг услубларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Оқова сувларни тозалашнинг бир қанча услублари мавжуд: механик, кимёвий, физикавий, биологик ва бошқалар. Улар ичида оқова сувларини тозалашда микроорганизмлар, микроскопик сув ўтлари ҳамда юксак сув ўсимликлари муҳим аҳамиятга эга. Юксак сув ўсимликлари

ёрдамида айрим корхоналарнинг оқова сувларни тозалаш технологиялари ишлаб чиқилган (Р.Шоякубов, 1993, 1995).



Расм 1. Бухоро парандачилик фабрикасига қарашли сув тозалаш иншооти

Бухоро вилояти ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқадиган оқова сувларнинг тозалаш биотехнологиясини яратиш ва улардан халқ хўжалигида фойдаланишнинг илмий асосларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Юксак сув ўсимликлари табиатга кенг тарқалган бўлиб, уларнинг бир нечта турлари мавжуд. Улар асосан сув ҳавзаларида, ҳавза бўйларида ҳам намлик бўлган жойларда фаол ўсиб ривожланади.

1-жадвал

Бухоро парандачилик фабрикаси оқова сувининг физик-кимёвий таркиби

Кўрсаткичлар	Оқова сувнинг таркиби	Экилган ўсимлик миқдори
Ҳарорат t °C	16,5	1 м ² сув юзасига 1,0-1,2 кг
pH	6,0	
Ҳиди, балл	5,0	
Муаллақ моддалар мг/л	155,6	
Сувда эриган кислород, мг/л	Йўқ	
Кислороднинг биокимёвий сарфи мгО ₂ /л	168,4	
Оксидланиш мгО ₂ /л	185,7	
Аммиак, мг/л	4,5	
Нитритлар, мг/л	0,02	
Нитратлар, мг/л	2,5	
Хлоридлар, мг/л	134,0	
Сулфатлар, мг/л	119,0	
Сапрофид бактериялар Хужайралар мл	535000	

Сув ҳавзаларида ўсиб ривожланувчи юксак сув ўсимликлари учта гуруҳга бўлинади, яъни сувнинг остида ўсувчилар, ярим сувда ўсувчилар ҳамда сувнинг юза қисмида ўсувчилардир.

Сувнинг юза қисмида ўсувчи сув ўсимликлари фаол ривожланиб, катта

миқдорда биомасса ҳосил қилганлиги сабабли, улар турли соҳаларда қўлланилмоқда. Буларнинг турлари-азолла, ряска, пистия, эйхорния ва бошқалар табиий сув ҳавзаларида учрайдиган сув ўсимликларидир.

Бухоро парандачилик фабрикаси оқова сувининг физик-кимёвий таркиби

Кўрсаткичлар	Оқова сувнинг таркиби	Экилган ўсимлик миқдори
Ҳарорат t °C	21	1 м ² сув юзасига 7,5-8,0 кг
pH	7,5	
Ҳиди, балл	Йўқ	
Муаллақ моддалар мг/л	12,4	
Сувда эриган кислород, мг/л	9,7	
Кислороднинг биокимёвий сарфи мгО ₂ /л	19,8	
Оксидланиш мгО ₂ /л	27,9	
Аммиак, мг/л	Йўқ	
Нитритлар, мг/л	Йўқ	
Нитратлар, мг/л	80,4	
Хлоридлар, мг/л	77,8	
Сульфатлар, мг/л	2,5	
Сапрофид бактериялар, хужайралар мл	150	

Пистия ва эйхорния ўсимликлари субтропик шароитдан олиб келиниб, Ўзбекистон шароитида ўсиб ривожланишига мослаштирилган.

Пистия ва эйхорния ўсимликларининг оқова сувларда фаол ривожланиб, сувларни ҳар хил ифлосланишдан тозалаш даражаси,

кўпчилик олимлар томонидан ўрганилган. Пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлигининг биологияси, ўсиши, ривожланиши, кўпайиши ҳамда ҳар хил оқова сувларни тозалашдаги аҳамияти профессор Р.Шоякубов (1993) томонидан ўрганилган.



Расм 2. Сув тозалаш иншоотида пистиянинг (*Pistia stratiotes* L.) ўсиб ривожланиши

Тажрибалардан аниқланганки, сув юзасида ўсадиган ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши нафақат озуқа муҳитлари тури, таркибига, балки экиладиган ўсимлик кўчатининг бирламчи зичлигига ҳам боғлиқдир.

Бухоро парандачилик фабрикасидан чиқадиган оқова сувларни тозалаш учун (*Pistia stratiotes* L.) усимлигини оқова сувни

тозаловчи аэротент ва биологик ҳовузга 1 м² сув юзасига 1,0-1,2 кг экилди ва унинг ўсиши ҳамда ривожланиши кузатилди.

Оқова сувнинг таркибидаги асосий кўрсаткичларни ўрганиш натижасида сувда эриган кислороднинг йўқлиги кислороднинг биокимёвий сарфланиши (КБС₅) 168,4 мгО₂/л, оксидланиш даражаси-185,7 мгО₂/л, аммиакнинг-4,5 мг/л, нитритларнинг-0,02

мг/л, нитратларнинг-2,5 мг/л ҳамда сапрофид бактерияларнинг миқдори 535000 хужайра мл эканлиги аниқланди.

Оқова сувга экилган пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлигининг ўсиши ва ривожланиши фаол бўлганлиги кузатиб борилди. 1 м² сув юзасига 1,0 кг экилган. Пистия (*Pistia stratiotes* L.) 10-15 кундан кейин 2,5-3,0 кг ни ва 1 ой ўтгандан кейин 1 м² сув юзасида унинг миқдори (биомасса) 7,5-8,0 кг ни ташкил қилди.

Пистия (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлигининг оқова сувда фаол ўсишига,

сувнинг таркибидаги кимёвий моддалар ва бактериялар салбий таъсир кўрсатгани йўқ. Оқова сувга экилган (*Pistia stratiotes* L.) ўсимлиги фаол ривожланиши билан сувдаги хид йўқолади, сувда эриган кислороднинг миқдори 9,7-10 мг/л гача камайди. Сувдаги аммиак, нитритлар, нитратлар ва бошқа минерал моддлар ўсимлик томонидан ўзлаштирилди.

Оқова сувдаги сапрофит бактериялар миқдори 1 мл дан 150 дона хужайрагача камайгани аниқланди.

Адабиётлар:

1. Бесценная М.А., Орлов В.Г. Использование, преобразование и охрана водных ресурсов. Учебное пособие. – Л.: ЛГМИ, 1979.
2. Методические основы оценки антропогенного влияния на качество поверхностных вод. – Л.: Гидрометеоиздат, 1981.
3. Никаноров А.М. Гидрохимия. – Л.: Гидрометеоиздат, 1989.
4. Руководство по химическому анализу поверхностных вод суши. Под. ред. Семенова А.Д. –Л.: Гидрометеоиздат, 1977.
5. Сманова З.А., Таджимухамедов Х.С., Касымов А.К.. Анализ воды. Учебно-методическое пособие. – Ташкент: Университет, 2008.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены вопросы биотехнологического очищения сточных вод Бухарской птицеводческой фабрики.

Тавсия этувчи:

доцент Азимов Ш.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИЙ-УРБАНИСТИК ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдиева З., Эгамбердиева М.

Ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш даврида республика ҳудудий-урбанистик тизимининг шаклланиши ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиш илмий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Зеро, шаҳарлар ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий негизи ҳисобланиб, улар минтақанинг моддий ишлаб чиқариш, саноат тармоқларини вужудга келиши ва ривожланиш қонуниятларини белгилаб беради.

Табийки, мамлакат миқёсида, унинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида катта

шаҳарлар ўзига хос аҳамиятга эга. Бундай шаҳарлар иқтисодиёти кўп тармоқли мураккаб комплекс ҳисобланиб, узоқ муддат мобайнида, хусусан ишлаб чиқариш ва фан-техника тараққиётининг муайян даражада ривожланиши асосида вужудга келади. Маълум бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида етакчилик вазифасини бажарувчи катта шаҳарларда саноатнинг бир қанча тармоқлари, шунингдек, илмий тадқиқот институтлари, маъмурий, маданий-маърифий ташкилот ва муассасалар мужассамланган ҳолда ривожланади.

Иқтисодий-географик тадқиқот объектлари орасида шаҳарларнинг ўрни худудий меҳнат тақсимотидаги роли билан белгиланади. Чунки, географик меҳнат тақсимоти натижасида худуднинг хўжалик дифференциялашуви юз беради. Бунда иқтисодий районлар ва уларнинг ўзаро иқтисодий алоқаларини бирлаштирувчи тизимлар шаклланади.

Айтиш жоизки, шаҳарлар тизимининг мураккаблашуви, уларнинг иерархиясини (поғонаси) аниқлаш, шаҳарлар ўртасидаги вазифаларни (функцияларни) аниқ тақсимланишига олиб келади. Хусусан, В.В. Покшишевскийнинг фикрича, шаҳарлар минтақанинг иқтисодий бирикуви ва яқинлашувига кўмаклашиши жараёнида воситачи вазифасини бажаради.

Маълумки, ҳар бир мамлакатда худудий меҳнат тақсимотининг ривожланганлиги унинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти худудий урбанистик таркибда ўз аксини топади. “Худудий урбанистик таркиб” тушунчасини фанга таниқли олим И.М.Маергойз томонидан киритилган бўлиб, у турли минтақаларда шаҳарлар тўри, хусусан катта шаҳарлар қай тарзда шаклланган ва ривожланганлиги билан боғлиқ. Ушбу тушунча методологик жиҳатдан, бир томондан тизим-таркиб ёндашувидан келиб чиқса, иккинчидан, у умуман иқтисодий ва ижтимоий география фанида қўлланиладиган хўжаликнинг худудий таркиби, худудий мажмуалар ғояларига ҳамоҳангдир.

Таъкидлаш лозимки, республика ҳукумати томонидан урбанистик тизимни такомиллаштириш юзасидан бир талай ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлда “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктлари маъмурий-худудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бунга кўра, аҳолишунослик масалалари ва БМТ талабларига мос ҳолда шаҳар ва кишлоқ аҳоли пунктларини тўғри ҳисобга олишни таъминлаш асос қилиб олинган. Шунингдек,

қарорда вилоятлар ва ҳокимликлар зиммасига 2000 дан ортиқ киши яшайдиган аҳоли пунктлари ўрганилиб, шаҳарсозлик талабларига мос аҳоли пунктларини шаҳарчалар тоифасига ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган эди. Мазкур қарорнинг бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартда “Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Айни қарорга мувофиқ равишда мамлакатимиздаги шаҳар манзилгоҳлар сони 966 тага кўпайди (жами 1199 та).

Бундан ташқари, белгиланган қарорда аҳоли пунктларига нисбатан қўйиладиган шаҳарсозлик талабларига риоя этилишини таъминлаш ва муҳандислик, транспорт ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни оқилона жойлаштириш масалаларини ҳал этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишлари, шунингдек, шаҳар посёлкалари тоифасига киритилган аҳоли пунктлари номларини “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Қонуннинг кўзда тутилган моддаларига мос ҳолда мувофиқлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш таъкидлаб берилган. Эндиликда мамлакатимиз шаҳарлар географиясида Фарғона (215 та), Қашқадарё (135 та), Наманган (128 та), Сурхондарё (122 та) минтақаларининг салмоғи юқори бўлган ҳолда, аксинча, энг паст урбанистик кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси (38 та) ва Сирдарё (26 та) вилоятларида қайд этилади. Бироқ, шу ўринда қайд этиш керакки, ушбу ўзгаришлар мамлакат худудий-урбанистик тизимига таъсир кўрсатмайди. Сабаби, янги манзилгоҳларнинг деярли 90 фоиздан ортиғи аҳолиси 10 минггача бўлган майда шаҳарчалар ҳисобланади.

Ўзбекистон минтақалари (маъмурий-иқтисодий районлари) катта шаҳарлар билан

турлича таъминланган. Маълумки, геоурбанистикада шаҳарларнинг ўлчами улардаги аҳоли сони билан белгиланади. Умуман олганда, республикамиз минтақалари ҳудудий-урбанистик таркиби, генетик хусусияти, функционал типлари ва катта-кичиклигига кўра фарқланади. 2010 йил 1 январь маълумоти бўйича жами республикамизда 17 та катта, яъни ҳар бирининг аҳолиси 100 минг кишидан зиёд бўлган шаҳарлар мавжуд бўлгани ҳолда, уларнинг зичлиги, ҳудудий тарқалиши ҳар хил. Чунончи, ҳудудий урбанистик таркиб бўйича, энг аввало, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ажралиб туради. Уларнинг ҳар бирида учтадан катта шаҳарлар мавжуд.

Тошкент вилояти ҳудудий-урбанистик таркиб жиҳатдан республикада етакчи ўринда туради. Бинобарин, мазкур ҳудудда жойлашган Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари мамлакат саноатининг йирик марказлари саналади.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мазкур шаҳарларда 433,3 минг киши ёки жами аҳолининг 16,8 фоизи истиқомат қилган ҳолда, бу шаҳар аҳолисининг яқин 50 фоизига мос келади. Чирчиқ аҳоли сонига кўра минтақанинг шаҳарлар иерархиясида “биринчи” (пойтахт Тошкентни ҳисобга олмаганда) шаҳри саналади. Айтиш лозимки, шаҳарнинг республика иқтисодиётидаги ўрни, ишлаб чиқариш салоҳияти, пойтахтга чқинлигини ҳисобга олган ҳолда тўла-тўқис биринчи шаҳар сифатида баҳо берилса бўлади. Ушбу ҳудудга, минтақа жами аҳолисининг 5,6 фоизи, шаҳар аҳолисининг 11,2 фоизи тўғри келади. Ҳудудий-урбанистик таркиб бўйича иккинчи ўринда Ангрен туради, унда жами

шаҳар аҳолисининг 5,5, вилоят аҳолисининг 10,5 фоизи яшайди. Учинчи шаҳар сифатида Олмалиқ шаҳрини қайд этиш мумкин. Шу ўринда айтиш жоизки, ҳар икки шаҳар (Ангрен-Олмалиқ ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси) минтақа, қолаверса, республика иқтисодиётининг муҳим таянч марказлари саналади.

Тошкент вилояти катта шаҳарларининг вужудга келишида ўзига хос хусусият уларнинг жойлашган ўрни, саноатининг тармоқлар таркиби, транспорт ва бошқа инфратузилма тизимининг етарли даражада ривожланганлиги, энергетика ва қурилиш базасининг мавжудлиги каби омиллар билан белгиланади. Ушбу омиллар шаҳарларнинг жадал суръатларда таракқий этишига имкон беради.

Фарғона вилояти ҳудудий-урбанистик таркибида жами аҳоли улуши 654,1 минг кишини ташкил этган ҳолда, бу борадаги энг юқори кетма-кетлик Фарғона (233,1 минг киши), Қўқон (219,9 минг киши), Марғилон (201,1 минг киши)га тегишли. Мазкур вилоят учун Қўқон иккинчи шаҳар саналади. Фарғона ва Қўқон шаҳарлари ўртасидаги аҳоли нисбати деярли 13,2 минг кишини ташкил этади. Иккинчи ва учинчи шаҳар орасидаги кўрсаткич эса 18,8 минг аҳолига мос келади.

Шундай қилиб, ҳозирги иқтисодий шароитда, катта шаҳарлар ўзига хос ва мос функцияларни қанчалик тўлиқ бажараётганлигини ўрганиш масаласи жуда муҳим. Бундай шаҳарлар минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, сиёсий мавқеини ўзгаришида ҳам катта имтиёзларга эга.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены некоторые особенности формирования территориально-урбанистической структуры Узбекистана. Особое внимание уделено системам расселения Ташкентского и Ферганского вилоятов.

Тавсия этувчи:

профессор Солиев А.С.

ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЭКОЛОГИЗАЦИИ ПРОИЗВОДСТВА С УЧЕТОМ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ПРИРОДЫ И ОБЩЕСТВА

Умаров А.

Углубление связей общества и природы, рост потребностей общества в естественных ресурсах и расширение пространственной сферы своей жизнедеятельности населения привели к проявлению другого направления в географии изучению воздействия общества на природу.

Результаты исследований и практика показали большую эффективность таких мероприятий. Благодаря им человек значительно расширил и укрепил свою деятельность, улучшил во много раз свое существование.

Рост масштабов разнообразных хозяйственных воздействий на природу вызвал целый ряд неблагоприятных изменений среды обитания человека. Научной основой оптимизации служит познание общих закономерностей взаимодействия общества и природы и выявление региональных особенностей их проявления. В решении этих вопросов в научной географии сложилось ряд подходов и направлений:

Первое направление взаимосвязей-обмен веществ между обществом и природой. Второе направление взаимосвязей - использование территории, природных ресурсов и их преобразование. Таким образом, важнейшая задача географии - объединение этих подходов, так как в реальной действительности обмен веществами и использование территории тесно взаимосвязаны между собой. Так, например, из общей территории Республики Каракалпакстан благоприятны для хозяйства и людей лишь 21,3% площади, расположенные преимущественно в дельте р. Амударьи. Здесь же разместилась основная часть населения и производства. В то же время главные энергетические источники-сырья находятся на Устюрте и высохшем дне Аральского моря с холодным, жарким и

сухим климатом, а также сложным бездорожьем.

Однако при решении вопросов о развитии в районе тех или иных отраслей производства, строительства дорог, создание новых городов и поселков городского типа, встает проблема оценки природных условий. Она отражается качественно, или количественно. Это наиболее простой, хотя и приближенный, метод оценки.

Более точным, но трудоемким методом оценки является экономическая, особенно стоимостная оценка. Ею выражается величина дополнительных материальных затрат, которые общество производит для преодоления неблагоприятных условий жизни и труда людей, работы предприятий.

Социально-экономическое развитие Республики Каракалпакстан даже в условиях экологической напряженности неразрывно связано с успешным решением рационального использования потенциальных природных ресурсов региона. Однако, это богатство в настоящее время используется недостаточно в связи с высыханием Аральского моря и деградацией природных ресурсов.

Факты подтверждают, что экологическая ситуация не является единственной причиной снижения экономической эффективности производства. Здесь имеют место многочисленные экономические, технические факторы. Поэтому решение этой проблемы должно основываться на научно аргументированной рекомендации, передовом опыте и применении новейшей технологии с учетом вскрытия влияния природной среды на производственных отношений.

Данная проблема особенно актуальна для районов интенсивного поливного земледелия и относительно-высокого прироста населения, где сложная техногенная и антропогенная нагрузки на

окружающую природную среду создает социальную и экологическую напряженность. Вместе с тем дальнейшее воспроизводство производительных сил неминуемо приведет к невосполнимому дефициту основных видов природных ресурсов и, наряду с этим, к недопустимо высокому уровню загрязнения окружающей природной среды (рис. 1).

Поэтому любые меры предосторожности и любой уровень совершенствования производства лишь ослабляют степень воздействия человека на природу, но не ликвидируют опасность ухудшения природной среды.

Как справедливо отмечают, что в последние годы на съездах Географического общества Узбекистана, охрану природы нельзя противопоставлять с развитием производительных сил; в то же время развитие производства, требует обязательного учета экологических принципов и факторов. Поэтому дальнейшее развитие общественного производства немислимо без экологизаций всех его звеньев, так как она связана с научно-техническим прогрессом. Экологизация производства предусматривает внедрение малоотходных и замкнутых технологий, организацию использования отходов одних предприятий другими, а также утилизацию отходов потребления. Наши исследования показывают, что экономическая результативность мероприятий рассчитанных на повышение эффективности отраслей агропромышленного комплекса Каракалпакстана, должна определяться путем составления допустимых критериев воздействия на природную среду.

В этом отношении развитие агропромышленного комплекса в условиях современного научно-технического прогресса выдвигает проблему сочетания роста производства с гармоничным развитием природы и усложняет задачи оптимизации в экологических системах. Поэтому концепция ограниченного развития производительных сил является совершенно неприемлемой и противоречит прогрессу

человеческого общества. В то же время, бесспорно, что при инерционном развитии экологических систем дальнейшее наращивание производительных сил неминуемо приведет к невосполнимому дефициту основных видов природных ресурсов и, наряду с этим, к недопустимо высокому уровню загрязнения окружающей среды.

Как отмечал академик С.С.Шварц, любые меры предосторожности и любой уровень совершенствования производства лишь ослабляют степень воздействия человека на природу, но не ликвидируют опасность ухудшения природной среды¹. Поэтому задачей общества является не «победить» природу, а добиваться оптимизации эколого-экономических систем.

Как известно, развитие производства Каракалпакстана в последние годы шло в агросекторе по пути расширения пашни, сопровождающейся интенсивным мелиоративным строительством и освоением пастбищ. В тоже время в ряде трудоизбыточных районов республики получили преимущественное развитие орошаемое земледелие, отрасли промышленности по переработке сельскохозяйственного сырья и промышленность строительных материалов. В районах же традиционного пастбищного животноводства рост поголовья овец не всегда обеспечивался повышением кормоемкости пастбищ, а в районах рисосеяния прирост посевных площадей сельскохозяйственных культур не соответствовал наличию водных ресурсов. Это приводило к обострению экологической ситуации и снижению экономической эффективности производства. В результате некомплексной пространственной стратегии в отношении региональной экономики в структуре аграрного сектора преобладали акценты монокультурного направления: возделывание хлопчатника, внедрение водоёмких культур, в условиях чрезвычайной


¹ Шварц С.С. Экология человека: новые подходы к проблеме "Человек и природа" – М., 1986, стр.96.

нехватки водоисточников. При этом плодОВОЩЕ-ВОДСТВО, животноводство развивались нерационально без учета соотношений севооборотной культуры и освоения кормовой базы, что привело к усилению напряженности в обеспечении населения продуктами питания, а перерабатывающих отраслей – сырьем. Практически неразвитым во многих хозяйствах осталось возделывание овощебахчевых культур.

Одной из причин образовавшихся диспропорций в развитии аграрного сектора

является преимущественно отраслевой подход к решению хозяйственных задач, недоучет всей глубины рыночных отношений и внутренней специфики регионального социального фактора. Анализ использования созданного в республике производственного потенциала показывает, что в ряде его элементов преобладают экстенсивные тенденции, порожденные недоучетом конкретных условий при развитии и размещении производства и инфраструктурных объектов.

Рис. 1. Фрагментарное представление о загрязнении окружающей среды и воздействия общества на природную среду



Сформировавшаяся на территории Республики Каракалпакстан структура и специализация сельскохозяйственного производства, представленного в основном хлопководством при относительно малом удельном весе люцернового севооборота, является, на наш взгляд, одной из основных причин снижения мелиоративного состояния орошаемых земель и недоборов сельскохозяйственной продукции. Наряду с вышеназванными факторами одним из факторов низкой эффективности общественного производства является его структурная несбалансированность внутри отраслей, преобладание отраслей промышленности по переработке сельскохозяйственного сырья в условиях нехватки сырьевой базы. В результате создаётся дисбаланс на предприятиях,

экономические механизмы пока не срабатывают, а это вызывает неуверенность и неустойчивость в сфере снабжения.

Все это, как нам представляется, является одной из основных причин недоборов продукции, недоиспользования мощностей при высокой трудоизбыточности, очагом обострения экологической напряженности в Каракалпакстане. Поэтому Аральская проблема считается не только сугубо региональной и национальной проблемой, но и имеет международную, глобальную значимость. Она в равной мере относится к числу острейших проблем, затрагивающих интересы всех людей, живущих в этой части мира.

Высыхание Арала особенно сильно отражается на сельско-хозяйственном

комплексе ближайших регионов Приаралья. Например, в Хорезмской области, несмотря на наличие горизонтального дренажа с большой удельной протяженностью, сотен дренирующих скважин, обеспечение сельскохозяйственной техникой, применение высоких доз минеральных удобрений, урожайность агрокультур остается всё ещё низкой. Так, с 1990 по 2009 годы урожайность хлопка снизилась с 33,5 ц/га до 24,8 ц/га; риса с 43,5 до 22,3 ц/га, а овощей и бахчи – соответственно с 135 ц/га до 118,1 ц/га. В Каракалпакстане урожайность хлопка, соответственно, составила 18,4 ц/га, риса – 24,4 ц/га, что почти в 16% меньше,

чем по хлопку и почти два раза – по рису, чем в девяностые годы.

В связи с этим методологической основой решения проблемы сохранения Арала и поэтапного восстановления приоритета народнохозяйственного комплекса Республики Каракалпакстан должны стать научные разработки и принципиальная концепция, выдвинутые в трудах Президента И.А.Каримова для переходного периода к рыночной экономике, и его положения по Аральскому кризису.

В этом видится путь к смягчению экологической напряженности и повышению экономической эффективности производства.

Литература:

- 1.Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.Ўзбекистон, 2009-йил, - 21 бет.
- 2.Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI-века. -Ташкент, 1997.
- 3.Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Тошкент, 1996.
- 4.Каримов И.А. Узбекистан по пути углубления экономических реформ. -Т, 1995.
5. Салиев А.С. и др. Размещение производительных сил в контексте региональной политики // Журнал «Экономический вестник Узбекистана». –Т, 2001. - №6. - С. 44-47.
- 6.Умаров Е.К. Проблемы совершенствования территориальной структуры производительных сил Республики Каракалпакстан. -Нукус, 2009.
- 7.Итоги социально-экономического развития Республики Каракалпакстан за январь-декабрь 2000-2009 гг. –Статический сборник, -Нукус, 2010.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Қорақалпоғистон Республикасида экологик инқирозга оид ишлаб чиқариш соҳаларидан ўрин олган «заиф бўғинлар» ўрганилган ҳамда табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ҳисобга олиб, иқтисодиётнинг самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ қилинган.

Рекомендует:

профессор Салиев А.С.

ОДАМ САВДОСИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН ЖИНОЯТ¹

Ҳамраева Ш.

Фан-техника тараққий этиб бораётган XXI асрга келиб, инсоният олдида халқаро одам савдоси муаммоси дунё халқлари бошига хавф туғдира бошлади. Бу борада инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган дастлабки ҳужжат 1948

йилда қабул қилинган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси ҳисобланади Унинг 3-моддасида “Ҳар бир одам яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир”, 4-моддасида эса ”Ҳеч ким қулликда ёки эркисиз

¹ Ушбу мақола географик нуктаи назардан қисман баҳс-мунозарали бўлиб, унда келтирилган маълумотлар ва фактик рақамлар учун бевосита муаллифнинг ўзи масъулдир (тахририят).

ҳолатда сақланиши мумкин эмас; куллик ва кул савдосининг барча кўринишлари таъқиқланади”, - дейилади.

Одам савдоси бу ўз-ўзидан юз берадиган ёки тасодифий фаолият эмас, балки жуда пухта ташкил этилган жараён дур. Одам савдоси жараёни жиноят фаолиятининг ташкилий даражасига, қонунчиликнинг йўл қўйишига, маҳаллий шарт-шароитлар яратувчи қулайликларга боғлиқ ҳолда фарқланиб туради. Одам савдоси жараёни ҳар доим уч босқичда, яъни ёллаш, ташиш ва эксплуатация жараёнида содир бўлади. Ёллаш – одам савдоси жараёнининг биринчи босқичи бўлиб, қолган икки босқич билан узвий боғлиқ ва кейинги босқичларни амалга ошириш учун қулай шароитлар яратувчи босқич ҳисобланади. Ушбу босқични режали ташкил этилган ва кенг жамоатчилик учун очиқ бўлган маълумотларни тарқатиш, таваққалчи гуруҳлар учун имкониятларни таъминлаш мақсадига қаратилган ижтимоий ва иқтисодий, сиёсий йўллар билан бартараф этиш мумкин. Ёллаш шакли қуйидагича бўлиши мумкин: тўлиқ алдов йўли билан ёллаш, қисман алдов йўли билан ёллаш, куч ишлатиш (зўрлик) йўли билан ёллаш. Ёллашнинг биринчи шакли: бунда алдов йўли билан шахсга ишга жойлаштириш ёки сохта никоҳ ваъда қилинади. Ёлланган шахс маълум бир соҳада ишлашга ишонади, бироқ уни зўрлик йўли асосида бошқа фаолият билан шуғулланишга мажбур қилишади. Ёллашнинг бошқа шаклида эса шахс бўлғуси фаолиятнинг хусусиятларини бир мунча билса-да, бироқ уни ушбу фаолиятни амалга оширувчи шароитлар масаласида алдашади.

Ёллаш номаълум шахслар томонидан ёки дўстлари, жабрланувчининг оила аъзолари, оммавий ахборот воситаларидаги эълонлар орқали ёки сайёҳлик фирмалари, чет элларда ишга жойлаштириш агентликлари, никоҳ агентликлари каби ёки чет элларда ўқиш имкониятини тақдим этувчи фирмалар орқали амалга оширилиши мумкин.

Сўнгги маълумотларга қараганда, 127 мамлакатда одам савдоси юз бериши, 98

мамлакат транзит (бирор мамлакат орқали ўтиш) ва 137 мамлакат одам савдоси манзиллари деб эътироф этилади. “Енгил йўл билан жуда катта бойлик орттириш шарпаси турли мамлакатлардаги жиноятчи унсурларнинг бирлашишига, халқаро жиноий ҳамжамиятлар пайдо бўлишига олиб келишини кўрсатувчи мисоллар бутун дунё амалиётида етарли. Уларнинг фаолият соҳаси барчага маълум: у нопок пул топиш имкони бўлган ҳамма жойда қўлланилади” [5].

БМТининг маълумотида кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 мил. 700 мингта шахс одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Ҳар йили 600 мингтадан 800 мингтагача аёллар ва болалар алдов йўллари билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда [6].

Халқаро экспертларнинг фикрича, одам савдоси жиноятчилиги наркотик ва қурол-яроғ савдосидан ҳам кўпроқ ривожланиб кетиш эҳтимоли мавжуд. Европа Иттифоқининг ташкилий жиноятчилик тўғрисидаги маълумотномасига кўра, одам савдоси – бу халқаро тижорат бўлиб, йилига 8,5 дан 12 миллион еврогача даромад келтиради. Одам савдосига дучор бўлган жабрланувчилар ўз хўжайинлари учун ишлаб беришга мажбурдирлар ва улар одам ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум этиладилар. Бундан одам ҳуқуқлари бўйича универсал шартномалардаги мавжуд ҳуқуқий кафолатлар баъзан ўз ифодасини топмаётганлигини кўрамаиз.

Бугунги кунда трансмиллий жиноятчиликнинг энг хавфли тури одам савдосига қарши курашнинг халқаро ва миллий даражадаги ташкилий-ҳуқуқий механизмини илмий асосда атрофлича таҳлил қилиш мониторингини олиб бориш лозим. Бу соҳадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва амалиёт эҳтиёжларига мувофиқ келадиган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиб, тегишли давлат органларига ҳавола қилиш керак. Маълумки, одам савдоси ниҳоятда ривожланиб бораётган жиноий индустрияга айланиб қолмоқда. Бу эса, дунё ҳамжамияти ҳуқуқ-тартиботи, тинчлиги ва хавфсизлиги учун

жиддий хавф солмоқда. Одам савдоси криминал фаолияти ривожланиб боришининг асосий омилларидан бири-бу амалдаги халқаро ҳуқуқий механизмлар самарадорлигининг етарли эмаслигидадир. Одам савдосига қарши кураш соҳасидаги асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар барча давлатлар, айниқса одам савдосига кўпроқ жалб қилинган мамлакатлар томонидан ратификация қилинмаганлиги, мазкур ҳужжатлар ижроси устидан самарали халқаро-миллий назорат механизмларининг яхши фаолият кўрсатмаётганида деб баҳоланмоқда. Баъзи давлатларнинг миллий-ҳуқуқий механизмларида одам савдоси тушунчаси шаклланмасдан, шунчаки одам савдоси учун жинсий жавобгарлик белгиланиши билан чекланганлиги ҳам одам савдосини бартараф этишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг дастлабки кунларида, қабул қилинган Бош қомусининг 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умумодамий принципларга асосланади, уларга кўра одам, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади” [1] деб дастлабки ҳуқуқий асос яратилди.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида илк бор одам савдосига қарши курашиш мақсадида бундай ҳаракатлар учун жинсий жавобгарлик белгиланди. Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни бажариш мақсадида ҳамда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган қилмиш эканлигини ҳисобга олган ҳолда бундай салбий кўринишларга қарши курашиш борасидаги халқаро ҳамкорликка алоҳида эътиборини қаратиб келмоқда. Жумладан, 1949 йил 2 декабрдаги БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 317/IV сонли резолюцияси билан маъқулланган ва 1951 йил 25 июль куни кучга кирган “Одамлар савдоси ва учинчи шахслар томонидан амалга оширилаётган фоҳишабозликка қарши курашиш” ҳақида

Конвенциясида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 576 – II сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга 2003 йил 12 декабрь куни қўшилган.

БМТнинг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида” [4] ги Конвенциясини тўлдирувчи “Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва унга чек қўйиш ҳамда унинг учун жазолаш тўғрисида” ги кўшимча баённомасида “Одамлар савдоси” тушунчаси илк бор ўзининг расмий изоҳига эга бўлган эди. 2003 йил 12 декабрда БМТнинг 1950 йилда қабул қилинган “Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида” ги Конвенцияга қўшилди.

2008 йил 17 апрелда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди [2]. 2008 йил 8 июлда «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида» [3] ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 911- сонли қарорига биноан, мамлакатимизда одам савдосига қарши курашишни самарали ташкил этиш мақсадида 2008-2010 йилларга мўлжалланган Миллий Режа тузилиб, тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари иш олиб боришмоқда. Аммо шундай бўлишига қарамасдан, бугун халқаро майдонда одам савдоси жиноятчилиги авж олиб боришини назарда тутиб, бу халқаро муаммонинг олдини олишда фақатгина бир давлат ҳудудида эмас, балки халқаро ҳамжамият ҳамкорлигида тадбирлар олиб бориш лозим. “..Жиноятчилик, коррупция бизнинг ўз хавфсизлигимизга ҳам, халқаро хавфсизликка ҳам таҳдид солувчи реал манбадир. Бинобарин, мазкур ҳодисага қарши кураш масалалари биргина бизга тааллуқли эмас. Шунинг учун ҳам биз жиноятчилик ҳақида бутун жаҳон ҳамжамияти қайғурмоғи лозим, деб ҳисоблаймиз” [5].

Баъзи мамлакатларда Конвенциялар ратификация қилинишига қарамасдан, қоғозда қолиб кетяпти, оқибатда ратификация қилинган шартномалар амалиётда ўз самарасини бермаяпти. Натижада, тергов материалларида шахси аниқланмай қолаётган жиноий гуруҳ аъзоларнинг жазодан қутилиб қолаётганлиги, бунинг оқибатида эса, трансмиллий уюшган жиноятнинг илдизига етиб борилмаяпти. Шу нуқтаи назардан одам савдоси жиноятчилигига қарши кураш олиб бораётган ходимлар ва ташкилотлар учун халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини ўрганиш, замонавий босқичда вужудга келаётган ташкилий-ҳуқуқий муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда қўмаклашувчи илмий асосланган таклиф ва тавсиялардан хабардорлигини таъминлашга

қаратилган тадбирлар режалаштирилиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мухтасар хулоса ўрнида, шуни айтмоқчимизки, мамлакатимизда одам савдосига қарши мустақкам халқаро ва миллий қонунчилик яратилган. Аммо, одам, аввало ўзининг ҳуқуқларини тўлиқ билмас экан, ҳеч қандай чора-тадбирлар самара бермайди. Шу нуқтаи назардан ҳар бир жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш орқалигина ушбу иллатнинг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг “Фуқароларимизнинг ҳуқуқбузарликка қарши ички имкониятлари ва юксак даражадаги ахлоқи жиноятчилик ва коррупция жамиятга олиб кирадиган емирлишдан энг яхши ҳимоядир” [5] деган фикрларида чуқур рамзий маъно мужассамлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Тошкент Янги аср авлоди, 2008 йил, 5-б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни, 2008 14.04.ЎРҚ-154-сонли.
3. «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг. 2008 08.07 ПҚ-911-сонли Қарори.
4. БМТ Бош Ассамблеяси 55-сессиясининг 62-режалаштирилган Кенгашида 55\25 сонли резолюция билан қабул қилинган (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь).
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., Ўзбекистон, 1997. – 95 б.
6. Қодиров Р.Одам савдоси умумжаҳон микёсидаги муаммо Халқ сўзи газетаси 2008 йил 17 октябрь; №203.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены некоторые правовые вопросы торговли людьми. Отдельные положения работы требуют дальнейшего исследования.

Тавсия этувчи:

профессор Аббосов С.Б.

УСТОЙЧИВОЕ УПРАВЛЕНИЕ ТРАНСГРАНИЧНЫМИ ВОДНЫМИ РЕСУРСАМИ СТРАН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Бахритдинов Б.А., Асилов Х.

Трансграничные водные ресурсы Центральной Азии состоят в основном из двух главных рек бассейна — Амударья и Сырдарья, делящие свою воду между орошением земель региона и Аральским морем, вместе со своими притоками Вахш,

Пяндж, Сурхандарья, Кафирниган, Зарафшан, Нарын, Чирчик, Карадарья и другие образуют огромную водную систему, входящую в водохозяйственный комплекс бассейна Аральского моря.

На территории бассейна полностью и

частично расположены пять независимых государств, входящих в состав СНГ — Республика Казахстан, Кыргызская Республика, Республика Таджикистан, Туркменистан и Республика Узбекистан, а также часть территории Афганистана. Водные ресурсы Центральной Азии имеют жизненно важное значение для экономики, человека и окружающей среды в регионе. В связи с засушливым климатом, вода для ирригации является необходимым фактором сельскохозяйственного производства. В 2003 г. на орошаемое земледелие приходилось 8% ВВП в Казахстане, 39% в Кыргызстане, 23% в Таджикистане, 25% в Туркменистане и 39% в Узбекистане. В Таджикистане, Туркменистане и Узбекистане от 20 до 40% экспорта составляет хлопок. Жизнь примерно 22 млн. человек прямо или косвенно зависит от орошаемого земледелия.

Вода необходима также для производства электроэнергии: более 90% электричества для бытового потребления в Кыргызстане и Таджикистане вырабатывается гидроэлектростанциями. В крупных городах региона миллионы людей зависят от водоснабжения, причем вода поступает по трубам издалека и нередко для ее подачи для бытовых, промышленных и коммерческих нужд требуется использование насосов.

Правильное ведение водного хозяйства - одна из основных предпосылок сохранения окружающей среды в регионе. Экологические проблемы в настоящее время связаны с увеличением засоленности и низким уровнем грунтовых вод в связи с неблагоприятной практикой ирригации и дренажа. Исчезающее Аральское море - пример разрушения экологической системы в результате неправильного ведения водного хозяйства.

Хотя вопросы совместного трансграничного пользования водными, энергетическими и экологическими ресурсами присутствуют во многих частях света, они приобретают особую остроту в Центральной Азии не только в связи с

географией, но и в связи с относительно недавним созданием национальных границ и отсутствием прецедентов международных переговоров по совместному пользованию ресурсами. Без сомнений, унаследованная региональная инфраструктура водо- и энергоснабжения, которая не принимала во внимание границы республик в то время, образует современные системы регионального управления ресурсами. Сохранение межнациональных границ по сути своей предполагает сохранение и развитие регионального сотрудничества.

Особо следует отметить большое количество плотин и каналов, многие из которых были построены в ходе осуществления советской программы расширения зоны орошаемого земледелия и создания региональных электростанций. Большинство крупных плотин и каналов расположены на трансграничных реках, а это означает, что выгоды от их эксплуатации должны доставаться не только населению в непосредственной близости от плотины, но и населению ниже по течению, и интересы последних не следует исключать. Именно это делает плотины типичным региональным общественным благом.

Для оптимального пользования региональными общественными благами требуются сотрудничество в управлении региональной инфраструктурой и покрытии расходов на ее эксплуатацию и текущий ремонт, а также инвестиции. До 90-х управление региональной водной инфраструктурой осуществлялось централизованно и, эти расходы практически в полном объеме покрывались всесоюзными организациями. Когда республики обрели независимость, управление и техническая эксплуатация плотин и каналов перешли в сферу ответственности самих республик и оказались сильно затрудненными по причине слабого сотрудничества и недостаточного финансирования, которое объяснялось строгими налоговыми ограничениями и отсутствием регионального сотрудничества. В краткосрочной и средней перспективе эта инфраструктура довольно неплохо

функционирует, несмотря на систематическую нехватку инвестиций. Однако в среднесрочной и долгосрочной перспективе отсутствие ремонтных работ и недостаток контроля технического состояния будет подрывать эффективность, безопасность работы плотин и каналов и увеличивать риск аварий. Разрушение плотины может привести к широкомасштабному затоплению с негативными последствиями для людей, животных и инфраструктуры стран и регионов, находящихся ниже по течению. Принцип предоставления региональных общественных благ применим ко многим аспектам региональной водной инфраструктуры, включая основные каналы, которые необходимо эксплуатировать в интересах более чем одной страны (например, Туямунское водохранилище, которое снабжает водой как Туркменистан, так и Узбекистан или Токтогульское водохранилище, которое снабжает водой Узбекистан, Киргизию, Таджикистан и Казахстан). Даже для эксплуатации насосных станций требуется, по меньшей мере, двустороннее соглашение и сотрудничество. Но самым ярким примером необходимости сотрудничества является «комплекс вода-энергия» - межотраслевая и региональная система взаимодействия, напряженность и компромиссы, связанные с совместным использованием воды и энергоресурсов двух крупнейших рек региона - Сырдарья и Амударья.

Вода и гидроэнергетика в Центральной Азии неразрывно связаны, в особенности в бассейне реки Сырдарья. Крупное Токтогульское водохранилище, построенное в середине 1970-х гг. в Кыргызстане на реке Нарын (крупнейший приток Сырдарья), представляет собой многолетнее водохранилище, первоначально созданное для обеспечения равномерного потока воды в засушливые и влажные годы для ирригации посевов хлопка, кормовых злаков, пшеницы, риса, фруктов и овощей в Узбекистане и в южных регионах Казахстана.

Режим эксплуатации предусматривал выпуск из водохранилища 75% ежегодного водотока в летние месяцы (апрель - сентябрь) и ограничения потока до 25% в зимний сезон (октябрь - март). Избыток вырабатываемой летом электроэнергии поступает в центральноазиатскую энергосистему, которой пользуются регионы южного Казахстана и Узбекистана. Поскольку в Кыргызском регионе отсутствуют сколько-нибудь значительные залежи ископаемого топлива, для обеспечения потребности Кыргызстана в электроэнергии и теплоснабжении в зимнее время оно привозилось из казахских и узбекских регионов.

После получения независимости региональное сотрудничество по такой схеме оказалось весьма затруднительным. Торговля энергоресурсами была переведена на коммерческую основу, цены на ископаемое топливо быстро достигли мирового уровня, а оплата все чаще взималась в твердой валюте. Потребители быстро переключились с тепловой энергии на электрическую, тем самым увеличивая потребность в электроэнергии в зимнее время. Кыргызстан не мог позволить себе импортировать топливо и стал увеличивать зимний расход воды из Токтогульского водохранилища для обеспечения своих энергетических нужд; он также сократил спуск воды в летнее время, для того чтобы сэкономить запасы на следующую зиму. В результате Узбекистан и юг Казахстана стали испытывать недостаток воды для ирригации. Поскольку зимой замерзшие водные пути и каналы не способны пропустить такой объем воды, часть ее сбрасывалась в Арнасайскую впадину (пустынный район). В период с 1990 по 2000 гг. летние сбросы воды сократились до 45%, а зимние увеличились до 55% годового спуска. Для решения проблемы в 1992 г. государства Центральной Азии заключили соглашение, оставляющее в силе систему, действовавшую в советское время. Однако это не смогло остановить рост выработки электроэнергии Токтогульским узлом. К 1998 г. уровень воды в

Токтогульском водохранилище достиг рекордно низкого показателя. Вследствие этого государства Центральной Азии заключили новое Долгосрочное рамочное соглашение, в котором признавалось, что годовое и многолетнее хранение воды для ирригации имеет стоимость, которая подлежит компенсации либо по бартеру - в обмен на электроэнергию и топливо, либо деньгами. Однако осуществление ежегодных соглашений, заключаемых в соответствии с новым рамочным соглашением, оказалось неудовлетворительным: в 2002 г. уровень воды в водохранилище вновь упал до недопустимо низкого показателя.

В отличие от конкретных положений Рамочного соглашения, ежегодные соглашения не устанавливали конкретной компенсации за услуги по хранению воды. В них предусматривался лишь обмен избыточного количества электроэнергии из Кыргызстана на соответствующее количество топлива, поставляемое зимой из Казахстана и Узбекистана.

Хотя ситуация в водно-энергетическом комплексе в бассейне Амударьи в целом очень похожа, на данный момент она не столь остра. Однако если в будущем Таджикистан построит крупные плотины на Амударье, развитие ситуации может пойти по очень сходному сценарию с бассейном Сырдарьи. Чтобы осознать всю сложность ситуации в Центральной Азии и потенциальные препятствия на пути регионального сотрудничества в области водопользования и энергетики, необходимо понять отдельные национальные интересы.

Интересы каждой страны формируются, прежде всего следующими факторами: ее географическим положением, относительным политическим весом в регионе, возможностью осуществления односторонних инициатив и наличием природных ресурсов.

Многие экологические проблемы в Центральной Азии тесно связаны с региональными проблемами водо и энергоснабжения. Масштабное использование воды для ирригации привело

к разрушению экосистем, особенно в Аральском море и в дельтах рек. Неэффективное управление ирригационной инфраструктурой приводит к засолению земель, заболачиванию, опустыниванию и деградации экосистем. Экологические изменения, такие как обезлесивание и изменение климата, в свою очередь влияют на формирование речного водотока и наличие водных ресурсов в регионе. Загрязнение окружающей среды усугубляет дефицит воды, поскольку водные ресурсы становятся непригодными для сельскохозяйственных и бытовых нужд.

Основной путь решения проблемы трансграничных водных ресурсов - это создание четкого механизма сотрудничества и управления региональными водными ресурсами.

Необходимость механизма управления региональными водными ресурсами в водном хозяйстве осознавалась с самого момента получения независимости. В 1992 г. была создана Межгосударственная комиссия по координации использования водных ресурсов. Ее цель - разработка политики в области водного хозяйства региона, распределение наличных водных ресурсов на различные цели, определение будущих программ водоснабжения и координация строительства крупнейших проектов. Учитывая сложность, неясность и все растущую уязвимость природных и человеческих систем, руководители водного хозяйства во всем мире признают, что единственным решением является принцип интегрированного управления водными ресурсами (ИУВР), который признает необходимость обеспечения целостной системы защиты. ИУВР способствует не только межотраслевому сотрудничеству, но и согласованному управлению и развитию земельных, водных (поверхностных и подземных) и других связанных ресурсов для максимизации получаемых социальных и экономических выгод на основе справедливости и без ущерба устойчивости экосистем. Принцип ИУВР должен учитывать не только водосбор или бассейн,

но и любую сопредельную прибрежную и морскую среду, также как и интересы верховьев и низовьев в бассейне.

Данный принцип придает особое значение управлению распределением воды

в экологически возможных пределах, с акцентом на три главных аспекта: справедливость, эффективность и экологическая устойчивость.

Литература:

1. Доклад о человеческом развитии в Центральной Азии. ПРООН, 2005; www.un.org/publications.
2. Национальный отчет по компоненту А1, 2001. Проект ГЭФ «Управление водными ресурсами и окружающей средой» (GEF WEMP).
3. Asan Development Bank 2004 b.
4. World Bank 2003c, 2004b, 2004d, 2004i, 2005h, 2007f (для Туркменистана данные за 2001 г.).
5. <http://www.cawater-info.net>
6. <http://www.water.kg>

РЕЗЮМЕ

Мақолада Марказий Осиё мамлакатлари трансчегаравий сув ҳавзалари ресурсларини интеграллашган тизимда барқарор бошқариш масалалари ёритилган.

Рекомендует:

профессор Хикматов Ф.Х.

ЗАРАФШОН ДАРЁСИ ОҚИМИГА ИҚЛИМИЙ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

Ҳайдаров С.А.

Маълумки, Зарафшон дарёси Ўзбекистон ва Тожикистоннинг асосий сув артерияларидан бири ҳисобланади. Шундай экан мазкур дарё оқимидаги ҳар қандай микдорий ўзгаришни баҳолаш, унинг сабабларини аниқлаш ҳар икки республика иқтисодиёти учун жуда катта амалий аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда бутун дунёда иқлим ўзгариши натижасида ҳаво ҳароратининг кўтарилиб бориши кузатилмоқда[2,4,5]. Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши бизнинг регионда қандай оқибатларни келтириб чиқариши ва ундан тегишли хулосаларга келиш жиддий тадқиқотлар ўтказишни талаб этади. Айниқса арид иқлимли ҳисобланган бизнинг мамлакатимизда шундай тадқиқотларнинг ўрни жуда бекиёсдир.

Ўрта Осиё дарёлари оқимини иқлимий омилларга боғлиқ ҳолда ўрганиш собиқ Иттифоқ даврида бошланган. Жумладан В.Л.Шульц, О.П.Шеглова, М.Н.Большаков, Е.В.Петряшова ва бошқаларнинг

тадқиқотлари ана шундай ишларга ёрқин мисолдир. Масалан, М.Н.Большаков ва Е.В.Петряшовалар ушбу масалани Тянь-Шань дарёлари мисолида ўрганишган. Натижада улар ўзлари ўрганган дарёларни учта гуруҳга ажратган. Биринчи гуруҳ дарёларда йиллик оқимнинг ўзгариши атмосфера ёғинлари билан, иккинчи гуруҳ дарёларда – атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳарорати ва учинчи гуруҳ дарёларда эса, асосан, ҳаво ҳароратининг таъсири билан аниқланади.


Ушбу мақолада мазкур муаммолар Зарафшон дарёси мисолида ўрганилди. Ишда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун гидрологик ва метеорологик маълумотлар тўпланди. Улар Зарафшон дарёсининг ўртача ойлик ва йиллик сув сарфлари (Дупули гидрологик пости бўйича) ҳамда ҳавзада жойлашган Дехауз, Шахристон ва Анзоб довларидаги метеорологик станцияларида қайд этилган атмосфера ёғинларининг ойлик

йиғиндиларидир. Бундан ташқари ҳаво ҳарорати “Федченко музлиги” метеорологик станцияси маълумотлари асосида ёритилди. Сув сарфини кузатиш маълумотлари 1914-1990 йилларни, атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳарорати маълумотлари эса 1920-2007 йилларни қамраб олади.

Тўпланган маълумотларни таҳлил қилган ҳолда, уларнинг ҳисоблашларни бажариш учун зарур бўлган, тадқиқот даврига мос қисмигина танлаб олинди. Ҳисоблаш ишларини амалга ошириш учун базавий давр сифатида 1961-1990 йилларни

қамраб олган 30 йиллик оралиқ олинди. Базавий даврни танлашда В.Е.Чуб тадқиқотларига амал қилдик. Шу йиллар оралиғи учун Зарафшон дарёсида ўртача йиллик сув сарфининг энг катта қиймати $Q_{\max} = 201 \text{ м}^3/\text{сек}$ ни, минимал қиймати эса $Q_{\min} = 116 \text{ м}^3/\text{сек}$ ни ташкил этди.


Маълумки, дарё оқимининг ҳосил бўлишида қишки (асосан қор) ва ёзги (асосан ёмғир) ёғинларнинг таъсири турлича бўлади. Шунини назарда тутиб, йиллик ёғинлар йиғиндиси ($\sum X_{\text{й}}$) ни иккига, яъни ёзги ($\sum X_{\text{ё}}$) ва қишки ($\sum X_{\text{к}}$) ёғинларга бўлдик.



1-расм. “Федченко музлиги” метеорологик станциясида турли ҳисоб даврлари (апрель-сентябр ва июнь-сентябр) учун ҳаво ҳароратлари орасидаги боғланиш графиги

Тадқиқотлар (В.Л.Шульц, 1965; О.П.Шеглова, 1960)дан маълумки, Зарафшон Ўрта Осиёдаги ўзига хос дарёлардан бўлиб, музликлар ва қор сувларидан тўйинадиган дарёлар типига киради. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, дарёларнинг йиллик оқим миқдори ҳавзадаги ёзги ҳаво

ҳарорати (t_{IV-IX} ёки t_{VI-IX})га бевосита боғлиқдир. Шу туфайли ҳисоблашларда Федченко музлигидаги ҳаво ҳарорати кўрсаткичлари апрел-сентябр (t_{IV-IX}) ва июнь-сентябрь (t_{VI-IX}) ойлари қамраб олган оралиқлар учун аниқланди.



2-расм. Зарафшон (Дупули) дарёси йиллик оқими билан ҳаво ҳароратининг тебраниши

Мазкур икки хиллик, тадқиқотларни олиб боришда хатоликка олиб келмайдими, деган савол туғилиши мумкин. Махсус

ҳисоблашлар шунини кўрсатдики, улар деярли бир хил натижага олиб келди. Бунинг исботи

сифатида $t_{IV-IX} = f(t_{VI-IX})$ боғланишни кўриб чиқиш ўринлидир (1-расм).

Ушбу графикдан кўриниб турибдики, икки ўзгарувчи ўртасидаги боғланиш жуда юқори ($R=0,94$). Бундан келиб чиқадики, ҳар икки ҳолда ҳам олинган натижа бир-бирини такрорлайди. Кўрсаткичлар ўртасидаги

$$Q_{Дун} = f\left(\sum X_{X-III}\right) \left(\sum X_{IV-IX}\right)_{Дех} \left(\sum_{i=1}^N t_{VI-IX}\right)_{Фед} ;$$

$$Q_{Дун} = f\left(\sum X_{X-III}\right) \left(\sum X_{IV-IX}\right)_{Анз} \left(\sum_{i=1}^N t_{VI-IX}\right)_{Фед} ;$$

$$Q_{Дун} = f\left(\sum X_{X-III}\right) \left(\sum X_{IV-IX}\right)_{Шахр} \left(\sum_{i=1}^N t_{VI-IX}\right)_{Фед} ,$$

бу ерда $Q_{Дун}$ - Зарафшон дарёсининг ўртача йиллик сув сарфи, $\left(\sum X_{X-III}\right)$ ва $\left(\sum X_{IV-IX}\right)$ - мос равишда Дехауз, Анзоб давони ва Шахристон метеостанцияларидаги олинган қишки ва ёзги ёғинларнинг йиғиндиси, $\left(\sum_{i=1}^N t_{VI-IX}\right)_{Фед}$ - “Федченко музлиги” метеорологик станциясида қайд этилган ҳаво ҳароратлари йиғиндиси.

Бундан ташқари Дехауз, Анзоб давони ва Шахристон метеорологик станцияларининг айнан шу даврга тегишли бўлган маълумотларининг ўртача қийматлари олиниб, улардан алоҳида

боғланишни Г.А.Алексеев томонидан таклиф этилган объектив тенглаштириш ва нормаллаштириш усули асосида баҳоладик.

Ўзгарувчилар сони тўртта бўлгани ҳолда 3та метеостанция (Дехауз, Шахристон, Анзоб)ни эътиборга олиб, қуйидаги ҳисоблашлар бажарилди;

Ўзгарувчилар сифатида фойдаланилди ва қуйидаги боғланиш ҳисобланди:

$$Q_{Дун} = f\left(\sum X_{X-III}, \sum X_{IV-IX}, \sum t_{VI-IX}\right) ,$$

бу ерда $Q_{Дун}$ - Зарафшон дарёсининг ўртача йиллик сув сарфи, $\left(\sum X_{X-III}, \sum X_{IV-IX}\right)$ равишда Дехауз, Анзоб ва Шахристон метеостанцияларидан олинган қишки ва ёзги ёғинларнинг йиғиндисининг ўртача қийматлари, $\sum t_{VI-IX}$ - Федченко музлиги метеостанциясидан олинган ҳаво ҳароратлари йиғиндиси. Ҳисоблашлар натижалари қуйидаги жадвалда келтирилди.

Жадвал

Зарафшон дарёси йиллик оқими билан иқлимий омиллар орасидаги боғланишни ифодаловчи статистик кўрсаткичлар

Т.р	Боғланиш тури	Тўлиқ корреляция коэффициентлари	Жуфт корреляция коэффициентлари		
			r_{01}	r_{02}	r_{03}
1	$Q_{Дун} = f\left(\sum X_{X-III}\right) \left(\sum X_{IV-IX}\right)_{Дех} \left(\sum_{i=1}^N t_{VI-IX}\right)_{Фед}$	0,68	0,62	0,21	0,46
2	$Q_{Дун} = f\left(\sum X_{X-III}\right) \left(\sum X_{IV-IX}\right)_{Анз} \left(\sum_{i=1}^N t_{VI-IX}\right)_{Фед}$	0,49	0,33	0,21	0,46
3	$Q_{Дун} = f\left(\sum X_{X-III}\right) \left(\sum X_{IV-IX}\right)_{Шахр} \left(\sum_{i=1}^N t_{VI-IX}\right)_{Фед}$	0,70	0,56	0,03	0,46
4	$Q_{Дун} = f\left(\sum X_{X-III}, \sum X_{IV-IX}, \sum t_{VI-IX}\right)$	0,69	0,65	0,15	0,46

Жадвалдан кўриниб турибдики, тўлиқ корреляция коэффициентларининг қийматлари 0,49-0,70 оралиғида ўзгаради. Қайд этиш лозимки, 1,3,4 - турдаги боғланишларда уларнинг қийматлари деярли бир хилдир. Бироқ 2-турдаги боғланишда тўлиқ корреляция коэффициентининг қиймати 0,49 га тенг бўлиб, унинг сабаби Зарафшон дарёси учун Анзоб давони

кузатиш пункти маълумотларининг репрезентатив эмаслигидадир.

Жуфт корреляция коэффициентлари (r_{01} ва r_{02}) сув сарфи (Q) билан атмосфера ёғинлари (X) орасидаги боғланишларни ифодалайди. Жадвалдан кўриниб турибдики, r_{01} нинг қийматлари 0,33-0,65 оралиқда ўзгаради. Унинг сабабларини ўрганиб чиқадиган бўлсак, бу ерда қишки ёғинларнинг қийматлари 1,3,4 - тур

боғланишларда Зарафшон дарёси оқимининг ҳосил бўлишида катта аҳамиятга эга эканлигини исботлайди. Кичик қиймат (0,33) Анзоб давонига тегишли бўлиб, юқорида айтиб ўтганимиздек, Зарафшон дарёси оқимида унинг аҳамияти нисбатан камлигини кўрсатади. Дарё оқими билан ёзги ёғинлар орасидаги боғланишни ифодалайдиган r_{02} нинг қийматларига келадиган бўлсак, у 0,03-0,21 оралиқда ўзгаради. Бинобарин, Зарафшон дарёси оқимининг ҳосил бўлишида ёзги ёғинларнинг ҳиссаси анча кичикдир. Дарё оқимининг ҳосил бўлишида ҳаво

ҳароратининг таъсири r_{03} орқали ифодаланади. Унинг қийматлари, жадвалдан кўришиб турибдики, бир хилдир. Чунки, биз барча турдаги ҳисоблашларда ягона метеорологик станция - “Федченко музлиги” маълумотларидан фойдаландик.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Зарафшон дарёси оқимининг ҳосил бўлишида ҳаво ҳарорати ва қишки атмосфера ёғинларининг таъсири анча сезиларлидир. Шу туфайли атмосфера ёғинлари миқдори ва ҳаво ҳароратининг йиллараро ўзгариши дарё оқимининг йиллик кўрсаткичлари тебранишларида акс этади.

Адабиётлар:

1. Большаков М.Н. Водные ресурсы рек Советского Тянь-Шаня и методы их расчета. - Фрунзе: Илим, 1974. - 306 с.
2. Ососкова Т.А., Хикматов Ф.Х., Чуб В.Е. Изменение климата. Специальный курс для студентов высших учебных заведений Республики Узбекистан. – Ташкент, 2005. -40 с.
3. Петряшова Е.В. К вопросу о многолетних колебаниях стока рек разного типа питания на примере Киргизии // Изв. Кирг. ГО. - 1966. - Вып. 6. - С. 21-28.
4. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики Узбекистан. - Ташкент: САНИГМИ, 2000. - 252 с.
5. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на гидрометеорологические процессы, агроклиматические и водные ресурсы Республики Узбекистан. -Ташкент: НИГМИ, 2007. -132 с.
6. Шульц В.Л. Реки Средней Азии. Ч. 1,2. - Л.: Гидрометеоздат, 1965. - 691 с.
7. Щеглова О.П. Питание рек Средней Азии. -Ташкент: Изд-во Сам ГУ, 1960. - 243 с.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена изучению роли климатических факторов – атмосферных осадков разных сезонов и температуры воздуха в формировании стока р. Зарафшан.

Тавсия этувчи:

профессор Хикматов Ф.Х.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАДИМГИ СУВ ОМБОРЛАРИ ГЕОГРАФИЯСИНИ ТОПОНИМИК МАЪЛУМОТЛАР АСОСИДА ТАДҚИҚ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Низомов А., Хайитбоева Г.

Республикамиз ва унга ёндош худудларда мавжуд бўлган қадимги сув омборлари ҳақидаги айрим маълумотлар юнон тарихчиси ва географи Герадот, Я.Ғуломов (1957), А.Мухаммаджонов (1967), Ф.Хикматов (2003), Д.Нозилов (2002), А.Низомов (2008) ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Лекин, ушбу турдаги қадимги гидротехник ишноотларнинг географик тарқалиш хусусиятлари етарлича

ўрганилмаган. Бунга сабаб, қадимги сув омборлари хусусидаги илмий маълумотларнинг камлиги ҳамда даврлар ўтиши билан уларнинг иншоот тарзида (айримларидан ташқари) сақланмаганлигидир. Шундай бўлсада қадимги сув омборларига оид айрим маълумотларнинг топонимик атамаларнинг нодир сўз ёдгорликлари тарзида сақланиб қолиши,

уларни ўрганиш учун маълум имконият яратиб беради.

Сув омборлари тузилишига кўра икки қисмдан иборат бўлади: а) коса, яъни сув тўпланадиган ва б) сув йўлини тўсиб турадиган қисмлар.

Қадимги сув омборларининг асосий, яъни коса қисми «к ў л» тушунчаси билан ифодаланиши хусусиятлидир. Бу атама ўрганилаётган ҳудудда қадимда сув омборининг мавжуд бўлганлигини англатади.

Фикримизнинг далили сифатида қайд этиш лозимки, Нурота тизмасининг жанубий ён бағридаги Тўсинсой дарёси ва Кўлтўсин қишлоғи шу тарзда шаклланган топонимлардир. Ушбу манзилда замонамизда Тўсинсой сув омбори қурилган. Аммо, тарихий ривоятларга кўра, ҳозирги Тўсинсой сув омборидан юқорироқда қадимги сув омборининг Тўсини, яъни тўғони мавжуд бўлган. Ушбу ҳолат билан боғлиқ равишда, Тўсинсой атамаси ҳосил бўлиб, қадимги сув омбори бўйида эса Кўлтўсин қишлоғи шаклланган. Ушбу атама икки ўзакдан ташкил топган бўлиб, «К ў л» - сув омбори косасига сувнинг тўпланганлигидан, «Тўсин» эса дарё ўзани сунъий равишда тўсилганлигидан дарак беради. Демак, топонимик атамалар республикамиз ва унга ёндош ҳудудларда қадимги сув омборлари биз ўрганганлардан [1] бир мунча кўпроқ эканлигини билдиради.

Қизиқарлиси, сув омборлари косасига сув тўпланишдан ҳосил бўлган ҳавзанинг «К ў л» деб аталишидир. Бу ҳақда айрим ёзма манбалар ҳам гувоҳлик беради. Жумладан, эрамиздан олдинги III асрлар, балки ундан ҳам олдинги даврларда қурилган сув омборларини «К ў л» атамаси билан номланишини кўрамиз. Бу ҳақда юнон тарихчиси ва географи Геродот шундай хабар беради: “Арангларда атрофи тоғлар билан ўралган водий бор. Бу ҳудудлар Хоразмликларга қарашли бўлган. Подшоҳ сувнинг тоғлардан чиқадиган жойини тўсиб қўйиб, ҳар бирида дарвоза қурдирди, сувнинг чиқиб кетадиган йўли беркитилди ва тоғлар орасидаги водий кўлга айланди,

чунки сув кирарди-ю чиқиб кета олмас эди” (Геродот 1964 стр. 117). Бу ерда ҳам тўғондарвоза, сувга тўлган сув омбори эса, «К ў л» атамаси тарзида ифода этилаётганлигини кўрамиз, аммо иншоот жойлашган нуқта топоним мазмунига кўчмаган, ёки кўчган бўлсада, у бизнинг давримизга қадар етиб келмаган. Я.Ғуломов фикрига кўра ушбу ҳудуд Туркманистонга ёндош Херируд дарёси водийларига тўғри келади. Грек муаллифи уни Ак-Аракс билан адаштириб Ак-Акес дея Окус-Ўкўз-Амударё билан алмаштириб юборган (Я.Ғуломов – 37-б).

Сув омбори тушунчаси халқ термин сифатида бирмунча кейинроқ шаклланди. Қадимда у «Сувхона» атамаси билан ифодаланган, ёки барча сув тўпланадиган иншоотлар «сувхона» тушунчаси орқали ифода қилинган. Хусусан X асрларда ушбу халқ терминининг мавжуд бўлганлиги аниқдир. Чунки, ўрта асрларда қарвон йўллари бўйлаб, йўловчилар чанқоқларини қондириш учун сувхоналар қурилган (Махмуд Қошғарий 1963. 186-б). Бу ерда, Махмуд Қошғарий “сувхона” атамаси асосида кичик сув омборлар, сардобалар ёки сакияларга ишора қилаётганини аниқлаш мумкин.

Аммо сўз қадимги сув омборларининг тарқалиши ва тарихий даврларда уларнинг маълум атамалар остида аталиши хусусида кетаётганлиги учун ушбу фикрни келтирдик.

Хусусан сувхона атамасига ўхшаш тарзда «селхона»-сел суви тўпланадиган жойларнинг сув омбор тарзида мавжуд бўлганлиги хусусида замонамизда ҳам айрим топонимларнинг сақланиб қолганлиги фикримизни янада жонлантиради. Чунончи нафақат қадимда, балки бизнинг давримизда ҳам сув омборларининг замонавий бир нечта тури “селхона”, ёки рус тилида «селохранилище» деб аталади. Қадимда ҳам сел кўп келадиган кичик сойлар тўсилиб, селхоналар қурилган. Улар сув омборларига нисбатан бирмунча кичикроқ кулфакли ховузларга нисбатан эса, каттароқ ўлчамда бўлиб, кўпроқ сув тўплаш имкониятига эга бўлган. Бизнинг давримизда қадимги селхоналар гидротехник иншоот сифатида

тугал йўқолиб кетган бўлсада айрим жойларда уларнинг номлари топонимик атамалар тарзида сақланиб қолган. Жумладан Наманган вилоятининг Чуст туманида Селхона номли гидроним – сой мавжуд. Сурхондарё вилоятининг, Боботоғ этагидаги дарё ва қишлоқ “Селгя” номи билан аталган. Кўклам ёки куз фасллари келадиган сойлик ва шунингдек, дарё оғзида сел олиб келган лойқа кумлардан иборат унумдор ерлар селга ёки селга ерлари деб аталади. Селга, тўғрироқ шакли селгоҳ-«сел» ва ҳаракат жойи аффикси «гоҳ» кўшимчасидан таркиб топган (С.Қораев – 1978, 110 б). Бундай унумдор ерлар аслида собиқ селхонанинг коса қисмидир. Унинг тагига тўпланган лойқа, йиллар давомида қалинлашиб, унумдор тупроқни ташкил этади. Селхоналар гидротехник иншоотлар, сел кучига узоқ бардош бера олмаганлиги учун, муваққат сув тўпланадиган худудлар куруқликка айланиб, селхоналарнинг номигина сақланиб қолиш ҳолати кўп учрайди. Селхона топонимига жуда ўхшаш тарзда селгоҳ гидронимининг Тожикистон Республикаси Панж туманида қишлоқ шаклланиши фикримизнинг далилидир. Селсой (Нурота тоғи), Селроҳа (Жанубий Тожикистондаги минерал булоқнинг номи), яъни селнинг йўли каби мазмун берувчи

топонимлар эса, сел кўп оқиб ўтадиган ва махсус тўпланадиган сойларга нисбатан шаклланган гидронимлардир.

Сув омборларининг иккинчи қисми – сув оқимини тўсиб турувчи иншоот тарзида намоён бўлади ва «Банд» кўринишида халқ термини орқали ифода этилади. Республикамизда бандлар туркий, суғдий, форсий, арабий ўзакдан иборат бўлган, ўн иккита тушунча халқ термини орқали ўз ифодасини топади: банд, сарбанд, тўғон, тўсин, дам, дамба, бўғит, баст, варғ, рас ал-варғ, дарғ, дарғат шулар жумласидан бўлиб, уларнинг барчаси ҳам сув йўлини тўсиш аҳамиятига эгадир. Ушбу ҳолат юртимизда сувдан фойдаланиш маданиятининг нақадар кўхна, ҳамда юксак даражада ривожланганлигидан дарак беради. Чунки, қаердаким сувдан фойдаланиш маданияти юқори бўлса, унга боғлиқ ҳолда шаклланган кадриятлар тури ҳам ранг-баранг бўлади.

Демак, ушбу қадимги гидротехник иншоотлар номи ўзакларида акс этган топонимлар жойлашган нуқталарда кўшимча илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш орқалигина тарихий даврларда сув омборлар мавжуд бўлганлигини тасдиқловчи маълумотларга эга бўлиш имкониятлари мавжуд.

Адабиётлар:

1. Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. –Тошкент: ФАН, 1957. – Б. 37.
2. Муҳаммаджонов А. Қадимги сув иншоотлари тарихидан. -Тошкент: ФАН, 1968. – Б. 16.
3. Муҳаммаджонов А. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. -Тошкент: ФАН, 1972. -Б. 48.
4. Қораев С. Топонимика. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нишриёти, 2006. –Б. 22.
5. Қораев С. Географик номлар маъноси. -Тошкент: Ўзбекистон, 1978. – Б. 110.
6. Ҳикматов Ф., Айтбоев Д., Шожалилов Ш., Аденбаев Б. Ўрта Осиё сув илми тарихидан. – Тошкент, “Тошкент ислом университети”, 2008.
7. Нозилов Д. Мастера школ горного зодчества Средней Азии. –Тошкент: ТГТУ, 2001. – Б. 131.
8. Низомов А. Ўзбекистоннинг қадимги гидротехник иншоотлари географияси. – Тошкент: ГИДРОИНГЕО. -Б. 11.

РЕЗЮМЕ

В статье дается топономический обзор старинных водохранилищ Узбекистана. Освещаются вопросы этимологии некоторых народных терминов, которые касаются тематике данной статьи.

Тавсия этувчи:

ОЦЕНКА СОБСТВЕННЫХ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ НИЗКОГОРИЙ УЗБЕКИСТАНА

профессор Ҳикматов Ф.Ҳ.

Сагдеев Н.З., Трофимов Г.Н.

Оценка водных ресурсов бассейнов рек является одной из важных задач гидрологии. Первостепенное значение эта задача приобретает в регионах с аридным климатом, в частности, для низкогорий Узбекистана.

Как известно [12], поверхностные водные ресурсы Республики Узбекистан складываются из внешних водных ресурсов, поступающих по рекам из горных областей Таджикистана и Кыргызстана и собственных водных ресурсов рек, формирующихся на территории Узбекистана. Решению задачи по оценке водных ресурсов, формирующихся в низкогорьях Узбекистана, и посвящена данная работа.

Всего на территории Узбекистана насчитывается 17777 рек. Большинство из них малые реки длиной менее 10 км, на

которых практически отсутствуют пункты гидрологических наблюдений.

Согласно гидрологическому районированию, выполненному В.Л. Шульцем [13], на территории Узбекистана имеются восемь гидрологических районов: бассейн р. Сурхандарьи; бассейн р. Кашкадарьи; бассейн р. Зеравшан; северные склоны Туркестанского хребта и хребта Нурата; северо-ферганский гидрологический район; южно-ферганский гидрологический район; бассейн р. Ахангаран; бассейн р. Чирчик.

В горных районах, как известно, важнейшим фактором, влияющим на формирование стока, является высота местности [1, 2, 3, 7, 8, 9, 10, 13]. Поэтому, нами для неизученных в гидрологическом отношении рек использованы районные зависимости модулей стока (М) от средней высоты бассейнов.

Таблица 1

Распределение площадей водосборных бассейнов (км²) по высотным зонам

Гидрологические районы	Высотные зоны, км						
	0,6 – 0,8	0,8 – 1,2	1,2- 1,6	1,6 – 2,0	2,0 – 2,4	2,4 – 2,8	2,8 – 3,2
1. Басс. р. Сурхандарьи	1600	2660	1810	1450	1190	750	890
2. Басс. р. Кашкадарьи	2300	1980	1650	1440	1160	660	320
3. Басс. р. Зеравшан	-	2790	860	340	110	50	-
4. Туркестанский хр. и хр. Нурата	-	1910	1030	650	480	260	50
5. Северо-ферганский	-	1230	300	260	230	140	70
6. Южно-ферганский	-	600	140	10	-	-	-
7. Басс. р. Ахангаран	-	720	640	490	260	150	80
8. Басс. р. Чирчик	650	780	850	950	1000	780	500
Всего по Узбекистану	4550	12670	7280	5590	4430	2790	1910
Всего по Узбекистану в % от общей площади низкогорий	12	32	19	14	11	7	5

Методика построения этих зависимостей ($M=f(H_{cp.})$) для всех исследуемых гидрологических районов сводилась к следующему:

- производилась выборка рядов наблюдений на всех действовавших постах;
- выполнялся анализ рядов наблюдений для подбора постов с длительностью наблюдений более 10 лет;

- строились корреляционные матрицы для всех отобранных постов;
- подбирались аналог и период приведения;
- производилось восстановление рядов наблюдений за выбранный период;
- по приведенным рядам рассчитывались модули стока;
- строились районные зависимости $M = f(H_{cp.})$.

Необходимо отметить, что построение зависимостей $M = f(H_{cp.})$ выполнено для всех восьми районов. Полученные зависимости модулей стока от средних высот бассейнов для отдельных районов позволили оценить водные ресурсы по высотным зонам для низкогорий Узбекистана.

Более подробно методика оценки водных ресурсов гидрологических районов изложена в работе [11].

Выполнена оценка собственных водных ресурсов низкогорий по высотным зонам, для бассейнов рек Амударья и Сырдарья и в целом по республике. Считаем необходимым, отметить, что такая оценка выполнена впервые. Площадь низкогорий учитывалась только в пределах

государственных границ Узбекистана. В расчёты были включены и маловодные районы низкогорий, на которых практически отсутствуют реки с постоянным стоком – это горные поднятия в районе п. Ингичка и южнее г. Навои, горы Гобдунтау и т.п. Для этого было рассчитано распределение площади горных поднятий в соответствующих гидрологических районах по высотным зонам, от нижних границ зоны формирования стока и до горизонтали 3200 м над уровнем моря. Распределение площадей по высотным зонам приведено в табл. 1 и на рис. 1.

Из табл. 1 видно, что в высотных зонах до 2,4 км находится 88% всех водосборных площадей малых низкогорных рек.




Рис. 1. График распределения водосборных площадей по низкогорной зоне Узбекистана

Расчётные значения собственных водных ресурсов низкогорной зоны Узбекистана приведены в табл. 2 и 3. Данные этих таблиц показывают, что суммарный собственный сток в низкогорной зоне составил: в бассейне р. Амударья 4,51 км³ или 143 м³/с, в бассейне р. Сырдарья – 4,03 км³ или 128 м³/с, в целом по Узбекистану – 8,54 км³ или 271 м³/с.

Суммарный собственный сток по гидрологическим районам рассчитывался по модулям стока, определённым для средней высоты каждой высотной зоны. На высотную зону от 1,2 до 3,2 км приходится около 85 % всех водных ресурсов низкогорной зоны, как в бассейне Амударья, так и в бассейне Сырдарья. По высотным зонам, наибольшие водные ресурсы получены в диапазоне высот 2,0–2,4 км. Они

составили: 20,6 % и 22,2 % от общего стока, соответственно, в бассейнах р.р. Амударья и Сырдарья. Рост стока наблюдается до высотной зоны 2,0 – 2,4 км, выше начинается плавный спад стока, что можно объяснить уменьшением площадей этих высотных зон и, возможно, уменьшением количества осадков и испарения.

Как уже отмечалось выше, оценка собственных водных ресурсов по высотным зонам низкогорий Узбекистана произведена впервые. Однако ранее были выполнены работы по оценке собственных водных ресурсов отдельных гидрологических районов или бассейнов рек в целом, без разбивки их на низкогорные или высокогорные зоны.

Таблица 2

Собственные водные ресурсы низкогорной зоны Узбекистана (бассейн р. Амударья), км³/год

Гидрологические районы	F, км ²	Высотные зоны, км							Всего, км ³ /год
		0,6 – 0,8	0,8 – 1,2	1,2 - 1,6	1,6 – 2,0	2,0 – 2,4	2,4 – 2,8	2,8 – 3,2	
Басс. Сурхандарья:	10360								2,42
- р. Сурхандарья	7460	0,028	0,112	0,163	0,250	0,393	0,355	0,588	1,89
- р. Шерабад	2900	0,010	0,049	0,068	0,152	0,114	0,078	0,056	0,53
Басс. Кашкадарья	9510	0,037	0,076	0,102	0,231	0,308	0,237	0,152	1,14
Басс. Зеравшана:	4150								0,95
- запад Зеравш. хр.	1430	-	0,044	0,145	0,163	0,117	0,070	-	0,54
- южн. скл. Гобдунтау	300	-	0,031	0,010	0,002	-	-	-	0,043
- южн. скл. Нураты	1550	-	0,141	0,070	0,030	0,003	-	-	0,24
- южн. скл. Актау	290	-	0,025	0,018	0,002	-	-	-	0,045
- южн. скл. Каратау	360	-	0,036	0,012	0,005	-	-	-	0,053
- район п. Ингичка	220	-	0,025	-	-	-	-	-	0,025
Всего по басс. р. Амударья	24020	0,075	0,538	0,588	0,836	0,935	0,740	0,796	4,51

Наиболее полные сведения о собственных водных ресурсах гидрологических районов на территории Узбекистана приведены в работе [12], о водных ресурсах рек Ахангаран, Чирчик и Кашкадарья в работах [4, 5, 6], о водных ресурсах рек северного склона хребта Нурата в работе [10].

Очевидно, что сравнение результатов, полученных в этих работах и нами не

возможно, так как имеется различие в водосборных площадях и расчётных периодах. Данные о стоке, полученные разными авторами, приведены в табл. 4. Из неё видно, что для большинства гидрологических районов значения водных ресурсов, полученные нами, с учетом разницы в площадях привлеченных к

Таблица 3

Собственные водные ресурсы низкогорной зоны Узбекистана (бассейн р. Сырдарья), км³/год

Гидрологические районы	F, км ²	Высотные зоны, км							Всего, км ³ /год
		0,6 – 0,8	0,8 – 1,2	1,2 - 1,6	1,6 – 2,0	2,0 – 2,4	2,4 – 2,8	2,8 – 3,2	
Сев. склоны Туркестанского хр. и хр. Нурата:	4380								0,32
- Сев. склоны Туркестанского хр.	3210	-	0,008	0,038	0,047	0,058	0,041	0,009	0,20
- Сев. склоны хр. Нурата, Актау, Каратау	900	-	0,023	0,048	0,030	-	-	-	0,10
- Сев. склоны Гобдунтау	260	-	0,010	0,006	0,003	-	-	-	0,02
Североферганский	2220	-	0,007	0,004	0,037	0,061	0,055	0,038	0,20
Южноферганский	740	-	0,032	0,014	0,001	-	-	-	0,05
Басс. р. Ахангаран	2340	-	0,022	0,134	0,190	0,149	0,110	0,074	0,68
Басс. р. Чирчик	5500	0,118	0,210	0,331	0,483	0,628	0,579	0,433	2,78
Всего по басс. р. Сырдарья	15190	0,118	0,312	0,575	0,791	0,896	0,785	0,562	4,03
Итого по Узбекистану	39210	0,193	0,850	1,163	1,627	1,831	1,525	1,358	8,54

расчётам, можно считать удовлетворительными. Объем водных ресурсов малых низкогорных рек,

составляет: 98 % по бассейну Амударья, 79% по бассейну Сырдарья и 88 % по всему

Ўзбекистану от значений, полученных в работе [12].

Такое соотношение водных ресурсов в бассейне Амударьи вызвано значительными различиями в оценке водных ресурсов в бассейне р. Зеравшан. Нами была учтена вся площадь водосбора, расположенная между

изогипсами 800 и 2800 м над уровнем моря, не зависимо от наличия постоянных водотоков и пунктов наблюдений на них, т.е. были учтены площади, на которых сток образуется, но по различным причинам не учитывается. К таким участкам, на наш взгляд можно отнести:

Таблица 4

Оценки собственных водных ресурсов Узбекистана (W, км³/год), полученные разными авторами

Район или бассейн	В.Е. Чуб [12]	Ю.Н. Иванов [4, 5, 6]	Р.М. Машрапов [10]	Н.З. Сагдеев	% стока рек низкогорий от общего
Бассейн Сурхандарьи	3.033			2.42	80
Бассейн Кашкадарьи	1.336	1,414		1.14	85(81)
Бассейн Зеравшана	0.251			0.95	378
Всего в бассейне Амударьи	4.620			4.51	98
Реки северного склона Туркестанского хребта и хребта Нурата: В том числе северный склон хребта Нурата	0.142		0.125	0.32 0.10	225 80
Североферганский район				0.20	
Юг Ферганской долины				0.047	
Всего по Ферганской долине	0.193			0.25	130
Бассейн Ахангарана	1.214	1.218		0.68	56
Бассейн Чирчика	3.532	3.528		2.78	79
Всего в бассейне Сырдарьи	5.081			4.03	79
В целом по Узбекистану	9.701			8.54	88

- участок на стыке границ Джизакской, Самаркандской областей и Таджикистана, как по левому, так и по правому берегу р. Зеравшан;

- участки южных склонов Гобдунтау и хребта Каратау;

- участки горных поднятий в районе п. Ингичка и южнее г. Навои.

Еще одной причиной отклонений может являться ориентировочный характер полученных для этого района зависимостей модулей стока от средних высот бассейнов.

В бассейне Сырдарьи различия в оценках стока не столь значительны. Разница в оценке водных ресурсов в районе северных склонов Туркестанского хребта и хребта Нурата вызвана, на наш взгляд, недоучетом стокообразующих площадей северных склонов хребтов Актау и Каратау, а также недооценкой водных ресурсов северного склона хребта Нурата. Оценка водных

ресурсов северного склона хребта Нурата, выполненная нами, практически близка к оценкам, выполненным В.Л. Шульцем [13] и Р.М. Машраповым [10]. Вероятно, различия в оценке водных ресурсов Ферганской долины заключаются в различии учтенных площадей.

Выводы: 1. Сведения об измеренном и восстановленном стоке исследуемых рек позволили получить зависимости средних для бассейнов модулей стока от средних высот бассейнов.

2. Данные о зональных модулях стока во всех выделенных районах и оценка распределения площади районов по высотным зонам позволили рассчитать общие водные ресурсы низкогорий для каждого района в отдельности и в целом для Узбекистана. Суммарные средние многолетние водные ресурсы низкогорий республики оказались равными 8,54 км³/год.

Литература:

1. Большаков М.Н. Водные ресурсы рек Советского Тянь-Шаня и методы их расчёта. – Фрунзе, изд. Илим, 1974. – 302 с.
2. Большаков М.Н., Шпак В.Г. Водноэнергетические ресурсы Киргизской ССР. – Фрунзе, изд. АН Киргиз. ССР, 1960. – 150 с.
3. Большаков М.Н. Метод построения изолиний зональных модулей, как наиболее совершенный метод картирования среднего годового стока для горных территорий. // Тезисы докладов научного совещания по проблемам гидрометеорологии горных стран. – Ереван, изд. АН Арм. ССР, 1963. – С.
4. Иванов Ю.Н., Чулпанова И.А. Водные ресурсы бассейна р. Ахангаран // Труды САНИГМИ. – 2000. – Вып. 153(234). – С. 57 – 88.
5. Иванов Ю.Н. Водные ресурсы бассейна р. Чирчик // Труды НИГМИ. – 2007. – Вып. 4(249). – С. 60 – 88.
6. Иванов Ю.Н. Водные ресурсы бассейна реки Кашкадарья // Труды НИГМИ. – 2010. – Вып. 12(257). – С. 64– 84.
7. Ольдекоп Э.М. К вопросу о прогнозе расходов рек в Туркестане. // Бюллетень гидрометрической части в Туркестанском крае. - 1917. - Вып. 1 – 3. – Ташкент. – 52 с.
8. Ольдекоп Э.М. Зависимость режима р. Чирчик от метеорологических факторов.// Труды метеорологического отдела гидрометрической части в Туркестанском крае. -Вып. 89. – Т., 1918– 98 с.
9. Ольдекоп Э.М. Опыты по вопросу о роли испарения и конденсации в питании туркестанских ледников. // Вестник ирригации.- 1924.-Вып. 3. – Ташкент.- 102 с.
10. Машрапов Р.М. Оценка среднемноголетнего стока водотоков северного склона Нуратинского хребта. // Вопросы гидрологии Узбекистана и сопредельных территорий, вып 421. – Т., 1972. – С. 3–27.
11. Сагдеев Н.З. Водные ресурсы низкогорий бассейна р. Сурхандарья // Узбекистон география жамияти ахбороти. 36 – жилд. – Ташкент, 2010. – С.174 – 182.
12. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на гидрометеорологические процессы, агроклиматические и водные ресурсы Республики Узбекистан. –Т.: “VORIS–NASHRIYOT”, 2007.– 131с.
13. Шульц В.Л. Реки Средней Азии. – Л.: Гидрометеоздат, 1965. – 691 с.
14. Щеглова О.П. Питание рек Средней Азии.- Ташкент, изд – во СамГУ, 1960. – 245 с.

РЕЗЮМЕ

Мақола Ўзбекистоннинг тоғолди ва паст тоғли ҳудудларида жойлашган кичик дарёлар ва сув ресурсларини баҳолаш масалаларига бағишланган.

Рекомендует:

профессор Хикматов Ф.Х.

**ТЎҒОНЛИ ТОҒ КЎЛЛАРИ, УЛАРНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИ
ВА МУАММОНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ**

Пирназаров Р.Т.

Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги тўғонини бузиб ўтиш хавфи мавжуд бўлган тоғ кўллари – тўғонли кўллارни ўрганиш тарихи билан тадрижий кетма-кетликда танишиб чиқиш ва шу асосда муаммонинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Ушбу масаланинг ижобий ҳал этилиши тўғонли кўллار келтириб чиқариши мумкин бўлган

сел тошқинларининг олдини олишга, шундай ҳодисалар кузатилган тақдирда, уларнинг зарарини маълум даражада камайтиришга ва, энг асосийси, аҳолининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни белгилашга имкон беради.

Тўғонли тоғ кўлларини ўрганиш бўйича ҳудудда олиб борилган илк тадқиқотлар натижалари Н.Л.Корженевский,

Л.А.Молчанов, Б.Б.Богословский ва С.Д.Муравейский, кейинчалик эса В.Н.Рейзвих, А.В.Шнитников, А.М.Никитин, О.Е.Агаханянц ва бошқаларнинг ишларида ёритилган. Бу соҳада сўнгги йиллардаги илмий изланишлар В.И.Аслов ва Н.Е.Горелкин, Г.Е.Глазирин ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Ушбу мақоланинг мақсади Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги тўғонли тоғ кўлларига бағишланган, юқорида қайд этилган, тадқиқотларни тадрижий кетма-кетликда ўрганиш ва муаммонинг ҳозирги ҳолатини баҳолашга қаратилган.

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиёнинг табиати тадқиқотчилар томонидан атрофлича ўрганила бошланди. Ўтган XX асрда бажарилган тадқиқотлар натижасида эса ҳудуднинг табиати, унинг ресурслари ҳақида қимматли материаллар тўпланди, қатор илмий асарлар чоп этилди. Шу даврда амалга оширилган лимнологик тадқиқотларда ҳудуддаги кўллarning сув режими, мавжуд сув ресурслари ўрганилиб, улар халқ хўжалигида фойдаланиш нуқтаи назаридан баҳоланди.

Ўрта Осиё кўллари ўрганишга доир тадқиқотларни умумлаштирган ҳолда А.М.Никитин уларни қуйидаги учта босқичга бўлишни таклиф этади: инқилобгача бўлган давр (1917 йилгача); Ватан урушигача бўлган давр (1921-1941 йиллар); ҳозирги давр (1950 йилдан кейин). Мазкур гуруҳлаштиришга Ўрта Осиёнинг барча турга мансуб кўлларида 1980 йилларгача олиб борилган тадқиқотлар асос қилиб олинган. Лекин унда, табиийки, мустақиллик йилларида бажарилган илмий изланишлар ҳамда тўғонли тоғ кўллари тадқиқ этилиш босқичлари алоҳида кўрсатилмаган.

Биз, имкониятимиз даражасида танишиб чиққан илмий манбалар, кўлшунос олимларнинг шу мавзудаги тадқиқотлари натижаларини ҳисобга олган ҳолда, Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонда кўллarning гидрологик нуқтаи-назардан ўрганишни, А.М.Никитиндан фарқли равишда, қуйидаги

тўрт босқичга бўлиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

биринчи босқич – рус география жамияти намоёндалари томонидан 1920 йилгача бўлган даврда амалга оширилган дастлабки тадқиқотлар;

иккинчи босқич – кўлшуносликнинг алоҳида илмий йўналиш сифатида шаклланиши (1920-1960 йиллар);

учинчи босқич – тўғонини бузиб ўтиш хавфи мавжуд бўлган тоғ кўллари устувор йўналишда ўрганиш (1961-1990 йиллар);

тўртинчи босқич – мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар (1991 йилдан буён).

Қайд этиш лозимки, Ўрта Осиё кўллари, жумладан тўғонли тоғ кўллари ўрганишдан кўзда тутилган мақсад, олинган илмий натижалардан амалда фойдаланиш масалалари ҳар бир даврнинг ижтимоий-сиёсий шароитига кўра бир-бирдан кескин фарқ қилади. Масалан, октябрь тўнтаришигача бўлган тадқиқотлар чор Россияси манфаатлари нуқтаи-назаридан бажарилган бўлса, собиқ Иттифоқ давридаги тадқиқотлар натижалари эса мазкур тузум учун хизмат қилганлиги аниқдир.

Ўрта Осиё кўллари ўрганишнинг *биринчи босқичи*, юқорида қайд этилганидек, Рус география жамияти ташаббуси билан амалга оширилган. Бу жараён 1917 йилгача, яъни октябрь тўнтаришигача давом этган. Мазкур босқичнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бу даврдаги тадқиқотлар тасвирий-баёний характерга эга бўлиб, улар орасида А.П.Федченко, Н.А.Северцев, А.В.Каульбарс ҳамда Н.Л.Корженевскийларнинг тадқиқотлари алоҳида ўрин тутди. Мавзу доирасида таҳлил қиладиган бўлсак, мазкур тадқиқотларда тўғонли тоғ кўллари ҳақида маълумотлар тўплаш, уларни карталарда тасвирлаш ва имконият бўлганда бундай кўллarning бевосита кузатиш ҳамда кузатиш маълумотлари асосида уларни тавсифлаш билан чекланилган.

Ўрта Осиё тўғонли кўллари ўрганишнинг *иккинчи босқичи* 1920-1960 йилларни қамраб олади. Бу босқичнинг характерли жиҳати шундаки, ушбу даврда

кўлларни ўрганиш мақсадида амалга оширилган тадқиқотларда топогеодезик, гидрологик ва гидрогеологик инструментал ўлчаш ишлари бажарилган. Шу билан бирга бу даврдаги тадқиқотлар Сарез кўлининг пайдо бўлиши сабабли бошқа даврлардагига караганда жадал суратларда олиб борилди. Шу мақсадда кўплаб илмий экспедициялар ташкил этилди. Бу босқичда олиб борилган тадқиқотларда Ўрта Осиё Давлат университетининг бир гуруҳ олимлари А.Л.Бродский, Н.П.Васильковский, В.Ф.Гурвич, Д.Н.Кашкаров, Н.А.Кейзер, Н.Л.Корженевский, Н.Г.Маллицкий, Л.А.Молчанов, С.Д.Муравейский ва бошқаларнинг ҳиссалари бекиёсдир.

Ўрта Осиёнинг йирик кўллари Қорақўл, Сарез, Яшилқўл, Искандарқўл, Зорқўл ва бошқалар ҳақида Н.Л.Корженевский асарларида аниқ маълумотлар келтирилган. Улар муаллифнинг “Краткий отчет о поездке на Памир в 1923 году”, “Озеро Яшилькуль”, “Озеро Каракуль” каби асарларида ўз аксини топган. Масалан, Яшинқўлда тўпланган сув массаларининг кўл тўғонини ювиб ўтиш хавфи мавжудлиги ҳақидаги дастлабки маълумотлар унинг “Исфайрамсой” асарида алоҳида таъкидланган эди. Ушбу асарда қайд қилинишича 1934 йил 28 июлда Яшинқўлнинг сув сатҳи ҳалокатли қийматгача кўтарилган. Шу кунини сув сатҳи тўғон чўққисидан атиги 1,5 метр пастда бўлган. Кейинги гидрометеорологик шароит, жумладан ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши кўлга қуйилаётган сув миқдорининг камайишига олиб келган ва натижада тўғоннинг бузилиши кузатилмаган. Лекин, Н.Л.Корженевский томонидан тахмин қилинган тошқин 1966 йил июнда содир бўлди ва жуда катта талофотларга олиб келди [7, 8].

Ўрта Осиё кўллари ўрганиш тарихига доир дастлабки маълумотлар эса Л.А.Молчанов тадқиқотларида баён этилган. Ушбу асарда ўлканинг Амударё, Сирдарё, Или, Чу, Талас, Мурғоб, Тажан, Қорақўл, Оксув, Сарисув каби дарёлари, Иссиққўл хавзаси, Ўзбойнинг қадимги ўзани ва Каспий

сохилларидаги кўллар ҳақида маълумотлар келтирилган. Уларнинг умумий сони 989 та бўлиб, сув юзаси майдони эса 94400 км² га тенг бўлган.

Ушбу тадқиқотда тоғ кўллари, жумладан, куламалар ҳамда мореналар тўпланишидан ҳосил бўлган тўғонли кўллар ҳақида илк маълумотлар келтирилган, уларни турли тадқиқотчилар томонидан қайси йўналишларда ўрганилганлиги масалалари ёритилган. Бир сўз билан айтганда, Л.А.Молчанов томонидан амалга оширилган мазкур тадқиқотни Ўрта Осиё кўллари дастлабки каталоги сифатида қабул қилиш мумкин.

Мазкур босқичда олиб борилган тадқиқотларнинг катта қисми Сарез кўлини ўрганишга бағишланди. Сарез - Ўрта Осиёнинг энг йирик тўғонли кўллари бири бўлиб, тўғонли кўллари ўрганиш тарихида у ўзининг долзарблиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Маълумки, ушбу кўл 1911 йили 18 февралдан 19 февралга ўтар кечаси қайд этилган кучли ер силкиниши натижасида улкан куламанинг Мурғоб дарёси ўзанини тўсиб қолишидан ҳосил бўлган. Сарез кўлининг пайдо бўлиши, унда сув сатҳининг жадал суратларда ортиб бориши кўл хавзасининг асосий тадқиқот районига айланишига сабаб бўлди.

Ўрта Осиё кўллари ўрганишнинг *учинчи босқичи* (1961-1990 йиллар) тоғ кўллари сув ресурслари ҳамда морена, кулама келиб чиқишли кўллар тўғонини бузиб ўтиш хавфини баҳолаш, улардан тоғли ҳудудларда сув омборларини қуришда аналог сифатида фойдаланиш мақсадларида олиб борилди. Айни пайтда тоғ кўллари, жумладан тўғонли кўллари ҳолатини баҳолашда уларга гидрометеорологик тавсиф беришга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур тадқиқотларга, фикримизча, 1963 йилдаги Иссиқ ва 1966 йили Исфайрамсой дарёлари хавзаларидаги кўллар тўғонларининг бузилиши натижасида содир бўлган сел тошқинлари сабаб бўлган.

Худди шу даврда, яъни 1966 йилдан бошлаб, Ўзбекистонда тўғонини бузиб ўтиш хавфи мавжуд бўлган тоғ кўллари ўрганиш

мақсадида бевосита дала-тадқиқот ишлари бошлаб юборилди. Айни пайтда тўғонли кўлларни аэровизуал кузатиш ишлари ҳам ташкил этилди.

Ўрта Осиё республикаларининг гидрометеорология ва атроф муҳит назорати бошқармалари томонидан 1966 йилдан 1980 йилгача бўлган даврда Исиккўл, Вахш, Панж, Зарафшон, Норин, Чу, Талас, Чирчик, Оҳангарон дарёлари ҳавзалари, Фарғона водийсидаги умумий майдони 600 км² дан катта бўлган 350 дан ортиқ кўллар тадқиқ этилди, уларнинг рўйхати тузилди.

Мазкур босқичдаги тадқиқотларда музлик, морена ва қулама кўлларнинг ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, Г.Е.Глазирин ва В.Н.Рейзвих ҳамкорликда кўл тўғонининг бузилиши жараёнини, тошқин ҳосил бўлиш механизмини ўргандилар. Натижада, улар кўл тўғонини ташкил этган тоғ жинслари ювилиши тезлигининг турли қийматлардаги коэффицентлари асосида сув ва лойқа оқизиклар оқимлари гидрографларини ҳисоблашни амалга оширдилар [1, 2]. Шунингдек, мазкур босқичда Г.Е.Глазирин, А.М.Никитин ва А.С.Шетинниковлар [1] ва бошқаларнинг Сарез кўлини ўрганишга бағишланган тадқиқотлари ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Кейинчалик, Ўрта Осиё кўлларини гидрологик ўрганишда В.Н.Рейзвих, А.М.Никитин, Н.Е.Горелкин ва бошқаларнинг ҳиссалари катта бўлди. Улар орасида А.М.Никитиннинг монографияси алоҳида ажралиб туради [7]. Унда Ўрта Осиё кўлларига батафсил гидрологик тавсиф берилган, жумладан, турли генезисли кўлларнинг географик тарқалиши, морфологияси, морфометрияси, сув режими, ҳарорат ва музлаш ҳодисалари, динамикаси, гидрокимёсига оид тадқиқотлар натижалари ёритилган. Унинг якунида кўлларнинг сув ресурслари баҳоланиб, улардан халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланишга оид тавсиялар берилган, Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги тўғонли кўлларга алоҳида эътибор қаратилган.

Тўғонли кўлларни ўрганиш борасида собиқ ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) олимларининг “Ўзбекгидрогеология” Илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Фарғона гидрогеология экспедицияси мутахассислари билан ҳамкорликда Қурбонқўлни ўрганиш бўйича 1984-1988 йилларда амалга оширган гидрологик ва гидрогеологик тадқиқотлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқотлар давомида бажарилган кузатиш ва ўлчаш ишлари натижасида тўпланган маълумотлар Қурбонқўлнинг гидравлик-морфометрик кўрсаткичлари динамикасини ўрганишга, кўлдаги сув балансининг кирим ва чиқим қисми элементларини баҳолашга, кўлда тўпланган ўзан туби ётқизиқлари миқдорини аниқлашга, қулама тўғоннинг филтрацион параметрларини ҳамда кўлдаги сув массаларининг қулама тўғонга кўрсатадиган гидростатик босим кучини ҳисоблашга имкон беради.

Собиқ Иттифокнинг парчаланиши, Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши мамлакатимизнинг барча соҳаларда эркин, мустақил сиёсат юргизишига имкон берди. Бу ҳолат Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги тўғонли тоғ кўлларини ўрганишнинг янги - *тўртинчи босқичининг* бошланишига сабаб бўлди. Бу босқичдаги тадқиқотлар Ўзбекистон ва кўшни давлатлар томонидан ўз ҳудудига даҳл этиб турувчи, тошқин хавфи мавжуд бўлган тўғонли кўлларни ўрганиш, улар келтириб чиқариши мумкин бўлган тошқинлар хавфини прогноз қилиш, зарарни камайтириш каби йўналишларда олиб борилмоқда.

Охирги йилларда Г.Е.Глазирин раҳбарлигида Писком дарёси ҳавзасидаги Юқори Ихноч, Қуйи Ихноч кўллари ва Шовуркўлда олиб борилган дала-тадқиқотлари натижалари тўғонли кўлларни ўрганиш борасида янги ёндашувга асос бўлди [2].

Мустақиллик йилларида Бошгидромет (ҳозирги Ўзгидромет) мутахассислари томонидан Ўзбекистон ҳудудига хавф солиб турган тўғонли кўллар ҳақида янги маълумотлар тўпланди, уларнинг рўйхати

тузилди. Натижада, мазкур маълумотлар асосида “Селлар ва тўғонини бузиб ўтиш хавфи мавжуд бўлган кўллар” геоинформацион тизими яратилди [6]. Улар орасида Қурбонқўл тўғонли кўлига алоҳида ўрин ажратилган (Жадвал).

Ҳақиқатан ҳам, Қурбонқўл қулама тўғонининг бузилиши натижасида унда

тўпланган 3,5 млн.м³ ҳажмдаги сувдан ҳосил бўлган сел оқими, биринчи навбатда, Кўксув ва Шоҳимардонсой дарёлари ҳавзаларидаги барча дам олиш масканларига, Фарғона туманининг йирик аҳоли пунктлари, жумладан, Шоҳимардон кишлоғи, Водил шаҳарчаси ва бошқаларга катта зарар етказди.

Жадвал

Ўзбекистон ва унга туташ тоғли ҳудудларда жойлашган тўғонли кўллар ҳақида маълумот

Т/р	Дарё ҳавзаси	Кўллар	Сув сифими, млн. м ³	Мумкин бўлган тошқин оқибатлари
1	Писком	Катта Ихноч	4,8	Сел оқими Ихночсойга, ундан Пискомга, сўнг Чарвоқ сув омборига қуйилади. Бўстонлик туманидаги объектлар, экинзорлар зарар кўради.
		Кичик Ихноч	0,9	
		Шовурқўл	3,89	
2	Чотқол	Қоратўқай	48,8	Дарё водийсини сув босиб, Чарвоқ сув омборига қуйилади. Бўстонлик туманидаги объектлар, экинзорлар зарар кўради.
3	Ғовасой	Кугала	37,3	Наманган вилоятининг Поп ва Чуст туманларидаги объектлар, аҳоли пунктлари зарар кўради.
4	Кўксув	Қурбонқўл	3,46	Фарғона туманининг Кўксув дарёси ҳавзасидаги дам олиш масканлари, аҳоли пунктларига зарар етказди.
5	Исфайрамсой	Тегирмоч (Зорқўл)	1,78	Исфайрамсой водийси ва Қувасой шаҳрини сув босади.
6	Зарафшон	Азорчашма	22,0	Зарафшон, Шинг дарёлари водийларини сув босади, Самарқанд шаҳри, кўшни туманлар зарар кўради.
		Моргузор	25,8	
		Нофин	4,76	
7	Қоратоғ	Пайрон	1,58	Водийдаги дам олиш масканларини сув босади, Денов туманидаги аҳоли пунктлари зарар кўради.
		Тимурдара	0,721	Водийдаги объектлар, аҳоли пунктлари зарар кўради.
		Қулжуазак	0,181	Водийни сув босади, аҳоли пунктлари зарар кўради.
8	Мурғоб	Сарез	16100	Сурхондарё, Бухоро, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси аҳоли пунктлари, экин майдонлари зарар кўради.

Жадвал Ўзгидромет маълумотлари асосида тузилди

Охирги ўн йиллик кузатишларимиз натижасида Қурбонқўлнинг гидрологик режими кескин ўзгарганлигини, бунинг асосий сабабчиси кўл акваториясида, айниқса, унинг юқори қисмида табиий-географик жараёнларнинг жадал суратларда кечаётганлигининг гувоҳи бўлди. Ушбу жараёнлар қуйидагиларда акс этади:

- кўл косасининг шимолий ва жанубий ёнбағирларида фаол суратларда кечаётган нураш жараёнлари маҳсулотларининг кўл тубида тўплана бориши;

- Кўксув дарёси лойқа оқизикларининг Қурбонқўл тубида чўкмалар ҳосил қилиши;

- Қурбонқўлнинг юқори қисмидаги чап қирғоқ сохилларининг Охунқўл сойида тез-тез кузатилаётган сел оқимлари ётқизиклари билан тўлиб бориши натижасида Кўксув дарёси ўзанини тўсиб қўйиши;

- Кўксув дарёси ўзанининг нураш маҳсулотлари ва сел ётқизиклари билан тўсилиши натижасида Қурбонқўлдан юқорида

- “Янги”, нисбатан йирикроқ, кўлнинг пайдо бўлиши;

- “Янгикўл”да тўпланган сув массаларининг Қурбонқўлдан юқорида жойлашган Кўккўл (Яшилкўл) дан чиқиб келаётган сув йўлининг тўсиб қўйиши ва бунинг оқибатида юзага келган димланиш туфайли Кўккўлда янада кўпроқ сув тўпланаётганлиги ва бошқалар.

Юқорида қайд этилган табиий-географик ва гидрологик жараёнлар натижасида ҳозирги кунда Қурбонқўл тўғонли кўллар тизими шаклланди. Қуйида унинг тафсилоти ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Қурбонқўлнинг жанубида, ундан юқорида 200-250 метр масофада кичик, лекин жуда гўзал манзарали Кўккўл (Яшилкўл) жойлашган эди. Кўккўл Кўксув дарёсининг қарийб 200 метрли водийсининг Охунқўл дарёсининг конуссимон ёйилмаси ётқизиклари билан тўсилиши натижасида ҳосил бўлган. Кўлнинг шарқий қисми Кўксув дарёсига очилган. Кўл жанубдан тоғлар, шимолдан

эса қадимги морена ва туб жинслардан иборат тўғон билан тўсилган. Кўксув дарёси сувининг бир қисми 1998 йилгача Кўккўлга қуйилиб, яна ирмоқ орқали дарёга оқиб чиқар эди. Охунқўл дарёсидан 1998 йил июль ойида келган сел оқими ётқизиклари натижасида Кўксув дарёси водийси Кўккўл билан ягона хавзага бирлашди.

Охунқўлда ҳар йили баҳор ва ёз фаслларида кузатиладиган сел оқимлари туфайли Кўксув дарёсининг Қурбонқўлга қуйилиш қисми охирги йигирма йил давомида қарийб 2 метрга кўтарилди. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Охунқўл хавзасида, биз гувоҳи бўлган, 2009 йил 4 август куни шаклланган шиддатли сел оқими Кўксув дарёси йўлини қарийб бир сутка давомида бутунлай тўсиб қўйди. Натижада, янги шаклланган кўл ва унга қўшилиб кетган Кўккўлнинг сув сатҳи 135 см га кўтарилди. Шу куни бажарилган чуқурлик ўлчаш ишлари натижасида Кўккўлда максимал чуқурлик 545 см, 5 август куни эса 680 см га етди.

Айни пайтда, Кўксув дарёсининг Кўккўлга қуйилиш қисмининг ўнг қирғоғида сурилма жараёни фаол ривожланаётган микроучастка жойлашган. У ердан тушаётган тоғ жинслари Кўксув дарёси ўзанини кундан кунга тўлдириб бормоқда. Юқорида қайд этилган ҳолатлар Қурбонқўл ва Қурбонқўл тўғонли кўллар тизими гидрологик режимининг кескин ўзгаришига, аниқроғи, янгидан шаклланган кўллар тўғонларининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиб, улар хавфининг янада ортишига сабаб бўлди. Аниқроқ қилиб айтганда, Қурбонқўлнинг юқори қисмида янги кўлларнинг пайдо бўлиши, уларнинг ҳаммаси биргаликда тўғонли кўллар тизимини шаклланганлиги ҳудудда сел тошқинлари келиб чиқиши хавфини янада орттирди. Чунки, янгидан шаклланган, сув оқими таъсирида ювилишга мойил бўлган тўғонлар бузилиб, сел тошқинларининг келиб чиқишига сабаб бўлиши аниқ. Бу эса, улардан қуйида жойлашган Қурбонқўл бош тўғонига катта хавф солади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, шу кунгача тўғонини бузиб ўтиш хавфи

мавжуд бўлган тоғ кўллариининг гидрометеорологик нуқтаи назардан тўлиқ ўрганилмаганлиги, улар ҳақида аниқ маълумотларнинг етишмаслиги, ушбу турдаги кўллар ҳолатини баҳолаш, прогнозлаш имкониятларини чеклаб қўяди. Шу туфайли ҳозирги кунда тўғонли

кўллариининг гидрологик режимини кўллар косалариининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари, сув баланси, тўғоннинг геологик тузилиши, филтрацион хусусиятлари ва бошқа омиллар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Глазырин Г.Е., Никитин А.М., Щетинников А.С. Водный баланс Сарезского озера. – Т., 1986.
2. Глазырин Г.Е., Карташов Д.А., Муракаев Р.Р., Тарасов Ю.А., Шамсутдинов В.Н. Результаты исследования прорывоопасных ледниковых озер в бассейне р. Пскем летом 2003 г. // Тр. НИГМИ.– Ташкент, 2005. –Вып. 5 (250). –С. 43-55.
3. Корженевский Н.Л. Природа Средней Азии. – Ташкент: Изд-во СамГУ, 1960. –212 с.
4. Маллицкий Н.Г. Справка о некоторых прорывах временных горных озер в Средней Азии и соседних странах // Известия САГО. –1929. –Т.19. –С. 21-23.
5. Молчанов Л.А. Озера Средней Азии // Труды САГУ, – Ташкент, 1929. –Сер. 12-а. –Вып.3. –83 с.
6. Мягков С. Геоинформационная система «Сели и прорывоопасные озера» // Экологический вестник. – Ташкент, 2010. –№6 (111). –С.15-16.
7. Никитин А.М. Озера Средней Азии. – Л.: Гидрометеиздат, 1987. –106 с.
8. Пирназаров Р. Тўғонли кўллар ва уларнинг барқарорлигини белгиловчи омиллар // ЎзГЖ ахбороти. – Тошкент, 2007. –29-жилд. –Б. 146-149.
9. Хергет Ю., Глазырин Г.Е. Предварительные результаты геоморфологического исследования плотины оз. Ихнач Верхнее (бассейн р. Пскем, Западный Тянь-Шань) летом 2003 г. // Труды НИГМИ. – Ташкент, 2005. –Вып.5 (250). –С. 96-105.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены вопросы исследования прорывоопасных горных озер Узбекистана и сопредельных территорий, дана оценка современной состоянии проблемы.

Тавсия этувчи:

профессор Хикматов Ф.Х.

ВЛИЯНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ СРЕДЫ НА ПОВЕРХНОСТНЫЕ ВОДОТОКИ МАЛЫХ ТЕРРИТОРИЙ

Мирсаидова С. К.

В настоящее время, в связи с ростом населения, числа городов, расширения орошаемых земель, остро стоит проблема загрязнения поверхностных вод малых территорий, связанная с демографическими и экономическими процессами. Если несколько десятков лет тому назад в реках Узбекистана текли преимущественно природные воды, то теперь на его равнинной территории значительную часть их стока составляют коллекторно-дренажные воды, величина которых в пределах республики значительна. Их суммарный объем за год составляет 23 км³ [1]. Поскольку подавляющая часть водных ресурсов в республике - 92% [1], используется на ирригационные нужды, а

на все неирригационные - 8%, то и основное антропогенное влияние на поверхностные водотоки оказывает ирригация. Минерализация этих вод высока и меняется от 2 до 10 г/м³.

На этом особом фоне выявить воздействие городов на малые водотоки можно только на примере таких промышленных центров как Ташкент, агломерация Фергана-Маргилан, Самарканд, Навои и ряд других. Городские агломерации отличаются высокой степенью освоения территории, компактностью проживания людей, развитым коммунальным хозяйством и промышленным производством. Поэтому города затрагивают все компоненты

природной среды. Важнейшей из проблем является загрязнение поверхностных и подземных вод за счет сброса в них загрязняющих веществ и смыва с их урбанизированных территорий.

Возникшие в последние десятилетия многочисленные малые предприятия, сброс бытовых и строительных отходов на прибрежные участки малых водотоков-арыков, каналов и непосредственно в водотоки, а также некачественная уборка городских территорий, несвоевременный вывоз мусора и смыв загрязняющих веществ с «ливневой канализацией», все это вызывает загрязнение внутригородских водотоков и водоёмов.

В зависимости от благоустройства жилья, его канализованности, удельное водопотребление варьирует в довольно широких пределах. Например: в небольших городах с населением до 50 тыс. человек (Китаб, Казанкеткен) оно составляет 80-100 л/сутки на человека, в районных центрах (Учкурган, Денау) современное водопотребление составляет 115-120; в областных центрах с развитой промышленностью (Навои, Самарканд, Нукус, Фергана и др.) современное водопотребление составляет 200-220 л/сутки; в Ташкенте самое высокое удельное водопотребление - 250-300 л/сутки, в эту величину входит также водопотребление пищевой промышленности.

Удельное водопотребление, в условиях аридного климата, также зависит от сезона года, так как в современных условиях полив зеленых насаждений осуществляется питьевой водопроводной водой и за счет этого расход воды на душу населения повышается летом на 30-50% (по данным АО «Сувокава»). Для большинства городов значительная часть в суммарном водопотреблении приходится на хозяйственно-питьевые нужды: от 60% в Андижане, до 90% - в Намангане. В Ташкенте доля хозяйственно-питьевого водопотребления равна 80%.

В городах, с развитой горнодобывающей, химической промышленностью (Навои, Мубарек, Газли, Алмалык), значительно её влияние на малые и крупные водотоки и здесь необходим строгий мониторинг качества воды.

Наибольший процент канализованности населения имеет Ташкент, областные города (Самарканд, Фергана и др.) - 86-94%. К сожалению, системы канализования промышленных городов, обычно предусматривают совмещение промышленных и коммунально-бытовых стоков, а их общий канализационный сток является смесью бытовых и производственных сточных вод. Химический состав этих сточных вод, весьма разнообразен, в них содержится свыше 70 веществ, но в основном они загрязнены физиологическими отбросами.

На территории города Ташкента расположено 600 крупных и средних водопользователей, а также около 2600 объектов среднего и малого бизнеса, воздействующих на малые и крупные водные объекты города. Из них 300 имеют либо водозаборы, либо сбросы в открытые водоемы. Сточные воды от малых предприятий часто без очистки сбрасываются в малые и крупные городские водотоки.

Состав и концентрация загрязняющих компонентов в промышленных сточных водах зависит в значительной мере от характера промышленности, вида используемого сырья, технологии его переработки, утилизации жидких и твердых отходов производства и степени очистки. Среди видов промышленных сточных вод наиболее сложный и токсичный состав имеют воды нефтеперерабатывающей и химической промышленности (например, Чирчикские заводы «Электрохимпром», «Капролактам», Алмалыкский горно-металлургический комбинат). В сточных водах предприятий цветной металлургии, угольной, содовой промышленности, производства минеральных удобрений содержатся в основном минеральные

вещества, ионы кальция, магния, хлоридов, сульфатов аммония, нитритов, нитратов,

тяжелых металлов - железа, меди, цинка, хрома, никеля.

Таблица

Значения БПК₅ и КЗВ_{спец} выше и ниже городов (2005 год)

Река	Пункт отбора проб воды	БПК ₅	КЗВ _{спец}
Амударья	г. Термез	1,44	1,2
	ниже плотины Туямуюнского вдхр.	2,40	1,8
Амударья	выше г. Нукуса	1,20	1,1
	ниже г. Нукуса	2,01	1,94
Зарафшан	выше г. Самарканд	1,33	0,63
	ниже г. Самарканд	2,56	1,112
Заравшан	выше г. Навои	3,72	1,00
	ниже г. Навои	4,74	1,80
Сырдарья	выше г. Бекабада	2,72	1,31
	ниже г. Бекабада	4,76	1,40
Маргилансай	выше г. Фергана	1,45	0,82
	ниже г. Фергана	2,0	1,12
Кокандсай	выше г. Коканд	1,06	0,91
	ниже г. Коканд	2,43	1,62
Ахангаран	выше г. Ангрен	1,50	0,76
	ниже г. Ангрен	1,97	1,12
Чирчик	выше г. Чирчик	1,95	1,0
	ниже г. Чирчик	3,95	1,71
Чирчик	выше г. Ташкент	3,70	1,11
	ниже г. Ташкент	4,80	2,07

Для отраслей химической, нефтеперерабатывающей промышленности свойственно загрязнение сточных вод органическими веществами: нефте-продуктами, смолистыми веществами, фенолами, СПАВ, формальдегидом, метаном, органическими кислотами.

По оценке эффективности работы очистных сооружений в городах Ташкент, Чирчик, Бекабад, Алмалык, Ангрен и Ахангаран выяснилось, что на всех очистных сооружениях идет довольно эффективная очистка сточных вод от легкоокисляемой органики (52-65%), преобладающей в коммунально-бытовых сточных водах.

Одним из важных показателей загрязнения воды и содержания в ней легкоокисляющихся органических веществ является биохимическое потребление кислорода – БПК, т.е. количество кислорода, расходуемое на биохимическое окисление органических веществ в воде. В природных поверхностных водах БПК₅ изменяется в пределах от 0,5 до 4 мг/дм³ молекулярного кислорода. В таблице приведены значения БПК₅ и специфических загрязняющих

веществ КЗВ_{спец} для ряда пунктов наблюдений за химическим составом воды, которые расположены на реках Узбекистана выше и ниже крупных городов.

Одним из самых существенных водопользователей, в Ташкенте и поставщиком сбросных вод в сеть каналов и коллекторов является Метрополитен, забирающий из источников водоснабжения 11265 тыс. м³/год.

По данным института «Водгео» в канализацию из него поступает 497,8 м³/сут., через специальные водоотливные установки в коллекторы и каналы сбрасывается еще 472,6 м³/сут. Кроме того, из системы метро откачивается насосами из скважин водопонижения 28272 м³/сут грунтовых вод, которые также с помощью специальных водоотливных установок (ВОУ) поступают в каналы и коллекторы города, 5744 тыс. м³/год находятся у метрополитена в оборотном водоснабжении.

Влияние города на загрязнение водотоков можно выявить, рассматривая изменение концентраций загрязняющих веществ по длине водотоков

от входа в город до выхода из него. По территории Ташкента протекает более 100 различных каналов, из которых 48 относятся к средним и крупным, суммарная длина их превышает 240 км. Все они питаются водой р. Чирчик. Эксплуатацией каналов города занимается отдел ирригации Ташкентского областного управления водного хозяйства. Крупнейшими каналами является Бозсу, Каракамыш, Кальхауз, Буржар, Карасу, Джун и некоторые из них имеют многовековую историю. Разветвленная сеть мелких каналов орошает не только центр города, но и все его окраины.

Устойчивое

водопотребление невозможно без системы дренажа -вертикального и горизонтального, которая работает в городе. Крупнейшим горизонтальным коллектором является Салар, дренирующий центр и юго-восток Ташкента и питающийся за счет грунтовых вод и сбросов с предприятий. Он проходит через весь город с северо-востока на юго-запад. В 2000 году началась его реконструкция и расходы воды в голове Салара теперь составляют 1-1,5 м³/с, а раньше они составляли 10-15 м³/с, при которых обеспечивался санитарный попуск, поддерживалась оптимальная скорость

воды в русле и не происходило заиления и зарастания его камышом. Вода в Саларе была настолько чистой, что в середине XX века был составлен проект подачи воды в систему Ташкентского водопровода по желобам из этого канала [1]. Канал Карасу (правый) протекает по промышленным зонам и по густонаселенным районам г. Ташкента с частной застройкой. Эти факторы накладывают свой отпечаток на загрязнение канала внутри города: существенно возрастают концентрации тяжелых металлов (цинк, медь) ниже сбросов Ташкентского тракторного завода, а затем ниже ТАПОиЧ и завода Узэлектроаппарат. То же можно сказать и о каналах Анхор, Каракамыш и др.

В Ташкенте также есть 11 малых водохранилищ рекреационного значения, но качество воды в них не контролируется.

В целом по данным Городского комитета охраны природы всего в водотоки города сбрасывается 6,74 млн. м³/год сточных вод. Это свидетельствует о том, что ирригационная сеть городов в современных условиях, особенно на окраинах, представляет собой сточные канавы.

Литература:

1. Ирригация Узбекистана. – Ташкент: «Фан» - Т. 1. - 1975. - с. 165.
2. Мухамеджанов А. Р. История орошения низовьев Зарафшана //Автореф. дисс... док.ист.наук.- Ташкент, 1973.-81с.
3. Рубинова Ф. Э., Гектер М. И. Об изменении стока р. Сырдарьи в пределах Ферганской долины в связи с развитием орошения //Труды САНИИРИ, 1969, вып 119, с. 3-24.
4. Санитарные нормы и правила. Питьевая вода - Узгосстандарт 950: 2000 -Ташкент, - с. 44.

РЕЗЮМЕ

Мақолада шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари ҳудудидан оқиб ўтадиган дарёлар, каналлар сувининг турли чиқиндилар билан ифлосланиши ҳамда бу ҳолатнинг экологик вазиятга таъсири ёритилган.

Рекомендует:

профессор Хикматов Ф.Х.

ВЗАИМОСВЯЗЬ СТРОИТЕЛЬНЫХ ДОПУСКОВ И ТОЧНОСТИ ГЕОДЕЗИЧЕСКИХ ИЗМЕРЕНИЙ

Мубораков Х.

Строительный допуск Δ на конструкции (геометрического параметра) проектное положение смонтированной можно выразить через

$$\Delta = t_{\alpha} \sigma, \quad (1)$$

где t_{α} - некоторый параметр определяемый в соответствии с задаваемой вероятностью α ; σ - среднее квадратическое отклонение.

В практике геодезических исполнительных съёмок точность установленных в проектное положение элементов конструкций характеризуется средним квадратическим отклонением, средним отклонением и вероятным значением отклонений.

Наибольшее применение в практике геодезических измерений имеет показатель – среднее квадратическое отклонение. Это диктуется тем, что среднее квадратическое отклонение является устойчивой уже при числе измерений равное 20-25, характерных исполнительным съёмкам в процессе строительства. Таким образом, не требуется выполнять большой объем измерений для суждения о точности, что особенно ценно для практики измерений на строительных площадках.

Обычно вероятность $P = 0,95$ лежит в основе практических расчетов допустимых погрешностей при измерениях и в основе расчета точности сопряжения сборных элементов строительных конструкций. Исходя, из этого при различных технологических операциях и производстве строительно-монтажных работ допуск выражают в виде

$$\Delta = \pm 3\sigma, \quad (2)$$

из (2) для стандарта параметра можно написать

$$\sigma = \pm 0,33\Delta. \quad (3)$$

Обоснование точности основных геодезических работ нашли широкое отражение в классической литературе. Однако вопросы проектирования и расчета точности инженерно-геодезических работ для целей строительства объектов различной сложности и разработка конкретной методики применительно условиям строительной площадки, типу и точности имеющихся в наличии геодезических приборов не нашли достаточного изучения.

Из большого опыта сборного строительства известно, что на установку в

проектное положение конструкций влияют, независимо друг от друга, погрешности: изготовления строительных конструкций (m_u); геодезических разбивочных работ или геодезических контрольных измерений (m_r); монтажных операций (m_m). Тогда суммарная величина погрешности в положении конструкции выразится формулой

$$m_c = \sqrt{m_u^2 + m_r^2 + m_m^2}. \quad (4)$$

Опыт показывает, что в большинстве случаев указанные погрешности носят случайный характер.

Исследования разных авторов позволяют в качестве соотношения между точностью геодезических разбивочных работ и величиной строительного допуска Δ использовать

$$m_p = 0,35\Delta. \quad (5)$$

Приведенное соотношение (5) приведет к необоснованному занижению точности геодезических разбивочных работ.

Если предположить, что составляющие погрешности в формуле (4) равнозначны, т.е. $m_u = m_m = m_r$ из неё же можно написать

$$m_c = m_r \sqrt{3}. \quad (6)$$

Или пользуясь принципом соотношения допуска и стандарта в (3) из формулы (6) для точности контрольно-геодезических измерений напишем

$$m_r = 0,19\Delta. \quad (7)$$

Из этого следует, что средняя квадратическая погрешность контрольно-геодезических измерений при установке конкретной конструкции в проектное положение, не должна превышать 19% величины строительного допуска.

Тщательный анализ природы возникновения погрешностей изготовления сборных конструкций и строительно-монтажных работ показывает, что определяемые из соотношения (7) точности обеспечить технологически значительно труднее и в добавок требует довольно больших затрат средств и времени. Тогда, как повышение точности контрольно-геодезических измерений практически вполне реально. Учитывая это можно

поставить условие, чтобы контрольно-геодезические измерения производились в два раза точнее, чем остальные составляющие в формуле (4). Тогда можно написать $m_u = m_m = 2m_r$. Далее из (4) по аналогии (6) и (7) получим, что

$$m_r = 0,15\Delta. \quad (8)$$

Так, например, по нормативному документу допуск Δ на отклонение колонны от вертикальности устанавливается по выражению $\Delta = 0,001H$, где H - высота колонны. Для колонны высотой $H = 15$ м имеем $\Delta = 0,001 \cdot 15 = 15$ мм. Тогда по формуле (8) вычислим погрешность геодезического измерения отклонения колонны от вертикальности, которая составит $m_r = 0,15 \cdot \Delta = 0,15 \cdot 15 = \pm 2,2$ мм. Такую точность вполне можно обеспечить даже теодолитом технической точности при организации измерений по соответствующе подобранной методике.

В КМК, ГОСТ и др. нормативных документах, в которых приводятся строительные допуски на различные виды работ не указываются значения параметра t_α .

С учетом сказанных и исходя из экономических соображений, рассмотрим целесообразность выбора того или иного значения t_α в формуле (1) в случае, когда допуск накладывается на погрешность измерения проектного положения одного элемента. Пусть требуется измерения провести так, чтобы погрешность результата δ не превысила установленного допуска, т.е. $|\delta| \leq \Delta$. Этого можно обеспечить задавая значением вероятностей α и ему соответствующее значение параметра t_α . Такой подход можно использовать, когда для производства измерений указанной величины имеется в наличии прибор точность измерения которым соизмерима с заданным допуском, т.е. $\sigma = \Delta$. Рассмотрим варианты расчета при значениях $t_\alpha = 1, 2$ и 3 .

При значении $t_\alpha = 1$ из формулы (1) допуск будет $\Delta = t_\alpha \cdot \sigma_1 = \sigma_1$.

В этом случае в среднем 31,73% доброкачественных результатов измерений следует забраковать, вследствие чего значение средней квадратической погрешности измерений уменьшится. При этом новое значение погрешности, определяемое с учетом допуска составит $\sigma_1^1 = \sigma_1 \sqrt{K} = 0,54\sigma_1$, где K - коэффициент точности по ГОСТ. Из этого следует, что получаемый результат окажется почти в два раза точнее, чем требуется по условию.

Далее принимая $t_\alpha = 2$ получим допуск равный $\Delta = t_\alpha \cdot \sigma_2 = 2\sigma_2$, откуда $\sigma_2 = 0,5\sigma$. Тогда в среднем 4,55% доброкачественных результатов измерений приходится забраковать и полученный новый стандарт погрешности измерений составит $\sigma_2^1 = \sigma_2 \sqrt{K} = 0,88\sigma_2$.

Для обеспечения заданной точности измерений со средней квадратической погрешностью $\sigma_2 = 0,5\sigma$ из следующего выражения определим необходимое число измерений контролируемого параметра

$$\sigma_2 + \Delta\sigma_2 = 0,56\sigma \triangleright \frac{\sigma}{\sqrt{n}}, \quad (9)$$

где $\Delta\sigma_2 = \sigma_2 - \sigma_2^1$; n - необходимое число измерений. Условие неравенства (9) обеспечивается в том случае, если в правой её части принять $n \geq 4$. Из этого следует, что для обеспечения заданного допуска σ_2 , необходимо число измерений увеличить в четыре раза, чем в первом случае (т.е. при $t_\alpha = 1$). Задавая значением $t_\alpha = 3$ для допуска имеем $\Delta = t_\alpha \cdot \sigma_3 = 3\sigma_3$ где $\sigma_3 = 0,33\sigma$. В этом случае только 0,27% годных измерений будут забракованы, при изменении стандарта равном $\sigma_3^1 = \sigma \sqrt{K} = 0,98\sigma_3$. При $\sigma_3 = 0,33\sigma$ для достижения заданной точности измерений требуется увеличить число измерений до количества, удовлетворяющие следующее неравенство

$$\sigma_3 + \Delta\sigma_3 = 0,34\sigma \triangleright \frac{\sigma}{\sqrt{n}}. \quad (10)$$

Из (10) следует, что условие обеспечивается при $n \geq 9$, т.е. для обеспечения установленного допуска

число измерений параметра нужно увеличить до девяти раз. Выше приведенные результаты анализа показывают, что при наличии прибора стандарт σ погрешности измерения которым сопоставим со значением заданного допуска на измерение параметра для определения величины расчетного допуска экономически целесообразнее использовать значение $t_\alpha = 1$. В остальных случаях (при $t_\alpha = 2$ и 3) для достижения необходимой точности число измерений требуется увеличить соответственно в четыре и в девять раз.

Однако на практике почти не бывает случаи, когда допуск накладывается только на одну измеряемую величину. Поэтому рассмотрим случай наложения допуска на случайную погрешность функции измеренных аргументов

$$\Delta_f = c_1\Delta_1 + c_2\Delta_2 + \dots + c_n\Delta_n, \quad (11)$$

где Δ_i - случайная погрешность i -й измеренной величины.

Проведенный анализ подтверждает, что выше сделанные выводы при наложении допуска на погрешность измерения отдельной величины распространяются и для погрешностей

функций измеренных аргументов. При этом возникают дополнительные условия, связанные с появлением погрешностей 1- и 2- рода.

При $t_\alpha = 1$ вероятность появления погрешностей 2- рода довольно высокая. А это означает, что значительная доля забракованных результатов измерений могут быть приняты как годные. Следовательно, при ответственных геодезических измерениях, где нельзя допускать погрешности 2- рода, не следует использовать жесткие допуски ($t_\alpha = 1$ или 2). Их можно использовать лишь в обычных технических измерениях, когда вероятность появления погрешностей 2- рода особо не ограничивается, что позволит значительно сократить число измерений.

Таким образом, можно сделать заключение о том, что наложение допусков на погрешности функций от результатов измерений имеет определенные преимущества. Они позволяют контролировать и исключать грубые погрешности из результатов измерений, повышают точность полученных результатов.

Литература:

1. ГОСТ 21779-82. Система обеспечения точности геометрических параметров строительстве. Технические допуски.
2. Неумывакин Ю.К., Сухов А.В., Шмелин Н.А. Геодезический контроль качества строительномонтажных работ. Стройиздат., М., 1988.

РЕЗЮМЕ

Курилиш конструкцияларини лойиҳа ўрнига ўрнатилганининг аниқлиги, уларнинг геодезик ижровий съёмкисини бажариб баҳоланади. Мақола меъёрий ҳужжатларда белгиланган алоҳида конструкцияни ўрнатиш чекли хатосидан келиб чиқиб, геодезик ўлчалар зарурий аниқлигини назарий асослаш масаласига бағишланган.

Рекомендует:

доцент Эгамбердиев А.Э.

ЙИРИК МАСШТАБЛИ КАДАСТР ПЛАН ВА КАРТАЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Қорабоев Ж.С.

Ҳақиқий воқеликни географик жойланиши, ички ва ташқи алоқаларини,

тузилишини, сифат ва микдор кўрсаткичларини, баҳоси ва таннарини

тасвирий белгиларда шартли умумлаштирилган ҳолда ифодаладиган картографик моделни яратиш, йирик масштабли кадастр план ва карталарини тузишнинг назарий асослари ҳисобланади. Картографик моделлар воқеа ва ҳодисалар тўғрисида жамланган ахборот ва маълумотларни ўзига ҳос усулларда тарқатиш имкониятларини берадилар. Давлат кадастрлари ягона тизимининг план ва карталари маълум табиий ёки маъмурий ҳудудда тарқалган социал иқтисодий ва табиий ресурсларнинг ҳозирги ҳолати тўғрисидаги маълумот ва ахборотларни ўзларида мужассамлаштирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 255-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат кадастрлари ягона тизими барпо қилинган. Давлат кадастрлари ягона тизимини юритишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- Бутун Республика ҳудудини камраб олиш;
- Марказлаштирилган ҳолда бошқариш;
- Кадастр маълумотларини бутун республика ҳудудидида бир хил усулда йиғиш ва ишлов бериш;
- Кадастр план ва карталари учун бир хил тизимдаги фазовий координаталар тизимини ва умумий топографик асосни қўллаш;
- Барча турдаги кадастр тизимларини ер кадастрлари асосида тузиш;
- Автоматлаштирилган геоинформацион технологияларни қўллаш;
- Ахборот ва маълумотларни тўғрилиги, замонавийлиги, тўлаллиги ва аниқлигини таъминлаш;
- Маълумотларни доимо тўлдириб бориш ва янгилаш;
- Маълум доирадаги фойдаланувчиларга тегишли маълумотларни махфийлигини сақлаш.
 - Фазовий координаталарнинг ягона тизимини қўллаш;
 - Кадастрга доир ахборотни шакллантириш услубиятининг ягоналиги;
 - Кадастрга доир ахборотларнинг аниқлиги ва уларни ҳамма учун очиқлиги.

Йирик масштабли кадастр карта ва планлари умумдавлат карталари бўлиб халқ хўжалигини эҳтиёжини қондириш, давлат кадастр тизимини юритиш ва кадастр маълумотларини маълум географик маконга боғлаб муайян замонда кўрсатиш учун хизмат қиладилар.

Бир хил мавзудаги ва бир хил масштабдаги кадастр карталарининг мазмуни, қўлланилган шартли белгилари ва легендалари бутун республикамиз ҳудуди учун умумий бўлади. Давлат кадастр план ва карталари мунтазам равишда янгиланиб турадилар.

Давлат кадастр план ва карталари қуйидаги вазифаларни бажариш учун ишлатиладилар:

1. Табиий географик ва социал иқтисодий жараёнларни ўрганиш учун батафсил маълумотлар олиш.
2. Табиий ва социал иқтисодий бойликларни захирасини, чегарасини ва географик жойлашишини билиш.
3. Солиқлар чегарасини (миқдорини) аниқлаш (Ер ва бошқа табиий бойликлардан фойдаланганлиги учун).
4. Ер участкалари, экин майдонлари, яйловлар, ўтлоқлар, ўрмонлар ва х.к. баҳолаш ва тан нархини аниқлаш.
5. Табиий ва социал иқтисодий бойликлардан оқилона фойдаланиш йўллари аниқлаш ва чора тадбирларни белгилаш.
6. Табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларини баҳолаш, қайта ишлаш, кўпайтириш ва экологик мувозанатни сақлаш учун.

Кадастр карта ва планларида табиий ва социал иқтисодий бойликлар, воқеа ва ҳодисаларнинг географик жойланишини берилибгина қолмасдан уларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари мутлоқ миқдорда, маълум бир вақтдаги янги маълумотларга асосланиб картада образли – белгилар асосида тасвирланади. Шунинг учун йирик масштабдаги давлат кадастр карталари ва планлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:

- Бир хилдаги географик координаталар, балндликлар ва номенклатура тизимида бўлиши;

- Бир хилдаги шартли белги ва легендалар тизимида тасвирланиши;

- Қўлланилган масштаб аниқлигида картага олинаётган табиий, социал-иқтисодий бойликларни, ҳамда бошқа воқеа ва ходисаларни ҳозирги ҳолатини, ўзига хос хусусиятларини, замон ва маконда жойлашишини ва фойдаланишини картографик тасвирларда ифодаланиши;

- Жихозланиши содда, ўқилиши қулай ва керакли маълумотларни тезкор олиш имкониятларини бериши;

- қўлланилган масштаб аниқлигида географик координаталарни аниқлаш, картага олинган табиий ва социал-иқтисодий бойликларни сифат ва миқдор кўрсаткичларини аниқлаш ва керакли картометрик ишларни олиб бориш имкониятларини бериши;

- Карталар маъноси ва номенклатура варақларининг чегаралари ўзаро келишилган бўлиши, яъни бир - бирининг маъно ва чегараларини инкор этмаслиги, яъни айнан қайд этишлари ва тўлдириб боришлари ;

- Давлат кадастр карта ва планлари учун ягона картографик асос қўлланиши;

- Бир-бирига яқин қўшни листлар (карта варақлари) картада ифодаланган барча маълумотлар, чегаралар, номлар ва хоказолар бўйича солиштирилганда бир хил бўлиши;

- Давлат кадастрлари план ва карталарининг легенда ва шартли белгилари давлат кадастр хизмати талабларига мос ва улардан фойдаланувчилар имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тузилган бўлиши.

Ҳозирги вақтда қуйидаги уч хил кадастр тизими мавжуд:

1. Юридик кадастр.

2. “Фиксал кадастр” ёки солиқ кадастри.

3. Кўп мақсадли кадастр.

Юридик ёки ҳуқуқий кадастр деганда барча турдаги кадастр объектларига эгалик қилиш учун ва улардан фойдаланиш учун ҳуқуқ берувчи ҳужжатлар йиғиндига айтилади. Бу ҳужжатлар юридик ёки жисмоний шахсни кадастр объектларига нисбатан бўлган ҳуқуқини таъминлаб берадилар. Яъни

юридик ёки жисмоний шахс кадастр объектдан қай турда фойдаланиш ҳуқуқига эгалигини тасдиқловчи ҳужжатлар тўплами йиғиндисидан иборат бўлади.

Юридик кадастр қуйидаги ишларни олиб бориш учун фойдаланилади:

- Кўчмас мулк иншоотини гаровга қўйиб ссуда олиш ва олинган ссудани банкка қайтариш, гаров мажбуриятини бажариш учун;

- Кўчмас мулк бозорини назорат қилиш, керагида бозор муомалаларини бажариш ишларини таъминлаш;

- Ер ислохотини олиб боришда фойдаланиш;

- Давлат ер ресурсларидан фойдаланиш ва ундан фойдаланишни бошқариш;

- Кўчмас мулк ва бошқа кадастр объектларидан солиқ ундириш;

- Ер ва кўчмас мулкка эгалик қилувчи шахсни қонуний тан олишни таъминлаш;

- Ер участкаларининг чегараларини ўрнатиш ;

- Кадастр съёмкаларини олиб боришда, ҳар хил ўлчов ишларини бажаришда қонуний ҳужжат сифатида фойдаланиш;

- Ер майдонларини ва бошқа кўчмас мулк объектларини миқдор ва сифат кўрсаткичларини қонуний реестрларга ёзиб бориш ва янгилаш;.

Фиксал кадастр. Фиксал кадастр ёки солиқ кадастри маълум бир кадастр объекти учун унинг қиймати, чегаралари, майдони ва маълум географик ҳудудга боғланганлиги, у жой ёки объектнинг таннархи ҳамда солиқ миқдорини ҳисоблаб чиқиш учун керакли бўладиган маълумотлар кўрсатилади.

Фиксал–солиқ кадастри қуйидаги ишларни бажариш учун фойдаланилади:

- Маълум ҳудудлар учун уларни келажакда ривожланиши, ўзлаштирилиши ва бошқа ишлар учун инвестициялар ажратиш ҳамда ажратилган инвестицияларни ҳаётга тадбиқ қилиш учун;

- Ер ва бошқа кўчмас мулкларни бозорини назорат қилиш ва бошқариш мақсадида назорат қилиш учун;

- Ердан фойдаланишни назорат қилувчи корхоналарга ерлардан оқилона

фойдаланишни назорат қилишга хизмат қилади;

- Булардан ташқари кадастр маълумотларидан фойдаланувчи барча ташкилотларга аниқ маълумотлар беради.

Фиксал кадастрнинг асосий вазифаларидан бири – ҳар бир кўчмас мулк объектига солиқ ундирилувчи объект сифатида қараш. Будаё кадастр объектларига мисол қилиб ер участкаси, алоҳида иморат, аҳоли яшайдиган уйлар, ер майдонига эга бўлган хонадон ва бошқа шунга ўхшаш объектларни олишимиз мумкин. Улар солиқ тўловчилар сифатида ҳисобга олинадилар.

Фиксал–солиқ кадастрини юритишда, давлат кадастри план ва карталаридан фойдаланиб қуйидаги ишлар бажарилади:

1. Барча ер участкаларини ҳисобга олиш ва карта ёки планга тушириш. Шу ердаги кўчмас мулк объектларини солиққа тортиш йўллари кўрсатиш. Асосий ишлардан бири доимо янгиланиб турувчи ер планини ёки кадастр картасини тузиш, унда картада барча кўчмас мулк объектлари ўзларининг кадастр рақамларига эга бўлиб, шу рақамларга кадастр объектларига тегишли бўлган барча маълумотлар боғланиб боради. Бу маълумотлар кадастр объектини жойлашган ўрни, майдони, конфигурацияси ва баҳосини аниқлашга хизмат қиладилар.

2. Маълумотлари ёзилган ҳар бир кўчмас мулк объекти ишлаб чиқилган классификациялар бўйича зоналарга бўлиб кўрсатилади. Масалан, фойдаланиш йўллари, ўлчамлари (размери), иморатнинг тури, ҳолати ва бошқалар.

3. Кўчмас мулк объектларининг бозори маълумотларини йиғиш, яъни таннархи, сотилиш нархи, аренда нархи ва шунга ўхшаш ишларни бажариш учун фойдаланилади.

4. Ҳар бир кадастр объектининг ўзининг таннархи ва сотилиш нархини аниқлаш;

5. Солиқларни тўлашга жавобгар кишиларни аниқлаш, юридик эгасини топиш ва бошқа ишлар учун;

6. Солиқ тўловчиларнинг рўйхатини тайёрлашга ёрдам беради;

7. Солиқлар бўйича хабарлар юбориш, солиқ тўловчини огоҳлантириш ва солиққа тортилаётган кадастр объектини аниқлаш учун фойдаланилади.

Кўп мақсадли кадастр. Кўп мақсадли кадастр деб, юридик ва фиксал кадастрнинг биргаликда олиб борилишига айтилади. Иккала кадастрни қўшиб олиб бориш учун қуйидаги ишлар бажарилади:

1. Ер участкалари ёки кадастр объектлари аниқланади ва уларга кадастр рақамлари берилади.

2. Ер участкалари ёки кадастр объектларининг қонуний эгалари топилади. Қонуний эгалари бўлмаса, арендаторлар (улардан фойдаланувчилар) аниқланади.

3. Давлат кадастр объектларини кадастр карта ва планларини тузиш учун топографик съёмкалар ўтказилади ва бу съёмкаларда жойларнинг чегаралари ҳамда объектларнинг планли ўрни аниқланади.

4. Кадастр объектларини карта ва планлари тузилади.

Ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий ва табиий воқеа ва ҳодисаларни, уларни ҳудудий фарқланишини, сифат ва миқдор кўрсаткичларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш учун картографик тадқиқот усулларида фойдаланишни тақозо этади. Бу усуллар, нафақат ҳудудий фарқланишни, балки уларга мос ҳудудий табиий ва иқтисодий мажмуалар тизимини, уларнинг ривожланиш қонуниятларини ҳам аниқлаш ва ўрганиш имкониятларини беради ҳамда улардан оқилона фойдаланиш бўйича турли илмий асосланган башоратлар қилиш ва чора тадбирлар яратиш имкониятини беради.

Давлат кадастр тизими учун йирик масштабдаги кадастр карталари асосий ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Бу Ўзбекистон Республикасининг Давлат кадастрлари ягона тизими тўғрисидаги қонунида ҳам ўз ифодасини топган.

РЕЗЮМЕ

В статье приводятся основные требования к разработке содержания крупномасштабных карт.

Тавсия этувчи:

доцент Эгамбердиев А.Э.

ТУРИСТИК КАРТАЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Гулмуродов Ф.

Туризм карталарининг классификацияси уларни лойихалашнинг, ГАТ тузиш ва тегишли ҳудудий маълумотларни тизимли ташкил қилинишнинг методологик асоси бўлиши мумкин.

Қуйида тақдим қилинган вариантни кўриб чиқамиз (чизма). Классификацияни ишлаб чиқишда биз туристик карталарни туризм мақсадлари учун мўлжалланган географик карталар сифатида тушунишга асосландик. Ўз навбатида туризм (французча-tourisme сўзидан tour-сайр, саёҳат) билиш (танишиш) мақсадларида дам олиш учун бажариладиган, ҳамда спорт характериға эға бўлган ўз мамлакати (ички туризм) ёки бошқа мамлакатлар (халқаро туризм) бўйлаб ташкил қилинган ёки ташаббусли (уюшмаган) саёҳатлар сифатида ажратилади.

Келтирилган классификациянинг биринчи босқичида, қайсики карталарни лойихалашнинг ягона ёндошувига, бирор мақсадға қаратилганлигига ва информацияларни саралаш тадбирларига мувофиқ ҳар хил маконий қамровли ҳудудларни намойиш қилувчи турли масштабли карталарни картографиялаш даражалари ажратилади. Картографиялаш даражалари ўзаро боғлиқ, аммо ҳар бир тасвирланадиган объектлар классификациялари, карталар расмийлаштирилиши ва бошқаларнинг математик, умумгеографик асосларида акс этувчи ўз хусусиятларига эға.

Туризм бир томондан-аҳолининг рекреацион ва билиш (танишиш) эҳтиёжларини қондиришнинг энг самарали воситаси бўлса, бошқа томондан эса туристларнинг моддий ва номоддий-транспорт, меҳмонхона хўжалиги, савдотик, экскурсия, маданий томоша, спорт, даволаш-соғломлаштириш хизматларига

бўлган эҳтиёжларини қондирувчи иқтисодийнинг ноишлаб чиқариш соҳаларидаги корхона ва ташкилотлар тармоғидир. Бу карталарни биринчи навбатда, икки йирик блокка: хусусий туристик карталарға (ташкил этилган ва ташкил қилинмаган (хаваскор) туристлар учун) ҳамда туризмни ташкил қилиш ва режалаштириш карталарига бўлинишиға сабаб бўлади.

Ташкил қилинган туризм деганда-хизматлар мажмуасини тақдим этувчи белгиланган туристик муассасаларға дастур бўйича сайёҳат қилиш тушунилади. Ташкил қилинмаган туризм (ташаббусли)-ўз-ўзига хизмат кўрсатишнинг умумий аҳамиятли бўлган туристларнинг ўзи ишлаб чиққан режа бўйича сайёҳатдир. Туризмнинг ташкил қилинмаган шакли учун карталар транспорт, туризм инфраструктураси ва унинг ҳавфсизлигига алоқадор маълумотларнинг катталиги билан фарқ қилиши керак.

Картографик таъминотда танишув (билиш), рекреацион, табиат, тарихий-маданий, воқеаларға бой, этнографик, умумлашма, саргузашт, соғломлаштириш, спорт, экстремал, диний, экологик, яёв, отлиқ, велосипед сайрлари ва х.к. туризмнинг энг хилма-хил турлари ва шаклларига эҳтиёж сезилади. Шунинг учун карталар классификациясида биз туристик карталарнинг шу қадар турли-туман тематикаси (кенг ва тор йўналтирилган) ва турларининг эҳтиёжларини акс этиришиға уриндик.

Хусусий туристик карталар туристлар қизиқиш билдирадиган барча ҳудудлар бўйича объектларни ёки муайян маршрут бўйича (объектлар маршрут доирасида кўрсатилади) йўналишли лойихаланган ҳудудий (ареал) қамровға эға

бўлган обзор карталар бўлиши мумкин. Маршрутли карталар орасида пиёда, велоспид сайрлари, отлик, автомобил, темирйўл, сув, тоғ, комбинациялашган (биргаликдаги) сайёҳатлар карталари ажратилади. Экскурсион маршрут турларининг бу рўйхатини давом эттириш мумкин.

Умумий карталар жойларнинг асосий манзарасини(умумгеографик элементларни) ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари (яшаш, умумий овқатланиш, алоқа, медицина хизмати, дам олиш жойлари пунктлари ва б.), туристлар учун маълумот информация марказлари, ҳар хил спорт турлари билан шуғулланадиган оммавий дам олиш жойлари, диққатга сазовор жойлар, мерос объектлар жойлашуви ҳақидаги гувоҳлик берувчи умумий туристик информация беради. Одатда, шаҳарларнинг бу туристик планлари ва оммавий тур карталари-баъзида ўлкашунослар, туристлар, ўқувчилар учун мамлакатшунослик, ўлкашунослик мазмуни билан кенгайтирилади. Улар ҳудуд билан танишиш учун, саёҳатлар маршрутларини танлаш учун, умумий маълумот олиш учун фойдаланилади.

Табиат карталари гўзал ландшафтлар мажмуасини, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни, табиий ёдгорликларнинг муайян хусусиятларини (вулканик, спелеологик (ғорлар билан боғлиқ), гидрогеологик, биологик вужудга келган) тўлиқ ёритади. Сўнгги йилларда ранг-баранг табиат манзаралари орқали ифодаланувчи, максимал экзотиклик кўрсаткичларига эга бўлган ҳудудлар катта шухрат қозонмоқда. Бу ерда иқлим шароитларининг кескин алмашинуви юзага келтирган бир мавсумдан бошқасига (масалан, қишдан ёзга ва аксинча) ўтиш билан боғлиқ саёҳатлар олиб бориш мумкин.

Тарих ва маданият билан танишув карталари тарихий, ҳарбий-тарихий воқеалар ёдгорликлар, ажойиб кишилар ҳаёти, археологик, этнографик мавзулар, шаҳарсозлик ва архитектура ёдгорликлари, халқ касб-корлари ва ҳунармандчилиги жойлари, уларнинг ихтисослиги ва

хусусиятларини очувчи кенг ёки тор йўналишдаги мавзуларга ҳам бағишланади.

Соғломлаштириш-рекреацион туризм карталари турли ихтисослик курортлари, даволаш рекреация зоналари ва б. соғломлаштириш туризми ресурсларини кўрсатиш мақсадларига эга.

Спорт ва ҳаваскорлик туризм карталари тегишли равишда спорт маршрутларини ҳар хил турлари ва мураккаблик тоифаларини, спортга ориентирлашнинг маршрутлари ва участкаларини, турли хил спорт мусобақаларини ўтказиш жойларини: уларнинг натижаларини; ов ва балиқ овлаш учун кўркам жойларни ва бошқаларни тасвирлашга бўйсундирилган.

Туризмни ташкил қилиш ва режалаштириш карталарининг долзарблиги хусусий карталарникидан кам эмас, негаки кўплаб мамлакатлар иқтисодиётида туризм соҳаси етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Баъзи районларда туризм уларнинг тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатишга қодир бўлган бирдан-бир соҳа ҳисобланади. Бу гуруҳда биз карталарнинг қуйидаги турларини ажратамиз.

Туризм рекламалари ва ташвиқот карталари дам олиш жойларини, қадимий ёдгорликларни оммалаштириш учун, мамлакатнинг ўзидаги ва хорижий туристларни жалб этиш учун мўлжалланган.

Туризмнинг тарихий ривожланиши ва динамикаси карталари туристик фаолият ривожини, унинг моддий базасини, ташкилотларини, хизматлар ҳажмини, рекреацион ресурсларнинг турли жиҳатларини тарихий планда акс эттиради. Бу карталарнинг мавзулари туристлар микдорининг ўсиши, туристлар оқими ижтимоий таркибининг ўзгариши, сарф-харажат кўрсаткичлари, турли жойларда туризмнинг концентрациялашиш (тўпланиш) даражаси, унинг географик тақсимланиш динамикаси мавзуларида ҳам бўлиши мумкин. Бир қатор техник, ташкилий, илмий муаммоларни ҳал қилиш учун, истиқболли районларни ва туризмнинг ривожланиш йўналишларини аниқлаш учун карталар муҳимдир.

Туристтик инфраструктура карталари маҳаллий аҳолига ва туристик хизматлар таклиф қилишда қатнашувчи корхоналарга (шаҳар ва халқаро транспорт корхоналари, савдо, овқатланиш, соғлиқни сақлаш, маданий томоша спорт ва бошқа ташкилотлар) хизмат кўрсатишга тааллуқли регионнинг ишлаб чиқариш ва инфраструктура карталаридан фарқ қилади. Бутун инфраструктура карталарида худуднинг туризм мақсадлари учун тузилганлик (қурилганлик, тузатилганлик) даражаси акс эттирилади.

Районлаштириш карталари турли туман баҳолаш натижаларини ва худудларни функционал зоналаштиришни акс эттириши мумкин. Масалан, қисқа муддатли оммавий туризм, транзит, йил давомида кечадиган, муайян овчилик турлари (ов, балиқ овлаш) билан боғлиқ мавсумий зоналарни, даволаш рекреацияси зоналарини, туризмнинг табиий ва техноген шароитлари (иқлим, тиббий-географик, санитар-гигеник, ифлослан-ганлик даражаси кўрсаткичлари ва б.) комфортлиги (шинамлиги, қулайлиги) нинг турли зоналарини ажратиш мумкин.

Режалаштириш ва иқтисодий баҳолаш карталари. Туризмни (халқаро, давлат, минтақавий) режалаштириш ерларни умумий худудий режалаштириш билан, ландшафтларнинг рекреацион потенциални, туристик ресурсларни баҳолаш ва туристик районлаштириш билан бевосита боғлиқ.

Бундан ташқари, туризм унга иқтисодий баҳо бериш ва тематикага

мувофиқ карталар тузиш бўйича кўрсаткичлар системасини тавсифлайди. Энг кўп қўлланиладиган кўрсаткичларнинг бир қатор мисолларни кўриб чиқамиз. Улар: моддий-техник базасининг ривожланлиги; жойлаштириш воситалари (имкониятлари) даги ўринлар миқдори (шу жумладан, қулайлиги бўйича бўлинишда); туристик зичлик коэффицентлари (аҳоли бошига тўғри келадиган ўрин миқдори); хизмат-кўрсатиш ҳажми (туристлар сони, ташриф буюрувчи жойлар, шаҳар, мамлакат); муайян жойларда бўлиш давомийлиги; туристик хизматлар учун туристлардан тушган жами пул тушуми ҳажми; иқтисодий тармоқлари тизимида туризмнинг ўрнини кўрсатувчи маълумотлар (туристларга бевосита ва билвосита хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи кишилар сони, аҳолидан тушган барча пул тушумида туристларникининг улуши (савдо-сотик тушуми)); мамлакат тўлов балансида чет эллик туристлардан тушумларнинг улуши (валюта тушуми) билан характерланади.

Кўриб ўтилган карталарнинг мазмуни бўйича типларидан ташқари уларни тақдим этилиши шаклига кўра: қоғозли, рақамли, электрон, мультимедияли, навигацион GPS-карталар, Internet карталарга дифференциациялаш мумкин. Карталарни идрок қилиш учун уларни безатилиши, расмийлаштирилиши катта аҳамият касб этади. Ёрқин бадий дизайн, манзарали тасвир, турли кўрсаткичлар, фотография, тавсифлардан карталарни безатишда қўлланилади.

РЕЗЮМЕ

В статье приводятся полная классификация туристских карт по масштабу, содержанию, по охвату территории и по назначению.

Тавсия этувчи:

доцент Эгамбердиев А.Э.

ЮБИЛЯРЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ!**Қоробоев Жўрабой Сарибоевич**

География фанлари номзоди, доцент Жўрабой Сарибоевич Қоробоев 1950 йил 3-декабрда Чимкент вилоятининг Турбат қишлоғида туғилган. У 1967 йилда мактабни “аъло” баҳоларга медал билан битириб, Тошкент Давлат университетининг География факультетига ўқишга кирди. 1972 йилда мазкур университетни “Географ-картограф” мутахассислиги бўйича тугатгач уни Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошидаги География бўлимига ишга юборилди. 1972-1975 йиллар оралиғида шу бўлим кичик илмий ходими лавозимида ишлади, Ўзбекистон Республикаси икки жилдлик мажмуали атласини дастурини ёзишда, компановкасини тузишда ва табиатни муҳофаза қилиш бўлими карталарини тузишда фаол иштирок этди.



Қоробоев Ж.С. 1976-1979 йилларда Москва Давлат университетининг “Картография ва геодезия” кафедрасида аспирантурада тахсил олган. У 1979 йили шу кафедра профессори И.П.Заруцкая раҳбарлигида “Картография” мутахассислиги бўйича “Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш карталарини мазмунини яратиш ва тузиш услублари (Ўзбекистон мисолида)” мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилган.

Диссертацияда илк маротаба Ўзбекистон Республикаси учун 1:1000.000 масштаби “Табиатни муҳофаза қилиш” картаси яратилган ва кейинчалик бу карта 40 нусхада кўпайтирилиб, Ўзбекистон бўйича тарқатилган.

1979-1980 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академияси География бўлими кичик ва катта илмий ходим бўлиб ишлади.

Жўрабой Сарибоевич 1980-1988 “ГЦ Природа” ташкилотининг Ўзбекистон бўлимида, илмий-текшириш секторига раҳбарлик қилди. Сектор, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон республикалари учун 1:500000 масштабдаги мавзули карталарни космик маълумотлар асосида тузишни бошқарди. Табиий бойликларни мажмуавий картографик инвентаризация қилиш ишларида фаол қатнашди. У сектор ходимларининг фаол иштироки билан Ўзбекистон ва Қирғизистон республикалари учун ландшафт ва табиатни муҳофаза қилиш карталари яратилди ва нашр қилинди.

1988-1990 йилларда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмитасининг бош мутахассиси лавозимида ишлади. Собиқ Иттифокда биринчилар қаторида чоп этилган 1:1000000 масштаби Ўзбекистон Республикаси экологик картасини таёрлашда иштирок этди.

Ж.С.Қоробоев 1990-1996 йилларда Тошкент Давлат педогогика институти табиий географии кафедраси доценти лавозимида ишлади. У “Топография асослари ва картография” ва “Табиатни муҳофаза қилиш” фанларидан дарс берди. 1996 йилдан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети География факультети, Геодезия, картография ва кадастр кафедраси доценти лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Доцент Ж.С.Қоробоев 2 та ўқув қўлланма, 90 дан зиёд илмий-услубий мақолалар ва 10 дан ортиқ табиатни муҳофаза қилиш ва экологик карталар муллифи.

Таникли картограф, тажрибали педогог ва камтарин инсон Жўрабой Қоробоевни қутлуг 60 ёшга тўлгани билан Ўзбекистон География жамияти ва жамоаси самимий табриклаб, унга сихат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, илмий фаолиятида янгидан-янги ютуқлар тилайди.

Ўзбекистон География жамияти президиуми

Қорабаева Тўхтаҳон Маҳкамбаевна

Географияфанлари номзоди доцент Қорабаева Тўхтаҳон Маҳкамбаевна 1950 йил 23 ноябрда Чимкент вилояти Туркистон шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

1967 йил Туркистон шаҳридаги 386 мактабни медал билан битириб, шу йил Тошкент Давлат университетининг география факультетига ўқишга кирди. 1972 йил мазкур университетни “Географ-картограф” мутахасслиги бўйича имтиёзли тугатгандан сўнг, Ўзбекистон Фанлар Академияси География бўлимида кичик илмий ходим лавозимида иш бошлади.

1972 -1976 йилларда 2 жилдли Ўзбекистоннинг мажмуали (комплекс) атласини яратишда фаол иштирок этди. Мазкур атласнинг дастури ва компоновкасини, табиий карталар бўлимларидаги карталарни тузишда муаллифларга маслаҳатчи сифатида ёрдам бериб борди. Шу атласдаги табиий шароитни мелиорация ва қишлоқ хўжалик мақсадлари учун баҳолаш карталарининг ҳаммуаллифидир.

Қорабаева Тўхтаҳон Маҳкамбаевна 1977–1980 йилларда Москва Давлат университетининг картография ва геодезия кафедрасида профессор К.А Саличшев раҳбарлигида аспирантурада таҳсил олди. 1981 йилда картография мутахассислиги бўйича “Суғориладиган ва янги ўзлаштирилаётган ерларнинг табиий шароитини мелиорация мақсадлари учун баҳолаш карталарининг мазмунини яратиш услуги” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Қорабаева профессор Т.М. Мирзалиевни ўз устози, профессор А.Рафиқовни илмий маслаҳатчиси деб билади.

1980-1984 йилларда у ўз иш фаолиятини яна Ўзбекистон Фанлар Академияси география бўлимида давом эттирди. Тошкент шаҳрининг 2000 йиллигига бағшланган Тошкент географик атласини яратишда фаол иштирок этди.

1984-1998 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг Ер тузиш факультети геодезия кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлади. Талабаларга “Қишлоқ хўжалиги картографияси”, “Ер тузишда картография”, “Мухандислик геодезияси” фанларидан билим берди.

1998 йилдан ҳозирги кунгача Тошкент Давлат Аграр университети аграрномия факультети дехқончилик ва мелиорация асослари кафедрасида “Ер тузиш асослари”, “Мухандислик геодезияси” фанларидан дарс бермоқда. 1998- 2000 йилларда Тошкент Давлат Аграр университети ўқув - услуб бўлимининг бошлиғи, хотин – қизлар кўмитасининг раиси лавозимларида ишлади.

Қорабаева Тўхтаҳон Маҳкамбаевна ўзининг илмий педагог иш фаолиятида 1 та дарслик, 1 та ўқув кўлланма, 80 дан ортиқ илмий мақола, 5 дан кўпроқ карталар муаллифи.

Ўзбекистон География жамияти Қорабаева Тўхтаҳон Маҳкамбаевнани муборак 60 ёшга тўлгани муносабати билан самимий табриклайди. Унга сихат – саломатлик, илмий, ижодий, таълим ва тарбиявий ишларида барака тилаб қолади.



Ўзбекистон География жамияти президиуми

Илм ва маърифат йўлида

Инсонлар борки, ҳаёти мазмунини ўзи севган фани, касбига бағишлаб, чексиз ҳурмат қозонган. Бухоро давлат университетида ана шундай устозлардан бири география кафедрасининг катта ўқитувчиси, география фанининг фидойиси ва жонкуярларидан Ихтиёр Шахриёрович Аллаёровнинг ҳаёт йўли, ўз касбига муҳаббати, садокати ва илмий изланишлари ёшларимиз учун ибратдир.



И.Ш.Аллаёров Бухоро вилояти Қизилтепа туманида (ҳозирги Навоий вилояти) туғилган. Ўрта мактабни “аъло” баҳоларда тугатиб, Самарқанд давлат университетининг география факультетида таҳсил олди. Ихтиёр Шахриёрович бугун ушбу даргоҳда ўтган кунларини эслаб, илм сирларини ўргатган таниқли ва меҳрибон устозлари М. Умаров, М.А.Абдужабборов, Ф.Баҳриев, С.Нишонов, А.Абдулқосимов, Л.Алибеков, О.Раҳматуллаевларни чексиз ҳурмат билан тилга олади. Албатта, устоздаги меҳнатсеварлик, ўзига нисбатан ўта талабчанлиги, қатъиятлиги, хайрли ишини охирига етказмаса кўнгли тинчимаслиги, садокатли дўстлиги каби нодир фазилатлари ушбу даргоҳда тобланган, шаклланган. Ихтиёр Шахриёрович Аллаёровнинг 1971 йилдан бошлаб ҳаёти ва меҳнат фаолияти Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги БухДУ) билан боғланди. У кафедрада дастлаб ассистент, катта ўқитувчи лавозимларида фаолият кўрсатди, кейинчалик поғонама–поғона ўқув ишлари бўйича декан муовини, университет махсус сиртки бўлим бошлиғи вазифаларида ишлаб университет жамоасида ҳурмат қозонди.

И.Ш.Аллаёров ўзга хос умр йўли ва ҳаёт мактабини ўтамоқда. Қарийб 40 йилдан бери таниқли чўлшунос олим И.Қ.Назаров билан ҳамфикр, ҳамкасб, маслакдош, сирдош дўст, касбдош ва шогирд бўлиб Бухоро вилояти географиясини ўрганиб келмоқда. Бунинг самараси сифатида яқунланиши арафасида турган (АБМК таъсир зонасидаги ландшафтлар ва улардан самарали фойдаланиш мавзусидаги) номзодлик иши яққол мисол бўлади. Устоз кўп йиллик илмий ва педагогик меҳнат фаолияти давомида 60 га яқин мақола, рисола, услубий қўлланма ва тавсиялар яратдики, улардан иқтисодиётда, ёш авлодларни тарбиялашда фойдаланиб келинмоқда.

И.Ш.Аллаёровдаги хислатлар кўпчиликда учрамайди, у айрим кишиларгагина хос. Университет жамоаси, айниқса, олимлари Ихтиёр Шахриёровични китобсевар, нодир кутубхонаси бор киши сифатида билишади. Устознинг шахсий кутубхонасида 2000 дан ортиқ нодир китоблар сақланмоқда. У қатъий интизомли, география фанининг моҳир тарғиботчиси. Бухоро университети илмий ахборотлари журнали ва Халқ сўзи, Бухоронома, Бухоро университети газеталари саҳифаларида ўзининг мазмунли мақолалари билан мунтазам қатнашади.

И.Ш.Аллаёров вилоят умумтаълим мактабларида ўтказиладиган фан олимпиадалари, илмий–услубий, маънавий–маърифий анжуманларининг ташкилотчиларидан бири, фаол педагог. Мактаб географияси учун ёзилган 10 га яқин илмий – услубий рисолалар муаллифи.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, устозга хос бўлган камтарлик, самимият, холисона таҳлил унинг мақола ва китобларида ўз аксини топган. Ўзбекистон География жамияти, Бухоро Давлат университети географлари талабчан ва қатъий фикрли, моҳир педагог И.Ш.Аллаёровни 60-йиллик юбилеи билан табриклайди, унга мустаҳкам соғлиқ ва улкан ижодий муваффақиятлар тилайди.

БухДУ география кафедраси

Ўзбекистон География жамияти президиуми

МУНДАРИЖА

	<i>Бет</i>
Солиев А.С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг географик жиҳатлари.....	3
Зокиров Ш.С., Ибрагимова Р.А. Кичик ҳудудлар табиий географиясининг айрим назарий масалалари.....	7
Назаров И.Қ., Мирзаева И.Э. Кичик ҳудудларни оқилона ташкил қилишнинг географик тамойиллари.....	11
Сабитова Н.И., Рузикулова О.Ш. Особенности засоления почв пустынных ландшафтов Юго-Запада Кызылкума.....	13
Зайнутдинов А., Бобожонов Ғ. Тўқай ландшафтлари.....	16
Верещагина Н.Г., Видинеева Е.М., Рахматова Н.И. Об изменениях горизонтов подземных вод и их минерализации вокруг Айдаро-Арнасайской озерной системы.....	18
Шарилов Ш.М. Тошкент вилояти ландшафтларига антропоген таъсир ва уларнинг ўзгарганлиги.....	21
Исроилов А. Табиий геокимёвий ландшафтларининг шаклланиш ва жойлашиш омиллари.....	23
Ишниязова Ф.А. Тепловая нагрузка на организм каракульских овец в засушливых условиях пустыни	26
Тажиев Қ.Қ. Кичик ҳудудлар тупроқ қоплами структурасини ўрганишда рельеф пластикаси карталаридан фойдаланиш.....	29
Миракмалов М.Т. Кичик ҳудудлардаги топонимик тадқиқотларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	31
Урынбаева Ф.Б. Қорақалпоғистон жой номларининг шаклланишида маҳаллий географик терминлар роли.....	33
Отақулов Ф. Фарғона вилояти топонимик харитасида иқтисодий турмушни акс эттирувчи ойқонимлар.....	36
Тлеубергенова К.А. Экологические понятия в содержании школьной географии.....	38
Шомуратова Н.Т. Геомажмуаларнинг экотуристлик имкониятлари.....	43
Эргашева М. К. Қуйимозор-Тўдақўл мавзеси: рекультивация муаммолари.....	45
Искендеров А.Б. Султон-Увайс тоғи минерал ресурсларининг географик жойлашиши ва хўжаликдаги аҳамияти.....	47
Халмирзаев А.А. Ўзбекистонда бизнес фаолиятининг экологик жиҳатлари	49
Шадрин А.И. Методические основы исследования воспроизводственной структуры региона.....	51
Абиркулов К.Н., Хошимов З.Ю., Қувондиқова Д.К. Аграр соҳани ривожлантиришга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жалб этиш асосида қишлоқ фаровонлигини ошириш	54
Зокиров С., Камолов Б. Фермер ва деҳқон хўжаликлари – аграр соҳа таянчидир (Чуст тумани мисолида).....	57
Холмирзаева З.А. Ўзбекистон Республикасида агробизнеснинг ривожланиш хусусиятлари.....	59
Эгамбердиева У.Т. Тўқимачилик бизнесида рақобатбардошликни кучайтиришнинг асосий йўналишлари.....	61
Комилова Н.К. Некоторые особенности демографической ситуации в Республике Узбекистан	63
Қурбонов. Ш. Б. Кичик ҳудудлар ва кичик бизнес ривожланишининг географик жиҳатлари (Хоразм вилояти мисолида).....	68
Қурбонов П. Р. Кичик ҳудудларда урбанизациянинг ривожланиши (Жанубий Ўзбекистон қишлоқ туманлари мисолида).....	71

Рахматов Ю.Б., Муродова Н.Қ. Навоий вилояти иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятлари.....	75
Рафиев А.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишида инвестицияларнинг ўрни.....	78
Қодиров Р.Б., Атажонов М.М. Андижон вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг айрим масалалари.....	81
Абдуллаев А.Г. Хоразм вилояти озиқ-овқат саноати тармоқлар ва ҳудудий таркибини такомиллаштириш ва ривожлантириш масалалари.....	84
Байназаров К.К. Географические аспекты нефтегазовых проявлений в Устюрте.....	88
Жапаров А.Ф. Қорақалпоғистон Республикасида малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиши ва ривожланиш жараёнлари.....	90
Федорко В. Некоторые агрогеографические и расселенческие особенности устьев небольших горно-предгорных рек Средней Азии.....	93
Худайберганаева Р.Т. Республика саноат ишлаб чиқаришида кичик бизнеснинг ривожланиши.....	97
Мадаминов З.Х. Фарғона вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти.....	100
Ибраимова А.А. Минтақалар ташқи иқтисодий алоқаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни.....	103
Зокирова Н.Э. Жиззах вилоятида кичик бизнеснинг ривожланиш хусусиятлари.....	106
Джурраев М., Абдуллаев И. Сирдарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш.....	108
Қаюмова М.М. Мирзачўл суғориладиган ерларининг ҳозирги мелиоратив ҳолати.....	110
Бадалов Ў.Б. Ургут тумани рекреация ресурсларидан фойдаланиш масалалари.....	112
Ғаппаров А. Н. Жиззах вилояти қишлоқ туманларида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг географик жиҳатлари (Арнасой тумани мисолида).....	115
Дўсманов Ф.А. Аҳоли ўлими ва уни ўрганишнинг баъзи масалалари.....	118
Мадаминов З.Х., Ҳамроқулова Ш.Э., Аҳмедов Ғ.Й. Ўзбекистонда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг ҳудудий жиҳатлари.....	120
Мирзаева Ш.К. Тошкент вилояти ижтимоий- иқтисодий ривожланишида кичик бизнеснинг роли.....	123
Рахимов А.К. Иқтисодий микрорайонларнинг типологик асослари.....	126
Алланов Қ.А., Сатторов А.У. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосида узум етиштириш ва уни қайта ишлашни ривожлантириш (Сурхондарё вилояти мисолида).....	128
Утепова Г.Б. Қишлоқ жойларида аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашнинг устувор вазибалари.....	130
Бўриев С., Ҳайитов Ё., Тўхтаева Г. Бухоро паррандачилик фабрикаси оқова сувларини тозалаш биотехнологияси.....	132
Абдиева З., Эгамбердиева М. Ўзбекистон Республикаси ҳудудий-урбанистик тизимининг шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари.....	135
Умаров А. Географические аспекты экологизации производства с учетом взаимодействия природы и общества.....	138
Ҳамраева Ш. Одам савдоси инсон ҳуқуқларига қарши қаратилган жиноят.....	141
Бахритдинов Б.А., Асиров Х. Устойчивое управление трансграничными водными ресурсами стран Центральной Азии.....	144
Ҳайдаров С.А. Зарафшон дарёси оқимида иқлимий омиллар таъсирини баҳолаш.....	148
Низомов А., Ҳайитбоева Г. Ўзбекистон қадимги сув омборлари географиясини топонимик маълумотлар асосида тадқиқ этиш масалалари.....	151
Сагдеев Н.З., Трофимов Г.Н. Оценка собственных водных ресурсов низкогорий	

Ўзбекистана.....	154
Пирназаров Р.Т. Тўғонли тоғ кўллари, уларни ўрганиш тарихи ва муаммонинг ҳозирги ҳолати.....	158
Мирсаидова С. К. Влияние экологической среды на поверхностные водотоки малых территорий.....	164
Мубораков Х. Взаимосвязь строительных допусков и точности геодезических измерений.....	167
Қорабоев Ж.С. Йирик масштабли кадастр план ва карталарининг вазифалари ва уларга кўйиладиган талаблар.....	170
Гулмуродов Ф. Туристтик карталар классификацияси.....	174
 <i>ЮБИЛЯРЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ!</i>	
Қоробоев Жўрабой Сарибоевич	177
Қорабаева Тўхтаҳон Маҳкамбаевна	178
Илм ва маърифат йўлида (Аллаёров И.Ш.)	179